


631.6
Н-79

У. НОРҚУЛОВ, Ҳ. ШЕРАЛИЕВ

КИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ МЕЛИОРАЦИЯСИ



У. НОРҚУЛОВ, Х. ШЕРАЛИЕВ

057.6
Н-79

КИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ МЕЛИОРАЦИЯСИ

Олий ўқув юртлафиафо илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиуми қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлафи талабалари учун дафслик сифатида тавсия этган.

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси"
Давлат илмий нацриёти
Тошкент 2003

Ушбу дарслик янги давлат стандартига биноан «Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси» фани бўйича қабул қилинган намунавий дастур асосида яратилган бўлиб, қишлоқ хўжалиги таълим соҳасининг «Агрономия» бакалавр йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар, соҳа мутахассислари, агрономлар, фермерлар ва кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
профессор (ТИҚҲМИИ)

М. ҲАМИДОВ

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,
доцент (ТошДАУ)

Б. ТЎХТОШЕВ



© "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"
Давлат илмий нашриёти

Тош ДАУ нашр таҳририят бўлими
Тошкент - 2003

СҮЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш кўрсатилган. Ушбу талаб бўйича атроф муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаб қолган ҳолда ер, сув ва ўсимликлардан оқилона фойдаланиш зарурдир.

Ўзбекистоннинг табиий шароити маданий ўсимликларнинг кўплаб турларини етиштириш учун қулайдир. Бу ўсимликларни биологик талабларини мумкин қадар тўлароқ қондириш ва улардан мунтазам равишда мўл, сифатли, арzon маҳсулот етиштириш учун илмий асосда дәхқончилик тизимини такомиллаштириш ва янги технологияларни жорий қилиш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасида янги аграр ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан қишлоқ хўжалигини йилдан-йилга янги техника, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш яхшиланмоқда, кенг миқёсда ирригация ва мелиорация ишлари амалга оширилмоқда.

Республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш мақсадида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва "Таълим тўғрисида"ги қонунлар ҳаётга изчил тадбиқ қилиниб, улар ўз самарасини бермоқда.

Аграр соҳа учун янги ўқув таълим стандарти жорий қилинди. Фанлар бўйича намунавий дастурлар ишлаб чиқилди ва дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратилмоқда.

Ушбу дарслик ҳам янги давлат стандартига биноан «Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси» фани бўйича қабул қилинган намунавий дастур асосида Тошкент Давлат университети «Дәхқончилик ва қишлоқ хўжалиги мелиорацияси» кафедраси доцентлари У.Норқулов ва Х.Шералиевлар томонидан яратилди.

Муаллифлар дарсликни тайёрлаш жараёнида Республикасида фаолият кўрсатаётган илмий тадқиқот институттарининг тажрибаларидан ва ютуқларидан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлардан ҳамда А.Е.Нерозиннинг «Қишлоқ хўжалик мелиорац. тси», Ҳ.А.Аҳмедовнинг «Зах қочириш

мелиорацияси» ва бошқа олимларнинг асарларидан фойдаландилар.


Ушбу дарслик 600.000 қишлоқ хўжалиги соҳасининг бакалавр «Агрономия» йўналиши мутахассисликлари бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин ер ва сувга бўлган муносабат тубдан ислоҳ қилина бошланди. Ер ва сув манбаларидан оқилона, самарали фойдаланиш учун мамлакатимизда қатор қонунлар ва қарорлар қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг «1993-1994 йилларда янги ерларни ўзлаштириш ва қадимдан сугориладиган ерларни таъмирлашга доир шошиликч чоралар тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Сувдан фойдаланиш тўғрисида» (1993 й.), «Ер солиги тўғрисида» (1993 й. 6 май), «Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси» (1998 й. 30 апрель), «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», (1998 й.), «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида» (1998 й.) ги қонунлари шулар жумласидандир. Ушбу қонун ва қарорлар асосида қишлоқ хўжалигига туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Республикамизнинг умумий ер майдони 2001 йил 1 январдаги маълумот бўйича 44896,9 минг гектар, шундан сугориладиган майдон 4 млн. 273,3 минг гектар ёки умумий майдоннинг 9,5 % ни ташкил қиласиди (1-расм).



Ўзбекистон Республикаси ер фондининг тақсимланиши, % ҳисобига

9,5-сугориладиган экин ерлари; 1,85 - лалми ерлар; 0,85 - кўп йиллик дарахтзорлар; 50,93 - яйлов ва пичанзорлар; 1,32 - томорқа ерлари; 0,18 - мелиорация учун ажратилган ерлар; 2,29 - ўрмонзорлар; - 32,38 - бошқа ерлар; 61,13 - қишлоқ хўжалигига фойдаланилдиган ерлар; 38,87 - қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган ерлар.

Сугориладиган ерлардан олинадиган маҳсулотлар умумий қишлоқ хўжалигидан олинадиган маҳсулотларнинг 95 % ни ташкил әтади. Шунинг учун сугориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, уларни унумдорлигини ошириб бориш, ҳар бир гектар ердан кафолатланган юқори сифатли, арзон маҳсулот олиш муҳим муаммо бўлиб қолмоқда.

Бу муаммоларни ҳал қилишда мелиорация фанининг аҳамияти жуда катта. Чунки сугориладиган ерларнинг 45-50% шўрланган ва ботқоқланган, 68,8% эрозияланган 10-12% гипсли, корбонатли тупроқлардан иборат.

Шу билан бирга сугориладиган ерлар таркибида жуда унумсиз қум ва қумлоқ, тошлоқ, шагал тупроқлар ҳам кенг тарқалган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ерлардан унумли фойдаланиш учун мелиорация тадбирлари зарурӣ омиллардир.

Ўзбекистонда тупроқнинг шўрланиши, ботқоқланиши, эрозияси, гармсел шамоли ва сув таъминотининг пастлиги, қумликларнинг кўчиши туфайли сугориладиган ерлардаги қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги тахминан 50-60% гача камайиб, сифатсиз ва заифлашган бўлади.

Масалан, шўрланмаган ерларда пахта ва буғдой ҳосилдорлиги 40-50 ц/га гача бўлса, шўрланган ерларда эса унинг ҳосилдорлиги 15-20 ц/га дан ошмайди. Тупроқнинг шўрланиши, ботқоқланиши ва эрозияси натижасида дарахтлар қурийди, ўсимликлар ўсиш ва

ривожланишдан тўхтайди, бинолар, йўллар, кўприклар, гидротехник иншоотлар емирилади.

Ерларни мелиорация қилиш натижасида шўрланиш, ботқоқланиш, эрозия ва бошқа барча табиий ва антропоген заарали оқибатлар бартараф қилинади.

Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш ишларини ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштириш ва бошқа мелиоратив тадбирлар дечқончиликнинг маданий савиясини белгилаб беради. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий ривожланишига асосий омил бўлади.

1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕРЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ

Хозирги вақтда республикада шўрланган ерлар суғориладиган ер турларининг умумий майдонидан 46% ни, шу жумладан, кучсиз шўрлангани – 25%, ўртача шўрлангани – 15% ва кучли шўрлангани – 6% дан ортиқроғини ташкил этади.

Турли даражадаги шўрланишга Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманлари, Хоразм, Бухоро, Жиззах (Бахмал, Галлаорол, ва қисман Жиззах, Зомин туманларидан ташқари) ва Сирдарё (Ховос туманидан ташқари) вилоятлари, Андижон вилоятининг Балиқчи, Улуғнор, Бўз туманлари, Навоий вилоятининг Конимех, Хатирчи, Навоий ва Қизилтепа туманлари, Наманганд вилоятининг Мингбулоқ тумани, Самарқанд вилоятининг Жомбой, Оқдарё, Гўзалкент, Пахтачи, қисман Пастдарғом ва Самарқанд туманлари, Сурхондарё вилоятининг Ангор, Жарқўргон, Қизириқ, Термиз, Шеробод, Музробод ва қисман Қумқўргон туманлари, Тошкент вилоятининг Чиноз, Бўка ва Бекобод туманлари, Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Охунбоев, Бағдод, Бувайда, Ёзёвон, Дангара, Фурқат ва қисман Ўзбекистон туманлари, Қашқадарё вилоятининг Косон, Усмон Юсупов, Касби, Нишон, Баҳористон,

Муборак ва қисман Карши туманлари ерлари дучор бўлган.

Охирги ўн йил ичидаги сугориладиган ерларда шўрланиш 120 минг гектарга, шу жумладан кучли шўрланиш 43 минг гектарга ошган. Туз йифилиши ва шўрланиш жараёни, айниқса Корабалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жадаллашган. Бу ерларда ўртача ва кучли шўрланган ерларнинг умумий майдонлари 43 ва 53% ни ташкил этади (1-жадвал).

Республика бўйича сугориладиган ерларнинг 28% дан кўпроқ ерларида сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 1-2 м. ни ташкил этади (2-жадвал).

Бу ерларда захланиш ва ботқоқланиш юқори бўлиб, доимо зах қочириш тадбирларини талаб қиласди. Захланиш ва ботқоқланиш жараёни кўпроқ Корабалпоғистон Республикаси ва Хоразм, Сирдарё, Жиззах, Андижон ва Наманган вилоятларида кузатилмоқда.

1-жадвал.

*Сугориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси,
минг/га (Ўздаверлойиха институти маълумоти, 2001 й.)*

Вилоятлар	Сугорила диган к/х ер турлари, жами	Шу жумладан, шўрланиганлик даражаси				Шўрланган ерлар жами
		Шўрлан- маган	кучсиз	ўртacha	кучли	
Корақалп. Респ.	462,1	57,1	110,4	151,7	142,9	405
Андижон	227,4	150,4	51,8	20,3	4,9	77,0
Бухоро	229,2	24,0	125,8	48,2	31,2	205,2
Жиззах	275,7	60,2	101	75,7	38,8	215,5
Навоий	108,1	32,0	49,8	19,6	6,7	76,1
Наманган	236,1	153,8	51,1	18,1	13,1	82,3
Самарқанд	3,9,5	180,7	104,3	19,9	4,6	128,8
Сирдарё	273,8	39,2	115,7	70	**	231,6
Сурхондарё	279,3	100,8	108,4	47,6	22,5	178,5
Тошкент	337,4	251,4	67,6	13,07	5,3	86,0
Фарғона	296	77,6	108	67,5	42,9	218,4
Хоразм	240,1	59,5	106,8	50,6	23,2	180,6
Қашқадарё	452,2	1 ·10,5	216,9	63,3	31,5	311,7
Жами	3726,9	1327,2	1317,6	665,6	416,5	2399,7

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси сугориладиган ерларида сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги (ЎзПИТИ маълумот)

Вилоятлар	Жами сугориладиган майдон, минг/га	Сизот сувларининг чуқурлиги, м		
		1-2	2-3	3 м. дан чуқур
		%	%	%
Қорақалп. Респ	479,8	55,3	39,6	5,1
Андижон	282,7	47,0	21,6	31,4
Бухоро	256,7	21,4	60,4	18,2
Жиззах	288,0	3,7	41,6	54,7
Кашқадарё	475,9	3,7	41,6	54,7
Навоий	117,2	25,5	53,3	21,2
Наманган	261,7	28,7	12,0	59,3
Самарқанд	348,5	9,6	13,7	76,7
Сурхондарё	293,7	12,7	24,4	62,9
Сирдарё	290,0	25,7	60,0	14,3
Тошкент	375,5	22,8	34,4	42,8
Фарғона	339,7	39,5	33,5	27,0
Хоразм	227,3	90,9	8,7	0,4
Жами	4036,7			

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эрозиянинг барча турлари, жумладан тупроқнинг сув ва ирригация эрозияси, емирувчи сел оқимлари ва шамол эрозияси ҳамда ўсимликларга шамолнинг заарли таъсири кабилар мавжуд. Бу жараёнлар жойнинг иқлими ва рельеф шароитларига бевосита боғлиқ.

«Ўздаверлойиҳа» институти томонидан ерларни ҳар хил эрозияга учраш ҳоллари ўрганилган ва қўйидаги маълумотлар аниқланган (3-жадвал).

3-жадвал

Эрозияга учраган ерлар(«Ўздаверлойиҳа» институти маълумотлари)

Ер турлари	Жами минг/га	Шу жумладан				
		Эрозия га учрамат га	Сув эрозия сига учраган	Шамол эрозия сига учраган	Сув ва шамол эрозия сига учраган	
Умумий миқдори	44410	-	-	-	-	-
Қинлоқ хўялиги ерлари	26734	1531	2700	20478	2005	
шу жумладан, сугориладиган:						
а) ҳайдалма ерлар	3733	791	339	2262	341	
б) бопқа ерлар	3308	569	341	2057	341	
сугорилмайдиган: (ўтлоқлар яйловлар билан)	425	212	-	213	-	
К/х-да фойдаланилмайдиган ерлар	23001	851	2346	18125	1679	
	17676					

Республикада учрайдиган эрозия турларидан энг кўп тарқалгани шамол эрозиясидир. Шамол фаолияти хусусиятига қараб республика ҳудуди учга бўлинган:

- шамол кучсиз фаолият кўрсатадиган ҳудуд (шамол тезлиги 6 м/с гача), майдони 6,66 млн.га;
- шамол ўртacha фаолият кўрсатадиган ҳудуд (шамол тезлиги 6-12 м/с гача), майдони 35,08 млн.га;
- шамол кучли фаолият кўрсатадиган ҳудуд (шамол тезлиги 12 м/с дан юқори), майдони 2,67 млн.га;

Шамол эрозиясига ва шамолнинг ўсимликларга зарарли таъсирига 21,4 млн.га (яъни 80% дан зиёдроқ) қишлоқ хўжалиги ерлари учраган. Сугориладиган минтақада 3,7 млн.га ердан 2,8 млн.га ёки 75% и тури даражада эрозияга учраган.

Ерларни шамол ва сув эрозиясидан ҳимоялаш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришдаги асосий муаммоларидан биридир. «Ўздаверлойиҳа» институти республиканинг бошқа илмий – текшириш ва лойиҳалаш ташкилотлари билан биргаликда «Ўзбекистон Республикаси бўйича эрозияга қарши курашиш чоратадбирлари лойиҳасини»ни ишлаб чиқди. Мазкур лойиҳада эрозияга қарши чора-тадбирлар мажмуаси, ҳажми ва бажариш тартиби белгиланган.

Ерларни эрозиядан сақлаш учун республика бўйича 112,6 минг га. ихота дараҳтзорлари барпо этиш, шундан 78,0 минг га. сугориладиган ерларда; эрозияга учраган 170 минг га. майдонда қумларни мустаҳкамлаш ва дараҳтлар ўстириш; йирик магистрал каналлар, дарёлар, сув омборлари, жарликлар қирғоқларида 44 минг га. майдонда дараҳтзорлар барпо этиш; 14 минг км. йўллар ёқалари бўйлаб дараҳтлар экиш; 301 сел сақлагичлар қуриш; узунлиги 5 минг км. бўлган дарёлар ва сойлар бўйлаб соҳилни мустаҳкамлаш ишларини бажариш; 5 минг км. сел оқизгич йўллар, ихота кўтармалари қуриш; 3 минг км. ирригация шахобчаларини қайта қуриш; эрозияга қарши 7,5 минг ҳар хил гидротехник иншоотлар қуриш; 14 минг га. майдонда пайкалларни текислаш ишларини бажариш керак бўлади.

Ширкат, фермер хўжаликлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари кучи билан ҳар йили агротехник ва ташкилий хўжалик тадбирлари мажмуасини бажариш керак.

Эрозияга қарши мўлжалланган тадбирлар мажмуаси тупроқларни эрозия ҳодисасидан сақлаш билан бирга қишлоқ хўжалиги муомаласига қўшимча 200 минг га. янги ерларни киритиш, шу жумладан 30 минг га. сугориладиган ерлар ва 170 минг га. тоғён бағирларида кўп йиллик дарахт экилган терассаларни (погоналаш) яратиш имконини беради. Бу эса қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини 10-20% га ошириш имконини беради.


Республикамиз сугориладиган ерларининг 162 минг гектардан ортигини тошлоқ ерлар ташкил қиласди (4-жадвал). Тошлоқ ерлар Андижон вилоятининг Булоқбоши ва Андижон туманларида, Бухоро вилоятининг Шоғиркон, Коровулбозор ва Фиждувон туманларида, Жиззах вилоятининг Фориш туманида, Навоий вилоятининг Кизилтепа ва Нурутта туманларида, Наманган вилоятининг Чуст ва Поп туманларида, Самарқанд вилоятининг Қўшработ ва Булунғур туманларида, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Сарисиё ва Қизириқ туманларида, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Бекобод, Куйичирчиқ, Тошкент, Юқоричирчиқ ва Оҳангарон туманларида, Фарғона вилоятининг Сўх, Риштон, Ўзбекистон ва Кува туманларида, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Муборак, Фузор ва Китоб туманларида тарқалган.

4-жадвал

Республикадаги мавжуд тошлоқ ерлар майдони (Ўздаверлойиҳа институти маълумоти 2001 й.)

Вилоятлар	Тошлоқ ерлар (га ҳисобида)			
	Жами	шу жумладан		
		Кам	Ўртача	Кўп
Ўзбекистон Республикаси	162045	115120	36696	10229
Қоракалпогистон Республикаси	-	-	-	-
Андижон	26136	15789	6407	1240
Бухоро	30432	24032	6100	-
Жиззах	7159	6520	639	-
Навоий	-	-	-	-
Наманган	42962	30168	9242	3552
Самарқанд	16759	15087	1566	106
Сирдаря	100	100	-	-
Сурхондарё	9478	6725	2662	91
Тошкент	7597	2089	4297	1211
Фарғона	20802	14590	5463	749
Хоразм	-	-	-	-
Қашқадарё	320	20	20	280

Республикамизда янги ерларни ўзлаштиришда мелиорациянинг роли жуда каттадир. Янги ерларни ўзлаштирилиши эвазига сугориладиган майдонлар 2669,4 (1940 й.) минг гектардан 4280,6 (2001 й.) минг гектаргача кўпайтирилди (2-расм). Бу ерларни сув билан таъминлаш учун 34 та сув омбори, 180 минг км. хўжаликларо каналлар, 230 минг км. хўжалик каналлари, 92 та гидротехник иншоатлар, ерни қулай мелиоратив ҳолатини таъминлаш учун 120 минг км. коллектор-зовур тармоқлари қурилган ва улардан фойдаланиш йўлга қўйилган (5,6,7-жадваллар).



Ўзбекистон Республикаси сугориладиган ерларининг ўсиш кўрсаткичи (минг / га)

Янги ерларни ўзлаштириш, қадимдан сугориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сугориш тармоқларини қайта қуриш, сугоришининг энг тежамли тартибларини ва усулларини ишлаб чиқиши, ҳамда ишлаб чиқаришда қўллаш туфайли қишлоқ хўжалик экинларидан юқори кафолатланган ҳосил олинмоқда.

5-жадвал

Асосий каналлар

Каналлар номи	Сув олиш манбасы	Канал бөшидагы сув сарғыла м ³ /сек	Узунлиги Км	Фойдалана-ниш башланган йил	Майдони (минг га)
1	2.	3.	4.	5	6
Шахрихон	Корадарё	115	114,8	1987	141,0
Андижон	Корадарё	45	81,9	1903	46,7
Савой	Корадарё	25	47,8	1926	18,0
Плактаобод	Корадарё	30	40,9	1936	17,4
Юқори Улугнор	Корадарё	30	190,4	1960	9,7
Жанубий Фарғона	Шахрихон канали	100	57,0	1939	75,8
Катта Наманғали	Норин дарёси	61	90,0	1974	24,0
Катта Фарғона	Норин ва Корадарё	150/2134	249,0	1939	263,4
Катта Андижон	Норин дарёси	200	102,0	1970	70,2
Шимолий Фарғона	Норин дарёси	113	165,0	1940	74,0
Оҳунбобоев номли	Сирдарё	80	48,4	1949	36,0
Жанубий Мирзачўл	Сирдарё	300	124,0	1960	290,5
Чап қирғоқ Корасув	Чирчиқ дарёси	160	594,0	1922	130,0
Паркент	Чирчиқ дарёси	57	58,0	1979	40,0
Бўзсув	Чирчиқ дарёси	200	138,0	1900	99,0
Юқори Чирчиқ	Чирчиқ дарёси	87	35,0	1943	6,0
Эски Туяортар	Зарафшон дарёси	32	108,3	1912	32,0
Ўнг қирғоқ	Зарафшон дарёси	117	71,4	1930	82,8
Дарғом	Зарафшон дарёси	120	10,2 –	1930	9,0
Эски Анҳор	Зарафшон дарёси	60	88,0	1973	49,0
Занг	Сурхондарё	85	88,0	1955	49,3
Шеробод машина кан.	Сурхондарё	150	12,7	1970	52,6
Амузанг	Амударё	50	56,0	1973	143,0
Қарши магистрал кан.	Амударё	220	86,0	1972	260,0
Аму-Бухоро машина кан.	Амударё	300	186,0	1965	250,0
Тошсоқа	Амударё	480	100,0	1939	300,0
Урганчарна	Амударё	35	53,5	1937	9,7
Октябрарна	Амударё	133	54,0	1933	14,0
Каттагор	Амударё	75	16,6	1979	9,0
Раушан	Амударё	150	43,4	1975	7,9
Аму-Бухоро машина кан. Шоҳруд шабоҳаси	Аму-Бухоро машина кан.	100	11,0	1937	91,7

Асосий сув омборлар

Сув омборла- рининг номлари	Сув олиш манбай	Жойлаш-ган ўрин (вилоят)	Сув омборини тури	Лойиҳа- вий ҳаж- ми млн. м³
1.	2.	3.	4.	5.
Андижон	Қорадарё	Андижон	Ўзанли	1900,0
Шўркўл	Зарафшон дарёси	Бухоро	Қўйилма	450,0
Жиззих	Сангзор дарёси	Жиззах	Қўйилма	87,5
Зомин	Зомиг' дарёси	Жиззах	Ўзанли	35,0
Коровултепа	Эски Туяотар канали	Жиззах	Қўйилма	53,0
Қўйимозор	Аму- Бухоро канали	Навоий	Қўйилма	350,0
Тўдакўл	Аму- Бухоро канали	Навоий	Қўйилма	1000,0
Таллимаржон	Қарши магистрал канали	Қашқадарё	Қўйилма	1525,0
Пачкамар	Гузор дарёси	Қашқадарё	Ўзанли	260,0
Чимқўргон	Қашқадарё	Қашқадарё	Ўзанли	500,0
Ҳисорак	Оқ сув дарёси	Қашқадарё	Ўзанли	170,0
Дехқонобод	Кичик Ўра дарё	Қашқадарё	Ўзанли	18,4
Қамаши	Лангар дарё	Қашқадарё	Қўйилма	25,0
Косонсой	Косонсой дарё	Қашқадарё	Ўзанли	165,0
Оқ дарё	Оқ дарё	Самарқанд	Ўзанли	130,0
Каттақўргон	Зарафшон дарё	Самарқанд	Қўйилма	900,0
Жанубий Сурхон	Сурхондарё	Сурхондарё	Ўзанли	800,0
Тўполонг	Тўплонгдарё	Сурхондарё	Ўзанли	500,0
Учқизил	Занг канал	Сурхондарё	Қўйилма	160,0
Оҳангорон	Оҳангорон дарёси	Тошкент	Ўзанли	200,0
Туя бўғиз	Оҳангорон дарёси	Тошкент	Ўзанли	250,0
Чорвоқ	Чирчиқ дарёси	Тошкент	Ўзанли	2000,0
Каркидон	Қуваасой дарёси	Фарғона	Қўйилма	218,0
Туямўйин	Амударё	Хоразм	Қўйилма	7800,0

Асосий йирик коллектор - зовурлар

Коллектор зовурлар номи	Жойлашган ўрни (вилотя)	Фойдаланилган йили	Узунлиги км	Максимал сув чиқариб юбориш құвваты м³/сек
1	2	3	4	5
Уртуқли зовур	Тошкент	1934	37	12
Шүршүк зовур	Сирдарә	1921	53,4	36,4
Бош қирғоқ бүйи зовури	Сирдарә	1960	73,5	20,2
Марказий Мирзачұл Зовури	Сирдарә	1968	84,7	90,0
Сұх-Исфара ташламаси	Фарғона	1944	32,4	20,0
Сарижуға зовури	Фарғона	1945	54,4	65,0
Ачиқ күл зовури	Фарғона Андижон	1970	31,6	166,0
Шимолий Боеод Зовури	Фарғона	1947	41,1	22,1
Кизилтепа зовури	Навоий	1952	27,0	40,0
Ғарбий Ромитан зовури	Бухоро	1966	42	12
Марказий Бухоро Зовури	Бухоро	1971	50,0	10,0
Темірйұл зовури	Бухоро	1970	23	6,3
Шимолий (2-ирмоқ)	Бухоро	1967	153,9	19,5
Денгизкүл зовури	Бухоро	1966	71	33,1
Бош Қоракүл зовури	Бухоро	1967	45,3	11,0
Паралел зовури	Бухоро	1967	55	40
Порсонкүл ташламаси	Бухоро	1979	62	50
Бош сув танлаш тракти	Сурхондарә	1969	22	150
Девонкүл зовури	Хоразм	1953	100,7	63,0
Құлларни мувофиқлаштирувчи зовури	Хоразм	1961	190,1	115,0
Жанубий зовури	Қашқадарә	1978	96,2	100,0
Аёзқалъа зовури	Қароқалпоғистон	1965	23,2	35,9
Беруний зовури	Қароқалпоғистон	1968	33,8	28
Бош чап қирғоқ зовури	Қароқалпоғистон	1975	180,4	101,58
Үстюрт зовури	Қароқалпоғистон	1978	126,7	24,5
Қорақалпоқ ташламаси I(KC-1)	Қароқалпоғистон	1967	140,6	41,6
Қорақалпоқ ташламаси II(KC-2)	Қароқалпоғистон	1965	125,0	27,6
Қорақалпоқ ташламаси III(KC-3)	Қароқалпоғистон	1963	61,4	46,2

2. МЕЛИОРАЦИЯ ФАНИ

Кишлоқ хўжалик экинларидан мўл, сифатли ва барқарор ҳосил олиш учун барча табиий омиллар (ҳаво, сув, ёруғлик, иссиқлик, озиқа) билан мўтадил таъминланган бўлиши керак. Бу омиллар билан ер юзаси, шу жумладан бизнинг минтақамиз турлича таъминланган ёки айрим табиий омиллар бир минтақада қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун қулай бўлса бошқа бир минтақада ноқулайдир. Масалан, қургоқчил (арид) минтақаларда иссиқлик ва ёруғлик етарли бўлса, сув эса тақчилдир, аксинча намгарчилик (субгумид ва гумид) минтақасида сув кўп бўлиб иссиқлик ва ёруғлик миқдори камдир. Шунинг учун қургоқчил минтақаларда сунъий сугориш, намгарчилик минтақаларда эса сунъий зах қочириш йўли билан тупроқ намлиги тартибга солинади.

Ер юзининг жуда кўп минтақаларида қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ва келажакда фойдаланиш мумкин бўлган ерлар табиий шўрланган, ботқоқланган, шамол ёки сув таъсирида емирилган (эрозия), кўчма қумлар билан қопланган, сел оқими, кучли шамол ва гармселлар таъсиридадир, булардан ташқари ерларнинг бир қисми гипсли, карбонатли, зичланган кам унумдордир. Қишлоқ хўжалик экинларининг меъёрида ўсиши, ривожланиши ва мўл ҳосил бериши учун юқорида санаб ўтилган барча табиий ва антропоген тўсиқлар бартараф қилиниши керак. Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли маҳсулот олиш учун ернинг ноқулай шароитларини мелиорация қилиш йўли билан ростлаш мумкин.

Мелиорация-лотинча - *melioratio* сўзи бўлиб, "**"яхшилаш"**" маъносини англатади.

Мелиорация фани - ерларнинг ноқулай табиий шароитларини тубдан яхшилаш, унумдорлигини доимо ошириб бориш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган фандир. Шу билан бирга кейинги йилларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва улардан мўл ҳосил олиш учун табиий омиллар билан бир қаторда антропоген омиллари ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу инсониятнинг сув, тупроқ ва ўсимликлар дунёсининг ўзаро муносабати, улардан самарали фойдаланиш

қонуниятларини: етарлича билмаслиги оқибатида юз берадиган омиллардир. Булар ерларнинг нотўгри сугориш оқибатида сизот сувларининг кўтарилиши натижасида содир бўладиган тупроқнинг қайта шўрланиши, ботқоқланиши, емирилиши ва меъёридан ортиқча минерал ўғитлар, гербицидлар, инсектицидлар, дефолиантларни ишлатиш, оғир металлар ва радиоактив моддаларнинг тупроқда тўпланиш омиллариидир.

Мелиорация фани тупроқшунослик, агрометеорология, дехқончилик, ўсимликшунослик, агрокимё, гидрология, геодезия фанлари билан боғланган. Шунинг учун бу фанларни ўрганиш мелиорация фанини ўрганишни осонлаштиради.

3. МЕЛИОРАЦИЯНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

Мелиорациянинг асосий мақсади тупроқларнинг ноқулай шароитларни (сув, ҳаво, озиқа, иссиқлик) тубдан яхшилаш, унинг унумдорлигини доимо ошириб, қишлоқ хўжалик экинларидан барқарор, мўл, сифатли ва арzon маҳсулот етишишидир.

Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиёning бошқа мамлакатларида мелиорациянинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

1. Сугориладиган ерларни шўрланиши, ботқоқланиши, эрозияланиши ва тупроқнинг заҳарли моддалар билан ифлосланишининг олдини олиш.
2. Шўрланган, ботқоқланган, емирилган, заҳарли моддалар билан ифлосланган ерларни тубдан яхшилаш ва унумдорлигини ошириш.
3. Янги ерларни ўзлаштириш.
4. Маҳаллий жойларнинг иқлим шароитини яхшилаш яъни шамол ва гармселга қарши қурашиш.
5. Сел оқими, кўчма қумларга ҳамда ер кўчишини олдини олиш ва қарши қураш.
6. Ер усти, ер ости сувларини ростлаш ва улардан самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш.

7. Қўшимча сув манбаларидан (оқова, чиқинди) фойдаланиш.

Демак, юқорида кўрсатилганларга асосланиб мелиорациянинг асосий вазифаси маълум жойнинг иқлими, тупроғи, ер усти, ер ости ва сизот сувлар тартибини яхшилашдан иборат бўлар экан (1-тизим). Мелиорациянинг барча вазифалари бир-бири билан чамбарчас боғланган ва улар ўзаро муносабатда бир-бирига таъсир кўрсатади. Иқлим, тупроқ ва сув манбаларининг нокулай шаротларини яхшилаш бўйича мелиорация қуидаги турларга бўлинади.


1. Гидротехник мелиорация - бу сув омборлари, сугориш тармоқлари, сув чиқариш иншоатлари ва тупроқ таркибидағи сизот сувларини чиқариб ташлаш учун коллектор зовур тармоқлари, селга қарши иншоатларини лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини амалга оширади.

2. Сув хўжалик мелиорация - бу сугориш ва зах қочириш иншоатларидан тўғри фойдаланиш, сувдан самарали, тежаб-тергаб фойдаланиш, сув исрофгарчилигига қарши курашиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

3. Агромелиорация - бунда агротехник тадбирларни ўтказиш йўли билан микроиқлим, тупроқ хоссаси ва сизот сувлари тартиби яхшиланади. Бу тадбирларга ер текислаш, иҳотазорлар барпо қилиш, чуқур шудгорлаш, юмшатиш, тилмалаш, ерга ўз вақтида юқори сифатли ишлов бериш, тупроқ таркибидағи заарарли тузларни ва кимёвий моддаларни ювиш тадбирлари киради.

4. Биологик мелиорация - бунга тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун турли органик моддалар солиши (гўнг, лигнин, майдаланган гўзапоя, органик чиқиндилар) ва беда экини иштирокидаги илмий асосланган алмашлаб экиш, туз таъсирига чидамли

Қишлоқ хұжалик мелиорацияси.



экинларни, тупроқ таркибидаги заҳарли моддаларни күпроқ ўзига сўриб оладиган экинларни, тез ерни қоплаб буғланиш ва туз тўпланишини камайтирадиган экинларни экиш ва бошқа тадбирлар киради.

4. Кимёвий мелиорация - бунда кимёвий бирикмалар қўшиш йўли билан ноқулай тупроқ хоссалари яхшиланади. Шўртоб тупроқларни оҳаклаш, гипслаш, фосфогипслаш, зичланган тупроқлар донадорлигини ошириш (К-4, К-9), тупроқни шамол эрозиясидан сақлаш учун (ССБ, ПВА) кимёвий бирикмаларини сепиш тадбирлари киради.

5. Механик мелиорация - бу тупроқ юзасида тўпланган тузларни механик усуллар ёрдамида тўплаш ва далалардан ташқарига чиқариш, тупроқни турли чиқиндилардан тозалаш, кўчма қумларни механик усуллар билан мустаҳкамлаш, механик таркиби оғир тупроқларни қумлаш, тошлоқ ерларни устига тупроқлар солиш каби тадбирларни ўтказади.

Ҳар бир жойнинг табиий ва хўжалик шароити хисобга олиниб, битта ёки бир нечта мелиорация тури қўлланиши мумкин.

4. МЕЛИОРАЦИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛИ.

Археология, палеоклиматология ва палеогеография тадқиқотларининг маълумотларига қараганда, Марказий Осиё минтақасида эрамиздан олдинги X-VIII минг йилликларда қадимги одамлар лалмикор деҳқончиликдан сугориладиган деҳқончиликка ўта бошлаган. Дастлабки сугориш иншоатлари ва сугориладиган ерлар асосан тоф ён бағирларида, кичик дарё қирғоқларида ва булоқлар атрофида тарқалган.

Эрамиздан олдинги V-IV минг йилликларда нам иқлимининг чекиниши ва қуруқ иқлимининг бошланиши муносабати билан қадимги одамларнинг бир қисми

тоғлардан водийларга ва катта-катта (Зарафшон, Норин, Амударё, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқалар) дарё соҳилларига ўрнашиб каналлар, дамбалар ва сув омборлари бунёд этганлар ҳамда сугориладиган майдонларни кенгайтирганлар.

Эрамиздан олдинги III-II минг йилликларда эса сугориладиган майдонлар Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг қуи қисмларини эгаллаган.

Қадимги одамлар тош, суюк, ёғоч қуроллардан фойдаланиб сугориш иншоотларини қурганлар ва ерга ишлов беришиган.

Шунинг учун ҳам дастлабки каналлар узунлиги чегараланган, кенг ва саёз ковланган. Улар асосан табиий унумдор ерларга экин экишган. Дастлаб мис, кейинроқ эса темир қуролларининг вужудга келиши билан сугориш тармоқлари ва сугориш иншоотлари ҳам ўзгариб борди. Бу даврларда катта-катта дамбалар, узоқ масофали каналлар қурилди, улар чуқур ва қисқа кенгликда ковланадиган бўлди, чиғириқ ёрдамида сувни баландликка кўтариш йўлга қўйилди, сугориш тармоқларини, дамбаларни ва сугориладиган майдонларни дарё тошқинидан, сел оқимидан ҳимоя қилувчи иншоотлар қурганлар, тупроқни ботқоқланиш ва шўрланишидан сақлаш учун зовурлар барпо қилганлар.

Эрамиздан олдинги I минг йилликнинг ўрталаригача мелиорация ишлари равнақ билан ривожланди. Бу даврда фақат Амударё ва Сирдарёning қуи оқимида 4,5-5,0 миллион гектар ер сугорилган, бу ҳозирги сугорилаётган майдонга нисбатан 2-2,5 баробар кўпdir. Лекин янги эранинг I минг йиллигининг ўрталаридан бошлаб, яъни IV асрда турли кўчманчи қабилалар V асрда эфталитлар ва VIII асрда араблар XII аср охирида эса мўғуллар томонидан қилинган истилолар ҳамда маҳаллий халқларнинг ўзаро урушлари оқибатида, шу билан бирга қатор табиий омиллар таъсирида (дарёлар оқими ва ўзанларининг ўзгариши, тупроқнинг шўрланиши, ботқоқланиши, емирилиши, кўчма қумларни босиши, кучли зилзила, шамол ва

бошқа омиллар) сугориладиган майдонлар ва сүғриш иншоатлари кескин камайиб борди.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги аждодлари юлдузлар ҳаракати ва жойлашишига қараб дарёларниң сув оқимини кўпайиши ёки камайиши даврларини билишган, геометрия ва алгебра илмларини ривожланиши билан дарёлардан сув олиш иншоатларини, каналлар қуришларни илмий асослашган. Форобий, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа олимларниң кўрсатмалари асосида Дарғом, Зах, Нарпай, Шахруд, эски Ангор каналлари қазилган ва қайта қурилган.

Х асрда ёқ Зарафшон дарёсининг суви эски туттортар канали орқали Қашқадарё воҳасига оқизилган. Каизлар ёрдамида юзлаб километр масофаларга ер ости сувлари келтирилган. XIV асрда Амир Темур даврига келиб бутун Ўрта Осиё минтақасида сугориш иншоатлари қайтадан тикланди, янгилари қурилди, сугориш майдонлар кенгайди, ҳатто ёпиқ сугориш (қувурлар орқали сув таъминоти) тармоқлари вужудга келди, шўрланган ва ботқоқланган ерларда зовурлар қазилиб, уларниң шўри ва захи қочирилиб, унумдор ерларга айлантирилди.

Ўша даврларда шўр ва зах ерларда қазилган зовурлар унча чуқур бўлмаган ва узунлиги бўйича ҳам чегараланган. Зовурлар оқова сувлари шу атрофдаги чуқурликларга, кўлларга ёки дарёларга оқизилган. Шу туфайли шўрланган ва ботқоқланган ерларни тўлиқ унумдор қилиш қийин бўлган. Қадимда шўрланган ва ботқоқланган ерлардан, асосан, «кўчма» сифатида, яъни, ер қайта шўрлангунча ёки ботқоқлангунча фойдаланган, шўрланиш ва ботқоқланиш вужудга келиши билан бундай ерлар ташланиб бошқа шўрланмаган ёки ботқоқланмаган ерларда дехқончилик қилинган. Шу билан бир қаторда шўрланган ва ботқоқланган ерларда кўпроқ кам сув талаб қиласидиган, вегетация даври қисқа, шўрланиш ва захга чидамли экинлар экилган.

XX аср бошларидан бошлаб Ўзбекистон худудида ирригация ва мелиорация ишлари янада ривожлана бошлади. Суғориш ва мелиорация ишларини илмий асосда ривожлантириш учун 1907 -1916 йилларда Мирзачўл, Андижон тажриба станциялари, 1925 йилда Ўрта Осиё сув проблемалар институти ва унинг Өққовоқ, Мирзачўл, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона суғориш- тажриба станциялари ташкил этилди.

1930 йилдан эса Ўрта Осиё сув хўжалиги проблемалари ва гидротехника институти ва унинг марказий мелиоратив станцияси ҳамда вилоятлардаги тажриба станциялари барпо қилинди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин суғориш ва мелиорация ишларини илмий асосида ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги пайтда республикамиизда суғориш ва мелиорация ишларини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш учун Ўзбекистон сув муаммолари институти, Ўзбекистон пахтацилик илмий тадқиқот институти ва унинг вилоятлардаги тажриба станциялари, Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти ва бошқа илмий ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Мелиорация фанининг ривожланишига А.Н.Костяков, В.Д.Журин, В.В.Пославский, В.А.Ковда, В.С.Малигин, В.И.Легастаев, Х.Ахмедов, Н.Ф.Беспалов, В.А.Духовний, Н.Ҳамроев, Қ.Мирзажонов, Ф.Рахимбоев, О.Комилов ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

5. ШУРЛАНГАН ВА БОТҚОҚЛАНГАН ЕРЛАР

5.1. Тузларнинг асосий манбалари ва шур тупроқларнинг вужудга келиши

Элементлари бошқа учрайди.

Бу элементлар тоғ жинслари ва минераллар таркибида бўлиб сув, шамол, иқлим ва биокимёвий омиллар таъсири-

Тупроқ, ер усти ва ер остики сувларининг таркибида асосан кальций (Ca), магний(Mg),натрий (Na), калий (K), кислород (O), хлор (Cl), олтингугурт (S), углерод (C), азот (N)

элементларга нисбатан кўпроқ

элементларга нисбатан кўпроқ

да емирилиб тузларни ҳосил қиласи.

Табиатда тузларнинг асосий манбалари қуидагилар ҳисобланади.

1. Тоғ жинслари ва минералларининг емирилиши.
2. Вулқон отилиши.
3. Ер юзасига яқин жойлашган гумбаз, тош тузлар (туз конлари)
4. Ернинг туб қатламларидан чиқаётган шўр булоқлар.
5. Биокимёвий омиллар таъсирида тузнинг пайдо бўлиши (шўрхок ва шўртаб ерларда ўсадиган ўсимликларнинг кул ҳосил қилиши ва бу кулнинг таркибида жуда кўп миқдорда натрий хлор ва натрий сульфат борлиги).


Юқорида кўрсатилган манбалар бўйича ҳосил бўлган тузлар ер усти ва ер ости сувлари ҳамда шамол ҳаракати таъсирида ернинг маълум минтақаларига тарқалади.

В.А.Ковда тузларнинг тўпланиши ва шўр тупроқларни пайдо бўлиши жараёнини қуидаги циклларга бўлади.

1. Куруқликда туз тўпланиши, яъни материкларнинг (қисқа) ички қисмларидаги берк (суви океанга қўшилмайдиган) ўлкаларда тузларнинг тўпланиши.
2. Денгиз яқинида туз тўпланиши, яъни денгиз соҳилларида ва саёз сувли қўлтиқ қирғоқларида денгиз сувларининг тўпланиши
3. Дельталарда туз тўпланиши, бунда дарё ва сизот сувларининг қуруқликдан олиб келинаётган тузлар ҳамда турли вақтларда денгиз томонидан келаётган тузлар.
3. Ер ости сувларининг буғланишидан туз тўпланиши, бунда ернинг чуқур қатламларидаги шўр сувларни тектоник ёриқлар орқали ер юзасига чиқиши ва буғланиши (Каспий денгизга яқин ерлар ва Устюрт платоси).
4. Антропоген туз тўпланиши, яъни шўр ерларни меъёридан ортиқча суғориш, суғориш тармоқларидан фильтранаётган сувлар эвазига минераллашган сизот сувларининг қўтарилишдан ҳамда шўр сувлар билан экинларни суғориш оқибатида тўпланаётган тузлар. Шу билан

бирга экинларга мөйөридан ортиқча минерал ўғитларни солинганда ҳам тупроқда тузлар күпаяди.

Тузларнинг тарқалишида ер усти, ер ости, сизот сувлари ва шамол катта роль ўйнайди. Табиатда тузлар ер усти ва ер ости сизот сувлари билан биргаликда тарқалади (5.1.-расм, П.П.Розов бўйича).



5.1-расм. Тузларнинг геморфологик профиль бўйича тақсимланиш тизими.

Тузларнинг сувлар билан тарқалишида жойнинг рельефи, геологик тузилиши, тупроқ грунтнинг сув ўтказиш хоссаси ва бошқа табиий шароитлар катта аҳамиятга эга. Маълумки рельеф қуидаги асосий турларга бўлинади:

Макрорельеф - рельефнинг йирик шакли бўлиб, у катта майдонларнинг умумий қиёфаси белгилайди ва тоф тизмалари, тоф ён бағрлари, адирлар ва текис-ликларни ўз ичига олади.

Мезорельеф - рельефнинг ўртача шакли бўлиб, макрорельеф таркибидаги қавариқ ва ботиқ ерлардан (тоф тизмалари, текисликлар ва кичик дарё водийлари) иборат бўлади.

Микрорельеф - рельефнинг кичик шакли бўлиб, макро ва мезорельефларнинг таркибиغا киради. Булар бир нечта сантиметр, горизонтал узунлиги эса метр ва ўнлаб метр билан ўлчанадиган микробаландлик ва микропастликдир (далалардаги паст-баландликлар, уват, пушта ва бошқалар).

Юқорида кўрсатилган рельефлар бўйича тузлар турлича тақсимланади. Масалан, сув айирғичлар (тоғ тизмаларида табиий сувларнинг нишабликлар бўйича бўлиниши) юзасида маълум миқдорда сувда эрийдиган тузлар тўпланган бўлса, тузлар эритмаси икки йўналишда оқиб боради: а) ер юзидан оқар сув билан; б) сизот ва ер ости сувлари билан. Оқибатда сув айирғичлардаги тузлар дарёларга, ундан денгиз ва ва океанларга бориб тушади. Лекин жойнинг рельефи нишаблиги, тупроқ-грунтнинг тузилиши ва сизот сувларининг ҳаракатига қараб тузлар узоқ масофаларга бориши ёки бормаслиги мумкин.

Макро ва мезорельефли ерларнинг нишаблиги кичик жойларда, яъни паст текисликларда, дарё водийларида ер усти ва сизот сувлари секин оқади ёки туриб қолади. Шу туфайли улар бундай жойларда кўпроқ буғланади ва таркибидаги тузлар шу жойларда тўпланади.

Микрорельеф таъсирида ер усти сувлари тупроқнинг туз режимига турлиша таъсир кўрсатади. Микробаландликлардан ер усти сувлари микропастликларга қараб оқади ва у ердаги тузларни (тупроқнинг сув ўтказувчанилиги яхши бўлган шароитда) яхши ювади. Аксинча микробаландликлардаги тузлар тупроқнинг сув ўтказувчанилиги паст бўлган шароитда яхши ювилмай қолади.

Тупроқни шўрланишида сизот сувлари асосий омил ҳисобланади. Чунки улар тупроқ найчалари орқали кўтарилиб буғланади ва уларнинг таркибидаги тузлар ер юзасида тўплана бошлайди.

Сизот сувлари ер юзига қанча яқин (1-2 м) ва қанча кўп минераллашган бўлса тупроқ шунча тез шўрланади. Тупроқни тузилиши бир хил ва капилляр найчалар орқали сувни кўтариш хусусияти яхши бўлган тупроқларда сизот сувлари 5-10 м чуқурликда жойлашганда ҳам буғланиши ва тупроқни ўрлантириши мумкин.

Атмосфера ҳаракати таъсирида (импульверизация) тузларнинг тўпланишида денгиз ва кўлларнинг қуриган сувсиз қисмидан туз чанглари шамол таъсирида


күтарилиб узоқ масофаларга учирилиб борилади ва сугориладиган майдонларга тушади. Бизнинг минтақамизда кейинги 30-40 йил давомида бундай туз тўпланиш жараёни жадаллашиб бормоқда ва у Орол дengизининг сув режимига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Масалан, 1960 йилларда Орол дengизининг сув сатҳи 68900 км^2 бўлган бўлса 1994 йилга келиб унинг майдони 32500 км^2 га тушиб қолди, яъни 36400 км^2 майдон қуруқликка айланди. Шу билан бир қаторда Орол дengизи сувининг минераллашганлиги ҳам шу вақт давомида 12-14 г/л дан 30-40 г/л гача кўтарилиди. Натижада дengизнинг қуруқ қисмида жуда катта миқдоғга туз ва ҳар хил кимиёвий моддаларни тўпланиши керберди. Бу тузлар ва кимёвий бирикмалар шамол таъсирчада чанг сифатида жойидан кўчирилиб узоқ масофалар. асосан, жанубий-ғарб йўналиши бўйича тарқалмоқда. Чир йил давомида 8-17 мартағача чанг тўзон кўтарилиш, кузатилмоқда ва шу туфайли Муйноқда 2-5 т/га, Ҳрам вилоятида 1-2 т/га, Мирзачўлда эса 0,3-1 т/га туз тўпланиши аниқланган.

5.2. Тупроқнинг мелиоратив ҳолатига табиий шароитларнинг таъсiri.

Тупроқнинг мелиоратив ҳолатига саъд таъсир кўрсатадиган асосий омилларга шўрланиш, ботқоқларга тупроқ эрозияси киради. Омиллар ер юзаси бўйлаб маълум таби ат қонунлари асо

сида тарқалган. Тупроқнинг пайдо бўлиш жараёнида ҳамда шўрланиш ва ботқоқланишда табиий гидрогеологик шароитлар, яъни сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги, оқим тезлиги ва минераллашганлиги катта аҳамиятга эга. Ышунинг учун дарё ҳавзалари, яъни сув айирғичлардан то соҳилгача бўлган масофа тўртта гидрогеологик минтақаларга бўлинади (В.М.Легостаев 1959). Уларнинг табиий шароитлари (иклим, геологик, гидрологик, гидрогеологик ва рельеф) бир-биридан анча фарқ қиласи (5.2.1.-расм).

I - Гидрогеологик минтақа - ер усти сувларининг сингиб кириш минтақаси. Бу минтақа тоғ ва тоғ олди-даги сув йиғиш ва дарёларнинг конус ёйилмаларининг устки қисмларидағи майдонларни ўз ичига олади. Иқлими анча салқын, йиллик ёғингарчилек миқдори



5.2.1-расм. Сұх дарёси ерларининг гидрогеологик минтақалари (А-реже; Б-қирқим).

400-600 мм ва ундан күп, буғланиш эса кам (1000-1200 мм) бўлади. Жойнинг рельефи асосан макрорельеф, мезорельефли ва катта нишабликка эга.

Тупроқнинг устки қатлами унча қалин бўлмаган (1,5-2 м) қумоқ ва гил заррачаларидан, қуйи қисмлари эса қум, шағал, майда тош аралашмаларидан иборат бўлиб улар ўнлаб, баъзан эса юзлаб метр ма-

софада жойлашган. Шунинг учун ҳам бу қатламлар сувни жуда кўп шимиб олади ва катта тезликда пастга ўтказиб юборади. Ундан пастда эса сувни унча ўтказмайдиган жинслар жойлашган.

Сизот сувлари босимсиз, жойлашиш сатҳи 10-30 м ва ундан ҳам чуқурда бўлади, оқим тезлиги жуда катта суткасига юзлаб ва баъзан минглаб метргача боради. Сизот сувлари чучук (минераллашганлик даражаси 0,2-0,3 г/л).

Бу минтақанинг нишаби катта, грунтнинг сув ўтказувчанлиги, ер ости сизот сувларининг оқими яхши бўлганлиги учун тупроқнинг таркибидаги тузлар ер усти оқар сувлар ёки сизот сувлар билан биргаликда пастда жойлашган гидрогеологик минтақаларга оқизиб юборилади. Шу туфайли биринчи гидрогеологик минтақа тупроқларининг мелиоратив ҳолати шўрланмаганлиги ва ботқоқланмаганлиги жиҳатидан жуда қулай ҳисобланади. Лекин тупроқ эрозияси бўйича эса нокулайдир (тупроқ эрозияси маҳсус бобда келтирилган).

II - Гидрогеологик минтақа - сизот сувларининг сиртга (ер юзасига) тепиш минтақаси. Бу минтақада биринчи гидрогеологик минтақанинг қуий қисмларини ва дарёлар конус ёйилмаларининг чегараларини ўз ичига олади. Жойнинг рельефи кўпроқ мезорельефли (кичик нишабли), иқлими биринчи гидрогеологик минтақага нисбатан анча иссиқ, буғланиш (1200-1500 мм) катта, ёғингарчилик миқдори эса кам (200-400 мм) бўлади. Майда заррачали тупроқ қатлами 2-4 м.ни ташкил қиласди. Кейинги қатламлар асосан шағал ва қумлардан иборат, сув ўтказмайдиган қатламлар бу зонада анча юза жойлашади.

Тупроқ-грунтнинг механик таркиби турлича бўлади. Шунинг учун майда заррачали лой тупроқларда сизот сувларининг оқиш тезлиги кичик (10-100 м/сут) бўлиб, улар сизот сувлари сатҳининг кўтарилишига шароит яратиб беради. Бунинг оқибатида сизот сувлари кичик босимли бўлиб ер юзига яқин (0,5-2 м) кўтарилади ёки ер юзасига булоқ каби сизиб чиқади.

Сизот сувларининг минераллашганлик даражаси оқим тезлиги нисбатан катта бўлган ерларда чучук (0,2-0,4 г/л), оқиш тезлиги кам ёки оқимсиз бўлган ерларда эса кучсиз минераллашган (1-5 г/л) бўлади. Сизот сувлари минераллашган ерларда кам шўрланган тупроқлар учрайди.

Бу минтақада сизот сувларининг юза жойлашганлигини асосий сабаблари турли чуқурликларда жойлашган сувни ўтказмайдиган шох, арзик номлар билан аталувчи кальций карбонатли (CaCO_3), гипсли (CaSO_4) қатламлар учраб туришидир.

Сизот сувларининг сиртга сизиб чиқиш минтақасида сизот сувлари минераллашмаган ёки кам минераллашган бўлганлиги учун шўр тупроқлар жуда кам тарқалган, аммо сизот сувлари юза жойлашганлиги туфайли ботқоқланган ёки ботқоқланишга мойил ерлар кўп тарқалган. Шунинг учун бу ерларнинг мелиоратив ҳолати қисман ноқулай ҳисобланиб, зах қочириш тадбирларини ўтказишини талаб қиласди.

III - Гидрогеологик минтақа - сизот сувларининг тарқалиш (бугланиш) минтақаси. Бу минтақа майдони энг катта бўлиб, кичик ва катта дарё (Сўх, Шоҳимардон, Амударё, Сирдарё) ларнинг ўрта ва қуи оқимларини шунингдек, чўл минтақасидаги текисликларни (Қизилқум, Қорақум, Мирзачўл, Қарши чўли ва ҳоказо) ўз ичига олади.

Бу минтақанинг рельефи, асосан, микро ва қисман мезорельефли бўлиб кичик нишабликка эга. Тупроқларнинг механик таркиби турлича, лекин асосий қисмида биринчи ва иккинчи минтақа тупроқларга нисбатан майда заррачали тупроқлар кенг тарқалган ҳамда бу тупроқлар қалин қатламга эга. Бундай тупроқлар одатда капилляр найчалари орқали сувни жуда баландга кўтара олиш қобилиятига эгадир.

Тупроқларнинг остки қисмида ҳар хил чуқурликларда (3-30 м) шағал, майда тош ва қум учрайди. Бундай қатламлар ер юзасига жойлашган (3-5 м) ерларда табиий зовурлаштирилиб сизот сувларининг оқими тезлашади.

Минтақа сизот сувлари устки қисмининг оқиши тезлиги ғоят суст (йилига метрлар ҳисобида) ва сизот сувининг шу қисми деярли ҳаракатсиз сув ҳавзасини вужудга келтиради. Сизот сувларининг остки қисми эса қисман оқимли ва босимли бўлади. Лекин сизот сувларининг устки ва остки қатламлари бир-биридан ажратиб қўйилган эмас, шунинг учун бу қатламларда доимо ўзаро тик сув алмашинуви бўлиб туради. Устки қатламида сув узлуксиз бугланишига ва транспирацияга сарфланиб, улар ўрнини пастки қатламдан узлуксиз кўтарилиб турувчи сув тўлдириб туради, чунки сизот сувининг остки қатламлари босим остида турган бўлади, бу босим борган сари кучайиб боради.

Минтақанинг сүғориладиган ерларида сизот сувлари 1-3 м чуқурликда, сүғорилмайдиган ерларида эса 5-10 м ва ундан чуқурроқда жойлашади. Айрим ички пастликларида сизот сувлари ер юзига чиқиб ботқоқликлар пайдо қиласи. Бу минтақага кириб келувчи ер ости ва ер устидан (сүғориш ва сүғориш тармоқларидан) шимилган (фильтранган) сувлар сизот сувларига қўшилади ва уни жойлашиш сатҳини кўтариб жадал буғланишга сарфланади. Минтақа сизот сувлари шўрланган бўлади. Уларнинг минералланиш даражаси сүғориладиган ерларда 2-3 дан 10-20 г/л, сүғорилмайдиган ерларда эса 30-50 г/л гача ва ундан кўп (қаттиқ қолдиқ) бўлади.

Минтақанинг сизот сувлари узоқ муддат давом этган геологик даврда аста-секин шўрланган. Сизот сувларининг бундай шўрланишга, биринчидан юқорида жойлашган гидрогеологик минтақа тузларининг узлуксиз оқиб келиб қўшилиши, иккинчидан бу сувларининг буғланиши жараёнида туз концентрациясининг аста-секин кўпайиши сабаб бўлган.

Минтақада юқорида кўрсатилган иқлиминг иссиқлиги, қуруқлиги, тупроқнинг капилляр найчалари орқали сувни кўтариш хоссасининг яхши бўлганлиги, сизот сувининг ҳаракатсизлиги, шўрланганлиги ва юза жойлашганлиги сизот сувларини кўп буғланишига олиб келди. Сизот сувлари буғланди, туз эса аста-секин тўпланиб борди ва тупроқни шўрлантириди. Шу туфайли бу минтақа тупроқлари табиий шароитига кўра шўрланган ёки шўрланадиган ерлар ҳисобланади. Шунинг учун ушбу минтақа тупроқларининг мелиоратив ҳолати ноқулай.

Лекин зарур мелиоратив тадбирлар кўрилиши туфайли, бу ерлардаги шўрланиш жараёнига барҳам берилиши, шўрланган тупроқларни эса шўрсизлантирилиб қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун яроқли ҳолга келтирилиши мумкин. Республикаиздаги Мирзачўл, Қарши-Шеробод, Ёзёвон ва бошқа чўлларнинг ўзлаштирилиши бунга мисолдир.

IV - Гидрогеологик минтақа - соҳил минтақаси. Бу минтақа аллювиол ётқизиқлардан бунёдга келган дарё соҳил поғоналарини ўз ичига олади. Соҳилларни ҳар йили ёки даврий равишда тошқин сувлари босганлигидан,

кейинчалик унда маълум даражада оқизинди қатlam ҳосил бўлади. Шунинг учун соҳил минтақаси тупроқларининг механик таркиби хилма-хил бўлади (лой, оғир қумоқлар, қумоқ). Буларниг тагида эса қумоқлар, қумлар ва шағаллар ётади.

Соҳил минтақасининг сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган ($0,5\text{-}1,5$ м) бўлади ва улар минераллашган ҳамда минераллашмаган бўлиши мумкин.

Сизот сувлари чучук (минераллашмаган) бўлган соҳилларда уларниг тупроқлари ҳам шўрланмаган, лекин ботқоқланишга моил бўлади. Шўрланган соҳилларда сизот сувлари минераллашган бўлади. Лекин бу ери тез-тез сув босганилиги ва сизот сув оқим тезлиги (сув тошқин вақтида дарёдан четга қараб оқиш тезлиги)нинг катта бўлганлиги сабабли сизот сувлари ва тупроқниг устки қатламлари кам шўрланган бўлади.

Жойниг рельефига, тупроқ-грунтниг тузилишига, сув тошқини босадиган ерниг катталиги ва тошқин сонига, шунингдек сизот сувларининг ҳаракат шароитига қараб соҳилниг турли қисмларида сизот сув сатҳи ва минарллашиш даражаси ҳам турлича бўлиши мумкин. Соҳилларни тошқин босгандан йигилиб қолган суви шу ердаги тупроқниг тузлардан ювилишга имкон беради. Шунга қарамасдан сизот сувининг жадал буғланиши натижасида баъзи ерларда кўп миқдорда туз тўпланиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда ўтлоқи-шўрхок тупроқлар ҳосил бўлади.


Соҳил минтақаси тупроқларининг мелиоратив ҳолати тургинсиз бўлиб, улар кўпроқ дарё сувининг режимига боғлиқ бўлади. Дарё суви кўпайган даврларда ерлар кўпроқ ботқоқлана бошлайди. Дарё сувлари камайган даврларда уларниг зовурлантириш даражаси кучайиб сизот сувлари анча пасаяди. Лекин шунга қарамасдан, бу ерларда сизот сувлари юза жойлашган ва юқори даражада минераллашган бўлади. Шунинг учун бундай ерларни мелиорация қилиш талаб қилинади.

5.3. Ернинг мелиоратив ҳолатига ирригация-хўжалик шароитининг таъсири.

Ернинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган асосий ирригация-хўжалик шароитларига илмий асоссиз янги ерларни ўзлаштириш, экинларни меъёридан ортиқча суғориш, шўрланган ерларни асоссиз меъёрларда шўрини ювиш, экинларни шўр сув билан суғориш ва шўр ювиш, суғориш ва коллектор-зовур тармоқларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз вақтида таъмирламаслик ва суғориладиган ерларни баъзан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмасдан ташлаб қўйиш, меъёридан ортиқча ерга минерал ўғитлар солиши, биоцидларни қўллаш кабилар киради. Суғор-иладиган деҳқончилик шароитида дастлаб тупроқ шўр-ланмаган бўлиб, кейинчалик янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш жараёнида шу тупроқлар турли даражада (кучсиз шўрланишдан тортиб шўрхокгача) шўрланиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолади. Бу ходисага тупроқнинг қайта шўрланиши дейилади.

Ирригация тармоқларидан ва экинларни катта меъёрда суғориш натижасида фильтрланган сувлар тупроқ-грунтнинг жуда чуқур қатламларидағи тузларни әритади ва сизот сувларига қўшилиб минераллашганлик даражаларини оширади ҳамда унинг жойлашиш сатҳини умумий кўтаришга олиб келади.

Маълумки ер юзига яқин (1-3 м) жойлашган минераллашган сизот сувлар тупроқнинг бевосита шўрланиш манбаи ҳисобланади. Чунки сизот сувлари тупроқнинг капиллярлари орқали кўтарилиб буғланади ва ер юзасида тузлар тўпланиб қолади. Бунга мисол қилиб Мирзачўл, Қарши, Шеробод чўлларидаги янги ўзлаштирилган ёрларни кўрсатиш мумкин. Бу ерларнинг кўпчилик иқисмида тупроқ грунтнинг устки 1-2 м қатламлари дастлаб шўрланмаган ёки кам шўрланган, сизот сувлари 5-30 м чуқурликда жойлашган (5.3.1-расм).



5.3.1-расм. Мирзачўл сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги ва гидрогеологик тизими.

1-қумоқ-лой қатлам; 2-қумлар; 3-шагал; 4-тубжинс; 5-суғоришдан олдин сизот сув сатҳи; 6-суғоришдан кейинги сизот сув сатҳи.

Лекин бу ерлар ўзлаштирилиб суғорила бошлангандан кейин сизот сувлар сатҳи секин-аста кўтарилиб ер юзига яқинлаша бошлади. Натижада тупроқда қайта шўрлашиб ва ботқоқланиш юз берди.

Сизот сувлар сатҳи ер юзасига яқинлашган сари шу сувларнинг буғланиши жадаллашади ва тупроқда ҳамда сизот сувининг ўзида туз йиғилиш жараёни кескин тезлашади. Сизот сувларининг буғланиши уларнинг жойлашиш чуқурлигига, тупроқнинг турига, механик таркибига ва қатламларнинг тузилишига боғлиқ бўлади (5.2.1-жадвал)

Сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган (1-2 м) бўз, ўтлоқи, ўртacha қумоқ ва бир хил жинслардан тузилган тупроқларда ҳамда ўтлоқи, оғир қумоқ ҳар хил жинсли қатламлардан тузилган тупроқларда буғланиш катта бўлади.

5.2.1-жадвал.

Сизот сувларининг бугланиши м³/га (ЎзПИТИнинг лизиметрлари бўйича олинган маълумотлар)

Тупроқ тури ва тузилиши	Сизот сувларининг чуқурлиги, м.		
	1 -2	2 - 3	З м. дан чуқур
Бўз ўтлоқ, ўртача қумоқ, бир жинсли қатлам (Мирзачўл)	9126	1979	239
Бўз ўтлоқи, ўртача қумоқ, ҳар хил жинсли қатлам (Мирзачўл)	2021	1190	-
Ўтлоқ, оғир қумоқ, ҳар хил жинсли қатлам (Бухоро)	5230	1272	347
Ўтлоқ, гилли тупроқ бир жинсли қатлам (Фарғона)	3889	2253	-

Суғориладиган шароитда сизот сувлар сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлувчи асосий манбалар қуидагилардир: суғориш тармоқларидан сизиб ўтган сув, меъёридан ортиқча суғориш, шолипоялардан оқиб келадиган сувлар, бўш ётган ерларга ташланган сувлар, бошқа массивлардан оқиб келадиган сизот сувлари (юқориги минтақаларни суғоришдан ва сув омборларидан сизиб келадиган сувлар, атмосфера ёғинлари таъсирида сизот сувларини кўтарилиши.

Шўрланган сувлар билан экинларни суғориш ҳисобига ҳам тупроқда туз тўпланиши юз беради.

Республикамиз сув манбаларининг асосий қисмida минераллашганлик даражаси 0,5-1 г/л дан ошмайди. Лекин айрим дарё сувларининг минераллашганлик даражаси 1,5-2,0 г/л ни ташкил қилмоқда. Сирдарёning ўрта ва қуий оқимларидаги минераллашганлиги 2 г/л дан ортиқ, Шеробод дарёсининг минераллашганлик даражаси эса 3-3,5 г/л дан иборат. Шу билан бир қаторда жуда кўп хўжаликлар минераллашган ер ости сувларидан ва сув танқис бўлган йилларда эса зовур сувларидан (3-4 г/л) экинларни суғоришда фойдаланадилар. Бундай шўрланган сувлар билан экинлар суғорилганда тупроқда туз тўпланиши содир бўлади. Масалан, 1 гектар ерга мавсум

давомида 6000 м³ сув сарфланганда ва унинг минераллашганилиги 2 г/л бўлганда 12 т туз тўпланиди.

Тупроқнинг мелиоратив ҳолатига меъёридан ортиқча минерал ўғитлар ва биоцидлар солиниши ҳам катта таъсир қиласди. Минерал ўғитлар ва биоцидлар ерга меъёридан ортиқча солинганда уларнинг асосий қисми ўсимликлар билан ўзлаштирилади, лекин уларнинг бир қисми эса тупроқда ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган шаклда тўпланиб қолади. Масалан 1 гектар пахта майдонига 240-250 кг азотли (соф ҳолда) ўғит солинганда ундан фақат 30-40 % идан, 120-130 кг фосфор берилганда эса 15-20% идан гўза фойдаланади. Қолган қисми эса тупроқда нитрат (NO_3) ва фосфат тузлари сифатида тўпланиб қолади. Улар сув таъсирида аста-секан эриб сизот сувларига қўшилади ва уларни ифлослантиради. Масалан, сув таркибида нитрат азот миқдори 40-50 мг/л бўлса заарлидир. Нитрат ернинг чуқур қатламларигача (12 м. гача) сув билан етиб бориши ва тўпланиши кузатилган. 1 гектар пахта майдонининг 12 м. чуқурлигига 900-1200 кг гача нитрат тўпланиши аниқланган.


Ерга фосфорли ўғитлар берилганда фақат фосфат тузлари сифатида тўпланмасдан балки «огир металлар» ни ҳам вужудга келтиради. Масалан, ерга 1 тонна суперфосфат берилганда, 1 кг тупроқда 20 мг мис, 100 мг рух, 300 мг маргумуши тўпланиши аниқланган.

Биоцидлар тупроқда бир неча йиллар парчаланмасдан тўпланиб қолади. Биринчи йили сепилган биоцидларнинг 80-100 % кейинги йилларга сақланиб қолади ва улар фақат тупроқнинг чуқурлиги ва ёнига қараб тарқалиши мумкин. Масалан ДДТ нинг сепилгандан 2-3 йил кейин 80%, альдринни 43%, гексахлорани 20% тупроқнинг 15 см қатламида сақланиб қолган.

Йиллар давомида кимёвий моддаларни нотўғри қўллаш оқибатида тупроқ заҳарли моддаларга тўйиниб боради ва тупроқдан ўсимлик илдизи орқали бутун органларига тарқалади ва ўсимликни заҳарлайди. Заҳарли кимёвий моддалар ўсимликларга ва бошқа барча йирик организмларга салбий таъсир кўрсатади.

Заҳарли кимёвий моддалар тупроқ, сув ва ўсимликларда мавжуд бўлиб, ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотлари орқали

қишлоқ хўжалик ҳайвонларига ўтади ҳамда ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотлари орқали инсон организмида тўпланади. Шу оқибатида турли юқумли касалликлар пайдо бўлади, ҳаттоқи мутация вужудга келтириб инсон наслини бузади.



Шунинг учун заҳарли кимёвий моддалар кўп тўпланган ерларни аниқлаш, уларни мелиорация қилиш муҳим муомма бўлиб қолмоқда.

5.4. Шўрланган тупроқларнинг турлари ва хоссалари.

Шўр тупроқлар таркибидаги тузлар асосан HCO_3^- , CO_3^{2-} , Cl^- , SO_4^{2-} анионларидан ва Ca^{2+} , Mg^{2+} , Na^+ , K^+ катионларидан ташкил топади.

Улар бир-бири билан бирикиб қўйидаги тузларни ҳосил қиласди: (жадвал 5.4.1.)

5.4.1-жадвал

Шўр тупроқларда учрайдиган тузлар

NaCl Ош тузин	Na_2SO_4 Натрий сульфат	NaCO_3 кир сода	NaHCO_3 Натрий бикорбонат
MgCl_2 Магний хлорид	MgSO_4 Магний сульфат	MgCO_3 Магний корбонат	$\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$ Магний бикорбонат
CaCl_2 Кальций хлорид	CaSO_4 Кальций сульфат (гипс)	CaCO_3 Кальций корбонат (оҳак)	$\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$ Кальций бикорбонат

Тупроқнинг таркибида бу тузларнинг умумий миқдори 0,3 % (тупроқнинг қуруқ оғирлигига нисбатан %) дан кўп бўлса шўрланган тупроқлар ва аксинча 0,3% дан кам бўлса шўрланмаган тупроқлар дейилади.

Шўрланган тупроқлар иккита катта гуруҳга бўлинади.

1. Шўрҳок ва шўрҳоксимон .

2. Шўртоб ва шўртобли .

Шўрҳок ва шўрҳоксимон тупроқлар кўпроқ қурғоқчил арид иқлимли минтақаларда (саҳро, ярим саҳро ва чўллар) тарқалган бўлиб, бу минтақа қуруқликнинг 36-40 % ташкил қиласиди. Бу Австрия қитъасининг 82%, Африканинг 5-%, Осиёнинг 45%, Европанинг 35%, Шимолий Американинг 28%, Жанубий Американинг 21% ни ишғол қиласиди.

Шўрҳок ва шўрҳоксимон тупроқлар таркибидаги тузлар миқдори ва шўр қатламларнинг жойлашиш чуқурлигига қараб қўйидагиларга бўлинади:

1. Шўрланмаган - тупроқнинг 2 м қатламида тузлар миқдори 0,1-0,3 % дан кам.

2. Чуқур шўрҳоксимон - шўрланган қатлам 1 м дан чуқурда жойлашган, тузлар миқдори-0,3-0,8%гача

3. Шўрҳоксимон- шўрланган қатлам 0,5 м дан бошланади, тузлар миқдори 0,8-1,5%.

4. Кучли шўрҳоксимон - шўрланган қатлам 0,2-0,3 м дан бошланади, тузлар миқдори 1,5-2,0 %.

5. Шўрҳокли - шўрланган қатлам ернинг юзасидан бошланиб унинг таркибида 2-3% туз бўлади.

6. Шўрҳок - шўрланган қатлам ернинг юзасидан бошланган ва унинг таркибида 3,0% дан ортиқ туз тўпланган.

Шўрҳоксимон, шўрҳокли ва шўрҳок шўрланишлар қора тупроқлар, каштан тупроқлар, типик бўз, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз, сур-қўнғир, тақирли, ўтлоқи тупроқлар таркибида учрайди. Булардан ташқари шўрҳоклар алоҳида тупроқ типига мансуб бўлиб, улар типик шўрҳоклар,

ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ, тақирли шўрҳок, кичик типлардан ҳам иборатдир.

Шўрҳок тупроқлар ташқи кўринишига қараб қўйида-гиларга бўлинади.

Хўл шўрҳоклар. Унинг сирти зич ва нам бўлиб, қўпинча қорамтири тусда бўлади. Қуруқ вақтларда унинг юзида шишасимон туз қобиқ пайдо бўлади. Қобиқ остида кучли намиққан тупроқ қатлами туради. Бу қатлам сизот сувнинг яқин жойлашганлиги, шунингдек, гигроскопик тузлар-кальций хлориди (CaCl_2), магнезиал тузлар (MgCl_2 , MgSO_4) нинг кўп бўлиши туфайли ҳосил бўлган.

Қатқалоқли шўрҳоклар. Буларда ҳам сизот сув сатҳи юқори жойлашган, тупроқ юзида туз қатқалоги бор. Қатқалоқда оқиши тусдаги хлорид ва олтингугурт тузлари сиртга тепган бўлади.

Майик шўрҳоклар. Устки қатлами лўппи массадан иборат бўлиб, юрганда оёқ бир оз ботиб кетади. Бундай қатлам кўп миқдорда туз, асосан натрий сульфат таъсирида ҳосил бўлади; натрий сульфат зарралари билан кристалланиб ($\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ ҳолатда) қотади. Бундай шўрҳокларнинг устки қатламларидағи тузларнинг умумий миқдори 5-15 % га боради.

Қора шўрҳоклар. Бундай шўрҳокларнинг юзи қорамтири бўлади. Ёмғир ёққанидан ёки сугоришдан кейин бундай ерларда тупроққа сингиб кирмайдиган қора суюқлик кўлмаклари ҳосил бўлади. Бунга сабаб тупроқда сода (NaCO_3) бўлишидир. Сода тупроқ гумусини эритади ва эритманинг ранги қораяди. Шунингдек, сода тупроқ заррачаларини парчалаб (дисперсиялантириб) юборади ва уни деярли сув ўтказмайдиган ҳолатга келтиради.

Шўрланган тупроқларни мелиорация ва агрономик (зовурлантириш, шўр ювиш) нуқтаи назардан баҳолаш учун улар шўрланиш типлари ва шўрланиш даражалари бўйича классификацияланади. Тупроқнинг шўрланиш типини аниқлашда сувли эритмадаги анион ва катионларнинг миллиэквивалентдаги миқдори ҳамда уларнинг

ўзаро нисбати, шунингдек, гипс мавжудлиги ҳисобга олинади.

Ўрта Осиё ва шу жумладан Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларидағи шўрланиш типлари анионлар бўйича Cl⁻ ва SO₄²⁻ ионларининг, катионлар бўйича эсà Na⁺ ва Mg²⁺ ларнинг нисбати билан аниқланади (5.4.2. жадвал)

Ўзбекистон Республикасининг суғориладиган ерларининг 60-70% турли даражада шўрланган. Тупроқнинг шўрланиш даражаларини аниқлашнинг амалий аҳамияти шундаки, улар шўр ювиш меъёрини белгилашда, экинларни таркиби ва уларни жойлаштиришда, коллекторзовур тармоқларини иш фаолиятини баҳолашда, шўр ерларнинг фойдали коэффицентини аниқлашда жуда катта аҳамиятга эга.

Тупроқнинг шўрланиш даражаларини аниқлаш учун ҳозиргача сувли сўрим анализ усулидан фойдаланилади. Сувли сўрим анализида тўлиқ ва қисқартирилган анализлар қилинади. Тўлиқ анализда қуруқ қолдиқ (сувда эрийдиган моддаларнинг умумий миқдори), HCO₃^I, CO₃^{II}, Cl⁻, SO₄²⁻, Ca²⁺, Mg²⁺, K⁺, Na⁺ ларнинг сувда эрийдиган миқдорларини аниқлаш қабул қилинган ва олинган натижалар 5.4.3-жадвалида келтирилган класификация бўйича шўрланиш даражалари белгиланади.

5.4.2-жадвал

*Тупроқнинг шўрланиш типи (Н.И.Базилевич,
Е.И.Панков бўйича)*

Анионлар бўйича шўрланиш типи		Катионлар бўйича шўрланиш типи	
Cl ⁻		Na ⁺	
SO ₄ ²⁻		Mg ²⁺	
≥ 2.5	Хлоридли	> 2	Натрийли
2.5-1.0	Сульфат-хлоридли	2-1	Магний-натрийли
1.0-0.3	Хлорид-сульфатли	1-0.5	Натрий-магнийли
≤ 0.3	Сульфатли	< 0.5	Магнийли

Ишлаб чиқаришда суғориладиган шўр тупроқларнинг майдонларини, шўр ювиш сони ва меъёрларини белгилаш учун шўрланиш даражаларининг соддалаштирилган

классификациясидан фойдаланилади. Бунда тупроқ таркибидаги қаттиқ қолдик, Cl, HCO₃ ионлари ва Na катиони 0-100 см қатlamда аниқланади ва 5.4.4-жадвалда келтирилган классификация бўйича шўрланиш даражалари белгиланади.

Иккала анализ усулида ҳам жуда катта ҳажмда аналитик ишлар бажарилади ва узоқ вақт талаб қилинади ҳамда анализ маҳсус жиҳозланган лаборатория шароитида амалга оширилади.

Хозирги пайтда дунё мамлакатларида тупроқнинг шўрланиш даражаларини маҳсус асбоблар ёрдамида тезкор усулда аниқлаш йўлга қўйилган. Тезкор усулда электропрондукторометр асбоби (5.4.1-расм) ёрдамида тупроқ суспензиясининг электр токини ўтказиш қобилияти аниқланади.

Олинган натижалар тупроқнинг халқаро шўрланиш даражалари (ФАО) классификация асосида ва Марказий Осиё тупроқлари учун қабул қилинган шкала (Ю.И. Широкова, А.К. Чернаков маълумотлари) бўйича (5.4.5-жадвал) баҳоланади.

5.4.3-жадвал

Тупроқниң шүрланиш даражалари бүйича классификацияси (захарли тузлар ва хлор, сульфат ионларининг % миқдори бүйича, Базилевич Н.И., Панков Е.И.)

Шүрләнниш даражасы	Шүрланиш типи.							
	Хлоридли			Сульфат-хлоридли			Хлорид-сульфатлы	
	Захарли тузлар миқдори	Cl	SO ₄	Захарли тузлар миқдори	Cl	SO ₄	Захарли тузлар миқдори	Cl
Шүрләнмаган	0,03	0,01	0,006	0,05	0,01	0,014	0,10	0,01
Кучсиз шүрләнгән	0,03-0,1	0,01-0,03	0,006-0,02	0,05-0,12	0,01-0,03	0,014-0,40	0,01-0,25	0,01-0,02
Үртака шүрләнгән	0,1-0,3	0,03-0,1	0,02-0,06	0,12-0,35	0,03-0,09	0,040-0,12	0,25-0,50	0,02-0,08
Кучли шүрләнгән	0,3-0,6	0,1-0,25	0,06-0,13	0,35-0,70	0,09-0,23	0,12-0,24	0,50-0,90	0,08-0,20
Жуда кучли шүрләнгән.	>0,6	>0,25	>0,13	>0,70	>0,23	>0,24	>0,90	>0,20
	Сульфатлы		Сульфатлы хлорид гидрокорбонатлы					
	Захарли тузлар миқдори	Cl	SO ₄	Захарли тузлар миқдори	Cl	SO ₄ ,	HNO ₃	
Шүрләнмаган	0,15	0,01	0,08	0,15	0,01	0,04	0,05	
кучсиз шүрләнгән	0,15-0,30	0,01-0,02	0,08-0,17	0,15-0,30	0,01-0,04	0,04-0,07	0,05-0,09	
үртака шүрләнгән	0,30-0,60	0,02-0,06	0,17-0,34	0,30-0,50	0,04-0,07	0,07-0,10	0,09-0,12	
кучли шүрләнгән	0,60-1,40	0,06-0,12	0,34-0,86	-	-	-	-	
жуда кучли шүрләнгән	>1,40	>0,12	>0,86	-	-	-	-	

5.4.4-жадвал

Кисқартирилган анализ мълумотлари бўйича шўрланиш даражаси % хисобида.

Шўрланиш даражаси	HCO ₃	Cl	Na	Қатиқ қолдик
Шўрланмаган	0.061	0.01	0.023	<0.3
Кучсиз шўрланган	0.061-0.122	0.01-0.035	0.023-0.046	0.3-0.5
Ўртач шўрланган	0.122-0.244	0.035-0.070	0.046-0.092	0.5-1.0
Кучли шўрланган	0.244-0.488	0.070-0.140	0.092-0.184	1.0-2.0
шўрхок	>0.488	>0.140	>0.184	>2.0



5.4.1 расм Электрокондукрометр асбоби.

5.4.5-жадвал

ФАО бўйича тупроқнинг шўрланиш даражаси бўйича халқаро классификацияси ва Марказий Осиё тупроқлари учун тузатиш шкаласи

ФАО бўйича Ec, Ds / m	Шўрланиш даражаси	Тузатиш шкаласи Ec _{1:1} , ds / m (K _{3,1})
0 - 2	шўрланмаган	0 - 0,6
2 - 4	кучсиз шўрланган	0,61 - 1,15
4 - 8	ўртача шўрланган	1,16 - 2,30
8 - 16	кучли шўрланган	2,31 - 4,70
> 16	ўтга кучли шўрланган	> 4,70

Шўртоб ва шўртобли тупроқлар деб, тупроқларнинг сингдириш комплексида ортиқча натрий элементи бўлган тупроқларга айтилади.

Шўртоб ва шўртобли тупроқлар, асосан, намгарчилик, яъни каштан, қўнғир, ўрмон чўл, қора тупроқли (Украина, Россия, Қозоғистон мамлакатларида) минтақаларда кенг тарқалган.

Ўрта Осиёда бундай тупроқлар жуда кам учрайди, улар Ўзбекистоннинг бўз - ўтлоқи, тақир, ўтлоқи-тақир тупроқларида дарё террассалари бўйлаб аллювиал ётқизиқларда ривож топган. И.П.Антипов-Каратеев тупроқнинг сингдириш комплексидан натрийнинг синган катионлар миллиграмм-эквивалентлар йифиндисига нисбатан % хисобидаги миқдорига қараб (Тупроқдаги сингиган барча катионлар (Ca^{+3} , Mg^{+2} , Na^+ , K^+ , H^+ , NH_4) йифиндиси сингиш сифими дейилади ва 100 грамм тупроқдаги миллиграмм эквивалентлар билаш ифодаланади) классификация тузди. Бунда шўртобсиз 5% дан кам, сал шўртобли 5-10%, шўртобли 10-20%, шўртоб 20% дан кўп.

Шўртобли тупроқларда тупроқнинг физик хоссалари ёмонлашади, шўртоб тупроқларда физик-кимёвий хоссалари кескин ёмонлашади ва мутлақо экин бўлмайди.

К.К.Гедройцнинг текширишларига кўра, шўртоб тупроқларга сингиган натрий манбаи бўлиб шўрхок жойларда тўпланадиган натрийли тузлар таркибидаги натрий хисобланар экан. Тупроқ эритмасида натрий тузлари кўпроқ бўлса, тупроқнинг сингувчи комплексига натрий ионининг киришиш жараёни рўй беради; бу ион комплекс таркибидан кальций ионини сиқиб чиқаради. Агар натрийнинг Ca^+ - Mg нисбати (миллиграмм эквивалент хисобида) 4 га тенг ёки ундан катта бўлса, тупроқнинг бундай шўртобланиш жараёни шиддат билан боради.

Юқоридаги нисбат 4 дан кам бўлса, натрийнинг сингиши қийинлашади. Тупроқда кальций (карбонат ёки сульфат холдаги) кўп бўлса, одатда, тупроқ шўртобланмайди.

Агар шўртобланган тупроқ сув (ёғингарчилик, сугориш, шўр ювиш) таъсирида шўрсизланса ёки унинг таркибидаги сувда эрувчан тузлар электролитларининг концентрацияси маълум миқдордан (электролит чегараси), тупроқ эритмасидаги электролитларнинг тупроқ коллоид ва лойка

зарраларининг қуюқлашиб (когуляция) йирикроқ бўлакларга айланиши учун максимал концентрацияси камайиб кетса, тупроқнинг физик-кимёвий хоссаси ёмонлашади. Бунга сабаб тупроқ дисперсацияси, яъни (агрегатларнинг ташкил этувчи элементларга ажралиб кетиши натижасида тупроқнинг кукунланиши) тупроқ сингувчи комплексининг парчаланиб, кремний (IV) оксид, темир (III)-оксид ва алюминий оксид каби инерт оксидларига айланиши ҳамда сода ҳосил бўлиши ва тупроқда ишқорий муҳит вужудга келишидир.



Тупроқ таркибида натрийнинг ортиб бориши унинг сув ўтказувчанлигини камайишига сабаб бўлади.

5.4.6-жадвал

Таркибида турли миқдорда сингиган натрий бўлган тупроқнинг сув ўтказувчанлиги (П.И.Шавригин маълумоти)

	Синган Ca : Na ларнинг эквивалент нисбатлари.									
	100:	94.6	92.8	86.14	82.18	70.3	48.52	24.76	16.84	0:100
Сув ўтказувчанлиги	100	50	31.4	20.1	7.2	5.6	1.6	0.8	0.8	0.3

6. ТУЗЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИГА ТАЪСИРИ

Тупроқдаги тузларнинг меъеридан ортиқча бўлиши қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Тупроқдаги тузлар ўсимликларга таъсири бўйича икки гуруҳга бўлинади.


1. Заҳарли тузлар;
2. Кам заҳарли тузлар.

Биринчи гуруҳга Na_2CO_3 , NaHCO_3 , Na_2SO_4 , NaCl , MgCl_2 , MgSO_4 , $\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$ тузлари; иккинчи гуруҳга эса CaCl_2 , CaSO_4 , CaCO_3 ва $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$ тузлари киради. Заҳарли тузлардан ўсимликлар учун ўта зарарлиси Na_2CO_3 , NaCl , нисбатан камроқ MgSO_4 , NaHCO_3 ва Na_2SO_4 тузларидир. Бу тузлар сувда жуда тез эрув-


чан бўлади. Кам заҳарли тузлар эса сувда секин эрувчандир. Шунинг учун ҳам улар экинларга кўп зарар келтирмайди.

Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларида заҳарли ва кам заҳарли тузлар билан шўрланган ерлар кенг тарқалган. Мирзачўл, Жиззах, Қарши, Шеробод чўллари ва Бухоро, Навоий вилоятларининг тупроқларида заҳарли тузлар, Фарғона водийси тупроқларида эса кам заҳарли тузлар кенг тарқалган. Хоразм ва Қорақалпогистон ҳудудларида эса аралаш, яъни заҳарли ва кам заҳарли тузлар биргаликда учрайди.

Тузларнинг ўсимликларга таъсири турлича бўлиб, бу таъсир ўсимликларнинг биокимёвий ва физиологик функциялари, уларнинг сув - озиқланиш тартиби ҳамда илдиз тарқалиш ҳолатининг бузилишида намоён бўлади.



6.1.1-расм. Тупроқ шўрланишига қараб гўза барги анатомик тузилишининг ўзгариши. 1-назорат; 2-сульфат билан шўрланиш; 3-хлорид билан шўрланиш.




6.1.2-расм. Сульфат билан турли концентрацияда шўрланган тупроқларда гўзанинг ўсиши.

1-назорат; 2-0,3%; 3-0,5%; 4-0,8%; 5-1,4%.

Сульфат-хлоридли шўрлаништипида хлорид-сульфатли шўрланишга қараганда ўсимликлар яхши ривожланмайди, хлоридлар эса сульфатлilarдан ҳам кучли таъсир кўрсатади. (6.1.1., 6.1.2 расмлар Б.П.Строганов маълумоти).

Б.П.Строгановнинг шўрланган тупроқдаги ўсимликларнинг сув режимига оид текширишларига кўра, тупроқ хлорид тузлар билан шўрланган бўлса, ўсимликларда галосуккулентлик аломатлари ривожланади. Бунда ўсимликларнинг хужайралари катталашади, барг томирлари камаяди, аммо анча йўғонлашади. Ўсимликларнинг сувни сўриш қобилияти сусаяди ва транспирация интенсивлиги кескин пасайиб кетади.

Тупроқнинг сульфатли шўрланишида ўсимликларда ксероморфизм аломатлари пайдо бўлади. Бунда ўсимликларнинг хужайралари кичиклашади, барг томирлари кўпаяди. (6.1.3 расм), шунингдек транспирация интенсивлиги ортади.



6.1.3-расм. Шўрхок доғдаги гўза барги ва танаси (I), шўрсизлантирилган майдонда унинг нормал ривожланиши (II).

Шунинг учун тупроқнинг шўрланиш таъсири остида ўсимликларда фотосинтез ва нафас олиш жадаллиги се-зиларли даражада камайди, модда алмашинуви сусаяди. Тупроқнинг шўрланиш даражаси ортиши билан қуруқ модда камроқ тўпланади. Сульфат-хлорид тузлар билан шўрланган тупроқларда хлорид-сульфат тузлар билан шўрланган тупроқлардагига нисбатан қуруқ модда камроқ йифилади. (6.1 жадвал)

Умумий қонуният шуки, транспирация интенсивлигидан қатъий назар, тупроқнинг шўрланганлик дара-жаси ортиши билан ўсимликларнинг ўсиш давридаги умумий сув сарфи камая боради (6.2. жадвал).

Бунга сабаб шуки, тупроғи камроқ шўрланган жойдаги ўсимликларда умумий буғланиш юзаси, айниқса барг сиртининг юзаси жуда кичрайиб кетади. Тупроқнинг шўрланганлик даражаси ортиши билан майдон бирлигига тўғри келадиган ўсимлик сони ҳам камаяди.

6.1-жадвал

Тупроқдаги тузлар миқдори ва шўрланиш типига қараб ғўзанинг ўзгариши

Шўрланиш типи.	Тупроқдаги тузлар миқдори%	Ўсимликларниң қуруқ оғирлиги					
		Барги	Пояси, барги	Хосил элементлари	Ер усти ораларининг умумий оғирлиги	Илдизнинг оғирлиги	Бутун ўсимликнинг умумий оғирлиги
Назорат (шўрләнган)	-	5,88	5,74	1.98	13,58	1,54	15,12
Хлоридид сульфатли	0,3	6,14	5,63	2,65	14,48	1,74	16,22
	0,5	5,21	5,65	2,70	13,56	1,76	15,32
	0,8	5,15	4,46	2,90	12,51	1,51	14,02
Сульфат хлоридли	0,3	5,20	4,48	2,34	2,02	1,42	13,44
	0,5	4,58	4,0A	3,57	12,19	1,48	13,67
	0,8	3,62	3,10	1,34	8,06	0,97	9,03

6.2-жадвал

Турли шўрланиш даражаларида ғўзанинг ўсиш давридаги сув сарфи.

Тупроқнинг шўрланганлик даражаси	Бир туп ғўзанинг сув сарфи, кг					Ўсиш давридаги сув сарфи.	
	июн	Июл	август	сентябр	октябрь	Бир туп ғўзанинг сув сарфи, кг	Майдондаги ғўзанинг сув сарфи м/га
Кучсиз	1.20	11.8	57,46	62,94	22 B2	156,10	6517
Кучли	9,66	7,52	30,52	36,57	17.08	92,35	2695

Тузларнинг ўсимликни сув режимига ҳарарли таъсири уруг униб чиқсан пайтдан бошланади.

Тупроқ шўрланган бўлса, уруғнинг нам торғиши жуда секинлашади. Уруғ намлиги яхши униб чиқиши учун зарур бўлган даражагача кўтарила олмайди. Шу сабабли уруғларнинг униб чиқиши анча секинлашади ёки бутунлай униб чиқмайди.

Тупроқнинг шўрланганлиги ўсимликларнинг ўсими даврида ҳам катта таъсир кўрсатади. Сув озиқ моддалар билан бирга (ўсимликнинг сўриш кучи таъсирида) илдиз тукчалари орқали сўрилади, ўсимликнинг сўриш кучи тупроқнинг сув тутиб туриш кучидан катта бўлганидагина сув сўрилади. Тупроқнинг сув тутиб туриш кучи тупроқ эритмасининг осмотик босими билан аниқланади. Бу куч катта миқёсда ўзгариб туриши мумкин.

Тупроқда қанчалик туз кўп ва намлик кам бўлса, унинг сув тутиб туриш кучи ҳам шунчалик катта бўлади. (6.3. жадвал)

Ўсимликнинг сўриш кучи ташқи муҳит шароити, ўсимликнинг тури ва ёшига қараб ўзгариб туради. Масалан, шўрланмаган тупроқларда бодрингнинг сўриш кучи 2-5 атмосфера, фўзаники 10-15 атмосфера, шўрланган тупроқларда эса фўзанинг сўриш кучи 18-30 атмосфера бўлади. Чўл ксефоритларининг сўриш кучи 40-50 атмосферагача, шўрҳок тупроқли ерлардаги ўсимликларда эса 50-100 атмосферагача ва ундан ҳам юқори бўлади.

Тупроқнинг шўрланиш даражаси ортиши билан тупроқ эритмасининг осмотик босими ўсимликнинг сўриш кучидан ортиб кетади. Шу сабабли ўсимликларнинг сувни тортиб олиши қийинлашади ва тупроқнинг физиологик қуруқлиги деб аталадиган шароит вужудга келади, бунда тупроқда намлик бўлишига қарамай, ўсимлик етарлича сувни ололмайди. Натижада ўсимликларнинг ривожланиши секинлашади.

Шўрланган тупроқларда тузлар ўсимликларнинг тўқима ва органларига кириб боради. А.А.Рихтер фикрича,

туз концентрацияси мұайян миқтесга етгүнча илдиз түқималари чинг туз ўтказмаслиги сақланып туради, шундан кейин тузтар тешіб ўтади ва ўсимликни заҳарлайды.

6.3-жадвал

Тупроқ таркибындағы тузлар ва намлык миқдорига қараб сув тутиб туриш кучи. (В.С.Шардаков маълумотлари)

Шүрләнмаган тупроқ		Кам шүрләнгән тупроқ (0,55% тузлар)		Кучли шүрләнгән тупроқ (2-13% тузлар)	
Тупроқнинг намлығы %	Сув тутиб туриш кучи, атм.	Тупроқнинг намлығы %	Сув тутиб туриш кучи, атм.	Тупроқнинг намлығы %	Сув тутиб туриш кучи, атм.
9,4	20	9,3	35	9,9	143
12,2	10	12,4	26	13,3	59
18,3	2	18,6	18	19,6	30
-	-	24,8	11	25,8	17

П.А.Генкелнинг текширишларига кўра, тузлар концентрацияси юқори бўлганда ўсимликларда плазма заарланади. Бунинг натижасида ўсимлик органларида кўп туз тўпланади.

Ўсимлик органлари кучли минераллашганда ўсимликларнинг минерал озиқланиши бузилади. Шунда ўсимлик озиқланиши учун зарур бўлган кўпчилик элементлар (масалан, кальций, калий, олтингугурт) камайиб кетади, кремний, хлор, натрий, магний каби элементлар кўпайиб кетади (6.4. жадвал)

6.4-жадвал

Ғўза ниҳолининг минерал таркиби.

Еъзалинг ҳамати	Абсолют қаруқ мөдделга ишбатан.%										Жами Минерал мөдделар %
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	P ₂ O ₅	Cl	SO ₃	Ca	Mg	K	Na	
Яхши	0,72	0,47	0,08	0,58	1,51	3,83	3,35	0,81	4,67	0,41	16,46
Нижонроқ	1,26	0,06	0,11	0,47	0,85	3,34	3,55	0,87	3,34	0,20	14,05
Нимжон	5,16	0,19	0,46	1,62	0,56	2,03	1,83	0,87	3,50	0,54	17,76
Нижонта нимжон	5,02	0,18	0,41	2,11	2,48	3,05	1,26	1,10	3,54	1,22	20,69

Ўсимликларда тўпланадиган тузларнинг заҳарли таъсири остида ўсимликларнинг туздан заҳарланиш ходисаси рўй беради. Бу ходиса ўсимликларда хлор, натрий

каби элементларнинг миқдори ортиб кетганда, айниқса, яққол кўринади. Кучли шўрланган тупроқдаги ўсимликларда хлор нормадан 2-3 марта, натрий эса 5-10 марта ортиб кетиши мумкин.

Б.Н.Строгонов фикрича, туздан заҳарланиш даражаси ўсимликнинг биологик хусусиятларига, тузларнинг концентрацияси ва физик - кимёвий хоссаларга боғлиқ. Туздан заҳарланишда ўсимликларга заҳарли таъсир этадиган ва модда алмашинуvida оралиқ маҳсулот сифатида ҳосил бўла иган моддалар (аммиак), шунингдек, бавзи органо-минерал бирикмалар (гер-бицидларга ўхшаш) муҳим роль ўйнайди. Шу бирикмаларнинг заҳарли таъсири тузларнинг заҳарли таъсирига қўшимча бўлади.


Тупроқ сульфат тузлар билан шўрланганда ўсимлик, асосан, тузларнинг осмотик таъсирига учрайди, хлоридлар билан шўрланганда эса, биринчи навбатда тузларнинг заҳарли таъсири намоён бўлади.

Тупроқнинг шўрланиши қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг илдизига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Тупроқнинг пастки қатламида туз заҳираси кўп бўлса, илдизнинг чуқурланиши анча қийинлашади. Тузлардан нормал сода NaCO_3 илдизга ёмон таъсир этади. Сода илдизларни ўйиб юборади, натижада илдиз шилимшиқланиб қораяди ва нобуд бўлади.

Тупроқда сувда эрийдиган оддий тузларнинг концентрацияси ортиб кетиши натижасида ўсимлик-ларнинг ўсиши аста-секин ёмонлаша боради, ўсиши секинлашади, барглар қуриб сўлий бошлайди. Кўпинча барглар бужмайиб қолади (6.4 расм) Кучли заҳарланганда ўсимликларнинг барги сарғаяди, уларда туз дөглари пайдо бўлади. Бундай барглар кейинчалик тўкилади. Аммо тузлар таъсирида ўсимликни ўсиши жуда секинлашади ва кўпинча тўсатдан, тез нобуд бўлиши ҳам мумкин. Яхши ривожланган ёш ўсимликлар кўпинча биринчи сугоришдан ёки ёғингарчиликдан кейин нобуд бўлади. Бундай ҳолларда ўсимликлар одатда

тупроқ ишқорийлиги вақтинча бирданига ортиб кетганидан нобуд бўлади.

Тузлар етарли даражада ювилмаганда тупроқ жуда намланиб кетганда, натрий сульфат билан кальций карбонатнинг ўзаро алмашиниши реакцияси натижасида тупроқнинг ишқорийлиги ортиб кетади. Бунда тупроқ эритмасида сода ва ўювчи натрий ҳосил бўлиб, унинг гидроксид иони (OH^-) ўсимликни нобуд қиласида:



Айрим ҳэлларда тузларнинг бевосита таъсири, тупроқнинг шўрҳоклиги ҳам ўсимликнинг яхши ривожланана олмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Тупроқ шўрланганда унинг физик хоссалари ва тупроқ эритмасининг ишқорийлиги кескин ёмонлашиб кетади (тупроқнинг сингдириш комплексидаги натрий ҳисобига сода ҳосил бўлади).

Тупроқнинг ўсимликларга заарли таъсирини ўмумлаштириб, қуйидаги ҳолатларни қайд қилиш мумкин.

Суғориладиган шўрланган ерларда ўсимликларнинг туз таъсирида ёмон ўсиши ёки нобуд бўлишига одатда тупроқ эритмасида сувда эрийдиган оддий тузлар концентрацияси ортиб кетиши сабаб бўлади.

Ўсимликнинг нимжон бўлиб ўсишига ёки нобуд бўлишига қуйидагилар бевосита сабаб бўлади: тузлар таъсирида ўсимликларнинг фотосинтез нафас олиши ва улардаги модда алмашинувининг бузилиши тупроқ физиологик қуруқлигининг таъсири; ўсимликларнинг минераллар билан озиқланишининг бузилиши; ўсимликларнинг туздан заҳарланиши; ўсимликларнинг илдизига тузларнинг ёмон таъсир этиши.

6.1. Экинларнинг туз-таъсирига чидамлилиги ва тупроқ таркибида тузларнинг йўл қўйиладиган миқдори.

Экинларнинг туз таъсирига чидамлилиги деб тупроқ таркибидаги тузлар ва тупроқ эритмаси концентрациясининг

қишлоқ хўжалик экинларини меъёрида ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир қиласидиган миқдорига айтилади.

Экинларнинг туз таъсирига чидамлилиги қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

1. Тузларнинг таркиби - тупроқниң таркибида хлорли тузлар кўп бўлган (Мирзачўл, Қарши, Шеробод чўлларида, Бухоро, Навоий вилоятларининг жанубий ҳудудларида) қишлоқ хўжалик экинлари тузлар миқдори 0,3-0,4% (қуруқ қолдиқ), хлор иони миқдори 0,01% дан ошганда заҳарланади.

6.1-жадвал

Экинларнинг ўсув фазалари бўйича тупроқда тузларнинг йўл қўйилган миқдори.

Воҳалар	Ургу униб чиқиш ва Дастлабки ўсув фазасида		Ўсув даврининг кейинги фазаларида	
	Куруқ қолдиқ,%	Хлор иони, %	Куруқ қолдиқ,%	Хлор иони, %
Мирзачўл	0,25-0,30	0,008-0,01	0,30-0,40	0,01-0,02
Фарғона	0,50-0,80	0,01-0,02	0,75-1,20	0,02-0,03
Хоразм	0,30-0,40	0,01-0,02	0,50-0,80	0,01-0,02

Сульфатли шўрланиш типига мансуб бўлган тупроқларда (Фарғона водийси) эса экинлар 0,6-0,8% (қуруқ қолдиқ бўйича) туз бўлганда ҳам чидай олади.

2. Тупроқ намлиги-тупроқ таркибида қанчалик намлик кўп бўлса тупроқ эритмасининг концентрацияси шунчалик паст бўлади ва экинларнинг туз таъсирига чидамлилиги шунча юқори бўлади. Тупроқ эритмасининг концентрацияси бир хил бўлиб, нам кўпайса ўсимликларнинг тузга чидамлилиги ошади.

3. Тупроқ унумдорлиги - унумдор тупроқларда ўсимликларнинг туз таъсирига чидамлилиги юқори, аксинча унумсиз тупроқларда паст бўлади. Ерга органик ўғитлар солиш, алмашлаб экиш ва илмий асосланган меъёrlарда минерал ўғитлар бериш экинларни тузлар таъсирига чидамлилигини оширади, лекин меъёридан ортиқ минерал ўғитлар (асосан NaNO_3) берилганда тупроқ

эритмаси концентрацияси ошиб, ўсимликларнинг туз таъсирига чидамлилигини камайтиради.

4. Иқлим шароити - иқлими қуруқ, иссиқ, атмосфера ёғиң тари кам, кучли шамол бўладиган худудларда (чўл, саҳро) экинларнинг тузлар таъсирига чидамлилиги камаяди.

5. Экинларнинг ўсув фазалари - кўпчилик қишлоқ хўжалик экинлари дастлабки ўсув фазаларида тузлар таъсирига чидамсиз бўлади. Кейинги ўсув фазаларида эса чидамлилиги ошиб боради. Шунинг учун экинлар уруғи экилгандан бошлаб тупроқда тузларнинг миқдори кучсиз шўрланиш даражасидан паст бўлиши керак (6.1.жадвал)

6. Экинларнинг тури - қишлоқ хўжалик экинлари туз таъсирига чидамлилиги бўйича З гуруҳга бўлинади: 1-чидамсиз, 2-ўртача чидамли, 3- чидамли (6.2.жадвал).

6.2-жадвал.

Экинларнинг турлари бўйича туз таъсирига чидамлилиги.

Чидамсиз экинлар	Ўртача чидамли экинлар.	Чидамли экинлар
Ловия, нўхат, юш, кунжит	Дала экинлари бугдой, жавдар, сули, арпа, шоли, маккажўхори, зигир, кунгабоқар, гўза.	Хашаки лавлаги, қандлавлаги, жўхори, (сорго), рапс, перко, баланд, бўйли бетага
Беда, себарга	Ем-ҳашак экинлари қашқарбеда, судан ўти,райграс, бетага (овсянида), оқ сухта Сабзавод экинлари помидор, гулкарар, бошкарам, батат, қалампир, сабзи, шолғом, бақлажон, пиёз, қовун, тарвуз, бодринг	ош лавлаги, шпинат, баргли карам
Редиска, кўк нўхат, картошка		
Нок, олма, олхўри, гилос, шафтогли, лимон, бодом, ер тут	Боғ экинлари анор, анжир, узум, ўрик	хурмо, жийда

Экинларнинг туз таъсирига чидамлилигини ошириш учун қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

1. Тузлар таъсирига чидамли экин турларини экиш;
2. Тузлар таъсирига чидамли экин навларини экиш;
3. Юқори сифатли, сараланган экин уруғларни экиш;
4. Шўр ерларда етиштириладиган экинларнинг экиш меъёрларини 15-25%гача (шўрланган ерларга нисбатан) ошириш;

5. Шўр ерларда етишириладиган экинларниң сугориши меъёларини 10-20%гача (шўрланмаган ерларга нисбатан) кўпайтириш;

6. Экиш олдидан уругларни туз (4% NaCl эритмаси), минераллашган сизот сувлар (3-4г/л) ва минерал ўғитлар эритмаларида (суперфосфат 2%) ивитиш.

7. СИЗОТ СУВ ТАРТИБИ БАЛАНСИ ВА САТҲИННИНГ МАҚБУЛ ЧУҚУРЛИГИ

Ер ости сувлари тупроқ грунтнинг сув ўтказмайдиган қатламлари орасидаги бўшлиқларда тўпланадиган эркин (гравитацион) сувлардир.

Ер ости сувлари жойлашиш чуқурлиги ва тарқалиши характерига кўра, тупроқ сувлари муаллақ сув (верховодка), сизот ва ер ости сувларига бўлинади.

1. Тупроқ сувлари - бу сувлар буғсимон, суюқ ва қаттиқ (муз) ҳолатда бўлиб тупроқ-грунт қатламидаги капилляр ва нокапилляр ғовакларда мавжуд бўлади, улар атмосфера ёғингарчилиги, сугориши ҳамда конденсация намлиги ҳисобига вужудга келади.


Тупроқ сувлари қишлоқ хўжалик экинларини сув билан таъминлашда асосий манба ҳисобланади.

2. Муаллақ (верховодка) сувлар - бу сув ҳам тупроқ сувлари сингари бўлиб, у ер юзасига яқин жойлашган сувни кам ўтказадиган қатламлар устида ҳар хил катталикдаги линза шаклида вақтинчалик тўпланади ва тупроқда меъёридан ортиқча намлик вужудга келтиради.

3. Сизот сувлари - бу сувлар тупроқ остидаги биринчи сув ўтказмайдиган қатлам устида тўпланади ва ер усти сувлари (дарё, кўл, сув омборлари, сугориши тармоқларидан шимилган сувлар ва сугориши натижасида) ҳисобига пайдо бўлади.

Сув ўтказмайдиган қатлам юзасининг сизот сувлари тўпланган қисми тўйиниши дейилади. Сизот сувларининг тўйиниши қисмидан тупроқ капиллярлари орқали захланиши капилляр захланиш дейилади. Капилляр зах-


ланиш қисмидан ернинг юзасигача бўлган масофа тупроқ ости қатлами ning аэрация қисми дейилади (7.1.расм).



7.1-расм. Сизот ва тупроқ сувларининг жойлашиш тизими.

1-ер юзаси; 2-муаллақ суви; 3-тупроқ-грунт; 4-сизот суви; 5-сизот сувларининг капилляр орқали кўтарилиши (захланиш); 6-сув тўсар қатлам.

4. Босимсиз ер ости сувлари - бу сувлар ер ости сув ўтказмайдиган қатламлар орасидаги бўшлиқда тўпланган бўлиб, бўшлиқлар ер юзаси билан боғланган ва ер усти сувлари ҳисобига пайдо бўлади (7.2.расм).



7.2-расм. Босимли сув ҳовузининг тузилиши.

1-сув тўсар қатлам; 2-сув ўтказувчан қатлам (босим суви билан); 3-бурғ-қудуқда сувнинг кўта-рилиш чизиги (пъезометр чизиги); 4-артезиан қудуқ (суви ўзи чиқадиган); 5-сув ўзи оқиб чиқмайдиган қудуқ; 6-босимли сув оқимининг йўналиши.

5. Босимли ер ости (артезиан) сувлари бу сувлар чуқур ер ости бўшлиқ қатламларида тўпланган бўлиб, бўшлиқларнинг устки ва остки қатламлари сув ўтказмайдиган жинслардан иборат. Уларнинг пайдо бўлиши ва ўзгариши гидрогеологик шароитларга боғлиқ бўлади.

Юқорида кўрсатилган ер ости сувларидан сизот сувлари ернинг мелиоратив ҳолатига (шўрланиш ва ботқоқланиш) ва қишлоқ хўжалик экинларининг суғориш режимларига катта таъсир кўрсатади.

Сизот сувлар сатҳи қанча юза жойлашган, минералланиши ҳамда грунт таркибида туз кўп бўлса, тупроқ шунча тез ва кўп шўрланади. Сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган шўрланмаган ерларда эса ботқоқланиш юз беради. Минераллашмаган ёки кучсиз минераллашган сизот сувлари ер юзасидан 1-3 м чуқурликда жойлашган шароитларда қишлоқ хўжалик экинлари улардан унумли фойдаланади ва оқибатда экинларни суғориш меъёrlари ва суғориш сонлари анча камаяди.

Шунинг учун сизот сувларининг суғориладиган ерларда пайдо бўлиш шароитлари, жойлашиш тартиби, (режими) таркиби, мувозанати (баланси), мақбул (критик) жойлашиш чуқурлиги, сизот сувларидан фойдаланиш ва бошқа масалаларни ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Сизот сувларининг маълум вақт (сутка, ой мавсум, йил ва аср давомида) ичida жойлашиш сатҳи ва минералланиш даражасининг ўзгариши унинг ўзгариш тартиби (режими) дейилади.

Сизот сувлари икки хил сатҳга эга бўлади - минимал ва максимал. Маълум вақт давомида ер юзасига энг яқин жойлашган сизот сув сатҳ максимал кўтарилиган сатҳ, энг чуқур жойлашган сатҳ минимал сатҳ дейилади.

Сизот сувининг максимал ва минимал сатҳлари орасидаги фарқ сизот сув сатҳининг ўзгариш амплитудаси дейилади.



Сизот сувларнинг тартибига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади.

1. Иқлим - атмосфера ёғинлари тупроқ ва ҳавонинг ҳарорати, намлиги, буғланиш, шамолнинг эсиши.
 2. Гидрологик - ер усти сувлари ва уларнинг тўпланиш шароити, ерга сингиб кириш миқдори.
 3. Геологик - жойнинг геологик тузилиши, жинсларнинг хусусиятлари.
 4. Геоморфологик - жойнинг сирт шакли (рельеф).
 5. Биологик - дарахт ва ўсимликларнинг тури, қалинлиги, ёши.
 6. Ирригация - хўжалик - суғориш тармоқларидан сувнинг шимилиши (фильтрация), коллектор - зовур тармоқлари орқали сизот сувларининг чиқиб кетиши.
 7. Агромелиоратив - қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тартиблари (суғориш сони, муддатлари ва меъёрлари) суғориш усуллари ва техникалари.
- Юқорида кўрсатилган омиллар таъсири остида сизот сувлари мавсумий ва кўп йиллик тартибларга бўлинади ҳамда улар ерга мелиоратив жиҳатдан баҳо беришда кетта аҳамиятга эга. Сизот сувларининг мавсумий тартиби қўйидаги тўрт типга бўлинади (А.Г. Владимиров бўйича).
1. Гидрологик тип - сизот сувларининг бундай типда ўзгариши дарё соҳилларида юз бериб, дарё сувининг кўпайиши ва камайишига боғлиқ бўлади. Дарё суви кўпайган даврда сизот сувлари ҳам кўтарилади, аксинча дарё суви камайиши билан сизот сувларининг сатҳи ҳам чуқурлашади. (7.3. расм).
 2. Иқлим типи - бу типдаги сизот сувлар қурғоқчил миңтақанинг суғорилмайдиган ерларида тарқалган. Иқлим таъсирида қишиш ва баҳор мавсумида кўтарилади, ёз ва куз ойларида пасаяди. (7.4. расм)

7.3-расм. Сизот сув сатҳи мавсумий тартибининг гидрологик типи.
1-дарёнинг сув сатҳи;
2-дарёдан 80 м масофада қазилган бурғ-қудуқдаги сув сатҳининг тартиби.


3.Ирригация - иқлим типи – суғориладиган паст текислик минтақаларида тарқалган бўлиб, кўтарилади, ёғингарчилик таъсирида баҳор ойларида ва экинларни суғориш натижасида ёз ойларида (7.5. расм).

4.Ирригация типи - янги ўзлаштирилган ерларда мавжуд бўлиб, сизот сувлари суғориш ва ирригация тармоқлари ўтказилганга қадар чуқурда жойлашган (5-30 м) ерлар ўзлаштирилиб суғорила бошлагандан кейин эса кўтарила бошлиайди, (масалан, Мирзачўл, Қарши ва Шеробод чўллари ҳамда бошқа янги ўзлаштирилган ерлар).



7.4-расм. Сизот сув сатҳи тартибининг иқлимий ва ирригацион-иқлимий босқичлари. 1-иқлимий босқичи (суғорилмайдиган майдон); 2-ирригацион-иқлимий босқич (суғориладиган майдон).

7.5-расм. Сизот сувининг мавсумий тартибининг ирригация босқичи. 1-каналнинг сув сарфи; 2-каналдан 25 м. узоқликдаги сизот сувининг жойлашиш тартиби.



Сизот сувларининг кўп йиллик тартиби уч типга бўлинади.

1. Турғун-қулај тип – тоғ олди минтақаларида тарқалган сизот сувларининг оқиш тезлиги катта, кам минераллашган ва мақбул сатҳдан чуқурда (> 3 м) жойлашган бўлади.

2. Бекарор тип - бундай сизот сувлариниг типи суғориладиган ерларда тарқалган бўлиб, унинг сатҳи суғориши ва каналлардан шимилаётган сувлар эвазига ўзгарди. Унинг сатҳи суғориши даврида мақбул чуқурликдан ошиб кетади. Суғориши тўхтатилганда эса мақбул чуқурликда пасайди. Шунинг учун у бекарор типdir.


3. Турғун-ноқулај тип – бу гидрогеологик шароитларга қараб 2 тартибга бўлинади.

I. Ботқоқланиш тартиби – соҳил ва сизот сувларини сиртга тепиши минтақасида тарқалган бўлиб, сизот сувлари 1 м атрофида ўзгариб туради. Бундай ерларда суғориши меъёрлари ва усуслари тўғри белгиланмаган тақдирда ботқоқланиш юз беради.


II. Шўрланиш тартиби - буғланиш минтақасида тарқалган. Ер суғорилгандан сўнг минераллашган сизот суви кўтарилиб буғланади ва ер шўрланади, унинг сатҳини ўзгариши мақбул чуқурликдан баландда туради. Бу шароитда гидротехник, сув - хўжалик ва

агромелиоратив тадбирлар қўлланилиб сизот сув сатҳини кўтарилишининг олди олинади.


Сизот сувларининг кўп йиллик тартибларидан бекарор ва турғун ноқулай типлари, мавсумий тартибларидан ирригация - иқлим ҳамда ирригация типларига сугориш тармоқларидан шимилиб келаётган сувлар, сугориш меъёрлари ва ернинг зовурлаштирилиш даражаси катта таъсири кўрсатади (7.6. ва 7.7.расмлар, Шеробод чўли бўйича Норқулов У.маълумоти. 7.8.расм, А.Владимиров маълумоти).



7.6-расм. Сизот сувлари тартибига зовурларниң таъсири. 1-сугорилмасдан олдин; 2,3,4-сугорилиш давомида (2-йил, 3-йил, 4-йил).



7.7-расм. Вегетация даврида гўзани сугориш таъсирида сизот сувларининг жойлашиш тартиби.



7.8-расм. Каналдан сувни фильтрланиш босқичлари

7.1. Сизот сувларнинг минераллашганлиги.

Сизот сувларида жуда кўп миқдорда турли минераллар, органик моддалар ва коллоидлар бўлади.

Уларнинг таркибида силикат, карбонат, бикарбонат, хлор, сульфат, натрий, магний, кальций, кремний, темир, алюминий ва гумин кислоталари бўлади.

Сизот сувларнинг таркибида сувда эрийдиган моддаларнинг миқдори 0,01 г/л-200 г/л.гача боради.

Сизот сувлар минераллашганлик даражалари бўйича қўйидаги гуруҳларга ва типларга бўлинади (7.1.1., 7.1.2-жадваллар).

7.1.1-жадвал

Сизот сувларнинг минераллашганлиги

Тартиб №	Минераллашганлиги	Минераллашганлик даражаси, г/л
1	Минераллашмаган	1г/л
2	Жуда кучсиз минераллашган	1-3
3	Кучсиз минераллашган	3-4
4	Ўртacha минераллашган	5-10
5	Кучли минераллашган	10-20
6	Жуда кучли минераллашган	20-40
7	Намакобга яқин	40-50
8	Намакоб	50

Сизот сувларнинг типлари

№	Типлар	Асосий катионлар	Минераллашганилиги, г/л
1	Гидрокарбонатли Кальцийли	Ca	>0,5
2	Содали	Ca	0,5-5
3	Хлор-сульфатли	Mg Ca	5-10
4	Хлор-сульфатли	Na	10-16
5	Сульфат-хлорли	Na	16-50
6	Хлорли	Na	50-80
7	Хлорли	Na,Mg,Ca	50-200-300

Сизот сувларнинг минераллашганилик даражалари ер юзаси бўйича турлича тақсимланган. Масалан, шимолий минтақаларда сизот сувлари жуда кам минераллашган ва уларнинг таркибида жуда кўп миқдорда органик моддалар учрайди. Лекин иқлими қуруқ бўлган жанубий минтақаларда эса сизот сувларнинг минераллашганилиги ошиб боради ва уларнинг таркибида турли сувда эрийдиган тузлар кўпайиб боради. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёнинг текислик минтақаларида сизот сувларнинг минераллашганилик даражаси анча юқоридир. Шу билан бирга сизот сувларининг минераллашганилиги тоғлик минтақалардан текислик минтақаларига қараб ҳам ошиб боради. Сизот сувлари чуқур жойлашган, оқим тезлиги катта бўлган тоғлик минтақаларда унинг минераллашганилиги жуда кам ёки минераллашмаган бўлади. Лекин сизот сувлари кам оқимли ёки оқимсиз бўлган текислик минтақаларида минераллашганилик даражаси ошиб боради ва шу билан бирга уларнинг типлари гидрокарбонат-сульфатли, хлор-сульфатли, сульфат-хлорли ва хлорли бўлади.

Сизот сувларнинг минераллашганилиги дарёларнинг ўзанлари бўйича ҳам ўзгариб боради. Энг кам минераллашган сизот сувлар дарёларнинг бошланиш қисм-

ларида, энг кўп минераллашганлик дарёларни қу-йи қисмларида кузатилади.

Суғориш ва суғориш тармоқларидан грунтга сизиб кетган сувлар ҳисобига сизот сувларнинг минераллашганлиги ва уларнинг темплари кескин ўзгаради.

Янги ўзлаштирилган ерларда суғоришнинг дастлабки даврларида сизот сувларнинг сатҳи кўтарилиб, уларнинг минераллашганлик даражаси ҳам ошиб боради. Лекин суғориладиган майдонлар сунъий зовурлаштирилганлиги ва узоқ даврлар давомида суғориш ҳамда шўр ювиш натижасида тупроқ устки қисмининг минераллашганлиги камайиб боради. Аксинча шўрланган суғориладиган майдонлар етарлича зовурлаштирилмаган бўлса, суғориш натижасида ва каналлардан шимилаётган сувлар ҳисобига тупроқдаги тузлар эриб сизот сувларнинг минераллашганлигини ошиб боради. Оқибатда улар буғланишга сарфланиб тупроқни қайта шўрлантиради.


Шунинг учун сизот сувлар сатҳини ва уларнинг минераллашганлигини критик даражада сақлаб туриш муҳим амалий аҳамиятга эга.

7.2. Сизот сув сатҳи- нинг мақбул чуқурлиги.

Сизот сув сатҳининг мақбул чуқурлиги деб сизот сувининг тупроқ-грунт капилляр найчалари орқали кўтарилиб экинларнинг илдизи тарқалган қисмини шўрлантириш ёки ботқоқлантириш чуқурлигига айтилади.

Шўрланган ва шўрланишга мойил тупроқларда минераллашган сизот сувлари мақбул чуқурликдан кўтарилиса тупроқда туз тўпланиши ва ботқоқланниши фаоллашади, аксинча агар бу сатҳ мақбул чуқурликдан пастда жойлашса тупроқда туз камая боради.

Шўрланмаган ерларда эса сизот сувлари минераллашмаган ёки кам минераллашган бўлиб, уларнинг мақбул чуқурликдан кўтарилиши ери ботқоқланнишига олиб келади (7.2.1.расм, Б.Б.Полинов маълумоти).




7.2.1-расм. Минераллашган сизот сувининг мақбул сатҳ тизими.

AA_1 -тупроқ сирти; BB_1 -капилляр кайманинг сирти; BB_1 -сизот сув сатҳининг чуқурлиги; H -сизот сув сатҳининг чуқурлиги; H_1 -капилляр кайманинг қалинлиги; а-тупроқнинг шўрланмайдиган қалинлиги.

Мақбул чуқурлик тупроқнинг капиллярлик хоссаси, шўрлиги, унинг сув кўтара олиш қобилияти, сувнинг кўтарилиш тезлиги ва сизот сувининг минералланиш даражаси ҳамда иқлим шароитига боғлиқ бўлади.

Тупроқнинг механик таркиби қанча оғир бўлса, сизот сувининг капилляр кўтарилиши баландлиги шунча катта, тезлиги эса шунча паст бўлади; аксинча, механик таркиби қанча енгил ва тупроқ зарралари йирик бўлса, кўтарилиш тезлиги ҳам шунча катта, лекин кўтарилиш баландлиги шунча оз бўлади.(7.2.2 расм, Норқулов мълумотлари).

Сизот сувлари қанча кўп минераллашган, тупроқнинг шўрланиш даражаси юқори, иқлим қуруқ ва иссиқ бўлса мақбул чуқурлик ҳам шунча катта бўлади.



7.2.2-расм. Сизот сувларининг тупроқ капиллярлари орқали кўтарилиши.

А-320 см. чуқурликда жойлашган сизот суви;

Б-220 см. чуқурликда жойлашган сизот суви.

1-енгил соз; 2-ўрта соз; 3-қум; 4-қум ва лой; 5-лой; 6-сизот сувининг кўтарилиш баландлиги.

ЎзПИТИ олимлари томонидан узоқ муддат мобайнида ўтказилган тадқиқотлар натижасида Республикаиз суғориладиган ерларининг табиий ва иригация-хўжалик шароитларига қараб сизот сувларининг мақбул сатҳи белгиланди (7.2.1.жадвал).

7.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг суғориладиган ерларида сизот сувларининг мақбул сатҳи, м.

Сизот сувигача бўлган қатламнинг меҳаник таркиби	Ўсув даврида (IV-IX ойларида ўртacha)	Экин йўқай-диган даврда X-III ойларида ўртacha)
1.Механик таркиби бир хил бўлган қумоқ ёки чуқурлашган сарқ енгиллашадиган лес ва лессимон қумоқ тупроқларда	2,4	3,1
2.Механик таркиби бир хил соз ёки чуқурлашган сарқ оғирлашадиган соғ тупроқларда	1,5	2,0
3.Хил хил қатлами соғ ва қумоқ тупроқларда	1,7	2,3
4.Қум, қумоқ ва унумдорлиги ўртacha бўлган шагал тупроқларда	1,0	1,2

Мирзачўл ва Қашқадарё вилоятининг қадимдан суғориладиган, тузилиши жиҳатидан бир хил бўлган сизот сувларнинг капилляр кўтарилиши жадал кечадиган лёсс ва лёссиomon қумоқ таркибли ерларида сизот сувининг мақбул сатҳи мавсум бошида 1,5-2,0 м, кейинчалик эса, яъни ўсув даври охирида 4,0 м.гача чуқурлашиши керак.

Амударёning қуи, марказий, Фарғона, Бухоро вилояти, Қарши ва Шеробод чўлларининг суғориладиган ерларида сизот сувларининг мақбул сатҳи мавсум бошида 1,5-2,0 м., шўр ювиш даврида эса 2,5-3,0 м. бўлиши керак.

Чирчиқ-Оҳангарон, Зарафшон ва Фарғона водийларида (ўтлоқи-соз тупроқларда) сизот сувларининг мақбул чуқурлиги ўсув даврида 1,3-1,6м., шўр ювиш ёки нам тўплаш учун суғориш даврида эса 1,8-2 м. бўлгани маъқул.

Сизот сувларининг мақбул сатҳда сақлаб туриш учун суғориладиган ерлардаги зовур тармоқлардан самарали фойдаланиш, хўжаликда сувдан фойдаланиш режасига амал қилиш, суғориш тармоқларида сувни шимилиб кетишини олдини олиш, экинларин илмий асосланган тартибда суғориш, экинларни суғориш учун сувни тежайдиган замонавий усулларни (томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш) ва технологияларни қўллаш, суғориладиган далаларнинг четларида ихотазорлар барпо қилиш, ерларни текислаш, беда экини иштирокида алмашлаб экишни жорий қилиш ва бошқа тадбирлар ўтказилади.

7.3. Сизот сувларининг мувозанати.

Сизот сувларининг мувозанатида айрим дала, туман, вилоят ва бутун бир воҳалар ерларининг маълум бир

Ернинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиши

учун сизот сувлари-нинг тартиби билан бир қаторда уларнинг мувозанатини, яъни кирим ва сарфланишини ўрганиш ҳам жуда муҳимдир.

қатламига келаётган ва чиқиб кетаётган сизот суви аниқланади.

Ҳисоблаш даври мавсумий, бир йиллик ва кўп йиллик бўлиши мумкин.

Сизот сувининг мувозанати қўйидаги формула (Н.А.-Беседнов) бўйича аниқланади:

$$dw = (W_o - W_b) = + - (W_1 - W_2)$$

Бунда dw -сизот сувлар миқдорининг ўзгариши;

W_o -сизот сувнинг ҳисобдаги муддат охиридаги миқдори;

W_b -сизот сувнинг ҳисобдаги муддат бошидаги миқдори;

W_1 -сизот сувнинг кирим қисми;

W_2 -сизот сувнинг сарфланиш қисми.

Сизот сувининг кирим ва сарфланиш қисмлари қўйидагича ифодаланади:

$$W_1 = \Phi_k + a(P + V + B)$$

$$W_2 = U + T + C + D$$

Бунда: Φ_k -сизот ва фильтрация сувларининг оқиб келиши;

P -атмосфера ёғинлари;

V -суғориш ва бошқа ер устидан берилган сув миқдори;

B -тупроқда атмосфера намлигининг конденсацияланishi;

a -коэффициент (сизот сувини кўтаришда иштирок этган P, V ва B ларнинг улуси), бунда $P=0,50-0,85\%$

U -сизот сувининг буғланиши;

T -сизот сувининг ўсимликлар орқали ўзлаштирилиши (траиспирация);

C -сизот сувининг мазкур мавсумдан (ер остига ва ётиқ ўйналиш бўйича) оқиб кетиши;

D -сизот сувининг зовурлар орқали оқиб кетиши.

Сизот сувларининг мувозанати dw мусбат (+), манфий (-) ва тенг (=) бўлиши мумкин.

Мувозанат яқуни мусбат бўлиши тупроқ қатламида сизот суви кўпайиб, сатҳининг кўтарилишини, манфий бўлиши эса аксинча сизот суви камайиб, сатҳи пасайи-

шини, сизот сувининг кирим ва сарф қисмларининг тенглиги унинг баланс даврида ўзгармаслигини билдиради.

8. ШЎРЛАНГАН ВА БОТ҆ОҚЛАНГАН ЕРЛАР МЕЛИОРАЦИЯСИ

8.1. Суғориладиган ерларни мелиоратив, иқлим-тупроқ ва гидромодуль жиҳатидан худудларга бўлиниш тартиби. Ернинг шўрланиш ва бот҆оқланишини олдини олиш ва қарши кураш тадбир-ларини тўғри танлаш ҳамда уларни амалга ошириш учун дастлаб суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолати чуқур ўрганиб чиқилади ва доимо кузатиб борилади.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини ўрганиш ва уни кузатиб бориш учун суғориладиган ерлар мелиоратив минтақаларга ва кичик минтақачаларга ҳамда гидромодуль ҳудудларга ажратилган.

Ерларнинг мелиоратив минтақаларга бўлинишида ҳар бир худуднинг табиий (иқлим, геологик, гидрогеологик, рельеф, жойнинг табиий зовурлаштирилиш даражаси) ва ирригация - хўжалик (экинларнинг суғориш режими, суғориш ва коллектор-зовур тармоқларининг ҳолати, ҳамда улардан фойдаланиш) шароитлари ҳар томонлама ва синчиклаб ўрганишга асосланган.

Ерларни минтақага ва мелиоратив минтақачаларга бўлишда жойларнинг табиий шароитларига кўра бир хил бўлиши, лекин мелиоратив тадбирларни турлича талаб қилиши ҳисобга олинган бўлади.

Ерларни мелиоратив жиҳатидан минтақаларга бўлишда сизот сувларининг оқиб кетиши ва тупроқнинг шўрланиш даражалари катта аҳамиятга эга. Сизот сувларининг оқимиға, яъни жойнинг табиий зовурлаштирилиш даражасига қараб қўйидаги мелиоратив минтақаларга бўлинади.

1. Сизот сувлари табиий оқиб кетадиган минтақа.

2. Сизот сувлари табиий кучсиз оқиб кетадиган минтақа.

3. Сизот сувлари табиий оқиб кетмайдиган минтақа.

Ерниңг рельефи ва ўша ердаги маҳаллий сизот сувларининг оқиши шароитига қараб ҳар бир мелиоратив минтақа мелиоратив минтақачаларга бўлинади. Мелиоратив минтақачалар эса тупроқнинг тузилишига ва хоссаларига, шўрланиш даражасига ҳамда сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига қараб кичик мелиоратив минтақачаларга (гидромодуль ҳудудларга) бўлинади. (Гидромодуль - 1 гектар экин майдонига сувнинг л/сек ҳисобидаги солиштирма сарфи).

Ерларни гидромодуль жиҳатдан бўлинишининг аҳамияти шундаки, бунда ҳар бир гидромодуль ҳудудида этиштириладиган экинлардан мўл ҳосил олиш учун зарур бўлган сув миқдори ва сугориш муддати белгиланади. Сувдан фойдаланиш режасини тўзиш, сугориш тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш, хўжалик ва хўжаликлараро сугориш тармоқлари бўйлаб сувни тақсимлашда гидромодуль ҳудудлар буйича сарфланадиган сув ҳисобга олинади.

Маълумки сугориш сизот сувларининг режимига ва тупроқнинг мелиоратив холатига таъсир қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун гидромодуль ҳудудлари бўйича тупроқнинг мелиоратив ҳолатини бузилиш сабаблари ва уларни яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилади.

Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларини гидромодуль жиҳатдан бўлиниши жойнинг иқлим шароити, тупроқнинг тузилиши ва унинг сув-физик хоссалари, сизот сув сатҳининг жойлашиш чуқурлиги ҳисобга олинади.

Биринчи марта Ўрта Осиё ҳудудидаги сугориладиган ерларни гидромодуль жиҳатидан туманлаштириш 1912-1914 йилларда А.Н. Костяков, С.М. Кондрашов, М.М. Бусидевлар томонидан ишлаб чиқилди. Кейинчалик янги ерларни ўзлаштирилиши, сугориш ва коллекторзовур тармоқларини кўпайиши, сизот сувлар режимини

Ўзгариши, янги суғориши тақдимаси ва технологиясининг вужудга келиши муносабати билан 1930-1933 йилларда В.М. Легостаев, Б.С. Коньков ва бошқалар томонидан, 1955 - 1957 йилларда В.М. Легостаев, Б.В. Федоров, С.Н. Рыжов, В.Е. Еременко томонидан ва 1968-1971, 1985-1987 йилларда эса Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти (эски СоюзНИХИ) олимлари томонидан қайта тушиб чиқилди. (Гидромодуль туманлаштиришини ҳар 8-10 йилда бир марта қайта тушиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.)

Ўзбекистон Республикаси суғориладиган ерларининг табиий шароитлари бўйича (ҳавонинг ҳарорати, намлиги, ёғингарчилик миқдори, буғланиш, фойдали ҳароратнинг йифиндиси, ўсув даврининг давомийлиги ва ҳоказо) Шимолий, Марказий ва Жанубий иқлим минтақаларига бўлинади.

Бу минтақалар жойнинг иқлим ва тупроқ шароитлари бўйича фарқланувчи қуйидаги 7 та иқлим-тупроқ воҳаларига бўлинади.

1. Қуи Амударё воҳаси (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси).
2. Чирчик - Оҳангарон воҳаси (Тошкент вилояти).
3. Фарғона воҳаси (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари).
4. Мирзачўл воҳаси (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари).
5. Зарафшон воҳа (Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари).
6. Қашқадарё воҳаси (Қашқадарё вилояти).
7. Сурхондарё воҳаси (Сурхондарё вилояти).

Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё ва Зарафшон воҳалари иқлим-тупроқ шароитлари бўйича яна саҳро ва бўз тупроқли поясларга ажralади. Юқорида кўрсатилган ҳар бир воҳа қуйидаги иқлим-тупроқ гурӯҳларига бўлинади:

1. Автоморф тупроқлар (сизот сувлари 3 м дан чүкүрда жойлашған).
 2. Ярим гидроморф тупроқлар (сизот сувлари 2-3 м).
 3. Гидроморф тупроқлар (сизот сувлари 1-2 м).
- Күрсатылған ҳар бир гурух чегарасыда тупроқ тури, тузилиши механик таркиби, сув-физик хоссаларига қараб 9 та гидромодуль ҳудудга бўлинади (8.1.1 жадвал).

8.1.1-жадвал

Гидромодуль ҳудудлар шкаласи (С.Н.Рижов ва Н.Ф.Беспалов маълумотлари бўйича)

Гидро модуль №	Тупроқнинг аэрация қисмидаги механик таркиби, тузилиши	Сизот сувлар чүкүрлиги
I.	Автоморф тупроқлар Кум-шагал ётқизиқлардаги қалин қумли ҳамда кичик қалинликдаги қумоқ ва соз тупроқлар	> 3 м. --" " --
II.	Кум-шагал ётқизиқлардаги ўртача қалин - қумоқ ва соз қалин қумоқ тупроқлар	--" " --
III.	Қалин қумоқ ва соз тупроқлар Яримгидроморф тупроқлар	--" " -- 2-3
IV.	Кумли ва қумоқ тупроқлар	--" " --
V.	Ўртача ва енгил қумоқ, тузилиши бўйича бир хил ёки пастга томон енгиллашадиган оғир қумоқ тупроқлар	--" " --
VI.	Оғир қумоқ ва сог тупроқли бир хил, тузилиши бўйича зич ёки механик таркиби бўйича турли бўлган тупроқлар	--" " --
	Гидроморф тупроқлар	1-2
VII.	Кумли ва қумоқ тупроқлар	--" " --
VIII.	Ўртача ва енгил қумоқ, тузилиши бўйича бир хил ёки пастга томон енгиллашадиган оғир қумоқ тупроқлар	--" " --
IX.	Оғир қумоқ ва соз тупроқли,, тузилиши бўйича бир хил зич ёки зичлашған, механик таркиби турлича бўлган тупроқлар	--" " --

8.1.2 - ЖАДВАЛ

III - VI ГИДРОМОДУЛЬ ХУДУДИ УЧУН ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ЭКИПЛАРИНИ СУГОРИШ ЖАДВАЛИ

Экиптар	Майданы Га	Сугориш түзүнү	Сугориш №	Суторишиш мөбөрийлөттө		Сугориш зуддаты	Суторишиштеги давомийли	Гидро Мо- дуль 1,0-1,5
				мавсумий	биргелеш	Башлан- гыш	тұғанды	
Рұза	590	1-3-1	1	4700	900	26.05	17.06	23
			2		1000	18.06	9.07	22
			3		1000	10.07	29.07	20
			4		1000	30.07	18.08	20
			5		800	19.08	10.09	22
Бедә	200	1-1-1-1-1	1	1900	900	16.04	15.05	30
			2		1000	16.05	15.06	31
			3		1000	16.06	10.07	25
			4		1000	11.07	5.08	26
			5		1000	6.08	5.09	31
Бүттөй	200		1	2700	900	26.03	20.04	26
			2		900	21.04	15.05	25
			3		900	13.05	10.06	26
Боглар ва үзүмжөрлөрдәр	30		1	3000	1000	11.06	10.07	30
			2		1000	11.07	10.08	31
			3		1000	11.08	15.09	36
Томорқалар	50		-	-	-	1.05	30.09	183

Эслатма: III- Шимолий иқлим миңтақасы, VI- гидромодуль №

Ушбу гидромодуль ҳудудларда ҳар бир жойнинг табиий шароитларга мос келадиган, ерларниг мелиоратив ҳолатини бузмайдиган экинларниг сугориш миқдорлари ва тартиби ишлаб чиқилади.

Экинларни I ва II - гидромодуль туманларда, яъни тупроқ ости шағал қатламли унча қалин бўлмаган тупроқ шароитларида сугориш сони 15% га кўпайтирилади, сугориш меъёри эса камайтирилади.

Шўрланган ерларда мавсумий сугориш меъёрий шўрланмаган ерларга нисбатан 20 - 30% кўпайтирилади.

Ҳар бир гидромодуль ҳудудда етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинлари учун сугориш тартиби (сугориш сони, тизими, муддати, сугориш меъёрлари ва сугориш гидромодули) қуидаги шаклда берилади

(8.1.2. жадвал).

8.2. Сугориладиган ерларни мелиоратив жиҳатдан назорат қилиш.


Сугориладиган ерларни мелиоратив ҳолати табиий ёки ирригация - хўжалик шароитлари таъсирида ўзгариб туради. Шунинг учун ҳар бир хўжаликда фойдаланилаётган ерларниг мелиоратив ҳолати назорат қилиб турилади. Бунинг учун, асосан, қуидагиларни доимий равишда кузатиб бориш керак.

1. Сизот сув сатҳининг жойлашиш чуқурлиги.
2. Сизот сувнинг шўрланганлик даражаси.
3. Тупроқнинг шўрланганлик даражаси.
4. Тупроқ ва сизот сувининг турли кимёвий моддалар билан ифлосланганлик даражаси.

Сизот сув сатҳини кузатиб бориш учун маҳсус қудуқлар (назорат бурғу-қудуқлари) ўрнатилади. Бурғу-қудуқлар ернинг мелиоратив шароитлари ва рельеф (пастликлар ва баландликларда) ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилади. Ернинг баланд-пастликларига қараб сугориладиган майдонлардаги қудуқлар 3-8 м чуқурликда жойлаштирилади. Назорат қудуқларини ўрнатиш кузда, яъни сизот сувлари чуқур жойлашган даврида амалга оширилади(8.2.1 расм).

8.2.1 расм

**Сизот сувини
назорат қилиш
қудуғи**



Назорат қудуқлари учун диаметри 40-50 мм бўлган метал ёки полиэтилен қувурларидан фойдаланилади.

Қувурларни ўрнатишдан олдин уларнинг пастки сизот сувига кириб турадиган қисмлари ғалвирак (2-3 мм) қилиб тешиб чиқилади ва улар сувда чиримайдиган сунъий толали фильтрлар (капрон) билан ўралади (қум ва лой кирмаслиги учун).

Қудуқларни ковлаш тупроқнинг механик таркиби боғлиқ бўлади. Оқма тупроқ-грунтларда (енгил, қумоқ, тошлар) экскаватор ёрдамида ёки қўлда чуқур ковланади ва шу чуқурга қувур ўрнатилади, қувурнинг ғалвирак қисми фильтр баландлигига (фильтр қисми) ва туби (10-15 см) шағал билан тўлдирилади, яъни қўшимча фильтр ҳосил қилинади. Қўшимча фильтр қувурларни лойқа босишидан сақлайди.

Тупроқнинг механик таркиби ўрта ва оғир бўлган ерларда қудуқларни ковлаш учун 40-50 ммли қўл қувурларидан фойдаланиш мумкин. Бунда ҳосил бўлган қудуқ ўрнига қувурлар жойлаштирилади. Қувурлар ер юзасидан 50-70 см узунликда чиқариб қўйилади. Кузатув қудуқларининг оғзи тиқилиб қолмаслиги, ёмғир, қор сувларининг оқиб кирмаслиги учун қопқоқ билан ёпиб қўйилади. Суғориш даврида қудуқларга

ташландик сувлар оқиб кирмаслиги учун тевараги 30-40 см баландликда тупроқ уюлиб зичлаб қўйилади.

Кузатув қудуқларини жойлаштириш тўғри чизик (створ) бўйлаб нивелирлаш йўли билан амалга оширилади. Улар доимо сугориш коллектор-зовур тармоқлардан узоқроқда қазилиши керак.

Хўжаликнинг сугориладиган майдони ва мелиоратив шароитига қараб кузатиш қудуқлари 10-25 гача ва ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Барча қудуқлар хўжалик карасига туширилади ва тартиб рақами кўрсатилади.

Назорат қудуқларидаги сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги ойига уч марта (ҳар ойнинг 1, 10, 20 кунларида) ўлчанади ва маҳсус дафтарга ёзиб борилади.

8.3. Тупроқни мелиоратив ҳолатини ердан фойдаланиш коэффициент бўйича аниқлаш.

Ҳар бир жойнинг табиий ва хўжалик шароитларини ҳисобга олган ҳолда зарур мелиоратив тадбирларни аниқлашда ердан фойдаланиш коэффициентини ҳисобга олишнинг катта аҳамияти бор.

Маълумки, сугориладиган ерлар орасида сугорилмайдиган ташландик ерлар ёки экинларни ўсув даврида вақтингчалик сугорилмайдиган, яъни оралиқ ва кузги ғалла донли экинларидан бўшаган ҳамда бошқа ерлар бўлади. Бундай ерларга сувлар оқиб боради ва буғланиш ҳавзаси бўлиб (бир-икки ой давомида кучсиз шўрланган ер кучли ёки шўрхок даражасигача кўтарилади) қолади. Оқибатда тез кунда шўр босиб яроқсиз ерга айланади, бундай ерларни қайтадан ўзлаштириш ва уларни унумдорлигини ошириб ҳосилдор ер қилиш учун кўп маблағ сарфлашга тўғри келади.

Сугориладиган майдонлардан сугорилмайдиган майдонлар томон сизот сувларининг оқиш ҳодисасига қуруқ зовур деб ном берилган. Шўрланишга мойил бўлган ёки шўрланган ерларда сугорилмайдиган майдонлар қанчалик кўп бўлса, ундай ерларнинг мелиоратив ҳолати шунчалик ёмонлашади. Шунинг учун шўрланган

ерларда ердан фойдаланиш коэффициентини (ЕФК) аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Ердан фойдаланиш коэффициентини маълум даврда хўжалик ери ёки туман, вилоят ва воҳа учун аниқланиши мумкин. Ерлан фойдаланиш коэффициенти сугориладиган ер майдонининг умумий ер майдонига бўлган нисбати билан аниқланади.

Сугориладиган ер, га.

ЕФК = _____

умумий ер, га.

Масалан хўжаликнинг умумий ер майдони 3500 га, сугориладиган майдони 2600 га бўлса,

2600

ЕФК = _____ = 0,74 бўлади.
3500

Хўжаликларнинг ердан фойдаланиш коэффиценти 0,85-0,95 дан кам бўлмаслиги керак.

8.3.1. Тупроқнинг мелиоратив ҳолатини туз мувозанати бўйича аниқлаш

Сугориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини баҳолашда туз мувозанатини аниқлашнинг катта

амалий аҳамияти бор. Тупроқнинг туз мувозанати маълум экин майдони ёки хўжаликнинг умумий майдони бўйича бир мавсум, йил ёки кўп йиллик даврлар учун ўрганилади. Сугориладиган майдонларнинг туз баланси В.А. Ковда таклиф қилган формула бўйича аниқланади:

$$\Sigma S = \pm (S_1 - S_2)$$

Бунда:

ΣS - тузларнинг мувозанат даврида кўпайиши ёки камайиши, т/га;

S_1 - тузларнинг кирим қисми, т/га;

S_2 - тузларнинг сарфланиш қисми, т/га.

Тузларнинг кирим қисми қўйидагидан иборат бўлади:

$$S_1 = S_{c_{yf}} + S_{c.c} + S_{\check{y}_f}$$

Бунда:

$S_{c_{y_f}}$ - сүфориш суви билан келадиган тузлар миқдори, т/га;

$S_{c.c}$ - сизот сувларидан келадиган тузлар миқдори, т/га;

$S_{\dot{y}_f}$ - ўғитлаш ва бошқа манбалар орқали тузларнинг келиши, т/га

Тузларнинг сарфланиш қисми қўйидагилардан ташкил топади:

$$S_2 = S_{dp} + S_x + S_r$$

Бунда:

S_{dp} - тузларнинг зовур сувлари орқали оқиб кетиши, т/га;

S_x - тузларнинг экинлар ҳосили билан чиқиши, т/га;

S_r - тузларнинг тупроқ грунтини чуқур қатламларига оқиб кетиши, т/га.

Тупроқда мувозанат даври бошидаги ва охиридаги туз заҳираларининг ўзаро фарқи мусбат (+), манфий (-) ва тенг (=) бўлиши мумкин.

Мавсум ёки йил охиридаги туз заҳираси бошланғич давридагига нисбатан кўп бўлса-мусбат, аксинча кам бўлса манфий, тенг бўлса тенглик мувозанати дейилади. Шўрланган ерларда туз мувозанати манфий, яъни мавсум охиридаги туз заҳираси мавсум бошидаги туз заҳирасига нисбатан кам бўлгани маъқул. Шундай туз мувозанати вужудга келганда тупроқнинг мелиоратив ҳолати ижобий бўлади. Аксинча, мавсум охирида тупроқда туз заҳирасининг кўпайиши қўшимча мелиоратив тадбирларни ўтказишни талаб этади.

Қуйида Шеробод туманидаги У.Юсупов номли жамоа хўжалиги пахта майдонининг туз мувозанати келтирилган (У. Норқулов маълумоти).

8.3.1.1-жадвал

Ғўза экилган даланинг мавсумий туз мувозанати

Мувозанат кўрсатгичлари	Туз миқдори, т/га
Кириш қисми	
Мавсум бошидаги тупроқ таркибидаги туз миқдори (0-100 см).	115,4
1. Сугориш суви билан келган тузлар.	3,7
2. Сизот сувидан келган тузлар.	12,7
3. Ўғитлаш орқали келган тузлар.	1,8
Жами:	18,2
Сарф қисми.	
1. Тузларни зовур сувлари орқали оқиб кетиши.	10,5
2. Тузларининг экин ҳосили билан чиқиши.	1,8
3. Тупроқ-турунтнинг чуқур қатламларига тузларнинг оқиб келиши.	8,0
Мавсум охирида тупроқ таркибидаги туз миқдори.	107,3
Жами:	26,3

Мувозанат натижаси

$$\sum S = S_1 - S_2 = 18,2 - 26,3 = -8,1$$

Демак тузларнинг кирим қисмiga нисбатан сарфланиш қисми 8,1 т/га қўп әканлиги маълум бўлди. Бундай шароитда тупроқнинг мелиоратив ҳолати ижобий баҳоланади.

8.4 Шўрланиш картаграммасини тузиш тартиби.

Шўрланиш картограммаси тузилади.

Шўрланиш картограммасига асосан шўр ювиш меъёrlари ва муддатлари аниқланади.

Шўрланиш картограммасини тузиш учун қўйидаги маълумотлар тўпланади:

1. 1:10000 нисбатда олинган 0,75-0,86 мкм тўлқинида дешифровка қилинадиган инфрақизил спектордаги аэрофото суратлар.

- Ердан фойдаланиш контурли режаси.
- Тупроқ харитаси.
- Тупроқ таркибидаги тузларнинг таҳлил (анализ) натижалари.

Аэросуратлар бўлмагандан шўрланиши контурларга ажратиш учун мутахассислар (агроном, гидротехник, бригадир, фермер) сугориладиган ерлардаги экинлар ҳолатини ва тупроқнинг ташқи кўринишини кузатиш йўли билан аниқланади. Экинларни ўсиш ва ривожланиш ҳолатини аниқлаш август-сентябр ойларида амалга оширилади (8.4.1-жадвал) ва 1:10000 нисбатдаги харитаси тузилади. Харитада кучсиз, ўртacha, кучли ва шўрҳок майдонларининг контурлари ажратилади.

8.4.1-жадвал

Тупроқ ва экинларнинг ҳолати бўйича шўрланиш даражаларини аниқлаш.

№	Экинларнинг заарарланиш даражаси.	Тупроқ юзасида тузларнинг тўпланиш даражаси	Шўрланиш даражаси
1	кам заарарланган	сезиларсиз	кучсиз шўрланган
2	заарарланган	сезиларли	ўртача шўрланган
3	кучли заарарланган	туз билан қопланган	кучли шўрланган
4	униб чиқмаган ёки бутунлай қуриб қолган	жуда кўп минъдорда туз билан қопланган	шўрҳок


Тупроқ ва экинларнинг ҳолати бўйича шўрланиш даражали контурлари аниқлаб бўлинганда кейин ҳар бир контур бўйлаб кимёвий таҳлил учун маҳсус бурғу ёрдамида тупроқ намуналари олинади. Тупроқ намуналари кучсиз шўрланган ерларда ҳар 20 гектардан, ўртача ва кучли шўрланган ерлардан эса ҳар 15-гектар ердан бир жойдан олинди. Намуналар сизот сувигача ёки зовурларнинг чуқурлигигача бўлган 0-30, 30-70, 70-

100, 100-150, 150-200, 200-250, 250-300 см қатламлардан олинади.

Олинган тупроқ намуналарда махсус ёрлик (намуна олинган вилоят, туман, хўжалик, фермер, қудуқ № ва қатлам чуқурлиги кўрсатилган) бўлиши керак. Тупроқ намуналари сувли сўрим таҳлили қилиниб, улар таркибидаги HCO_3 , CO_3 , Cl , SO_4 анионлари ва Ca , Mg , Na , K катионлари аниқланади. Таҳлил натижаларини умумлаштириш учун ҳар бир анион ва катионларнинг 0-30, 0-100, 100-200, 0-200, 200-300 ва 0-300 см қатламлар учун ўртacha миқдорлари ҳисоблаб чиқилади.

Тупроқ таҳлили бўйича аниқланган шўрланиш дараҷалари экинларни ҳолати бўйича қилинган шўрланиш даражаларига солиштирилади ва унга тузатишлар киритилади.

Шўрланиш харитасида шўрланиш даражалари қуйидаги рангларда берилади: шўрланмаган ерлар - яшил, кучсиз шўрланган - сариқ, ўртacha шўрланган - тўқ сариқ, кучли шўрланган - қизил ва шўрҳоклар - сиёҳ рангда (8.4.1. расм). Харитада тупроқнинг механик таркиби штрихлар билан, шўрланиш типи эса хлорли - X, сульфат-хлоридли - CX, хлорид сульфатли - XC, сульфатли - C, карбонат-магнийли - KM ҳарфлар билан белгиланади. Булардан ташқари шўрланиш харитасида сизот сувларининг чуқурлиги, уларнинг минераллашганлиги, минераллашиш типи, хўжалик ерларининг зовурлаштирилиш даражаси, шўр ювиш меъёри, шўр ювиш сони, тупроқнинг механик таркиби бўйича шўр ювиш коэффиценти, тупроқнинг сув-физик хоссалари берилади.



8.4.1-расм.
Шүрланиш харитаси

8.5. ШҮРЛАНИШ ВА БОТҚОҚЛАНИШИННИҢ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ

Тупроқ умумдорлигини ошириш ва қишлоқ хұжалик әқинларидан мунтазам равишида мүл ва сифатлы ҳосил олиш учун тупроқ шүрланиши ва ботқоқланишининг олдини олиш ҳамда уларга қарши кураш тадбирларини амалға ошириш катта ажамияттаға әга.

Суғориладиган ерларни шүрланиш ва ботқоқланишдан ҳимоя қилиш тадбирлари икки гурухга бўлинади:

1. Ер шүрланиши ва ботқоқланишининг олдини олиш тадбирлари.

2. Шўрланган ва ботқоқланган ерларни тубдан яхшилаш тадбирлари.

Ер шүрланиши ва ботқоқланишининг олдини олиш тадбирларини асосий вазифаси суғориш тармоқларидан ва әқинларни нотўғри суғориш натижасида рўй берадиган сув исрофгарчилиги ҳамда тупроқдаги намликтини бугланишига сарфланишини олдини олишдир.

Шўрланган ва ботқоқланган ерларни тубдан яхшилаш тадбирларининг вазифаси эса ер юзасига яқин жойлашган сизот сувлар сатҳини пасайтириш ва тупроқ-грунтини зарарли тузлардан тозалаб туришдир.

Шўрланиш ва ботқоқланишининг олдини олиш ва қарши курашиш учун қўйидаги тадбирлар қўлланилади:

1. Сув - хўжалик тадбирлар мажмуаси.
2. Агромелиоратив тадбирлар мажмуаси.
3. Гидромелиоратив тадбирлар мажмуаси

Сув - хўжалик тадбирлар мажмуаси сувдан режали фойдаланиш, сув исрофгарчилигига қарши куаш, суғоришнинг янги усуллари ва технологияларини жорий қилиш, хўжаликларда сув айланишини қўллаш, сувдан самарали фойдаланиш, сизот ва ер ости сувларидан экинларни суғоришда фойдаланиш кабилардан иборат бўлади.

Агромелиоратив тадбирлар мажмуасига ер текислаш, дараҳт ўтказиш, алмашлаб экишни жорий қилиш, шудгорлаш, чукур юмшатиши, қатор ораларига ишлов бериш, минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш, шўр ювиш ишлари киради.

Гидромелиоратив тадбирлар мажмуасига эса коллектор-зовур тармоқларини лойиҳалаштириш ва уларни қуриш киради. Бу тадбирлар ҳар бири ернинг табиий ва хўжалик шароитларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ёки бир нечтаси биргаликда ўтказилиши мумкин.

Масалан, шўрланиш ва ботқоқланишга мойил ерларда сизот сувларини кўтарилиб кетмаслиги учун сув-хўжалик тадбирлар мажмуасини ўтказиш катта аҳамиятга эга. Шўрланган ва ботқоқланган ерларни тубдан яхшилаш учун эса сув-хўжалик, агромелиорация ва гидромелиорация тадбирлар мажмуаси ўтказил-тандагина уларнинг унумдорлиги ошиб боради.

8.5.1. Сув хўжалик тадбирлари.

Сувдан режали фойдаланишнинг асосий мақсади ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхши сақлашдир. Бунинг учун сувдан фойдаланиш режасида қуидагилар кўзда тутилади:

1. Суғориш тармоқларидан самарали фойдаланиш.
2. Қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тартиблари ва суғориш технологиялари ҳисобга олинган ҳолдаги режа бўйича ёки давлат суғориш тармоқларининг лимити бўйича бериладиган сувдан тўғри фойдаланиш.
3. Суғориш билан экинларнинг қатор ораларига ишлов беришни узвий боғлаш.
4. Кузги-қишки ва эрта баҳорги даврларда шўр ювиш, яхоб бериш, беда, кузги дон, оралиқ экинларини режа асосида суғориш.

Сувдан фойдаланиш режаси иккига бўлиб тузилади:

1. Ўсув даври учун (1-апрелдан - 1-октябргача).
2. Кузги-қишки ва эрта баҳорги даврлар учун.

Ўсув даври учун тузилган режада барча қишлоқ хўжалик экинлари, боғлар, узумзорлар, ўрмон дараҳтларини суғориш ва шу билан бирга экинларнинг қатор ораларига ишлов бериш кўзда тутилади.

Кузги-қишки ва эрта баҳорги сувдан фойдаланиш режасида эса шўр ювиш, яхоб бериш, беда, донли бошоқли, оралиқ экинлари ва бошқаларни суғориш мўлжалланади.

Суғоришни тўғри ташкил этиши

Суғориладиган далаларни катталиги, нишаблиги, текислиги ернинг мелиоратив ҳолатига катта

таъсир кўрсатади. Масалан, ернинг нишаблиги кичик бўлиб, суғориладиган дала ҳаддан ташқари катта бўлса, бундай далаларда, биринчидан кўп ўқариқлар олинади, иккинчидан эгатлар узун бўлади ва жуда кўп сув ергасингиб сизот сувлар сатҳини кўтаради. Бундай оқибатни оддини олиш учун суғориладиган майдонни 6-8 гектарли бўлакларга бўлиб, суғориш ва ернинг рельефига,

тупроқнинг сув ўтказувчанлигига қараб ўқариқлар орасидаги масофа 100-250 метрдан ошмаслиги маъқулдир.

Ўқариқлар 20-25 см чуқурликда, 30-50 см кенгликада очилади (туби 20 см бўлади).

Шўрланган ерларда сувни ҳар бир эгатга оқизиш яхши натижа беради. Эгатларга сувни дастлаб камроқ оқизиш, сўнгра эса кўпайтириш керак. Сув эгат охирига етиб боргандан кейин, бутун узунлиги бўйича текис чуқурликда намиқиш ва оқова сувини камайтириш максадида сув оқими камайтирилади (8.5.1.1-жадвал).

8.5.1.1-жадвал

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ва даланинг нишаблигига қараб эгат узунлиги ҳамда сув оқиш миқдори (ЎзПИТИ маълумоти)

Нишаблик	Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги	Эгат узунлиги, м.	Сув оқиш	миқдори,
			Дастлабки 2-3 сугориш учун	Кейинги сугориш учун
кatta (0,02-0,01)	кучсиз	120-150	0,1-0,2	0,05-0,15
ўртacha (0,01-0,005)	- " " -	110-120	0,3-0,5,	0,15-0,25
Кичик (0,005-0,001)	- " " -	100-110	0,5-0,7	0,25-0,30
кatta	ўртacha	110-120	0,2-0,4	0,10-0,20
ўртacha	- " " -	100-110	0,4-0,6	0,20-0,25
кичик	- " " -	80-100	0,6-0,8	0,25-0,30
кatta	кучли	80-100	0,4-0,7	0,20-0,30
ўртacha	- " " -	60-70	1,0-1,7	0,25-0,40
кичик	- " " -	60-70	1,0-1,2	0,40-0,50

Сугоришининг давомийлиги кичик ва ўртacha нишабли майдонларда сугоришининг умумий давомийлиги бир суткадан, сув оқимининг эгат охиригача етиб бориш эса 8-12 соатдан ошмаслиги зарур

Сугориш майдоннинг бутун узунлиги бўйлаб бир йўла барча ўқ ариқлар орқали ўтказилиши керак. Бунинг учун 5-6 сувчи ажратилади.

Сувнинг сугориши каналларидан шимилиб кетишига қарши кураш тадбирлари

Сувнинг фильтрацияга исроф бўлиши сугориши тармоқларининг фойдали иш коэффициентини (Ф и К) камайтиради, сувни қўпроқ олишга мажбур қиласди, сизот сувлар сатҳининг кўтарилишига имкон беради ва тупроқнинг шўрланишига олиб келади.

Мелиорацияда энг муҳим муаммолардан бири-каналлардан сувнинг исроф бўлишига қарши курашишdir, чунки одатдаги, яъни ўзани қопланмаган каналлардан 40-50% сув (олинадиган сувнинг умумий миқдорига нисбатан) шимилиб кетади. Сугориши тармоқларидан шимилиган сув баъзан сизот сув балансининг 60-70% ига тўғри келади.

Грунтнинг фильтрация коэффициенти ва ҳар бир каналнинг ҳўлланган периметри қанча катта бўлса, каналдан сувнинг шимилиб исрофланиши ҳам шунча катта бўлади. Каналдаги сувнинг оқиш тезлиги ва сарфи камайиши, баравар ишлайдиган каналлар узунлиги, сизот сув сатҳининг чуқурлиги ошиши билан шимилиш сарфи ошиб боради.

Шароитга қараб сувнинг шимилиб кетишига қарши курашишда турли усуллардан фойдаланиш мумкин:


Сугориши каналлари бўйлаб дарахт ўтқазиши (биологик усул). Катта дарахтларнинг анча чуқур ўсиб борган бақувват илдизлари каналдан шимилиб кетадиган сувни тупроқ-грунт билан бирга ўзида ушлаб қолади ва ундан транспирацияда фойдаланади. Шунинг натижасида сизот сув сатҳи кўтарилишининг олди олинади ва вегетация даврида сизот сувлар сатҳини пасайтиради.

Каналлар ўзанини колъматаж қилиш, яъни каналларнинг ҳўлланган периметрига лойқа чўктириш. Бунда лойқа грунт ғовакларини тўлдиради. Лойқа канал яқиндаги махсус ҳовузларда тайёрланади ва каналдаги сувга керакли миқдорда қўшиб, лойқалантирилади. Канал сув тўсар иншоатлар ёрдамида участкаларга бўлиниб колъ-

матаж қилинади. Бу усулдан қумли ва шағалли грунтлардан ўтказилган суғориш тармоқларида фойдаланиш яхши натижа беради.

Каналтарни оқизиндилардан тозалашда кольматаж қилинган қатламга тегмаслик зарур.

Канал ўзанини зичлаш. Зичланувчи грунт (құмоқ, лёсс) лардан ўтган каналларнинг тузи ва қияликлари талтак молалар билан бир неча ўтишда ёки механик усулда зичланади. Биринчи ҳолда грунт 0,25-0,30 м чуқурликкача, иккінчи ҳолда (яъни механик усулда зичланганда) 0,6-1,0 м чуқурликкача зичланади (8.5.1.1-расм).



8.5.1.1-расм. Эксаватор ёрдамида ариқ ковлаш ва зичлаш.

Грунт тегишли намлиқда қанча күп зичланса, унинг ғоваклиги ва фильтрация коэффициенти шунчалик камаяди, зичлаш қуролларидан фойдаланиб каналнинг ҳўлланган периметри зичланганда каналдаги сув исрофгарчилиги зичланмаган каналга қараганда 15-20 марта камаяди.

Даврий ишлайдиган каналларда ўзанини зичлаш усулининг камчиликлари бор: ўзанинг қуриши ва ёрилиши, унда бегона ўт илдизларининг ривожланиши мум-

кин, музлаш, эриш ва бошқалар таъсирида тупроқ грунти юмшайди.

Шұртоблаш (кимёвий усул). Бунда канал ўзанига NaCl тузи сепилади ва тупроқнинг устги қисмида каогуляция жараёни юз беради, натижада сув шимилиши камаяди. Бу усул үзоқ таъсир қила олмаганлиги ва жуда қымматга тушиши, шунингдек, таркибида гипс ёки карбонат бўлган грунтларда унинг етарли даражада таъсири йўқлиги учун кенг фойдаланилмайди.

Сунъий глейлаш усули. Каналнинг туби ва қияликларига 5-7 см қалинликда майдаланган ўсимлик чиқиндилари (барг, сомон, похол, бегона ўт ва бошқалар) ётқизилади. Бу қатлам устидан 10-15 см қалинликда грунт қатлами ҳосил қилинади. Бу қатламдаги органик моддалар нам таъсирида чирийди (яъни глейланади), бу эса кам сув ўтказувчан грунт қатлами ҳосил қиласи.

Үзоқ муддат ишлайдиган каналлар ва сув омборларида шу усулдан фойдаланилади.

Нефтлаш, битумлаш, силикатлаш. Бу усулдан грунт ғовакларини ёпишқоқ ёки қотиравчи моддалар билан тўлдириш мақсадида фойдаланилади.

Портлатиш усули. Янги канал қазища ва эскисини кенгайтиришда портлатиш усулидан фойдаланиб, ўзан зичланади. Портлаш тўлқини грунтни анча чуқурликкача жуда яхши зичлантиради. Натижада механизмлар билан қазилган каналларга қараганда бу каналларда фильтрация тезлиги 10-20 мартага камаяди.

Сув ўтказмайдиган экранлар ҳосил қилиш. Бу усулда каналнинг туби ва қияликлари остига гил эритмалари, полимер парда (винипласт, полиэтилен) ва бошқа материаллар ётқизилади.


Парда қоплашда олдин грунт заминини ўт-илдизлардан тозалаш, стерилизация қилиш керак. Акс ҳолда, ўт ўсиб пардани бузиб юборади. Парда устидан майдадонали грунт тўкилиб, унинг устидан механик шикастланишдан ҳимоя қилиш учун шағал қатлам ётқизилади.

Сув шимилишига қарши қопламлар түшаш (8.5.1.2. расм). Бу усулда канал туби ва қияликарига бетон, темир-бетон, асфальт, гил қопланади.


Темир-бетон қоплама жуда ҳам чидамлидир. Айниқса, канал қияликлари тик ёки грунт бўш бўлиб, сизот сув босими кучли бўлганда ҳамда канал қияликлари ўпирилиб тушаётганда темир-бетон қопламларидан фойдаланиш зарур.

Қопламлар юпқа бўлганда сим тўр билан, қалин бўлганда йўғонроқ симлар билан армировка қилинади. Қоплама қалинлиги 8-12 см бўлади.


Деформация бўлмаслиги учун грунтни яхши чўқтириш мақсадида даставвал канал ўзанига сув қуйиб намиқтирилади ва кейин бетон қопланади. Темир-бетон плиталари кран ёрдамида ётқизилади. Плиталар махсус чоклар билан бир-бирига уланади. Чокларга юпқа қилиб асфальт мастикаси тўлдирилади.




Бетон қоплами




Гил қоплами



Тош қоплами



Полиэтилен пленка қоплами




Темир бетон қоплами

8.5.1.2-расм Каналларда сув шимилишига қарши қуийладиган қопламлар.


Ватанимизда, шунингдек, чет элларда канал туби ва қияликларга темир-бетон плиталар қоплаш кенг қўлланилмоқда.

Темир-бетон новлардан фойдаланиш. Бунда, суғориши тармоқлари ўзанлари ердан (тупроқдан) иборат бўлмай, айни мақсад учун махсус сув ўтказмас темир-бетон новлар ўрнатилади.

Новларнинг кўндаланг кесими парабола шаклида. Деворларнинг қалинлиги 5-6 см, новларнинг узунлиги 600 см. Новлар тиргаклар устидан ўтказилади. Тиргаклар пойдевори стакан шаклида бўлган устунчалардан иборатdir. (8.5.1.3., 8.5.1.4. расмлар).



8.5.1.3-расм.
Темир-бетон новли суғориши тармоги.



*8.5.1.4-расм. Нов канал конструкцияси:
1-нов; 2-устун; 3-стакан типидаги пойдевор.*

Новларнинг бир-бири билан туташадиган чоклари битум мастикаси билан тўлдирилади. Новларнинг (ётқизилиш) баландлиги 60, 80 ва 100 см, сув ўтказа олиш қобилияти 0,2-0,6 м³/сек. гача.

Сув новга ерда қазилган каналдан монолит қулоқ боши орқали кириб келади, сўнгра сув чиқаргич (водопуск)лар ёрдамида новлардан эгилувчан трубопроводларга тақсимланади. Сув чиқаргичлар сув сарфини 70, 80, 90 ва 100 л/сек. қилиб қўйишга имкон беради. Новлардаги сув полиэтилен сифонлар (диаметри 125 мм) ёрдамида ҳам олиниши мумкин.


Нов-каналлардан тўғри фойдаланилганда сугориладиган майдоннинг барча ерига сув чиқариш мумкин бўлади, сув нобудгарчилигига барҳам берилади, суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти анча ошади.

Ёпиқ суғориш тармоқларидан фойдаланиш. Кўпгина хўжаликларда ерни ёпиқ суғориш тармоқларидан суғориш йўлга қўйилган, уларда гидрантлар ва эгилувчан трубопроводлардан фойдаланилмоқда. Трубопроводлар асбелоцементдан тайёрланиб, ерга 0,003 нишабликда кўмилади (8.5.1.5.-расм). Сув олиш учун маъ-

лум масофадан түбопроводларга (ҳар 150-200 м дан) кейин гидрантлар ўрнатилади (8.5.1.6. расм).



8.5.1.5-расм.



8.5.1.6-расм.

8.5.1.5-расм. Ўзи босим берувчи сугориш қувури

*8.5.1.6-расм. Эгилувчан қувурга сув бериш гидранти:
1-задвижка; 2-муфта; 3-эгилувчан қувур; 4-ер ости қувури.*

Ҳар бир гидрантда задвижка ва сув муфтаси бўлади. Муфтага эгилувчан трубопроводлар уланади. Бу трубопроводларнинг ҳар 60,70,90 см да тешик қилинган бўлиб, шу тешикдан экатларга сув берилади.

Ёпиқ сугориш тармоқларидан (қувурлар) фойдаланиш сувнинг буғланиш ва шимилишга сарфланишини барта-раф қилишга имкон беради ва далаларда сув исрофгарчилигини минимумгача камайтиради. Бундай сугориш тармоқларининг фойдаланганда фойдали иш коэффициенти 0,9-0,95 га етади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, сувнинг шимилиб исрофланишига қарши турли усулларда куаш олиб бориш мумкин. Бу усуллар кўриладиган тадбирларнинг характеристери (ташкилий, техник, биологик, биокимёвий воситалардан фойдаланиш) га, 1 m^2 даги қурилиш қийматига, унинг фойдалигига ва чидамлигига қараб турлича бўлиши мумкин.

Шу кўрсаткичлар кўпгина шароитларга, шу жумладан грунт характеристига, каналларнинг ишлаш шароитига ва бошқаларга ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун мавжуд конкрет шароитга кўра техника-иқтисодий жиҳатдан қайси усул арzonлигини ҳисобга олиб, фильтрацияга қарши куаш усулларидан бири танланиши керак.

Сув исрофгарчилигини камайтириш ва ундан фойдаланишини яхшилаш бўйича ҳамма учун мажбурий бўлган тадбирлар. Бу каналларни оқизинди ва ўсимликлардан ўз вақтида тозалаш, ички хўжалик сув оборотини амалга ошириш, сувдан кеча-кундуз фойдаланиш, сугорилмайдиган даврда каналларни беркитиб қўйишдан иборат.

Каналлар ўз вақтида оқизинди ва ўсимликлардан тозалаб турилса, каналдаги сув сарфи ва сув тезлиги катта бўлади, бу эса сувнинг шимилишини камайтиради.

Хўжалик ичида сувдан навбат билан фойдаланиш.

Хўжалик ичида сувориш тармоқларида сувдан навбат билан фойдаланилганда сувориш тармоқларининг барчаси эмас, балки бир нечтаси ишлайди, лекин уларнинг сув сарфи катта бўлади. Шунинг натижасида умумий фильтрация сарфи камаяди, каналларнинг иш коэффициенти ошади ва шу сув билан кўпроқ майдон сугорилади.

Хўжалик ички тармоқларида сувдан навбат билан фойдаланиш сув таъминотига даражасига боғлиқ. Масалан, сув таъминоти 100% бўлганда 100 гектар сувориш майдони бўлган бригадалар, пудратчилар, фермерлар узлуксиз оқим билан сув олиши ва сувориш майдонлари (10-15-20 га) ўртасида навбат белгиланади. Бригадалар майдони 100 гектардан кам бўлганда (50-80 га) хўжаликлараро сув тақсимотини жорий қилиш мумкин.

Сув таъминоти 75% дан кам бўлганда сув бериш лимитланади.

Сув лимити қуйидаги формула бўйича аниқланади

$$Q_{\text{п}} = Q_{\text{б}} \cdot \text{СТК}$$

$Q_{\text{п}}$ — Лимитланган сув миқдори;

$Q_{\text{б}}$ — Сувдан фойдаланиш режасида кўрсатилган брутто түб сарфи, л/с;

СТК – Сув билан таъминланганлик коэффициенти.

Хўжаликларда сувдан фойдаланишини таҳлил қилиш.

Мелиорация қилинган ерларда қайта шўрланишнинг асосий сабабларидан бири сувдан тўғри фойдаланил-маслиkdir. Хўжаликларнинг сувдан самарали фойдаланишларини таҳлил қилиш катта амалий аҳамиятга эга. Сувдан тўғри фойдаланиш 10 кун, ой, мавсум даври учун сувдан фойдаланиш коэффициентини аниқлаш йўли билан назорат қилинади. Сувдан фойдаланиш коэффициенти қўйидаги формула бўйича аниқланади.

$$W_p$$

$$СФК = \frac{W_p}{W_a}$$

Бунда:

W_p – режа бўйича сугориладиган майдон, га.

W_a – амалда ҳақиқий сугорилган майдон.

Бунда:

W_a - қўйидаги аниқланади •

$$W_a = P W_p$$

P – маълум даврда сув бериш коэффициенти

$$P = \frac{Q_a}{Q_p}$$

Бунда:

Q_p – режадаги сув сарфи, л/с.

Q_a – амалдаги ҳақиқий сув сарфи, л/с.


Хўжаликларда сувдан фойдаланиш коэффициенти (СФК), амалда 0,85-0,95 бўлади. Агар СФК 1 дан катта бўлса сув олиш ёки суғориладиган майдон нотўғри аниқланган бўлади. Агар СФК 0,50-0,60 бўлса сувдан нотўғри фойдаланилган, яъни оқовага ва ерга ортиқча шимилигтан бўлади.

Янги суғориш усул-ларини қўллаш. Ўзбекистоннинг суғориладиган майдонлари асосан тупроқ устидан эгатлар орқали, тахталарга (марзаларга) бўлиб ва чекларга бўлинниб бостирилиб суғорилмоқда. Бундай суғориш усуллари тупроқ структурасини бузулишига, қатқалоқ ҳосил бўлишига, сувнинг ҳисобдаги меъёридан кўп сарф бўлишига, тупроқни нотекис намланишига, сувни чуқур қатламларга шимилиб кетишига сабаб бўлмоқда ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатини бузилишига олиб келмоқда.


Юқорида кўрсатилган суғориш усулларининг салбий оқибатларини тугатиш учун янги суғориш усулларини қўллаш талаб қилинади. Бундай суғориш усулларидан бири эгатлаб суғорища эгилувчан кўчма қувурлардан босим остида берувчи ППА-165, ППА-300, ПТ-250, ТАП-150, ТПП-200 маркали суғориш машиналаридан фойдаланишdir. Ушбу қувурлар ўқ ариqlар ўрнига ишлатилади. Улардаги ҳар бир тешик қатор орасининг ўртасига тўғриланади, тешикларда бир хил диаметрли маҳсус клапанлар бўлиб улар ёрдамида эгатга берилаётган сувни ростлаш мумкин (8.5.1.7., 8.5.1.8., 8.5.1.9 расмлар).



8.5.1.7-расм. Эгилувчан қувур ёрдамида экинни сугориш.



8.5.1.8-расм. ППА-165 маркали сугориш машинасиныг умумий күриниши.




8.5.1.9-расм. Қаттиқ босимли қувур-ёрдамида экинларни сугориш.

Суғориш машиналари ёрдамида эгатларга сув тарағанда бир йўла 2-3 гектардан 5-8 гектаргача майдонни суғориш имкониятини беради. Суғоришида меҳнат унумдорлиги 2-3 баровар ошади, сувнинг шимилиши эса оддий усулдагига нисбатан 8-10% камаяди.

Ёмғирлатиб суғориши. Бу усулда сув махсус қурилмалар ва машиналар ёрдамида сунъий ёмғир тарзда ўсимликлар устидан пуркаб берилади.


Ёмғирлатиб суғоришининг афзаллиги шундаки, бу усулда суғориш жараёни тўлиқ механизациялашади, ўқариқтар сони камаяди, белгиланган сув меъёри аниқ ва бир текисда сарфланади, тупроқ юзасида микроиқлим вужудга келади, ёмғирлатиб суғоришида сизот сувлари кўтариilmайди, шу сабабли тупроқда шўрланиш ва боткоқланиш содир бўлмайди (8.5.1.10.расм).




8.5.1.10-расм. Эгатлаб (1) ва ёмғирлатиб (2) суғориш усуllibарида сизот сувларининг жойлашиш чукурлиги.

Ёмғирлатиб суғориш усулида эгатлаб суғоришига нисбатан меҳнат унумдорлиги 3-4 баробар ошади ва 15-20% сув тежалади. Ёмғирлатиш учун ДДА-100М маркали ўзиюрар агрегат ишлатилади. У бир вақтда 120 м кентликдаги майдонни суғоради. Суғориш меъёри гектарига 700-800 м³ бўлади ва битта агрегат бир сутка давомида 10-13 гектар экин майдонини суғора олади. Республика


ликамиизда ДКШ-64 «Волжанка», «Фрегат» ва бошқа маркали кенг қамрайдиган ёмғирлатгич машиналаридан ҳам фойдаланиш мумкин, улар сувни бир текисда тупроққа сингиш тезлигиде ёмғирлатади (8.5.1.11., 8.5.1.12., 8.5.1.13.расмлар).



8.5.1.11-расм. ДДА-100М маркали ёмғирлатгич машинаси.



8.5.1.12-расм.



8.5.1.13-расм.

8.5.1.12-расм. ДКШ-64 «Волжанка» ёмғирлатгич машинаси. 8.5.1.13-расм. «Фрегат» ёмғирлатгич машинаси.

Натижада гектарига 1000 м³ гача сув бериш ва тупроқни 80-100 см чүқурликда намиқтириш имконияти яратилади.

Томчилатиб сугориш. Томчилатиб сугориш усули экинларга сув беришнинг энг илфор усулларидан бири бўлиб, бунда сув ўсимликларга тўғридан-тўғри махсус жиҳозлар ва қурилмалар ёрдамида томчи тарзда етказилади. Бу сугориш усулининг асосий мелиоратив афзалликлари шундаки, сув ўсимлик-

ларнинг илдизи тарқалган фаол қатламида узлуксиз мўътадил намлиқ, ҳаво, озиқа ва туз режимларини вужудга келтиради.

Сувдан кеча - кундуз давомида фойдаланиш

биридир.

Барча хўжаликларда бирор экин майдони суғорилаётганда унга кечаю-кундуз, узлуксиз сув бериб туриш керак; сувни коллектор-зовур тармоқларига бекор ташлаб қўйиш қатъий ман қилинади. Бунинг учун сувчиларнинг кундузги ва тунги сменаларини белгилаб қўйиш, уларни зарур инвентарлар билан таъминлаш, тунда суғориш учун майдонни ўз вақтида тайёрлаб қўйиш шарт. Хўжаликка керагидан ортиқча сув оқиб келаётган бўлса, уни камайтириш зарур.

Суғорилмайдиган даврда каналлардаги сувни бекитиб қўйиш.

Чунки куз, қишиш ва эрта баҳорда тупроқдан сув жуда кам буғланади. Шундай шароитда каналдан сингиб кирган сув бутунлай сизот сувга қўшилади ва унинг саҳини кўтаради. Шунинг учун суғориш ёки шўрни ювиш талаб қилинганда сув қўйишга рухсат этилади.

Суғориш каналларининг куз-қишиш ва эрта баҳорда 3-4 ой бекитилиб қўйилиши натижасида сизот сув сатҳи одатдагига қарагандан анча пасаяди. Суғориш мақсадида сувдан фойдаланилмайдиган даврдарда канал сувларини бекитиб қўйиш керак. Хўжалик эҳтиёжлари, ичиш ва молларни суғориш учун эса чуқур бурғ-қудуқлар қазиб, улардан сув олиш зарур. Ирригация иншоатларини ўз вақтида таъмирлаш ва ишга яроқли ҳолда сақлаш, ирригация каналларининг жуда тўлиб оқишига рухсат этмаслик, каналдаги сув исрофгарчилигини камайтирувчи тадбирларидан ҳисобланади.

Бу сувнинг исроф бўлишига қарши кўриладиган энг зарурий тадбирлардан

Бу сув исрофгарчилигига қарши курашда сув-хўжалигининг муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Зовур ва ер ости сувларидан фойдаланиши.

Ўрта Осиёning сугориладиган ерларида қўшимча сугориш манбаларини қидириб топиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу муносабат билан сизот, зовур ва ер ости (артезиан) сувларидан сув таъминоти, сугориш ва шўр ювиш мақсадида фойдаланишнинг катта сув-хўжалик, мелиоратив ва экологик аҳамияти бор.

Ўзбекистонда зовур сувлар ҳажми умумий сув олиш ҳажмини 30-35% ни ташкил этмоқда.

Бу сугориш манбаларининг суви кўпинча минераллашган бўлади.

Юқорида айтилган сувлардан фойдаланишнинг сув хўжалиги жиҳатдан қўйидаги афзалликлари бор:

- сув ресурслари, ва сугориладиган ер майдонлари кўпаяди;
- бу сувлардан фойдаланишда магистрал, тақсимлаш ва кенг тармоқли сугориш шоҳобчалари ҳамда кўплаб гидротехник инишотлар қуриш талаб қилинмайди;
- сугориш тармоқларининг салт қисми унча узун бўлмаганлигидан ундан сувнинг фильтрацияга исроф бўлиши кам, фойдали иш коэффициенти ва сугориш қобитияти эса катта бўлади;
- сувда майда заррачалар жуда кам ва минераллашганлигидан каналларни деярли лойқа босмайди, ёввойи ўтлар жуда кам ўсади, натижада уларан фойдаланиш харажатлари камаяди.

Мелиоратив жиҳатдан ҳам бу сувлардан фойдаланишнинг яхши томонлари кўп:

- дарёдан ирригация тармоқларига сув олиш қисқарди, натижада сувнинг фильтрацияга сарфланиши камаяди ва сизот сув сатҳи пасаяди;
- сизот ва ер ости сувини олиш таъсирида ҳам сизот сув сатҳи бевосита пасаяди;
- зовур сувидан фойдаланилганда коллектор ва зовурдаги сув сатҳи пасаяди, натижада уларнинг иш чуқурлиги ва самарали таъсири зўрайди.

Буларнинг барчаси ернинг мелиоратив ҳолатини яхшиланиши учун яхши шароит яратиб беради. Сизот сув сатҳи пасайган ерларда ёғингарчилик, шўр ювиш, вегетацион суғоришлиар таъсирида тупроқнинг шўрияхши кетиб, унумдорлиги тез кўтарилади.

Бундай сувлардан фойдаланишининг экологик аҳамияти шундаки, уларнинг чучук сув манбаларига (дарё ва кўлларга) ва маҳсус ташландиқ сув қабул қилгич ҳавзаларига (Арнасой, Сариқамиш ва ҳ.к.) оқизиш ҳажми камаяди. Зовур сувларининг таркибида сувда эрийдиган тузлар мис, темир, азот, фосфор фенол моддалари, нефт маҳсулотлар, пестицидлар, гербицидлар, дефолиант ва десикант қолдиқлари учрайди. Зовур сувларининг минераллашганлиги 2 г/л дан 15-20 г/л гача ҳатто ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Бундай сифатсиз сувларнинг чучук сув манбаларига оқизиш туфайли улардан фойдаланувчи ўсимлик, ҳайвонот ва инсоният фаолиятга салбий таъсир кўрсатади.

Масалан, Сирдарёning бошланиш қисмida сувнинг минераллашганлиги 0,3 г/л бўлса, Фарона водийсидан зовур сувларини қўшилиш эвазига 1,2-1,5 г/л, Мирзачўлдан қўшилиши туфайли 1,5-2 г/л ва Жанубий Қозогистоннинг суғориладиган ерларидан ташланган сувлар ҳисобига 2,5-3 г/л га ошиб бормоқда.

Ватанимизда, шунингдек, чет элларда минераллашган зовур ва сизот сувлардан сугориш мақсадларида фойдаланиш тажрибалари ўтказилмоқда.

АҚШнинг ғарбий штатларида, Тунис, Жазоир, Эрон ва бошқа мамлакатларда таркибида 5-6 г/л гача, баъзан ундан ҳам кўп тузи бўлган сувлардан сугоришда фойдаланиш тажрибаси ўтказилди.

Донбассда (кон суви), Украинаning жанубий туманларида, Ростов обlastida, Шимолий Кавказда сабзавот, полиз экинлари ва шолизорлар минерал сувлар билан сугорилмоқда.

Ўрта Осиё ва Кавказортида ғўза, сабзавот-полиз экинлари, токларни сугоришда, Туркманистоннинг бир неча

туманларида, Озарбайжонда ҳам минераллашган сувдан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистонда (Марказий Фарғона, Бухоро, Мирзачўл, Қарши чўли) ғўза, беда, жўхори, шоли ва бошқа экинларни сугоришда (айниқса сув танқис йилларда) кўпинча коллектор ва зовур, кўл, булоқдан олинадиган минерал сувлар, шунингдек, чуқур бурғ-қудуқлардан олинадиган ер ости сувларидан фойдаланилмоқда. Сурхондарёда Шеробод дарёсининг минераллашган ($3-4\text{ г/l}$) сувидан эса доимо сугориш мақсадида фойдаланиб келинмоқда.

Муайян минералланиш ва муайян тупроқ-мелиоратив шароитларда бу сувлар кўпинча тупроққа ва экинларга ҳеч қандай зарар етказмайди.

Сугориладиган ерларда умумий сувнинг бир қисми турли мақсадларда (яхоб, шўр ювиш, экиш олдидан сугориш, боғларни сугориш) сарфлансада, асосий қисми вегетация давридаги сугоришда сарфланмоқда. Сугоришда чучук сув етишмай қолган вақтларда, шўрланиш даражасидан қатъи назар минераллашган сувлардан фойдаланишга тўғри келади.

Бундай сувдан ғўза ва бошқа экинларни сугоришда фойдаланиш мумкинлиги 1931-1990 йилларда Ўзбекистон олимлари томонидан Марказий мелиоратив (Мирзачўл), Бухоро, Хоразм вилоятларининг тажриба дала-ларида шунингдек, ишлаб чиқариш шароитида ўрганиб чиқилди. Шароитга қараб натижалари турлича бўлди. Кўпгина ҳолларда минераллашган сув ўсимлик ва тупроққа зарарли таъсир қилган эмас, ҳосил эса чучук сув билан сугорилганидек олинган. Тузларнинг таъсирида ўсимликлар қуриб, ҳосилдорлик камайиб кетган ҳодисалар ҳам юз берган. Шунингдек, ҳосил жуда камайиб, тупроқ кучли шўрлана бошланган ҳоллар ҳам учраган.

8.5.1.2.-жадвалда ғўзани минераллашган ва чучук сув билан сугоришда олинган натижалар таққослаб келтирилган.

8.5.1.2-жадвал

Ариқ суви ва минераллашган сув билан сугорганда пахта ҳосили ва тупроқдаги хлорнинг ўзгариши(Ўз ПИТИ маълумотлари).

Сув	Сувнинг минерал- ланиш даражаси г/л	Пахта ҳосили, ц/га		Тупроқдаги хлор (0-100см) %	
		Умумий	Совуқ түшганга қадар	Баҳор- Да	Кузда
Фарғона тажриба станцияси					
Ариқ суви	1,1-1,6	41,0	37,9	0,009	0,014
Зовур суви	5,5-6,0	41,2	37,6	0,010	0,015
Бухоро тажриба станцияси					
Ариқ суви	0,27-0,47	48,4	45,3	0,005	0,005
Зовур суви	1-1,5	48,2	45,1	0,005	0,008
Бухоро тажриба станцияси					
Ариқ суви	0,3-0,5	30,25	29,36	0,005	0,005
Сизот суви	2,3-2,6	25,11	24,90	0,008	0,010
Сизот суви	4,6-5,2	20,85	20,44	0,008	0,013
Чоржўй тажриба станцияси					
Ариқ суви	0,35-0,63	31,3	28,2	0,037	0,059
Зовур суви	5,5-7,15	27,9	26,4	0,038	0,075
Хоразм тажриба станцияси					
Ариқ суви	0,42-0,60	47,4	43,5	0,050	0,077
Сизот суви	3,58-4,88	42,4	38,8	0,057	0,101

Экинларни минераллашган сув билан сугорилганда турли натижа чиқишига қатор омиллар сабаб бўлади:

- сугориладиган экиннинг тузга чидамлилиги ва биологик хоссаси;
- сувдаги тузларнинг миқдори ва таркиби;
- тупроқнинг сув-физик хоссаси, тузилиши ва зовурлаштирилганлик даражаси;

- сув ўтказмайдиган қатлам ва сизот сув сатҳининг чуқурлиги;
- ўсув ва ўсув бўлмаган даврлардаги сугориш меъёрлари;
- иқлимий шароитлар (ўсув даврида тушган ёғин миқдори, буғланиш ва бошқалар).

Тузга чидамли экинлар (оқ жўхори, лавлаги), тузга унча чидамли бўлмаган экинларга (беда, нўхат, маккажўхори ва бошқалар) нисбатан анча (3-5 г/л) минераллашган сувлар билан сугорилганда ҳам зарар кўрмаслиги мумкин.

Зовур ва ер ости сувларининг минераллашганлик даражаси бир хил бўлиб, улардаги тузларнинг таркиби турлича бўлиши мумкин.

Зовур ва ер ости сувларининг таркибида заҳарли хлор тузлари кўп бўлган сув билан экинлар сугорилмаслиги керак. Сувнинг таркибида Na катиони кўп бўлганда ҳам ундан фойдаланиш тавсия этилмайди, чунки унинг таъсирида тупроқ шўртобли бўлиб қолиши мумкин.

Бу жараён минераллашган
сувларининг таркиби

$$\frac{Na}{Ca + Mg} > 4$$

бўлганда тупроқ Na ни тез сингдиради ва шўртобланаб қолади. Аксинча тупроқ ва ер ости сувларида карбонат, сульфат ва кальций кўп бўлганда тупроқ шўртобланмайди.

Зовур ва ер ости сувларидан фойдаланиш миқдори тупроқнинг механик таркибига, сув-физик хоссасига ва сугориладиган майдоннинг мелиоратив шароитига боғлиқ бўлади. Агар тупроқ яхши сув ўтказувчан ва етарлича сунъий зовурлаштирилган, сизот сув сатҳи ҳамда сув тўсар қатлам жуда чуқур жойлашган бўлса, 5-6 г/л шўр сув билан ҳам экинларни сугориш мумкин (8.5.1.3.-жадвал).

8.5.1.3-жадвал

Турли мелиоратив шароитларда зовур ва ер ости сувлари билан ўзани суғоришнинг рухсат этиладиган минераллашганлиги, г/л

№	Тупроқнинг мелиоратив шароити	Қаттиқ қолдиқ	Хлор
1	Сув тўсар қатлам, сизот сув сатҳи яқин (1,5 м гача), меҳаник таркиби оғир, сувни кам ўтказувчи ва кучсиз зовурлаштирилган тупроқлар	1-2,0	0,1-0,3
2	Сизот сув сатҳи 1,5-3 м чуқурлик- да, сув ўтказувчанлиги ва зовурлаштириш даражаси ўртacha бўлган тупроқлар	2-4	0,2-0,5
3	Сувтўсар қатлам чуқур, сизот сув сатҳи 3-4 м дан пастда жойлашган, меҳаник таркиби енгил, яхши зовурлаштирилган тупроқлар	4-5	0,3-0,7

Юқорида кўрсатилган минераллашган зовур ва ер ости сувларидан фойдаланиш қуйидаги тадбирларга амал қилинганда уларнинг самарадорлиги ошади ва тупроқнинг мелиоратив ҳолати кескин ёмонлашмайди:

1. Минераллашган зовур ва ер ости сувлари қўлланиладиган майдонларда тупроқнинг ҳисобий қатламидаги (0,7-1,0 м) намлик миқдори суғоришдан олдин 80% дан (тупроқнинг чегаравий нам сифимига нисбатан) кам бўлмаслиги керак.
2. Бир галги ва мавсумий суғориш меъёри дарё сувлари билан суғорилган меъёрларга нисбатан 25-30% кўпайтирилиши керак.
3. Суғоришни навбат билан ўтказиш, яъни биринчи суғориш дарё сувлари билан, кейинги суғоришлар минераллашган сувлар билан ва охирги суғоришни яна тоза дарё суви билан ўтказиш маъқул.
4. Минераллашган зовур ва ер ости сувлари билан ўртacha, кучли ва шўрхок ерларни асосий шўрини ювишда фойдаланиш мумкин. Бунда шўр ювишнинг бир галги меъёри 35-40% гача оширилади ва охирги шўр ювиш чучук дарё суви билан ювилади.

5. Ўртача минераллашган (3-10 г/л) зовур ва ер ости сувларидан фойдаланишида уларнинг минераллашганлик даражаси ва типлари ҳисобга олинган ҳолда 1:1, 1:2 ва 1:3 нисбатда чучук дарё сувлари билан аралаштирилиб, юқорида кўрсатилган тадбирлар асосида экинларни суғориш мумкин.

6. Кейинги йилларда жаҳон ва Ўзбекистон олимлари минераллашган зовур ва ер ости сувларини дистилляция ва электроактиватор қурилмалари ёрдамида деминерализация қилишни таклиф қилмоқдалар. АҚШ олимларининг тажрибаси бўйича бундай усусларда 1м³ сувни шўрсизлантириш учун 20-25 цент сарфланар экан.

Хозирги пайтда Ўрта Осиё ирригация илмий текшириш институти олимлари томонидан 10 л/сек ва 25 л/сек сувни деминерализация қилиш электроактиватор қурилмаларини синаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

8.5.2. АГРОМЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАР.

Суғориладиган ерларнинг ботқоқланиш ва шўрланишининг олдини олиш ва унга қарши курашишда қўлланиладиган агромелиоратив тадбирларга ерни текислаш, ихота дарахтларини экиш, алмашлаб экишни жорий қилиш, тупроқни чуқур юмшатиш, экинлар учун ўз муддатида ва сифатли агротехник талабларда шудгорлаш, қатор ораларига ишлов бериш (культивация) тадбирларини ўтказиш, минерал, органик ва кўкат ўғитларидан фойдаланиш кабилар киради.

Суғориладиган дала- ларни текислаш.

Дала текислашнинг катта агротехник ва мелиоратив аҳамияти бор. Текисланмаган ерларда сув текис оқмайди, натижада суғориш ва шўр ювиш сифати пасаяди ва ортиқча сув сарфланади. Текисланмаган участкаларнинг баланд жойларидағи ўсимликлар нам етишмаслигидан қовжирайди ёки ер шўрланиши натижасида қурийди.

Текисланган майдонларда сув тежалиши билан бирга тупроқ бир меъёрда шўрсизланади ва намиқади, агротехника тадбирларининг самараси ошади, экин барқ уриб ўсиб, ҳосили анча кўпаяди (8.5.2.1., 8.5.2.2. жадваллар).

Майдони 8-12 га, бўйлама нишаби 0,002-0,007 ва кўндаланг нишаби ундан икки марта кам бўлған тўғри бурчакли далаларни сифатли қилиб сугориш мумкин.


Бундай нишабликка эришиш учун кўргина ҳолларда катта ҳажмли ер ишларини бажаришга ва тупроқнинг устки, энг ҳосилдор қатламини чуқур қилиб кесиб ташлашга тўғри келади. Шунинг учун ер текислаётганда лойиҳавий нишабликни иложи борича участка сиртнинг табиий шароитига ва унинг нишаблигига яқин олиш лозим.

Шўрланган ерларни текислашда аввало мелиоратив талаблар ҳисобга олиниши керак. Бундай ерларда бўйлама ва кўндаланг нишабликлар шундай олиниши керакки, шўр ювишда сув бостириладиган чекнинг ўлчамлари жуда кичик (0,1 га дан кичик) бўлмасин, чек ичидағи баландликлар фарқи эса 5-7 см дан ошмасин. Шулар ҳисобга олинганда текисланадиган далаларнинг бўйлама нишаби 0,002-0,003 дан, кўндаланг нишаби эса 0,0012-0,0018 данг ошмаслиги керак. Текисланадиган даланинг сирти минимал нишабликда бўлса, яна ҳам яхши.

Ер текислаш уч хил бўлади: (8.5.2.1-расм)

1. қисман текислаш;
2. асосли текислаш;
3. енгил текислаш.

Қисман текислаш – сугориладиган майдон сирти умумий характеристини йўқотмайди; бунда кўзга ташланаидиган айрим дўнглик ва чуқурликлар текисланади. Шундан кейин участка нормал сугорилаверади.



8.5.2.1 расм. Асосий (а), қисман (б) ва енгил (в) текисланадиган майдонлар

8.5.2.1-жадвал

**Жорий текисланган ва текисланмаган гўза майдонда сувнинг сарфланиши
(ЎзПИТИ маълумоти)**

Ер юзасининг ҳолати	Назоратдаги гўза экилган майдон,га	Суғориш нормаси $\text{м}^3/\text{га}$	Сув сарфи, %
Текисланган	120,7	3064	100
Текисланмаган	120,2	4140	135

8.5.2.2-жадвал


Асосий текислашда тупроқнинг қирқилиши ва тўкилишининг гўза ҳосилдорлигига таъсири

Қирқилган қатлам, см	Ҳосил- дорлик, %	Тўкилган қатлам, см	Ҳосил- дорлик, %
0	100	0	100
10	84,5	10	114,1
20	71,1	20	111,9
30	54,2	30	93,7
40	42,9	40	75,6

Асосий (капитал) текислаш - даланинг умумий нишаби энг фойдали томонга бутунлай ўзгартирилади. Бундай текислашда катта ҳажмдаги ер ишларини ($300-700 \text{ м}^3/\text{га}$ ва ундан ҳам кўп) бажаришга тўғри келади.

Жорий текислаш - ҳар йили экиш олдидан майдада ўнқир-чўнқирликларни текислаб юбориш мақсадида қилинади. Бундай текислашда ер ишлари ҳажми, одатда $150-200 \text{ м}^3/\text{га}$ дан, тупроқни суриш чуқурлиги эса 10-15 см дан ошмайди.

Асосли текислашда майдондаги шароитлар сугориш талабига қараб турлича лойиҳа юзалар белгиланади (8.5.2.2.расм):



8.5.2.2-расм. Лойиҳавий юзаларининг бўлиниши.
А-ётиқ юза; б-қия юза; в-топографик юза.

а) ернинг мавжуд нишаблигига яқинлашувчи умумий нишабликдаги қия юза;

б) ернинг мавжуд нишаблигига максимал яқинлашувчи ўзгарувчан нишабликдаги топографик юза;

в) горизонтал юза.

Лойиҳавий юза сугориш техникасида қабул қилинган юзага мос бўлиши керак.

Асосий текислаш лойиҳа асосида (иш схемаси бўйича) олиб борилади. Бунда, аввало, текисланадиган даланинг рельефи съёмка қилинади.

Съёмка 20x20 м ўлчамли квадратлар бўйича, мураккаб рельефли бўлса, 10x10 м ўлчамли квадратлар бўйича нивелир билан қилинади. Ўнқир-чүнқир нуқталари аниқлангач, уларга қараб 1:2000 (горизонтлари ҳар 0,1-0,25 м дан ўтадиган) масштабди план тузилади ёки горизонтал масштаби 1:2000, вертикал масштаби 1:100 бўлган бўйлама профили тузилади.

Оддийлиги ва етарлича аниқлигига кўра бўйлама профили ер текислаш лойиҳасини тузишдан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда.

«Ўздавлатсув» лойиҳалаш институти тахталарга ажратиб узунасига (бўйлама) текислаш бўйича лойиҳалаш услубини ишлаб чиқкан.

Бу услубга кўра бўйлама профиллар створлар бўйича (ҳар 20 м дан кейин) тузилади.

Ер текислаш лойиҳаси дўнгликлардан олинадиган тупроқ миқдори пастликларга солинадиган тупроқ миқдорига тент бўладиган қилиб тузилади.

Текисланадиган даланинг рельефи мураккаб бўлганда, қониқарли текислаш лойиҳаси тузиш ва тупроқни унча узоқ суриб бормаслик учун ер ишлари баланси биргина полоса бўйлаб эмас, балки икки-уч полоса бўйлаб бирга олиб борилиши керак. Сугориш даласида икки ёки уч полосадан тузиладиган бундай гурухлар бир нечта бўлиши мумкин.

Барча сугориш далаларидаги створлар профили бир-бирлари билан кўндаланг ва бўйлама йўналишларда ҳеч қандай устунсиз қатъий боғланиши керак.

Иш бажариш учун створларнинг барча нуқталарига 1,5 м ли вишкалар ўрнатилади. Қирқиладиган-тўкиладиган тупроқнинг чуқурлиги веханинг юқорисидан (учидан) икки рангли лента бидан белгиланади. Бундан ташқари, вешкаларнинг йўнилган (рандаланган) жойига қирқиладиган тупроқнинг баландлиги (- ишора билан) ва тўкиладиган тупроқнинг баландлиги (+ ишора билан) (йирик рақамларда) см ҳисобида ёзиб қўйилади.


Қирқиш-тўкиш иши бажарилмайдиган жойлардаги вишкаларга «О» ёзиб қўйилади.

Машина ҳайдовчининг қўлига ҳеч қандай режа, схема ёки бирор ёзув берилмайди. Машина ҳайдовчи фақат режа белгиларига қараб ишлайди.

Скрепер билан ер текислаётганда у тахта ичидаги томонга қараб бўйлама ҳаракат қиласди. Ҳар бир тахтани текислашда тупроғи қирқиладиган ва тўкиладиган майдонларда ҳам аввало тахтанинг чет қисмлари текисланади.

Бунда профил створи бўлаб, режа қозиқлари чизифидан 0,4-0,5 м қолдириб ҳаракат бошланади. Машина тахтанинг бутун бўйича охирига етгунча (қайтмасдан) боради; у тахтанинг кўндалангига ёки диагоналига юрмаслиги керак.

Машина орқага қайтишда қўшни тахтадан ёки тахтанинг иккинчи (қарама-қарши) томонидан келади. Тахтанинг четлари текислаб бўлингач, ўрта қисми текисланади (8.5.2.3.расм, «Ўздавлатсув» лойиҳа институти маълумоти).




8.5.2.3-расм. Тахталарни текислашдаги иш навбати.

Тахтани охирги текислашда узун базали планировщик ёки грейдердан фойдаланилади. Уч марта, яъни икки марта диагоналлар ва бир марта узунаси бўйлаб ўтишда энг яхши натижага эришилади. Охирги ўтишда машина, албатта, сугориш йўналиши бўйлаб юриши керак.

Текисланган майдонларни синаш, сугоришдан кейин ёки сугоришнинг иложи бўлмаганда нивелир билан тахминан 20% майдон назорат қилинганидан кейин қабул қилинади.

Марказий Фарғона, Мирзачўл, Қарши, Шеробод чўлларининг сугориладиган ерларида тахталарга ажратиб лойиҳалаш ва текислаш ишлари кенг кўламда қилинмоқда.

Рельефи мураккаб бўлмаган ва сугориш йўналиши бўйлаб (текисланадиган майдон чегарасида) нишаби унча ўзгармайдиган майдонларни текислаш иш схемасини чнада осонроқ усулда тузиш мумкин. Рельеф инструментал съёмка қилинмайди.



8.5.2.4-расм. Текислаш ишларини бажаришда құлланиладиган рейка - визиркалар.

Квадратларда қирқиладиган ва түқиладиган тупроқнинг баландлыклари визирка ёрдамида аниқланади. Бунда вишка-визиркалар ва нивелирлаш рейка-визиркасидан фойдаланилади (8.5.2.4.расм).

Шоли әкиладиган умуман ва маҳаллий нишаби 0,0002-0,003 дан ошмайдиган ерларни горизонтал усулда текислаш маъқул. Нишаби 0,0005-0,001 дан катта бўлган жойларда ерни горизонтал текислаш мақбул эмас, чунки бунда ер ишлари ҳажми катталашиб кетади.

Ер текислашда турли қуроллардан фойдаланилади.

Асосли текислашда бульдозер, скрепер, грейдер, волокуша типидаги планировщиклар ва бошқа қуроллар ишлатилади. Бульдозерлар катта дўнг ва тепаликларни текислашга мўлжалланган. Грунтни яқин масофа (40-60 м) га суриб боришда бульдозер ишлатилади.

Скреперлар дўнгликларни қирқиши, пастликларни тўлдиришга мўлжалланган бўлиб, грунтни узоқ масофага (100-300 м гача ва ундан узоққа) суриб боришда ишлатилади. Судралма скреперлар ковшининг сифими 0,75-1,0

m^3 , ғилдиракли скреперларники 1,5-2,75 дан 6,0-10,0-15 m^3 гачадир. Текислашда фойдаланиладиган механизмлар 8.5.2.5. ва 8.5.2.6-расмларда келтирилган.

Грейдерлар (оғир ва ўртача типдаги прицепли шуннингдек, автогрейдерлар) алоҳида баландликлар ва пастликларни йўқотиш, уватларни, суғориш каналларини тўла текислаш каби ишларда ишлатилади. Грейдер пичоғининг узунлиги 3-3,6 м (узайтиргичи билан 3,8-4,5 м). Тупроқнинг ҳолатига қараб, грейдер билан қирқиладиган қатлам қалинлиги 0,05-0,25 м миқёсида бўлади.

Волокуша типидаги текислагичлар (ПР-5, ПВ-7,3) дала юзасини яхлит текислашда ишлатилади. Уларда текислаш секциялари бўлиб кўндаланг ва диагонал ўрнатилган тифли бурчаклар уларнинг иш органи ҳисобланади. Узун базали текислагичлар (ПТ-4А, ПС-2,75С ва бошқалар) дан ҳам тобора кенгроқ фойдаланилмоқда. Бу қуроллар бўйлама узун база ва тубсиз ковш кўринишдаги иш органи бўлиб у рамага қаттиқ қилиб ўрнатилган. Ковшнинг қамраш кенглиги 2,75-4 м. Даланинг текис жойи сатҳига тўғрилаб ўрнатилган ковш базаси узун (13,5-15 м) бўлганлигидан, баланд жойлардаги грунтни механик равишда қирқиб, паст жойларга тўқади.

Асосий текислашдаги ишлар: 1) тайёргарлик ишлари; 2) асосий ишлардан иборат бўлади.


Тайёргарлик ишларига участкани ўт-ўлан ва буталардан тозалаш, қирқиладиган ва тўкиладиган ерлар қаттиқ бўлса уларни юмшатиш, кераксиз эски ариқ ва йўлларни текислаш киради, қолган ишлар эса асосий ишлардир.

Ер асосий текислаб бўлингандан кейин тупроғи қирқиб сурилган жойлар минерал ва органик ўғитлар билан оширилган нормада ўғитланиши керак (300 кг/г азот, 200 кг/г фосфор соғ ҳолда ва 30-40 т/га гўнг). Шундай қилинганда тупроқнинг унумдорлиги тезроқ тикланиши мумкин.


Жорий текислаш мажбурий агротехник тадбирлар таркибига кириб, хўжаликнинг ўз кучи ва қуроллари билан бажарилади. Ер ҳайдаш, культивация қилиш, сугориш ва бошқа ишлар қилинганидан сўнг дала бетида ҳосил бўлган баъзи ўнқир - чўнқирлар жорий текислаш билан йўқотилади.

Жорий текислаш икки босқичда бажарилади: ер ҳайдалганидан кейин ҳосил бўлган нотекисликлар (ағдармалар оралиғи, қайирилиш полосалари) дарҳол текисланади; баҳорда эса экиш олдидан дала юзи яхлит текисланади. Биринчи иш ўртача типдаги текислагичлар ёки мола билан бажарилади.


Унча катта бўлмаган баландлик ва пастликлар КПУ-2000А (ДТ-75 тракторига тиркалади), КЗУ-0,3 (ДТ-75 ёки «Белорусь» трактори рамасига тиркалади) маркали енгил планировшиқлар, чизель-планировщик билан текисланиши мумкин (8.5.2.7-расм).



Буллдозер.




Скрепер Д-354




Грейдер Д-20Б


8.5.2.5 расм. Асосий текислашда фойдаланиладиган қуроллар.



П-2,8А маркали узун базали текислагич





ПА-3 маркали узун базали текислагич



МВ-6,0 текислагич мола

8.5.2.6 расм. Жорий текислашда фойдаланиладиган қуроллар.


*ПР-5 текислаш
қуроли: 1,2,3-
текислаш сек-
циялары *(1-ўр-
танчасы, 2 ва 3-
четкилари); 4,5,
6,7-күтариш ме-
ханизмлари,
8-тиркама
қурилмасы, 9-
тишли
бороналар*



*8.5.2.7-расм. КЗУ-0,3 маркали универсал үқарық
ковлагич ва текислагич. а-ковлагич; б-текислагич.*

Иккинчи босқичда дала әкиш олдидан узунбазали П-4,
П-2,8, ПР-5, ПВ-7,3 типидаги қуроллар билан умумий

текисланади. Бунда текислаш ишлари икки тартибда амалга оширилади: 1-бўлакларга (загон) бўлиб; 2-даланинг диагонали бўйлаб текислаш. Кичик нишабли ерлар бўлакларга бўлиб, ўрта ва катта нишабли ерлар диагонал бўйлаб текисланади (8.5.2.8-расм)



a

б

8.5.2.8-расм. Ери жорий текислаш тартиби а-бўлакларга ажратиб далани узунасига ёки кўндалангига текислаш, б-далани диагонал бўйича текислаш.

Пр-5 маркали планировщик билан ер текислаш тавсия қилинади. Шундай қилинганда ер сифатли текисланади ва тупроқ унча зичлашмайди.

Трактор молалари металдан ёки ёғочдан қилиниши мумкин. Улар хўжаликнинг ўзида тайёрланилади. Ёғоч моланинг олди томонига пўлат полоса ўрнатилади; бу полоса грунтни қирқиши (ёғочни тез ейилишдан сақлаш) учун хизмат қиласди.

Иҳота дараҳтлар барпо этиши.

Иҳота дараҳтзорлари барпо қилишдан асосий мақсад сугориладиган ерларни шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш ва юза жойлашган сизот сувлар сатхини пасайтиришdir.

Иҳота дараҳтзорлари асосан қуйидаги вазифаларни бажаради: сугориш тармоқларидан сувни буғланишини камайтириш, канал ва шоҳ ариқларнинг қирғоқларини мустаҳкам сақлаб туриш, сугориладиган далаларда мик-

роиқлим вужудга келтириш, тупроқни шамол эрсизиясидан сақлаш, әкинларни гармсел шамолларидан ҳимоя қилиш, сизот сув сатҳини пасайтириб тупроқни ботқоқланиш ва шўрланишини олдини олиш, далаларни санитария-гигиена шароитларини яхшилашдир. Шу билан бирга иҳота дaraohтзорларининг иқтисодий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга бор. Масалан иҳота дaraohтлар барпо қилиш сунъий зовурларни лойиҳа қилиш ва қуришга нисбатан кам маблағ талаб қиласиди. Суғориш тармоқлари бўйлаб экилган тут ва мевали дaraohтлар ҳар йили даромад келтиради. Мевасиз дaraohтлар эса қурилишда ишлатилади.

Иҳота дaraohтзорлари таъсирида ҳавонинг нисбий намлиги ошиб далада микроиқлим вужудга келади. Натижада тупроқдаги намликнинг буғланиши камаяди, сув тартиби яхшаланади, ўсимликларнинг ер усти қисмидан буғланиш (транспирация) ҳам камаяди. Шунга кўра әкинларнинг сувга талаби камаяди, шўрланадиган ерларда эса тупроқнинг устки қатламида тузларни тўпланиши сусаяди. Умуман, далада микроиқлим туфайли әкинларни ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплаши жадаллашади.

Ўзбекистон ўрмончилик илмий тадқиқот институтининг маълумотлари бўйича иҳота дaraohтзорларидан 10 м узоқликда ҳавонинг чисбий намлиги 59-64% 300 м масофада эса 44-53% бўлган (8.5.2.3 жадвал).

8.5.2.3-жадвал

Иҳота дaraohтзорларининг ҳавони нисбий намлигига таъсири

Иҳота зорлар №	Дaraohтзорлардан узоқлашган сари ҳавонинг нисбий намлигини ўзгариши, %				
	10 м	50 м	100 м	200 м	300 м
1.	59	55	52	48	44
2.	60	51	53	50	48
3.	62	59	57	53	44
4.	64	55	59	47	53


8.5.2.4-жадвал

Турли дaraohтлардан сувнинг буғланиши (литр)

Дaraohтлар	Ўртача кунлик	Апрел-октябр ойларидағи жами
Тол	548,1	91992
Терак	509,1	82949
Тут	411,4	65750
Үрик	190,2	32364
Жийда	137,3	24002

Иҳота дaraohтзорларининг мелиоратив аҳамияти шундаки, уларнинг илдизи асосан 3-5 м чуқурликда жуда тараққий этган бўлиб шу тупроқ қатламидағи сизот сувларини сўриб олади ҳамда ер устки қисмлари орқали жавал буғлантиради (транспирация) натижада сизот сувлар сатҳи анча пасаяди (8.5.2.4 жадвал, Л.В. Енисев маълумотлари).

Иҳота дaraohтзорларининг сизот сувларига таъсири 150-200 м гача боради, уларнинг чуқурлиги дaraohтзорларга яқин жойларда 50-100 см гача пасаяди (8.5.-2.9-расм. А.Ф.Грубниченко маълумоти).




8.5.2.9 расм. Иҳота дaraohтзорларининг сизот сувларига таъсири.

Лекин, дaraohтларнинг ўсув даври тугагандан кейин барги тўкилиб буғланиш ҳам камаяди. Шунда дaraohтларининг сизот сувларига таъсири бўлмай қолади ва иҳотазорлар орасидаги сизот сувлар сатҳи тенглашади.

Ууман, ҳар бир хўжалик доимий сугориши тармоқларига йўл ёқаларига, алмашлаб экиш далаларининг четларига, дала шийпонлари атрофига, томорқа ерларга, шунингдек кучли шамол эсадиган ва қурғоқчил сахро минтақаларидаги ҳамда адирлардаги табиий яйловларга, лалмикор деҳқончилик қилинадиган ерларда ихота дарахтзорлари барпо қилиш зарур.

Йўл ва сугориши тармоқлари бўйлаб ихота дарахтлари барпо қилиш маҳсус лойиҳа асосида амалга оширилади ва жойлаштирилади (8.5.2.10-расм).



8.5.2.10 расм. Йўл ва сугориши тармоқлари бўйлаб ихота дарахтларини жойлаштириш тартиби

Кичик сугориши тармоқлари ва йўл ёқаларига асосан тут ва мевали дарахтлар (олма, ўрик, олча, ёнғоқ, узум, беҳи кабилар) экиш, катта сугориши тармоқлари, асосий йўллар ва алмашлаб экиш далаларининг четларига тут, тол, терак, дуб (эман) чинор, экиш тавсия қилинади.

Ботқоқланадиган ерларга тол, терак, ботқоқ кипариси, шўрланган ва қурғоқчил ерларда жийда, оқ акация, қайроғоч, туранғил ўтқазилади.

Иҳота дарахтзорларининг шамолни тезлиги ва йўналишига таъсири уларни жойлаштириш, оралиғидаги ма-софалар, қаторлар сони ва ҳоказолар китобнинг тупроқ эрозияси бобида берилган.

Алмашлаб экиш Алмашлаб экиш ўрланадиган ва ботқоқланадиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда жуда катта аҳамиятга эга. Алмашлаб экишнинг мелиоратив таъсири шундаки тупроқда жуда кўп миқдорда органик ва озиқа моддалари тўпланади, тупроқнинг сув-физик хоссалари яхшиланади, микроорганизмлар фаолияти учун қулай шароит яратилади, тупроқ унумдорлиги ошиб боради, тупроқдан намлик кам буғланади. Натижада туз тўпланиши камаяди.

Алмашлаб экишнинг мелиоратив таъсири алмашлаб экишнинг турига, навбатланиш тартибига ва экинларга боғлиқ бўлади.

Республикамизнинг сугориладиган ерларида қуйидаги алмашлаб экиш турлари қўлланилади.

1. Асосий алмашлаб экиш (дон ва техника экинларини етиштиришга мўлжалланган).

2. Ем-хашак етиштирувчи алмашлаб экиш (асосан ем-хашак экинлари ва сабзавот, полиз, картошка етиштириш учун мўлжалланган).

3. Махсус алмашлаб экиш вилт - касаллигига, тупроқ муҳофазасига ва мелиорацияга мўлжалланган алмашлаб экиш.

Сугориладиган ерлардаги хўжаликларда бир неча алмашлаб экиш далалари ўзлаштирилади. Уларнинг тизимлари, экинларнинг таркиби ва экиш навбатлари иқлим, тупроқ ва ернинг мелиоратив шароитларига қараб турлича бўлиши мумкин.

Хўжаликдаги алмашлаб экиш майдонлари ва ҳосилдорлиги иқтисодий жиҳатдан юқори самара бериши керак.

Алмашлаб экиш далаларида асосан гўза, ғалла экинлари (буғдой, арпа, шоли) ем-хашак ва дон экинлари (беда, маккажўхори, жўхори, рапс, перко, жавдари, сули, лавлаги) дуккаклилар (соя, нўхот, мош) сабзавот ва картошка экинлари бўлади.

Алмашлаб экиш таркибига кирадиган йўлдош экинлар орасида беда энг фойдалиси бўлиб, у биологик ва мелиоратив хусусиятлари жиҳатидан барча экинлар учун энг яхши ўтмишдош экин ҳисобланади.

Беда экинининг агромелиоратив аҳамиятига қўйидагилар киради:

1. Беда илдизларида туганак бактериялар ҳаводаги азотни ўзлаштириб тупроқни азот билан бойитади. Зийллик беда ҳайдалма қатламда гектарига 300-400 кг азот ва 10-12 тонна илдиз массаси қолдириб, тупроқнинг унумдорлигини оширади.

2. Беда ер юзасини бутунлай қоплаб олгани учун тупроқ кам қизийди ва шамол таъсири сусаяди. Натижада бедазордан намликнинг буғланиши камайиб туз тўпланиши юз бермайди.

3. Беда тупроқнинг структурасини сув-физик хоссаларини яхшилайди ва шу туфайли тупроқда сувнинг ҳаракати фаоллашиб чуқурроқ кириб боради ва тупроқни шўрсизлантиради.

4. Беданинг илдизлари жуда чуқурга (3-4 м ва ундан ҳам чуқур) кириб сизот сувларини буғлантиради ($10-15$ минг $m^3/га$) бу эса сизот сув сатҳини пасайтиришга олиб келади.

5. Бедадан кейин тупроқ унумдорлиги оширилган ерларда экилган экин учун сув сарфи анча камаяди (15-20%).

6. Бедапоя ҳайдалгандан сўнг биринчи йили ерни шўрини ювмасдан кейинги экиндан мўл ҳосил олиш мумкин.

7. З йиллик бедадан кейин даладаги кўп йиллик бегона ўтлар батамом йўқолиб кетади.

Алмашлаб экиш тизимлари.

Ўзбекистонинг сугориладиган ерларида қўлланиладиган алмашлаб экиш тизимлари иқлим, тупроқ ва мелиоратив шароитлари ҳисобга олинган ҳолда икки минтақа ва 8-кичик минтақалар бўйича жойлаширилади.

1. Бўз тупроқли минтақа.

2. Саҳро минтақаси.

Бўз тупроқли минтақа тоғ олди ва текислик ерлардаги тўқ тусли бўз, типик, оч тусли бўз, бўз-ўтлоқ ва ўтлоқи тупроқлардан иборат бўлиб улар саҳро тупроқларига нисбатан табиий унумдорлиги (чиринди, азот, фосфор, донадорлиги, маданийлашганлиги) ва экинларнинг ҳосилдорлиги бўйича анча устун туради.

Бу минтақа тупроқларнинг маданийлашганлиги, шўрланганлиги, эрозиялашганлигига қараб 4 кичик минтақага бўлинади.

Саҳро минтақасига, асосан, шўрланган ёки шўрланишга мойил бўлган тақир, тақир-ўтлоқ ва саҳро тупроқлари кириб, улар анча паст табиий унумдорликка эга бўлади. Шунинг учун бу минтақадаги алмашлаб экиштаркибидаги экинларни тезроқ алмашлаб туриш зарур.

Мазкур минтақа ҳам 4 та кичик минтақага бўлинади.

Кичик минтақаларнинг қисқача таърифи ва улардаги маъмурий худудлар ҳамда тавсия қилинган алмашлаб экиш тизимлари 8.5.2.5. ва 8.5.2.6. жадвалларда келтирилган.

**Минтақа ва кичик минтақалар бўйича
Ўзбекистоннинг маъмурӣ вилоят ва туманлари
(ЎзПИТИ маълумотлари)**

Кичик минтақалар ва уларнинг таърифи	Вилоятлар	Туманлар
Бўз тупроқи минтақа		
1. Маданийлашган унумдор бўз, ўтлоқи, ботқоқ-бўз тупроқлар	Андижон Жиззах Сурхондарё Фарғона Қашқадарё Тошкент Самарқанд	Хўжаобод, Марҳамат, Жалолқудуқ, Қўргонтепа, Жиззах Денов, Сариосиё, Бойсун Фарғона Қамаши, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабог. Юқори Чирчиқ, Пскент, Ўрта Чирчик, Чиноз, Оққўргон, Бўка, Янгийўл, Бекобод, Қуий Чирчиқ. Оқдарё, Жомбой, Иштиҳон, Пай ҳриқ, Пастдарғон, Каттақўргон.
2. Кам маданийлашган ўрта ва кучли эрозияга учраган, тўқ тусли ва типик бўз тупроқлар	Наманган	Косонсой, Чуст, Янгиқўргон
3. Маданийлашган шўрланмаган ва кам шўрланган ўтлоқи, ўтлоқи бўз тупроқлар. Доимий равишда мелиорация тадбирларини ўтказишни талаб қиласди.	Андижон Сирдарё Сурхондарё Наманган Фарғона	Шахриҳон, Андижон, Избосган, Пахтаобод. Сирдарё, Сайҳунобод, Боёвут, Гулистон. Шўрчи, Қумқўргон Наманган, Тўрақўргон, Уйчи, Учқўргон, Поп, Норин. Қува, Риштон, Тошлоқ.
4. Кам маданийлашган кучсиз, ўрта ва кучли шўрланган, сизот сувлари юза жойлашган. Доимий равишда мелиорация тадбирларини ўтказишни талаб қиласди.	Қашқадарё Жиззах Тошкент Самарқанд Навоий	Ғузор, Косон, Қарши. Дўстлик, Арнасой. Мирзачўл, Зафаробод, Пахтакор. Бекобод Нарпай, Пахтаки. Хатирчи
Саҳро минтақаси		
1. Маданийлашган юқори унумдор	Андижон Сурхондарё	Балиқчи, Улугкор Шеробод, Ангор, Термиз,

шўрланмаган ва кам шўрланган тақир, сур тусли қўнғир ўтлоқи тупроқлар	<p>Наманган Фарғона</p> <p>Бухоро</p> <p>Навоий Қашқадарё</p>	<p>Жарқўргон Задарё</p> <p>Бешариқ, Богдод, Учқўприк, Ўзбекистон, Охукбобоев, Фарғона, Ёзёвон, Бувайдо, Олтиариқ Фиждинон, Бухоро, Вобкент, Когон, Қоракўл, Ромитан, Шофиркон, Жондор.</p> <p>Баҳористон, Ўртачўл Муборак, Касби, У.Юсупов</p>
2. Кам маданийлашган ўрта ва кучли шўрланган, ўтолқ тақир ўтлоқ, ботқоқ ўтлоқ, ўтлоқ сур тусли қўнғир. Доимий равишда мелиорация тадбирларини ўтказишни талаб қилади.	<p>Сурхондарё</p> <p>Қорақалпогистон Республикаси</p> <p>Хоразм</p> <p>Навоий</p>	<p>Олтинсой, Музробод, Қизириқ Беруний, Қораўзак, Кегейли, Қўнғирот, Тўрткўл, Шуманой, Хўжайли, Чимбой, Элликқалъа Гурлан, Богот, Қўшқўпир, Хонқ, Хазорасп, Хива, Шовот, Янгиариқ, Қизилтепа, Навоий.</p>
3. Кам маданийлашган ўрта ва кучли шўрланган, кучли шамол эрозияси гарқалган тақир тупроқлар. Доимий равишда мелиорация тадбирларини ўтказишни талаб қилади.	<p>Сирдарё</p> <p>Тошкент</p> <p>Фарғона</p> <p>Андижон</p> <p>Наманган</p>	<p>Ховос, Оқолтин Бекобод Ўзбекистон, Бешариқ, Учқўприк, Ёзёвон, Бувайда Балиқчи Задарё</p>
4. Кам маданийлашган ўрта ва кучли шўрланган, гислашган ўтлоқи бўз, ўтлоқи тақир, сур тусли қўнғир, ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар. Доимий равишда мелиорация тадбирларини ўтказишни талаб қилади.	<p>Сирдарё</p> <p>Қашқадарё</p> <p>Жиззах</p>	<p>Ш.Рашидов, Мехнатобод. Нишон Зафаробод, Зомин.</p>

8.5.2.6-жадвал

Минтақалар ва кичик минтақалар бүйіч тавсия қилингандык алмашлаб әкиш тизимлари (ҮЗПИТИ маълумотлари)

Алмашлаб әкиш тизими	Әкин тури	Гүза солмоғи, %
БҰЗ ТУПРОҚЛИ МИНТАҚАДА		
1 - кичик минтақа		
3:7	3 беда: 4 гүза: 1 дон: 2 гүза	60,0
3:4:1:3	3 беда: 4 гүза: 1 дон: 3 гүза	63,6
3:4:1:1:2	3 беда: 4 гүза: 1 бәк: 1 дон: 3 гүза	54,5
1:2:1:2:1:3	1 дон: 2 гүза: 1 дон: 2 гүза: 1 дон: 3 гүза	70,0
3:4:1:1:3	3 беда: 4 гүза: 1 бәк: 1 дон: 3 гүза	58,3
3:3:1:2	3 беда: 3 гүза: 1 дон: 2 гүза	55,5
1:2:1:2:1:2	1 дон: 2 гүза: 1 дон: 2 гүза: 1 дон: 2 гүза	66,7
2 - кичик минтақа		
3:4:1:2	3 беда: 4 гүза: 1 дон: 2 гүза	60,0
3:3:1:2	3 беда: 3 гүза: 1 дон: 2 гүза	55,5
3:3:1:1	3 беда: 3 гүза: 1 бәк: 1 гүза	50,0
1:2:1:2:1:2	1 дон: 2 гүза: 1 дон: 2 гүза: 1 дон: 2 гүза	66,7
3:4:1:1:3	3 беда: 4 гүза: 1 бәк: 1 дон: 3 гүза	58,3
3 - кичик минтақа		
3:4:1:2	3 беда: 4 гүза: 1 дон: 2 гүза	50,0
3:3:1:2	3 беда: 3 гүза: 1 дон: 2 гүза	55,5
3:3:1:1:2	3 беда: 3 гүза: 1 дон: 1 бәк: 2 гүза	50,0
1:2:1:2:1:2	1 дон: 2 гүза: 1 дон: 2 гүза: 1:2 гүза	66,7
4 - кичик минтақа		
3:5	3 беда: 5 гүза	62,5
3:3:1:1	3 беда: 3 гүза: 1 дон: 1 гүза	50,0
1:2:1:2:1:1	1 дон: 2 гүза: 1 дон: 2 гүза: 1 дон: 1 гүза	55,5
1:2:1:2:1:2	1 дон: 2 гүза: 1 дон: 2 гүза: 1 дон: 2 гүза	66,7
3:4:1:1 (2)	3 беда: 4 гүза: 1 дон: 1 гүза (2) гүза	55,5
3:3:1:1:2	3 беда: 3 гүза: 1 бәк: 1 дон: 2 гүза	50,0
3:4:1:2	3 беда: 4 гүза: 1 дон: 2 гүза	60,0
САХРО МИНТАҚАСИ		
1 - кичик минтақа		
3:7	3 беда: 4 гүза: 1 дон: 2 гүза	60,0

3:4:5:3	3 беда: 3 гўза: 1 бæk: 1 дон: 3 гўза	
1:2:1:2:1:3	1 дон: 2 гўза: 1 дон: 2 гўза: 1 дон: 3 гўза еки 3 беда: 3 гўза: 1 беда: 1 дон: 2 гўза	54,5 70,0 50,0
3:5:1:3	3 беда: 4 гўза: 1 бæk: 1 дон: 3 гўза	58,3
	2 - кичик минтақа	
3:6	1 дон: 2 гўза: 1 дон: 2 гўза: 1 дон: 2 гўза: ёки 3 беда: 4 гўза: 1 дон: 1 гўза	66,7 55,5
3:4:1:2	3 беда: 4 гўза: 1 дон: 2 гўза:	60,0
1:3:6	1 м: 3 беда: 4 гўза: 1 дон: 1 гўза:	50,0
	3 - кичик минтақа	
1:3:5	1 м: 3 беда: 5 гўза: ёки 1м: 3 беда: 1 дон: 4 гўза	55,5 44,4
3:3:1:1	3 беда: 3 гўза: 1 дон: 1 гўза	50,0
3:6	1 дон: 2 гўза: 1 дон: 2 гўза 1 дон: 2 гўза: ёки 3 беда: 4 гўза: 1 дон: 1 гўза	66,7 55,7
	3 - кичик минтақа	
1:3:5	1 м: 3 беда: 5 гўза: ёки 1 м: 3 беда: 3 гўза: 1 дон: 1 гўза	55,5 44,4
3:5	3 беда: 3 гўза: 1 дон: 2 гўза	55,5
	1 дон: 2 гўза: 1 дон: 2 гўза 1 дон: 1 гўза: ёки 3 беда: 3 гўза: 1 дон: 1 гўза	62,5 50,0

алмашлаб экиш далаларининг катта-кичиклиги агротехник талабларга тўла жавоб берадиган 10-30 гектарли майдонлардан иборат бўлгани ва алмашлаб экиш массивлари эса алоҳида бригада, фермер, ижара бўлимларидан иборат бўлгани маъқул. ЎзПИТИ олимлари хўжаликларнинг табиий, ташкилий шарт-шароитларини ҳисобга олиб қўйидаги алмашлаб экиш массивлар майдонини таклиф қилади:

8.5.2.7-жадвал

Алмашлаб экиш массив майдонлари

Дала сони	Массив майдони, га	Дала сони	Массив майдони га
2-далали	20-60	7-далали	70-200
3-далали	30-90	8-далали	80-240
4-далали	40-120	9-далали	90-270
5-далали	50-150	10-далали	100-300
6-далали	60-180	11-далали	110-330
"		12-далали	120-360

Мелиоратив дала алмашлаб әкиш

Республикамиз сугориладиган шүрланган майдонларнинг 40% га яқин ўртача ва кучли шүрланган тупроқлар ҳисобланади. Бундай тупроқларда қулай мелиоратив ҳолатини сақлаб туриш ва тупроқ унумдорлигини ошириб бориш учун маҳсус мелиоратив алмашлаб әкиш талаб қилинади. Ушбу алмашлаб әкиш қуийтаги тизимларда амалга оширилади 1м: 3:5, 1 м: 3:4, 1 м: 3:3:1:1. Бу тизимларда битта дала навбат билан мелиорация ишларини амалга ошириш учун ажратиласди.

8.5.2.8-жадвал

Мелиоратив дала алмашлаб әкиш тизими

Ротация Йиллар	ДАЛА СОНИ								
	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	
1.	M	F	F	F	F	D	B ₁	B ₂	B ₁
2.	B ₁	M	F	F	F	D	B ₃	B ₂	
3.	B ₂	B ₁	M	F	F	F	D	B ₃	
4.	B ₃	B ₂	B ₁	M	F	F	F	F	D
5.	D	B ₃	B ₂	B ₁	M	F	F	F	F
6.	F	D	B ₃	B ₂	B ₁	M	F	F	F
7.	F	F	D	B ₃	B ₂	B ₁	M	F	F
8.	F	F	F	D	B ₃	B ₂	B ₁	M	F
9.	F	F	F	F	D	B ₃	B ₂	B ₁	M

Мелиорация даласида ер текислаш, қўшимча зовурлаштириш, сугориш тармоқларини қуриш, чуқур шудгорлаш, чуқур юмшатиш, ерга органик моддалар солиш, шўр ювиш, кўкат ўғитлар бўладиган экинларни әкиш ва бошқа тадбирлар ўтказилади. Шундан кейин З йил давомида беда экилиб, тупроқ янада соғломлаштирилади ва 4-5 йил давомида гўза ҳамда ғалла донли экинлар экилади. Агар тупроқнинг мелиоратив ҳолати кўрсатилган алмашлаб әкиш тизими давомида бузилмаса унда мелиоратив даласи бўлмаган хўжалик учун қулай бўлган алмашлаб әкин тизимига ўтилади.

8.5.2.8-жадвалда 9 далали 1:3:1:4 мелиоратив алмашлаб әкиш тизими келтирилган. Бунда мелиоратив дала-

нинг салмоғи 11,1%, дон - 11,1%, беда 33,3% ва ғўза 44,5 бўлади.

Органик ўғитлардан фойдалниш

Шўрланган ерларга гўнг, майдаланган гўзапоя сомон, саноат чиқиндилари (лигнин) ва бошқа органик моддаларни солиши ҳам тупроқнинг сув-физик хоссаларига, озуқа тартибига ижобий, туз тартибига эса салбий таъсир кўрсатади.

Органик ўғитлар шудгорлаш натижасида ҳайдалма қатламида аралашиб унинг зичлигини камайтиради, ғоваклигини оширади, натижада тупроқнинг сув ўтказувчанлиги яхшиланиб тузлар тез ювилади. Шўр ювишдан кейин эса тупроқ ғоваклари ва найчалари бузулиб сувнинг найчалар орқали кўтарилиши органик моддалар солинган қатламигача давом этади ва унинг буғланиши қескин камаяди.

Шу туфайли тупроқнинг юза қатламида туз тўпланиши камайиб чуқур қатламларда эса намлик миқдори кўпаяди.

Н.Ф. Беспалов, У Норқулов ва А. Мадиевлар Мирзачўлнинг шўрланган ерларида органик ўғитларнинг самародорлигини аниқладилар (8.5.2.9-жадвал).

8.5.2.9-жадвал

Органик ўғитлар таъсирида сувни буғланиши ва тузларнинг ювилиши

Органик ўғитлар ва уларнинг миқдори	Буғланиш мм	Тузларнинг ювилиши, м ³ /кг
Органик ўғит солинмаганда	103	10,9
Гўнг - 30 т/га	93	13,2
Лигкин - 30 т/га	95	12,3
Майдаланган гўзапоя - 30 т/га	98	11,0

Ерни чуқур юмшатиш

Тузларнинг ювилиши, зорурларнинг иш фаолияти ва қишлоқ хўжалик экинларини меъёрида ўсиб-ривожланиши, мўл, сифатли ҳосил бериши учун тупроқ зичлигининг аҳамияти жуда катта.

Академик М. Мұхаммаджоновнинг тажриба маълумотларига қараганда, тупроқнинг ҳажмий массаси $0,1\text{-}0,3 \text{ t/m}^3$ га ортиши, зичлиги 3-5 баробар кўпайиб, агрономик қимматли тупроқ доначалари 10-20 % га, сув сингдирувчанлиги $0,3\text{-}0,5 \text{ mm/min}$. намлик заҳираси 1,7-2,9% га (тупроқни қуруқ оғирлигига нисбатан), ўсимликлар учун фойдали намлик миқдори 10% га, ҳар бир килограмм тупроқдан енгил ажralувчи азот $8,7\text{-}10,4$, ҳаракатчан фосфор $2,7\text{-}3,6$, алмағинувчи калий $15\text{-}43 \text{ mg/g}$ камайишига сабаб бўлган.

Тупроқнинг зичлиги тузларнинг ювилишига ва зовурларнинг иш фаолиятига катта таъсир кўрсатади.

Н.Ф. Беспалов ва У. Норқуловларнинг тадқиқотлари бўйича Мирзачўлнинг $1,43\text{-}1,57 \text{ g/cm}^3$ зичликка эга бўлган ўрта механик таркибли гипслашмаган оч тусли бўз тупроқларида $6\text{-}9 \text{ kg/m}^3$, Мирзачўлнинг гипслашган ва гипс қатлами бўлган ҳамда Шеробод чўлининг тақири тупроқларида зичлик $1,65\text{-}1,76 \text{ g/cm}^3$ бўлганда эса $1,5\text{-}2 \text{ kg/m}^3$ туз ювилган. Кам зичлашган ерларда $1,43\text{-}1,57 \text{ g/cm}^3$, зовурларнинг оқим модули зичлиги юқори бўлган ($1,65\text{-}1,76 \text{ g/cm}^3$) ерларга нисбатан $1,3\text{-}2,7$ баробар кўп бўлган.

Тупроқлар зичланиш шароити бўйича икки турга бўлинади. Биринчиси, табиий зичланган тупроқлар механик таркиби оғир, карбонат ва гипс қатламлари бўлган тупроқлар. Иккинчиси, сунъий зичланган тупроқлар - ерга оғир тракторлар ва иш қуроллари ёрамида тупроқ намлиги юқори бўлганда ишлов бериш, шудгор, текислаш, культивация, бороналаш, суғориш ва шўр ювиш натижасида зичланган тупроқлар.

Табиий зичланган тупроқларга Марказий Фарғона, Мирзачўл, Жиззах ва Бухоро вилоятларида кенг тарқалган механик таркиби оғир, карбонат ва гипс қатлами мавжуд бўлган ҳамда Қарши, Шеробод чўлларида тақири ва тақири тупроқлар киради. Бу тупроқларнин зичлиги $1,57 \text{ g/cm}^3$ дан $1,83 \text{ g/cm}^3$ гача бўлади.

Сунъий зичланишда ернинг доимо бир хил чуқурликда ҳайдаш натижасида плугнинг тишлари остидаги қатлам

кучли зичлашиб қолади ва бу зичланган қатlam «Плуг таглиги» деб юритилади. Шу билан бирга сүфориладиган ерларнинг зичланишига оғир тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг бир нечта марта юриши (25-30 марта) сабаб бўлади.


Сүфориш ва шўр ювиш натижасида тупроқнинг дона-дорлиги бузилади, таркибидаги органик моддалар ювилиб тупроқ заррачалари бир-бирига киришиб зичлашиб қолади.

Тупроқнинг зичланиши натижасида унинг механик таркиби, сув-физик, ҳаво, иссиқлик хоссалари, туз, озиқа ва микроорганизмлар таркиби ёмонлашади. Зичланиши қишлоқ хўжалик экинлари илдизларининг чуқур қатламларга ва таралиб ўсишига тўсқинлик қиласди.

Кўп йиллик илмий тадқиқот ишлари шуни кўрсатдикি ҳар бир экин ўзига хос мұтадил зичликни талаб этади. Жуда кўпчилик экинлар (ғўза, беда, донли, сабзавот ва картошка) учун ҳайдалма қатлам зичлиги $1,2\text{-}1,3 \text{ г}/\text{см}^3$ ҳайдалма қатлам ости зичлиги эса $1,35\text{-}1,45 \text{ г}/\text{см}^3$ бўлиш кераклиги исбот қилинган.

Бундай зичликка эришиш учун тупроқни чуқур ҳайдаш ва юмшатиш тавсия қилинади.

Ерни чуқур ҳайдаш учун ПУ-2 маркали маҳсус плугдан фойдаланилади. Бу плуг бир йўла ерни 30 см. чуқурликда ағдариб ҳайдаш билан 60 см чуқур юмшатиб органик ва минерал ўғитларни 15-20 ва 60 см чуқурликка бериб кетади. (8.5.2.7.расм).




8.5.2.7-расм. Уч иш қуролига эга бўлган РУ-65-2,5 маркали чуқур юмшатгичнинг иш ҳолати.

1-иш қуролининг ўтган изи; 2-бутунлай юмшатилган ер; 3-қисман юмшатилган ер; 5-ер юзаси; 6-плуг ости қатлами.

Тупроқни 50-60 см чуқурликда юмшатиш учун ГР-2,7, РУ-6,5-2,5 маркали, 80-100 см юмшатиш учун эса ГН-121, РНТ-0,8, РК-1,2, РГ-0,8А ва тупроқни тебратиб юмшатадиган ВР-80 маркали чуқур юмшатгичлар қўлланилади. Бу юмшатгичлар Т-100, Т-130, ДЭТ-250, К-700, К-701, «Магнум» тракторларига тиркалиб ишлатилади.

Чуқур юмшатиш кузда шўр ювишдан олдин тупроқ намлиги 60-80% (тупроқнинг чегаравий нам сифимига нисбатан) бўлганда ўтказиш яхши натижа беради. Юмшатиш бўлакларга бўлиб амалга оширилади (8.5.-2.8.расм).



8.5.2.8-расм. Бўлакларга ажратиб тупроқни чуқур юмшатиш тизими.

Чуқур юмшатиши кучли шўрланган ва шўрхок ерларда ҳар йили, кучсиз ва ўртача шўрланган ерларда ҳар З йилда бир марта, шўрланмаган ерларда эса ҳар 4-5 йилда бир марта ўтказиш кифоя қиласи.

8.5.2.10-жадвал

Чуқур юмшатишининг шўр ювиш меъёрига, зовур оқимига ва тузларниң ювилишига таъсири (Мирзачўл, У Норқулов маълумотлари)

Тадбирлар	Шўр ювиш		Зовур оқими м ³ /га	Тузларниң миқдори %	
	меъери м ³ /га	дөвомий-лиги кун		шўр ювишдан олдин	шўр ювишдан кейин
1. Шудгор (30 см)+	5984	80	1196	1,864-3,185	2,523-2,944
2. Шудгор (30 см)+ чукур юмшатиши (70 см)	9397	80	3243	1,864-3,185	1,736-1,943
3. Шудгор (30 см)+ чукур юмшатиши далани узинаси бўйлаб (70 см)+ кўндалангига юмшатиши (1,2 см)	13417	80	11236	1,864-3,185	1,445-1,489

Агротехник тадбирларни муддатида ўтказиш.

Шўр ерларни мелиоратив ҳолатини яхши саклаш учун экинларни

етиширишда қўланиладиган агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказишнинг катта аҳамияти бор. Маълумкий тупроқнинг қайта шўрланиши минераллашган сизот ва тупроқ сувларининг бўғланиши оқибатида юз беради. Шунинг учун ҳам шўрланган ерлардаги барча агротехник тадбирлар буғланишни камайтиришга қаратилган бўлиши керак.

Шўр ерларда тузларниң жадал тўпланиши, асосан, экинларни охирги сугоришдан шудгорлашгача (август ойининг охирида, декабр ойининг бошигача) ва шўри ювилгандан кейин биринчи сугоришгача ҳамда сугоришлар орасидаги даврларда юз беради. Шунинг учун

шўр ерларда шудгорни октябр ойининг охирги ва ноябр ойининг биринчи ўн кунлигига ўтказиш, эрта баҳорда шўр ювилган ерларни етилиши билан бороналаш ёки чезиллаш, кунлар исиб кетмасдан уруг экиш ва мавжуд намлик ҳисобига уругни ундириб олиш, экинлар сугорилгандан кейин ер етилиши билан қатор ораларига ишлов бериш яхши натижалар беради

8.6. ТУПРОҚНИНГ ЩЎРЛАНИШИ ВА БОТҚОКЛАНИШИГА ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИ. ШЎР ЮВИШ

8.6.1. Шўр ювишнинг мақсади, вазифаси ва тури. Республикализ суғориладиган ерларининг 60-65% табиий шўрланган ерлар бўлиб, бу ерларда зовур тармоқларининг нисбатан етарли бўлишдан қатъий назар турли даражада минераллашган сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган, яъни гидроморф ва ярим гидроморф мелиорация тартиби сақланиб қолмоқда. Бундай шароитда сизот сувлари жадал буғланади ва мавсумий туз тўпланиш жараёни муентазам равишда кечади. Тупроқда туз тўпланиш жараёни экинларни сугориш мавсуми тугагандан бошланиб куз, баҳор ойларида чўл ва сахро минтақаларида эса қиши ойларида ҳам давом этади. Шунинг учун шўрланган ерларда ҳар йили шўр ювишни ўтказиш мутлоқо зарурий агромелиоратив тадбир ҳисобланади.

Шўр ювишнинг вазифаси - қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, ривожланиши, мўл ҳосил бериши ва ҳосил сифати учун заарли бўлган ортиқча тузларни тупроқдан ювиш ҳамда сизот сувлар минераллашганлигини камайтиришdir.

Шўр ювиш икки йўл билан амалга оширилади: Асосий ва жорий шўр ювиш.

1. Асосий шўр ювиш - шўрланган янги ерларни ўзлаштиришда ва фойдаланилиб келинаётган ерларда турли сабаблар билан (зовурларнинг қониқарсиз ишланиши оқибатида сизот сувларининг кўтарилиши) кучли

шўрланган ерларни ювишда ўтказилади. Асосий шўр ювишда махсус техника, технология ва маблағ талаб қилинади. Бунда ер лойиҳа асосида текисланади, доимий чўкур юмшатилади, чеклар кенг, баланд, мустаҳкам бўлади. Шўр ювиш меъёри катта бўлиб узоқ муддат давом этади.


Асосий шўр ювишни махсус мелиорация ташкилотлари ўтказади (Асосий шўр ювиш 9 бобда берилган).

2. Жорий шўр ювиш - ҳар йили ер экинлардан бўшагандан кейин ўтказилиб, хўжаликлар, фермерлар, пурратчилар ўз кучлари билан амалга оширадилар. Шўр ювиш суфориладиган ерларнинг иқлим, геологик, гидрогеологик ва зовурлаштирилиш даражасига қараб қуидаги турларга бўлинади (В.Р. Волобуев бўйича).

1. Чўктириб ювиш. Бунда шўр ювиш учун берилган сув сизот сувларигача етиб бормасдан, тузлар 1,5-2 м чўкурликкача чўктирилади. Шўр ювишнинг бу тури сизот сувлар чўкур жойлашган ерларда қўлланилади.

2. Ювиб оқизиб юбориш. Бунда шўр ювиш учун берилган сув сизот сувлари билан қўшилади ва эриган тузлар сизот сувлари билан тупроқнинг пастки қатламларига ва ён томонларга оқиб кетади. Бундай шўр ювиш сунъий зовурлар бўлмаган ерларда қўлланилади.

3. Зовурлаштирилган шароитда шўр ювиш. Бунда шўр ювиш учун берилган сув сизот сувларига қўшилади ва зовурлар ёрдамида оқизиб юборилади (8.6.1.1. расм).



8.6.1.1-расм. Шўр ювиш турлари. а-чўктириб ювиш; б-ювиб оқизиб юбориш; в-зовурлаштирилган шароитда шўр ювиш.

4. Ер юзаси бўйлаб оқизиб ювиш. Шўр ювишнинг бу тури, асосан, шўрҳок ва зичлашган тупроқларни ювишда қўлланилади. Бунда дастлаб ернинг юзасидан нишаблик бўйича катта меъёрда сув оқизилади ва тупроқнинг юзасидаги тузлар оқизиб юборилади, кейин эса қолган тузлар учинчи ювиш йўли билан тозаланади.

5. Тузларнинг табиий ювилиши. Бунда тузлар атмосфера ёғинлари ва конденсация намлиги ҳисобга муайян даражада ювилади.

Ўзбекистоннинг шўрланган ерлари, асосан, зовурлаштирилганлиги туфайли ишқорсизлантириб ювиш кенг қўлланилмоқда. Зовурлаштирилган шароитда шўр ювишнинг авзалликлари шундаки, тупроқдаги тузлар йилдан-йилга ювилиб камайиб боради ва тупроқда қулагай туз тартиби вужудга келади.

*Шўр ювишда туз ҳаракати-
нинг хусусияти ва қонуниятни.* Тупроқ тузи ювил-
ганда сувнинг кўп
қисми тузларни эри-
тиш ва тузли эритмани тупроқдан чиқариб ташлашга
сарф бўлади. Бунга тупроқдаги тузларнинг баъзи ҳара-
кат қонуниятлари ва шўр ювиш хусусиятлари сабаб
бўлади.

Л.П. Розов тупроқнинг чёгаравий дала нам сифимига тўгри келадиган сувнинг назарий ҳажми, кўпгина ҳол-
ларда тузларни эритиб юбориш учун етарли эканлигини
кўрсатиб берди. Тупроқдаги барча тузларни эритиш
учун, одатда тупроқнинг чёгаравий дала нам сифимига
тўгри келадиган миқдордан кўпроқ сув талаб қилинар
экан.

Тузли эритма тупроқда икки физик ҳолатда: ғовак
деворларига молекуляр куч билан мустаҳкам боғланган
эритма кўринишида ва ғовак ичи бўшлиғида эркин
(гравитацион) турувчи эритма кўринишда туради.
Тупроқ устидан чёгаравий нам сифимидан ортиқча сув
берилганда тупроқ ғовагидаги эркин тузли эритмани
сиқиб чиқаради; бўшлиқ деворларига мустаҳкам ёпишиб

турувчи тузли эритма концентрацияси эса фақат диффузия йўли билан камайтирилади.

Сувнинг пастга томон ҳаракат тезлиги диффузия тезлигидан катта. Шунинг учун муайян тупроқ қатламидан, ҳатто тоза сув ўтганда ҳам ундаги барча тузлар сиқиб чиқариб юборилмайди, унинг бир қисми шу қатламда қолиб кетади.


Л.П. Розов шуни назарга олиб, тузларнинг яхши эриши ва тупроқ бўшлиғи деворларига ёпишиб турган тузли эритмалардан тузнинг диффузияланиши учун ерни вақт оралатиб бир неча марта ювиш маъқул деб ҳисоблайди.

П.А. Летунов структурали тупроқларда тузларни ювиб юбориш анча мурраккаб эканлигини аниқлади. У «кўпгина ҳолларда тупроқ ёриқлари ва айрим йирик структуралари сиртидаги оқариб турган тузларни ювиб юбориш йўли билан тузнинг биринчи максимуми чиқиб кетади, шундан кейин туз чиқиб кетиши сусаяди, бунга сабаб тупроқ ёриқларидан сувнинг эркин ва тез фильтрация бўлиб оқиши натижасида тузнинг эриб улгурга олмаслигидир ва ниҳоят, фильтратларнинг янги максимум концентрацияси бошланади. Бунда фильтрация сувлар шишган тупроқнинг бутун массасига секин сингиб киради».

Келтирилган далиларга асосланиб, ювиш жараёнида хлор тез ва тўла эриб чиқиб кетади, деган холоса чиқариш мумкин. Магний ҳам осон ва кўп чиқиб кетади. Сульфат кислотасининг аниони жуда оз ва секин ювилади.

Шўр ювишда кальцийнинг жуда оз ювилишининг ижобий аҳамияти бор, бу кальцийга бой сугориладиган Ўзбекистоннинг ерларида шўртбланиши жараёни эҳтимоли кам эканлигини кўрсатади:

Шўр ювилганда тузлар пастга томон бир текисда (фронтал) эмас, балга «Тил» ва «чўнтак шаклда ҳаракат қиласи» ҳамда тупроқда тузлар миқдори ҳам ҳар хил бўлиб қолади (8.6.1.2-расм, А.Т.Морозова ва А.А.-Кизилова маълумотлари).



8.6.1.2-расм. Шўрхок тупроқлардаги тузларнинг ювилиши. 1-шўр ювишдан олдин; 2- $4000 \text{ м}^3/\text{га}$; 3- $6000 \text{ м}^3/\text{га}$; 4- $8000 \text{ м}^3/\text{га}$ сув меъёри билан ювилганда.

8.6.2. Шўр ювиш самардорлигига таъсир қиладиган омиллар.

Шўр ювиш самараадорлигига тупроқ (механик таркиби, сув-физик хоссаси, шўрланиш даражаси, шўрланиш типи), гидрогеологик (сизот сувларни чуқурлиги ва оқиб кетиш шароити), иқлим (ёғингарчилик миқдори, ҳавонинг ҳарорати) ернинг зовурлаштирилиш ва агротехник шароитларига боғлиқ бўлади.

Механик таркиби енгил тупроқларда тузлар кам сув сарфланганда ҳам тез ювилади. Аксинча механик таркиби оғир, зичлашган, тупроқ таркибида сув ўтказмайдиган гипсли ёки карбонатли қатламлар бўлганда тузлар жуда кам ва узоқ муддатда ювилади (8.6.2.1-жадвал).

8.6.2.1-жадвал

Шўр ювиш самардорлигига тупроқнинг механик таркиби ва тузилишининг таъсири

Тупроқнинг механик таркиби ва тузилиши	Шўр ювиш меъёри m^3/ga	1 метр қатламдаги хлор, %		Хлор бўйича шўр ювиш коэффи- циенти (к)
		Ювиш- гача	Ювиш- дан кейин	
Ўрта соз	7020	0,225	0,014	4,4
Оғир соз	8090	0,286	0,173	1,97
Ўрта соз гипс қатлами (60-80 см)	11870	0,158	0,016	1,73
Ўрта соз ости қумли қатлам (157)	6000	0,223	0,010	5,1
К-1 m^3 сув билан ювиладиган хлор миқдори, КГ.				

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатдики механик таркиби сингил тупроқларга қараганда, механик тарикби оғир, зич тупроқларда туз кам ва қийин ювилади. Тупроқнинг тагида қум қатлам жойлашганда, шўр ювиш

осонлашади, зич соз қатlam жойлашганда эса қийинлашади.

Тупроқ гил ёки гипс қатламлари бўлган, ёки ҳайдалма қатлам таги зичланган тупроқларда шўр ювиш жуда секинлашади. Бундай қатлам бўлган тупроқлар махсус юмшатгич қуроллар билан юмшатилса, шўр ювиш самарадорлиги анча ошади.

Таркибида қумоқ, енгил ва ўртача қумоқ кўп бўлган донадор увоқли тупроқ ва грунтлар кам сув сарф қилган ҳолда жуда тез ювилиб шўрсизлантирлади.

Тупроқда катта-катта ёриқлар, ўпқонлар, ғоваклар кўп бўлганда у яхши ювилмайди, чунки бундай ерларда сув шу ёриқлар, ўпқонлар, ғоваклар орқали шимилиб кетади.

Шўр ювиш самарадорлиги тупроқнинг агрегат ҳолатига ва унинг намлигига ҳам боғлиқ бўлади. Нам тупроққа қараганда қуруқ тупроқлардан туз камроқ ювилади. Тупроқ агрегатлари қанчалик майдада бўлса, туз ҳам шунча осон ювилади.

Сувнинг шўр ювиш самарадорлиги тупроқнинг шўрланиш даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Тупроқда туз қанчалик кўп бўлса, уни ювиш ҳам шунчалик қийинлашади.

Тупроқни биринчи марта ювишда тузлар яхши ювилади, чунки дастлаб сизот сувлари анча чуқурда жойлашган бўлади. Кейинги ювишларда сизот сувлар сатҳи кўтарилиб, тузлар камайиб, зичлашиб борган сари тупроқдаги тузларни ювилиши ҳам қийинлашиб боради. Булардан ташқари кейинги босқичларда тузларнинг кам ювилишига сабаб тупроқ капиллярлари деворларидағи тузларни молекуляр кучлар ушлаб қолишидадир.

Шўр ювиш самарадорлиги тупроқдаги тузларнинг таркибиға ҳам боғлиқ. Тупроқ таркибида хлоридлар кўп бўлса, улар осон ювилади, чунки хлоридли тузлар сувда осон эрийди.

Сульфатли шўрланиш типларида эса тузлар хлоридли шўрланиш типларига нисбатан камроқ ювилади. Чунки сульфатлар сувда кам эрувчан, айниқса паст ҳароратда

кам ҳаракатчандир. Ювиш жараёнида гипсдаги кальций ионлари натрий ва магний ионларига алмашилганлиги туфайли янгидан-янги натрий, магний сульфатлар ҳосил бўлади ва уларнинг ювилиши сусайиб боради.

Шўр ювиш самарадорлиги сизот сувларининг жойлашиши чуқурлигига ҳам боғлиқ бўлади.

8.6.2.2-жадвалнинг кўрсатишича, шўр ювишда сизот сув сатҳи қанча юза жойлашган бўлса, сувнинг шўр ювиш самараси шунчалик кам, шунга биноан тупроқнинг шўрсизланиш даражаси ҳам паст бўлади. Сизот суви сатҳи 1,5-3,0 м жойлашганда механик таркиби оғир бўлган тупроқларнинг шўрсизланиш жараёни ҳам жуда суст бўлади. Бунинг сабаби, сизот сув сатҳи юза жойлашганда тупроқнинг эркин сифими жуда кичик бўлиб, унга жуда кам сув сифади, сизот сув оқимининг тезлиги эса жуда секин бўлади. Бундай шароитда шўр ювиш ҳам анча қийинлашади, чунки тупроқ капилляр намлик билан кучли тўйинган бўлади. Сизот сув сатҳи юза жойлашган ерларни суғориш натижасида бир суғоришдан иккинчи суғоришгача бўлган даврда ва суғоришдан кейин ҳам тупроқ қайтадан шўрланиб қолади. Айниқса, ер чуқур шўрсизлантирилмаганда шўр ювиш даврида сизот сув сатҳи секин пасайтирилганда тупроқ қайтадан жуда тез шўрланади.

8.6.2.2-жадвал

Сизот сувлар жойлашиш чуқурлигининг шўр ювиш самарадорлитига таъсири

Сизот сув чуқурлиги м		Шўр ювиш меъёри, м3, га	Тупроқдаги хлор, % (0-100 см)		Хлор бўйича шўр ювиш коэффициенти (К)
Шўр ювиш гача	ювишдан кейин		ювишгача	ювишдан кейин	
3,5	2	6540	0,225	0,014	4,0
2,4	0,8	8500	0,265	0,035	3,3
2,4	0,6	8580	0,350	0,146	2,9
1,5	0,3	8090	0,286	0,173	1,9

Шўр ювиш самарадорлиги ернинг зовурлаштирилиш даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Шўри ювиладиган майдон қанчалик кўп зовурлаштирилган бўлса, шўр ювиш таъсирида тупроқ шунчалик яхши шўрсизланади (8.6.-2.3-жадвал). Зовурлаштирилган шароитда зовурлаштирилмаган шароитга қараганда шўр ювиш меъёри бир хилда бўлиши ёки кам сув сарфланиши мумкин, лекин тупроқнинг чуқур қатламлари ҳам яхши шўрсизланади.

Зовурлаштирилган шароитда шўр ювиш натижасида сизот сувининг устки қатлами минераллашгандиги, одатда биринчи сув қўйганда кўпаяди. Кейинчалик, сизот сувининг узлуксиз зовурлар томон оқиб туриши натижасида у камайиб боради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шўрланган ерларнинг шўрини ювишда ва тупроқда мўтадил сув-туз тартибини вужудга келтириш учун зовурларнинг аҳамияти жуда каттадир..

8.6.2.3-жадвал

Зовурлаштирилган ва зовурлаштирилмаган шароитда шўр ювиш самарадорлиги (Ўз ПИТИ маълумоти)

шўр	Зовурлаштирилмаган			шўр	Зовурлаштирилган		
	Хлор иони (100 см)		К		Хлор иони (100 см)		К
	ювиш- гача	ювиш- дан кейин	ювиш- мезёри	ювишгача	Ювишдан кейин		
9100	0,273	0,029	3,4	10000	0,171	0,009	4,7
8800	0,183	0,064	1,7	8830	0,217	0,004	6,0
6910	0,206	0,072	3,0	6550	0,261	0,030	6,1

Шўр ювиш самарадорлигига атмосфера ёғинлари ҳам таъсир қиласи. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида ёғингарчилик миқдори турлича бўлади. Республикасининг саҳро миңтақаларида (Хоразм, Қорақалпоғистон, Қарши, Шеробод чўлларида) 70-120 мм, Мирзачўл, Фарғона, Зарафшон водийларида 250-300 мм (октябр-март ойларида) гача ёғади. Бу ёғингарчиликлар тупроқ таркибидаги тузларни маълум даражада эритиб чўқтиради.

т - шўр ювишдан олдинги тупроқнинг намлиги, м³/га.

S - тупроқдан ювилиш зарур бўлган хлор миқдори, кг/га,

K - шўр ювиш коэффициенти (1 м³ сув билан ювиладиган хлор миқдори кг/га).

A - шўр ювиш бошлангандан экиш давригача тупроқка тушадиган ёғин миқдори, м³/га.

P - шўр ювиш бошлангандан экиш давригача тупроқдан буғланишга сарфланган сув миқдори, м³/га.

(P-t) - тупроқнинг чегаравий нам сифимида етишмай турган сув миқдори (тузларни эритиш учун сарфланадиган сув меъёри) м³/га.

$\frac{S}{K}$ - тузларни ювиб чиқариш меъёри, м³/га.

Зовурлаштирилмаган шароит учун шўр ювишнинг умумий меъёрий И.Ф.Музичик формуласи билан аниқланади.

$$M = \frac{H - H_1}{V} + \dots \times 10000$$

Бунда:

M - шўр ювишнинг умумий меъёри, м³/га;

P - тупроқнинг чегаравий нам сифими, м³/га;

t - шўр ювишдан олдинги тупроқнинг намлиги, м³/га;

H - шўр ювишдан олдинги сизот сувларнинг жойлашиш чуқурлиги;

H₁ - шўр ювиш жараёнида сизот сувлари кўтарилишининг йўл қўйилган чуқурлиги, м;

V - сизот сувларини йўл қўйиладиган даражагача кўтарилишини таъминловчи сув қалинлиги (V нинг қиймати енгил механик таркибли тупроқлар учун 6,5-7, ўртача механик таркибли тупроқлар учун 8 ва оғир таркибли тупроқлар учун эса 9-10 га тенг).

$$\frac{H - H}{V} \times 10000 - \text{тузларни ювиб чиқариш мөъёри, } \\ \text{м}^3/\text{га.}$$

Шўр ювиш муддати

Ўзбекистоннинг барча вилоятлари дагисуғориладиган шўр ерларини ювишнинг мақбул

муддатлари ва меъёрларини аниқлаш учун жуда кўп маҳсус дала тажрибалари ўтказилган. Тажриба натижалари жорий шўр ювишнинг мақбул муддатлари куз-қиши ва баҳор ойлари эканлигини кўрсатди. Шу муддатларда шўр ювишнинг қўйидаги афзалликлари бор:

- шўри ювиладиган ерларнинг асосий экинлардан бўшаганлиги;
- сизот сувларининг ер сатҳидан энг чуқур жойлашганлиги;
- ҳароратнинг пастлиги туфайли ер ва сув сатҳидан буғланишининг камлиги;
- атмосфера ёғинлари ҳисобга маълум даражада шўр ювиш меъёрларининг камайиши;
- тупроқда нам заҳираси кўпайиши ҳисобига қишлоқ хўжалик экинлари уруғини ўша намлик ҳисобига ундириб олиш;
- эрта баҳорда бегона ўтларни уруғини униб чиқиш учун шароит яратилиши ва уларни ерга ишлов бериш ҳисобига камайтириш;
- шўр ювишдан олдин хўжаликдаги коллектор-зовур ва сугориш тармоқларини таъмирлаш учун имконият яратилиши.

Кам шўрланган енгил механик таркибли тупроқларда жорий шўр ювиш эрта баҳорда (феврал-март), ўртача ва кучли шўрланган, механик таркиби оғир тупроқларда эса куз-қиши, баҳор ойларида (ноябр, декабр, феврал, март) ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Куз-қиши, баҳор ойларида шўр ювилганда умумий шўр ювиш меъёрларининг 2/3 қисми ёки 75% кучли совук тушгунга қадар қолган 1/3 қисми ёки 25% баҳорда берилади.

Шўрҳок ерларни ўзлаштириш учун ўтказиладиган асосий шўр ювиш йил давомида ўтказилади, чунки бунда жуда катта миқдорда (25-45 минг м³/га) сув сарфланади.

Ўзбекистон шароитида тупроқнинг шўрланганлик дарражасини, сизот сувлари сатҳини, иқлим шароитларини, тупроқнинг типи, сув-физик ҳоссаларини, тузилишини ва механик таркибини ҳисобга олган ҳолда жорий шўр ювишларнинг қуидаги меъёрлари ва ўтказиш муддатлари тавсия қилинган (8.6.3.1-жадвал).

Шўр ювишда бир галги шўр ювиш меъёри зовурлаштирилган шароитда гектарига 2000-2500 м³ дан ошиб кетмаслиги керак. Чунки чекларда сувни кўпайиб кетиши марзаларни ювиб кетишга олиб келади ва сув чекларда узоқ муддат туриб қолади. Шунинг учун шўр ювиш меъёри 2500 м³ дан қўп бўлганда уни бўлиб бериш яхши натижа беради. Шўр ювишлар орасидаги даврлар тупроқнинг механик таркибиغا ва сув-физик ҳоссаларига боғлиқ: енгил тупроқларда сув шимилгандан 2-3 кун кейин, ўрта таркибли тупроқларда 5-6 ва оғир тупроқларда эса 7-8 кундан кейин қуилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу давр ичида тупроқ таркибидаги сувларни асосий қисми зовурлар орқали тортиб олинади.

Зовурлаштирилмаган ёки кам зовурлаштирилган шароитда тупроқ грунтининг умумий сув сифими ва шўр ювишга керак бўладиган сув сарфи, асосан тупроқ-грунтининг эркин ғоваклилиги ҳамда ювиш олдидан сизот сув сатҳининг чуқурлиги билан аниқланади. Шунда сизот сув сатҳи унча кўтарилимаган ерларнигина сизот сув сатҳигача бўлган тупроқ-грунт қалинлигидаги чегаравий дала нам сифимигача етишмай (дефицит) турган намлиқдан ошмайдиган меъёр билан сугориш мумкин. Лекин сизот сув сатҳи юза жойлашган ерларда чегаравий дала нам сифимигача етишмай турган сув меъёри билан ернинг шўрини етарлича ювиб бўлмайди.

8.6.3.1-жадвал

Суғориладиган шўр ерларда жорий шўр ювиш меъёри ва муддатлари (ЎзПИТИ маълумотлари)

Тупроқнинг механик таркиби ва тузилиши	0-100 см қатламдаги хлор миқдори, %	Умумий шўр ювиш меъёри, м ³ /га	Шўр ювиш сони	Шўр ювиш муддати (ойлар)
Мирзачўл				
Ўртча ва енгил қумоқ	0,01-0,04	2000-2500	1	XII-I
	0,04-0,10	3500-5000	2	X-XII-I
Турли механик таркибли ва қатламли	0,01-0,04	4000-5000	2	X-XX-I
	0,04-0,10	5000-6500	3	X-XX-I
Фарғона водийси				
Енгил	0,01-0,04	2000-2500	1	II-III
	0,04-0,10	3500-4000	2	II-III
Ҳар хил таркибли ва ўртча қумоқ	0,01-0,04	2500-3000	1	II-III
	0,04-0,10	3500-5000	2	II-III
Соз ва оғир соз, тузилиши бир хил	0,01-0,04	3500-4000	2	XII-II
	0,04-0,10	5000-6500	3	XX-II
Бухоро ва Навоий вилоятлари				
Енгил	0,01-0,04	2000-2500	1	III
	0,04-0,10	3500-4000	2	III
Ҳар хил таркибли ва ўртча қумоқ	0,01-0,04	2500-3000	1	XII-II
	0,04-0,10	3500-5000	2	XII-II
Соз ва оғир соз	0,01-0,04	3500-5000	2	X-I
	0,04-0,10	5000-6500	3	X-I
Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти				
Енгил	0,01-0,04	2500-3000	1	III
	0,04-0,10	3500-5000	2	III
Ҳар хил таркибли ва ўртча қумоқ	0,01-0,04	3500-5000	2	X-XII, III
	0,04-0,10	5000-6500	3	X-XII, III
Соз ва оғир соз	0,01-0,04	5000-6000	2	X-XII, III
	0,04-0,10	6000-6500	3	X-XII, III
Карши ва Шеробод чўллари				
Енгил	0,01-0,04	2500-3000	1	III
	0,04-0,10	3500-5000	2	II-III
Ҳар хил таркибли, ўртча қумоқ	0,01-0,04	3500-5000	2	X-XII, III
	0,04-0,10	5000-6500	2	X-XII, III
Соз ва оғир соз	0,01-0,04	5000-6000	2	X-XII, III
	0,04-0,10	6000-7500	3	X-XII, III

Бундай ерларда шўр ювиш самарадорлигини ошириш учун етарлича зовур тармоқлари бўлиши керак.

Шўр ювишда сизот сув сатҳининг жуда қўтарилиб кетмаслигига эътибор бериш зарур. Шўр ювилгандан

кейин (март, апрел ойларида) турлича зовурлаштирилган шароитда сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 2,0-2,5 м, кам зовурлаштирилган ёки зовурлаштирилмаган ерларда эса 1,3-1,5 м бўлиши маъқул.

Шўр ювиш меъёри шох ариқ ёки даладаги ўқ ариқнинг бош томонига ўрнатилган сув ўлчагич қурилмалари (Чиполетти, Иванов, Томсон, трапеция ва уч бурчак шаклидаги новлар) билан ўлчаб борилади. Шу билан бирга чекларга қўйилган сувнинг қалинлигига қараб ҳам сув сарфи назорат қилиб борилади.

Чекларга қўйилган сув қатлами 1 мм га етганда, умумий қўйилган сув ҳажми $10 \text{ м}^3/\text{га}$ бўлади. Чекка сув бостириш жараёнида сувнинг бир қисми тупроққа сингиб кетади ва натижада маълум сугориш меъёрига тўғри келадиган сув қатлами юқоридагига қараганда анча кам бўлиши мумкин.

8.6.3.2.-жадвалда чекларга турли меъёрда сув берилганда вужудга келадиган сув қатлами келтирилган.

8.6.3.2-жадвал

Чекларга турли меъёрларда сув берилганда вужудга келадиган сув қатлами, см.

Тупроқлар	шўр ювиш сони	Шўр ювиш меъёри $\text{м}^3/\text{га}$		
		1500	2000	2500
Сувни яхши сингдирувчи, қумоқ ва енгил қумоқ	1	8	10	14
	2	10	13	17
	3	12	15	20
Сувни ўртача сингдирувчи, ўртача қумоқ	1	10	12	16
	2	12	15	19
	3	13	17	22
Сувни кам сингдирувчи, оғир қумоқ ва соғ	1	12	15	18
	2	13	17	21
	3	14	19	24

Шўр ювишнинг тугалланиши тузларнинг таркибиغا ва шўрланиш даражаларига боғлиқ бўлади. Шўри ювилган ернинг юқориги бир метрлик қатламида тузларнинг рухсат этилган миқдори 8.6.3.3-жадвалда келтирилган.

8.6.3.3-жадвал

Шўри ювилгандан кейинги тупроқдаги тузларнинг рухсат этилган миқдори (1 м қатламда, % ҳисобида)

Тузларнинг таркиби	Тузларнинг умумий миқдори бўйича	Зарарли тузлар йигиндиси бўйича	хлор бўйича
Хлоридли	0,2	0,03	0,01
Сульфат-хлоридли	0,3	0,05	0,01
хлорид-сульфатли	0,4	0,10	0,01
Сульфатли	1,0	0,15	0,01-0,02
Хлорид-гидрокарбонатли	0,8	0,15	0,01

8.6.4. Тупроқни ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш усуллари.

Бунга эришиш учун қуидаги агротехник тадбирларни ўтказиш талаб қилинади.

1. Майдонни эски экин қолдиқларидан тозалаш (ѓ-запоя, сомон ва ҳоказо) ёки уларни майдалаб ташлаш.
2. Эски марза, пушта, ўқ ариқларни бузиб текислаш.
3. Органик ўғитлар (ѓүнг, майдаланган ѓ-запоя, майдаланган сомон, лигнин ва ҳоказо) солиш, гектарига 30-40 т. ҳисобида.
4. Шудгорлаш (30-40 см чуқурликда).
5. Чуқур юмшатиш (60-80 см чуқурликда механик таркиби оғир, зичланган кучли шўрланган ва шўрхок тупроқларда ўтказилади).
6. Ерни текислаш.
7. Эгатлар ёки чеклар ва ўқ ариқлар олиш.

Шўр ювиш усуллари


Шўр ювиш икки усулда амалга оширилади: 1. Кам шўрланган ерлар эгатлар орқали; 2. Ўрта ва кучли шўрланган ерлар эса чекларга бўлиниб бостирилиб ювилади.

Эгатлар орқали шўр ювишда эгат оралиғи 60 см, чуқурлиги 18-20 см бўлади. Эгат олиш учун тупроқнинг

механик таркиби енгил бўлганда КРХ-4 маркали культиватор, тупроқнинг механик таркиби ўрта ва оғир бўлганда ҳамда янги ҳайдалган ерларда эса ЧКУ-4 чизелтаридан фойдаланилади, улар ДТ-75, Т-4А тракторлари билан бирга ишлатилади.

Ўқариқлар жойнинг рельефи ва тупроқнинг сув ўтказувчанлигига қараб ҳар 100-150-200 м да олинади. Ўқариқтарни олиш учун МК-12 ёки КЗУ-0,3 маркали ариқ-қазгичлардан фойдаланилади.

Ўқариқлар шўри ювиладиган далаларда икки усулда жойлаштирилади. Биринчиси эгатларга нисбатан кўндаланг, иккинчиси эгатларга нисбатан бўйлама (8.6.4.1. расм).



8.6.4.1-расм. Эгатлаб шўр ювишда бўйлама (а) ва кўндаланг (б) ўқариқларни жойлаштириш тизими.

1-ўқариқлар; 2-сув олиш ариқлари (5-10 лик ариқлар); 3-эгатлар.


Кўндаланг ўқариқлар кичик ва узунлиги қисқа бўлган далаларда, бўйлама ўқариқлар эса катта ва узун бўлган далаларда қўлланилади.

Эгатларга сув қофоз, чим, сифон найча ва ППА-165, ПТ-250, ТАП-150, ТПП-200 маркали сугориш машиналари ёрдамида тақсимланади. Бу машиналардаги қувуртарнинг сув сарфи 150-200 л/с гача етади ва бир йўла 4-8 гектар майдоннинг шўрини ювишни таъминлайди.

Бу құвурлар сув сарфини созлаб туралған бурама клапандар билан жиҳозланған бўлиб, уларни эгатларга 0,05 дан 1-2 литр секундгача созлаш мүмкін. (8.6.4.2-расм).





8.6.4.2-расм. Шўр ювишда эгилувчан құвурлар ёрдамида сувни эгатларга тақсимлал.



8.6.4.3-расм. Чекларга бўлиб бостириб шўр ювиш усули.

Шўрланған тупроқларни чекларга бўлиб бостириб шўрини ювиш усулида шўри ювиладиган дала уватлар (марза) ёрдамида чекларга ва ўқариқларга (муваққат) бўлиб чиқилади (8.6.4.3, 8.6.4.4, 8.6.4.5-расмлар).




8.6.4.4-расм.

8.6.4.4-расм. КЗУ-0,3 маркали чек олгич: а-чек олгич, б-текислагич. 8.6.4.5-расм. КПУ-2000А маркали чек олгич ва текислагич.


8.6.4.5-расм.

Чеклар ва ўқариқлар ПР-0,5, КБН-0,35, КПУ-2000А, КЗУ-0,3 чек олгич - марза текислагичлар билан олиниади. Бу қуроллар Т-74, ДТ-75, Т-4 тракторларига ўрнатилиб ишлатилади. Чек олгич - марза текислаш қуроллари кўндаланг ва бўйлама марзалар тортади, айни вактда марзаларни туташтириб кетади.

Чекларга сув бериш учун ўқариқлар олиниади. Бунинг учун чеколгич билан икки марта параллел ўтилади ва улар шўри ювиладиган чеклардан баланд бўлиши керак (8.6.4.6., 8.6.4.7-расм).



8.6.4.6-расм (а). Чек олгичнинг икки марта параллел ўтишидан ҳосил бўлган ўқариқ. 1-уват (марза); 2-ўқариқ; 3-чек.



8.6.4.7-расм. Ўқариқ ва чекларни жойлаштириш тизими.

Шўри ювиладиган чекларнинг катталиги тупроқнинг механик таркибиغا ва сув ўтказувчанлигига, даланинг текисланганлик даражасига ва нишаблигига боғлиқ бўлади. Даланинг юзаси қанчалик яхши текисланган, нишаби қанчалик кичик ва тупроқнинг сув синдирувчанлиги қанчалик оз бўлса чек майдони-ҳам шунча катта бўлиши мумкин.

Нишаби кичик бўлган ерларда чекнинг ўлчамларини қуидагида олиш тавсия қилинади (8.6.4.1.-жадал).

8.6.4.1-жадвал

Ювиладиган чекларнинг катталиги, га

Даланинг текисланганлик даражаси	Сув ўтказувчанлиги яхши, енгил тупроқ	Сув ўтказувчанлиги ўрта таркибли тупроқ	Сув ўтказувчанлиги ёмон, оғир тупроқ
Яхши	0,12-0,15	0,15-0,20	0,20-0,25
Ўртacha	0,08-0,10	0,10-0,12	0,12-0,15
Ёмон	0,04-0,05	0,05-0,06	0,06-0,06

8.7. ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТАДБИРЛАРИ. СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ ЗОВУРЛАШТИРИШ

Зовурлаштириш деб суғориладиган деҳқончиликда ернинг шўрланиши ва ботқоқланишига қарши курашда сизот сувларини сунъий йўл билан чиқариб ташлаш усулiga айтилади.

Зовурларнинг асосий мақсади - тупроқнинг туз ва сув режимини тубдан яхшилаш учун тупроқ-грунтидан меъёридан ортиқча сизот сувларини чиқариб ташлашдир.

Зовурларнинг вазифаси қуидагилардан иборат:

1. Сизот сувлар сатҳини мақъул чуқурликгача, яъни ер шўрланмайдиган ва ботқоқланмайдиган чуқурликка тушириш.

2. Тупроқдан сувда эрийдиган меъёридан ортиқча зарарли тузларни ювиб оқизиб ташлаш.

3. Чучуклаштирилган ёки чучук сизот сувлар сатхини тупроқнинг қайта шўрланиши ҳамда ботқоқланишига имкон бермайдиган ва унумдорлигини таъминлайдиган даражада сақлаш.

Зовурлар ернинг шўрланиш ва ботқоқланишига қарши курашдаги асоссий гидротехник тадбир бўлиб, улар сув хўжалик ва агромелиоратив тадбирлар билан бирга қўлланилади.

Суғориладиган ерларда зовурларнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади.

1. Очиқ зовурлар - очиқ бўйлама чуқурлар орқали сизот сувларнинг чиқиши.

2. Ёпиқ зовурлар - ёпиқ қувурлар орқали сизот сувларни чиқариш.


3. Тик (вертикал) зовурлар - махсус қудуқлардан сизот сувларни насослар ёрдамида тортиб чиқариш.

4. Аралаш зовурлар - очиқ ёки ёпиқ зовурларга қўшимча ўрнатилган тик қудуқлар ва улардан сизот сувларни табиий босими билан чиқиши.

Зовурларнинг у ёки бу типларидан фойдаланиш ерларнинг гидрогеологик, геологик шароитларига ва тупроқни шўрсизлантириш ҳамда ботқоқланмаслигини таъминлай олиш даражасига қараб танланади.

8.7.1. Очиқ зовурлар Очиқ зовурлар бир-бири билан гуташган, маълум чуқурликда ва бир-биридан маълум масофада қазилган мелиорация иншоотларидир.

Коллектор-зовур тармоғи қуйидагилардан иборат: Бошланғич зовурлар, грух зовурлар (йигиш зовурлари); коллекторлар; бош (магистрал) коллекторлар (8.7.1.1-расм).




7.1.1-расм. Очиқ зовур ва коллекторлар тизими.

Кучсиз шүрланган, сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда зовур бир-биридан узоқ жойлашган айрим коллекторлардан иборат бўлиб, бошланғич зовур тармоғи қазилмайди.

Зовур ва коллекторлардан йифилиб чиққан сувлар магистрал ёки бош коллекторларга, улардан сув қабул қилгич (водоприёмник)ларга (денгиз, дарё, кўл ва ҳоказо) оқизилади.

Зовур сувлари ўз-ўзидан оқиб кетолмаса, насослар ёрдамида бош коллектор ёки сув қабул қилгичларга тушириб юборилади.

Доимий очиқ зовур ва коллекторлар экскаваторлар билан қазилади (8.7.1.2-расм), саёз зовурлар эса катта канавокопателлар билан қазилади.




8.7.1.2-расм. Очиқ зовур. 1 ва 2-күтариш ва тортиш пўлат арқони; 3-стреласи; 4-ковуши.

Зовурлар ва коллекторнинг кўндаланг кесими ўлчамлари гидравлик ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Ҳисоблаш сувнинг энг катта сарфи ва зовур нишабига қараб белгиланади. Зовурда сув сарфи кўпайгани сари унинг кўндаланг кесим ўлчамлари ҳам бўйига катлаштириб борилади.

Зовурни лойка босиб тўлиб қолмаслиги учун унда сувнинг оқиш тезлиги секундига 0,25-0,40 метрдан, зовурнинг нишаби эса 0,001-0,002 дан кам бўлмаслиги керак.

Зовурга тупроқ тушмаслиги учун унинг қияликлари тўғри танлаб олиниши керак. Қияликлар ҳаддан ташқари тик олинса, тупроқ қулаб зовурга тушади, жуда ётиқ қилиб олинганида эса ер ишлари кўпайиб кетади.

Қияликнинг тик ёки ётиқлиги грунтнинг механик таркибиiga, шўрланишига ва зичлигига қараб олинади. (8.7.1.3-расм).




8.7.1.3-расм. Қиялик катталиги. h -зөвур чуқурлиги.

Бир жинсли ва зич грунтларда қияликларни деярли тик (1:0,75) олиш мүмкін. Зичлиги кам, увоқчан ва енгил бир жинсли грунтларда, шунингдек, құм қатламлы грунтларда қияликлар 1:1 нисбатидан 1:1,5 ва 1:2 нисбатигача, яъни анча ётиқроқ қилинади.

Зөвур чуқурлиги ошиб борган сари унинг қиялиги ҳам ётиқроқ олинади. Шунингдек тупроқнинг шүрләниш дарражаси ошган сари зөвур қиялиги ётиқроқ олинади. Зөвур қазищдан олдин унинг трассаси бүйлаб шүрланған бекарор грунтларда шүрни ювиш тавсия қилинади. Ювиш натижасыда зөвур қияликларининг барқарорлығы анча ошади.

Зөвур таъсирида сизот сувлар сатҳи пасаяди. Лекин пасайиш тезлиги зөвурдан узоқлашған сари камайиб боради. Шунинг учун сизот сувининг сатҳи парабола шаклида - зөвурга томон әгилган бўлади. Бу турдаги эгрилик сизот сувларнинг депрессион эгрилиги дейилади (8.7.1.4-расм).




8.7.1.4-расм. Зөвурнинг сизот сувларига таъсири:

A-зөвур қазищдан олдин сизот сув сатхининг жойлашиш чуқурлиги; *B*-зөвурнинг чуқурлиги; *a*-зөвурдаги сув сатҳи; *d*-зөвурнинг умумий чуқурлиги; *d₁*-зөвурнинг иш чуқурлиги; *H*-сизот сувининг таъсир қилувчи босими.

Сизот сувларнинг гидродинамик босими остида зовурга сув йигилади. Щунинг учун сизот сувларининг сатҳи зовур тубидан баланд турган вақтдагина зовурга сув йигилади.

Зовурнинг умумий ва иш (таъсир этадиган) чуқурлиги бўлади. Зовурнинг умумий чуқурлиги ер юзидан то зовурнинг тубигача, иш чуқурлиги эса ер юзидан зовурдаги сизот сув сатҳигача бўлган чуқурликдир (8.7.1.5-расм).



8.7.1.5-расм. Сизот сувнинг зовурга томон оқиб бериш тизими: 1-тент босимли чизиқлар (эквипотен цикллар); 2-сув оқими чизиқлари.

Зовурнинг яхши ишлаши унинг иш чуқурлигига боғлиқ. Унинг иш чуқурлиги қанча катта бўлса, сизот сувининг босим таъсири ҳам шунча катта бўлади, бино-барин, зовур фильтрация суви ва атрофидан оқиб кела-диган сизот сувини кўпроқ олиб кетади ва даладаги сизот сувининг сатҳи шунча тез ва кўпроқ пасаяди. Сизот сув оқимининг камайиб бориши билан зовурга йиғилиб келадиган сувнинг миқдори ҳам камайиб, зовурнинг таъсири қучсизлана боради.

Ростлаш зовурларда ҳамда сув чиқариб ташлаш кол-лекторлари маълум таъсир доирасига, ёндошган ернинг бир қисмидаги сизот сувлар сатҳини маълум кенгликда пасайтира олиш доирасига эга.


Зовур сув ҳўлланган периметрига яқинлашгани сари сизот сувлар босимининг ҳам камайиб бориш аниқланган. Сув босими бир хил бўлган нуқталарни туташти-

рувчи чизиқ зовурнинг ҳўлланган периметри теварагидаги муайян концентрик юзада ётган бўлади. Сув тўсар қатlam чуқур жойлашганда тенг босимлар чизиги айланага яқин туради. Зовурдан энг узоқ турган босим чизиги энг катта босим нуқталарини туташтиради.

Босимлар фарқи (зовурдаги сув сатҳи билан сизот сув сатҳи орасидаги баландлик) таъсири остида зовурга сизот сувлар йифилади. Сизот сувининг зовурга келишига таъсир қиласидиган иккинчи омил сув ўтказадиган тупроқ қатламидаги ҳаво босими билан зовурдаги ҳаво босими орасидаги фарқdir (8.7.1.6.расм).

Сизот сув сатҳи

А)



Зовур туби

Сизот сув сатҳи

Б)



Зовур туби

8.7.1.6-расм. Сизот сув оқимига кўндаланг (а) ва бўйлама (б) зовурларнинг иш тизимлари.

Сув тўсар қатlam зовур тубидан пастда жойлашган бўлса, сизот сувлар зовурга барча ҳўлланган периметрдан кириб келади. Зовурнинг туби сув тўсар қатlamдан ўтган бўлса, сув фақат зовур тубидан юқоридаги зонадан кириб келади.

Зовур тармоқларининг яхши ишлаши уларга сизот сувларнинг равон оқиб келиши кўпгина омилларга, яъни зовурларнинг режали жойлашиши, чуқурлиги, бир-бираидан узоқлиги, тупроқ грунтининг сув-физик (фильтрация) хоссасига боғлиқdir.


Зовур қазишда коллектор-зовур тармоқларини режа бўйича тўғри жойлаштиришнинг муҳим аҳамияти бор.

Зовурни ернинг асосий нишаби бўйлаб суфориш каналлари ўртасидан ўтказиш маъқул. Бу ҳолда зовурга қўшни бўлган иккала суфориш каналларидан сингиб кирган сувларнинг босими таъсирида сизот сувлар кўпроқ оқиб келиб йигилади, тупроқ шўрдан тез ва сифатли тозаланади.

Сизот сувлар оқими йўналишидаги (умуман ҳудуднинг асосий нишаби бўйлаб йўналган) зовурлар сизот сувларнинг оқиб келиши учун энг яхши гидравлик нишаб ликка эга бўлиши керак. Бўйлама зовурлар кўн-даланг (сизот сувлар оқимига кўндаланг) зовурларга нисбатан текис ва анча катта босим билан ишлайди; шунинг учун ҳам бу зовурларда сизот сувлар катта тезликда оқиб туради (8.7.1.7.расм). Бўйлама зовурларда сувнинг катта тезликда оқиши ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун бундай зовурларнинг лойқа босиши ва унда бегона ўтлар ўсиш ҳоллари кам учрайди.

Каналлар бир томонлама сув берадиган бўлса, каналга яқин жойлаштирилган сув йиғиш зовурлардан сизот сувлар яхши оқиб кетмайди. Зовур қияликлари қулаб ёки бузилиб кетмаслиги учун уларни каналдан шундай узоқликда олиш керакки, фильтрация сув оқими шу зовур қияликларига етиб келмасин. Шунинг учун канал билан сув йиғиш зовури орасида тегишли кенгликда дала йўллари бўлади.

Хўжалик ариғи



Хўжалик ариғи



8.7.1.7-расм. Сугориш ва коллектор - зовур тармоқ-ларининг жойлашиши: *а*-шоҳ ариқлар бир томонлама сув берганда; *б*-шоҳ ариқлар икки томонлама сув берганда.

Каналлар икки томонлама сув берадиган шароитда сув йиғиш зовурларини уларнинг оралиги ўртасидан ўтказиш мақбул.

Очиқ зовурлар чуқур ва саёз қазилиши мумкин (чуқур 2,5-3,5 м ва бундан ҳам чуқур саёз чуқурлиги 1-1,7 м). Чуқур зовурларнинг саёз зовурга нисбатан кўпгина афзалликлари бор: сизот сувлар сатҳини ва улар капилляр баландлигини анча чуқурда сақлаб туришга имконият беради; оқибатда шўр ювишда тупроқдаги зарарли тузлар чуқурроқ ювилади ва тупроқнинг қайта шўрланиш хавфи камаяди; сизот сувлар босимни анча оширади, шунинг учун ҳам уларнинг тезроқ чучукланишига сабаб бўлади: зовурларни бир-биридан узоқ масофада қазишга имконият беради, натижада зовур иншоатлари сони камаяди, шунингдек, экин майдони кенгаяди.

Зовур чуқурлаштирилган сари сизот сувлар босимининг таъсири ҳам зўрайиб боради ва зовурда сув оқимининг кўпайишига шароит яратади. Зовур қанча

чуқур бўлса, сизот сувлар сатҳи ҳам шунчалик пасаяди ва зовурнинг таъсир доираси ҳам шунча узоқ бўлади.

Шўрланган ерларда зовурнинг чуқурлиги тупроқ-грунтидаги капилляр силжиш назарда тутиб белгиланади.

Тупроқ-грунтида капилляр силжиш қанчалик кучли бўлса, сизот сувининг критик сатҳи ҳам шунча чуқур бўлади, бинобарин зовур ҳам шунча чуқурроқ қазилиши керак.

Капилляр силжиш кучли бўлган тупроқларда коллекторлар ва уларга келиб тушувчи доимий зовурларни чуқурроқ қазиш керак: зовурлар -2,5-3,5 м, коллекторлар -4-5 м. чуқурликда қазилгани маъқул.

Фильтрлаш ҳамда капиллярлар бўйича сув кўтара олиш хусусияти ёмон, механик таркиби оғир грунтларда зовурларни чуқуроқ қазиш яхши натижа бермайди. Шунинг учун бундай грунтларда зовурлар 2,2-2,5 м дан чуқур 1,75-2 м дан саёз қазилмаслиги керак.

Лёссимон қумоқ тупроқларда чуқур ва доимий зовурлар қуришда қийинчиликларга дуч келинади. Бундай тупроқлар ўта намиққан ҳолда оқиши-ювилиш хоссасига эга. Сизот сувлар ҳаракатининг босим катталигига боғлиқ бўлган тезлик йўл қўйилган тезликдан ошиши билан бундай грунтларда суффозия (ювилиш) бошлини; бу эса очиқ зовур қияликларининг бузилишига сабаб бўлади. Оқма (силжийдиган) қумлар ер юзига яқин жойлашганда ҳам зовур қиялиги уваланиб бузилади.

Бундай шароитда чуқур зовурлар ёпиқ ёки саёзроқ қилинади.

Зовурларнинг ўпириладиган қияликларини мустаҳкамлаш учун туби ва қияликларига канал ўқига перпендикуляр равишда, қамиш боғлари тўшаб, устига зовур тубидан олинган тупроқ ташланади.

Саёз зовурларда ва уларни чуқур қилиб қазишнинг иложи бўлмагандага (грунт оқма бўлганда) йигиладиган сувнинг кўпайтиришнинг энг яхши усули шу зовур туби бўйлаб вертикал бурғудуқ - кучайтиргич қазишdir. Бундай бурғ-қудуқлар диаметри 15 см бўлиб, улар 2 м

чуқурликда бир-биридан 2 м қочириб қазилади. Бурғұдуқлар шағал ва қамиш боғламалар билан түлдириләди. Бундай қудуқлар - кучайтиргич сизот сувлар пъезометрик босими кучли бўлган ерларда зовурдаги сув сарфини 3-4 марта оширади.

Зовурлар оралиғидаги масофани белгилашда зовурнинг чуқурлиги, тупроқ-грунтининг сув-физик ҳоссаси (фильтрация ва сув бериш коэффициентини), ҳудуддаги табиий зовурлар, зовурдаги оқимнинг берилган ўлчами (модули), талаб қилинган чуқурлик ва сизот сувлар сатҳининг пасайиш тезлиги ҳисобга олинади.

Зовур ва сув тўсар қатлам қанча чуқур табиий сув сингдириши қанча яхши бўлса, зовурлар орасидаги масофа ҳам щунча катта олинади. Тупроқ-грунтининг фильтрация ва сув бериш коэффициенти ошганида масофа катталаштириб борилади.

Фильтрация коэффициенти тупроқ-грунт қатламини тўйинтирган сувнинг сизиб кириш тезлиги ($\text{м}/\text{сутка}$ ёки $\text{см}/\text{сек}$) билан аниқланади. Бу коэффициентнинг қиймати суткасига 0,1-1 м дан (сув ўтказиши ёмон бўлган жуда оғир таркибли грунтлар учун) 5-10 м гача (сув ўтказиши яхши бўлган енгил таркибли грунтлар учун) бўлади.

Сув бериш коэффициенти тўла нам сифимигача тўйинган тупроқдан эркин оқиб чиққан сув ҳажмининг шу грунт ҳажмига бўлган нисбатини кўрсатади. Бу коэффициент грунт қалинлигидаги зовурга кира олган эркин сув ҳажмини белгилайди. Суви қочириладиган қатламнинг қалинлигига ва тупроқ-грунтига қараб у грунт ҳажмини 3-5% дан 15-20% гача (баъзан ундан ҳам кўп) қисмини ташкил қиласади.

Зовурлар оралиғидаги масофани ҳисоблашда зовур суви оқимининг берилган модули назарда тутилади. Зовур оқимининг модули вақт бирлигига ҳар гектардан келадиган (зовур) сув сарфидир. У бир гектарга $\text{л}/\text{сек}$ ҳисобида ифода қилинади. Суғориладиган шўрланган ерларда турли тупроқ - грунтлар учун зовур суви оқимининг ўртача йиллик миқдори, одатда, ҳар гектарда

0,15-0,25 л/сек бўлади. Шўр ювиш даврида оқим мудли кўпаяди (гектарига 0,5-0,85 л/сек ва ундан ҳам кўпроқ).

Зовур оқими модулининг қиймати ортса, зовурлар оралиғидаги масофа қисқароқ олинади ва аксинча, модул миқдори камайса, зовур оралиғидаги масофа каттароқ олинади.

Зовур оралиғидаги масофа зовур чуқурлигига ва сизот сув сатҳининг пасайиш тезлигига ҳам боғлиқ. Зовур қанча чуқур, сизот сув сатҳи қанча тез пасайса, зовур оралиғи ҳам шунча қисқа бўлиши керак. 2-2,5 чуқурликдаги зовурлар оғир таркибли грунтларда 100-125 м, енгил грунтларда 200-300 м масофадаги сизот сув сатҳини пасайтира олади. Ўрта ва кучли шўрланган ерларда қазилган зовурларнинг оралиқ масофаларини 8.7.1.1-жадвалдан олиш мумкин (В.М. Легостаев маълумоти).

8.7.1.1.-жадвал

Чуқурлиги 2-2,5 м. бўлган зовурларнинг тавсия этиладиган оралиғи

Зовур қазишдан оддин сизот сувининг чуқурлиги, м.	Грунт		
	Жуда оғир	Ўртача тупроқларда	Енгил тупроқларда
2 - 3	250-300	300-400	400-600
1 - 2	200-250	250-300	300-400
0 - 1	100-150	150-200	200-300

Кучсиз шўрланган ерларда зовурдан фойдаланилмайди ёки пастлик жойларда айрим коллекторлар қуриш билан чекланилади.

Тупроқ-грунтнинг фильтрация коэффициентига қараб зовурлар орасидаги масофа кенг миқёсда ўзгаради (8.7.1.2.-жадвал, Н.А. Беседнов маълумоти).

8.7.1.2. жадвал

Турли грунтлар учун чуқурлиги 3 м бўлган зовурлар оралиғи

Кўрсаткичлар	Грунт				
	жуда оғир	оғир	ўртча	енгил	жуда оғир
Фильтрация коэффициенти, ь/сутк	1	1-2	3-5	6-10	10
Зовурлар оралиғи, м	200	200-250	300-400	450 500	350

Зовурлар зич жўйлашганда интенсив ишловчи оқим модули гектарига 1,5-2,5 л/сек гача етиб боради.

Чучук сизот сувлар ер юзасига яқин (0,5-0,7 м.) ва бундан юқори бўлган ботқоқланадиган ерларда суғориш каналларининг фойдали иш коэффициенти юқори бўлганда) сувнинг буғланиш, транспирацияланиш ва оқиб сарфланиши йиғилиб келаётган сизот сувларга тенг ёки ундан кам бўлган ҳоллардагина зовур қазилади.

Бундай ерларда кўпгина экинлар учун сизот сув сатҳи 1-1,2 м. дан пастга туширилиши учун зовурнинг ўртча чуқурлиги 1,5-2 м. дан ошмаслиги керак. Зовурлар очиқ ёки ёпиқ бўлиб, оралиғидаги масофа шарт-шароитларига қараб 100-150 м. дан 200-300 м. гача бўлади.

Йил давомида сизот сувлар сатҳини ростлаб туриши учун зовурда тўсма иншоотлар қурилади. Сизот сувларнинг сатҳи меъёридан пасайиб кетганида ва тупроқда нам етишмаганида сувни дамлаш ва тупроқни намлаш мақсадида зовурлар тўсилиб сизот сув сатҳи кўтарилади. Натижада тупроқ остидан намланиб субирригация амалга ошади.

Зовурда сув яхши оқиши учун унинг туби шу зовур суви тушадиган коллектор тубидан камида 30-50 см баланд бўлиши керак. Коллектор билан унинг сув ташланадиган ерда (сув қабул қилгичда) ҳам шунга амал қилиш керак. Бундан сув қабул қилгичдаги сувнинг энг баланд сатҳи ҳисобга олиш зарур. Агар зовур-

лардан йирик коллекторларга сув йигичларга сув эркин оқиб туша олмаса, насос ёрдамида чиқариб юборилади.

Коллектор-зовур тармоининг техник ҳолатини доимо кузатиб бориш керак. Зовурдаги сувлар коллекторига бетўхтов тушиб туриш учун ундан ҳосил бўлган тўсиқлар, қияликлардан сурилиб ва ўпирилиб тушган тупроқлар олиб ташланади. Тармоқ ўсимлик ва лойдан тозаланиб чуқурлаштирилади. Зовурни йўл кесиб ўтадиган бўлса, кўприк қурилади.

Оқова сувларнинг коллектор ва зовурларга оқишга йўл қўймаслик керак. Оқова сувлар туширилганда зовурдаги сувлар сатҳи кўтарилилади, бу эса унинг иш чуқурлигини ва сув йифишини камайтиради. Туширилган сувлар зовурни лойқа босишига, қияликларни қулаб тушишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, зовурдаги сувнинг чучукланишига имконият беради ва натижада зовур тармоқларини ўт босиб кетади.

Зовур ва коллекторларда сизот сув сатхининг кўтарилиб кетмаслиги учун уларга фақат шолипояларидан чиқан сувларигина қувур ёки новлар билан туширишга рухсат этилади.

Шўр ювиш ва шолини сугориши пайтида сувнинг фильтрация оқими зовур ва коллекторлар қияликларига етмаслиги керак. Акс ҳолда зовур қияликлари қўпорилиб тушади. Катта сув меъёри бериб узлуксиз сугориладиган ерлар билан зовур ва коллекторлар орасида 7-20 м. кенгликда сугорилмайдиган ҳимоя кенглиги қолдирилиши керак.

Очиқ зовур ва коллекторларнинг асосий камчиликлари:

а) тез кўмилиб қолади ва ўзанини ўт босади, қияликлари ўпирилиб, ювилиб кетади; шунинг учун ҳам вақти-вақти билан тозалаб туришга, тўлиб қолган жойларини қайта қазишга катта маблағ талаб қилинади;

б) зовур ва коллекторларни ҳамиша ҳам вақтида тозалаб туришга имконият бўлмаганлигидан, кўпинча унинг иш чуқурлиги етарли бўлмайди ва шўр ювиш таъсири кам бўлади;

в) очиқ зовур ва коллекторлар ердан фойдаланиш коэффицентини камайтиради яъни анча экин майдонини банд қилиб туради. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялашга, транспорт ҳаракатига ҳалақит беради.

8.7.2. Муваққат саёз зовурлар


Шўрланган ерларни мелиорациялашда узлуксиз ишлайдиган чуқур (чуқурлиги 2,5-3 м

ва ундан ҳам чуқур) зовурлардан ташқари, яна кўпгина ҳолларда қўшимча муваққат саёз зовурлардан фойдаланилади.

Сизот сувлар сатҳи ер юзига яқин (1,5-2 м дан яқин) бўлганда, тупроқ кучли шўрланганда ва катта меъёр (сизот сув сатҳининг узоқ муддат ер юзига яқин кўтариб туришига сабаб бўлувчи меъёр) билан шўр ювилганда муваққат саёз зовурлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Бундай зовурлардан шўр ювишни тезлаштириш, тупроқни тўлиқ шўрсизлантириш, унинг тез ва бир текис етилишини таъминлаш мақсадида фойдаланилади.

Шунингдек, минераллашмаган чучук сизот сув сатҳи юза жойлашган ва тупроғи жуда нам бўлган ерларда экин экишдан олдин намни тортиш мақсадида ҳам муваққат саёз зовурлар қазилади.

Муваққат зовурлар шўр ювишдан олдин ДТ-75 ёки С-100БХ маркали тракторга тиркалган катта канавокопателлар (КМ-800, КМ-1200, Д-267) билан бир ўтишда қазилади (8.7.2.1. расм):



8.7.2.1-расм.

КМ -800 маркали канавокоптель


1 - ишчи органи 2 - рамаси,
3 - кесиш органлари,

4-растегич

Канавокопатель ва тракторлар билан техник ахволининг яхшилигига қараб, қунига 10-15 км муваққат зовур қазиш мүмкін.

Муваққат зовурлар йиғиши зовурлари орқали доимий зовурга туташтирилади (8.7.2.2.расм).

Муваққат сүфориш тармоғи



8.7.2.2 расм.

Доимий ва вақтингчалик зовурларни жойлаштириш тизими

- Сүфориш тармоғи
- Доимий зовур
- ... Муваққат зовурлар

Муваққат зовурлар канавокопателтар билан 0,8-1,2 м чүкүрликда қазилади. Улар орасидаги масофанинг қүйидаги олиниши тавсия қилинади: оғир таркибли тупроқларда 30-40 м; ўртача таркибли тупроқларда 50-60 м; енгил таркибли тупроқларда 70-80 м.

Шўр ювилгандан кейин муваққат зовурлар бульдозер, грейдер каби механизмлар ёрдамида текислаб юборилади ва тупроқ экиш олдидан ишланади.

8.7.3. ЁПИҚ ЗОВУРЛАР


Ёпиқ зовурлар муайян чуқурликка күмилган қувур тармоқларидан иборат бўлади. Ёпиқ зовурлар Мирзачўл, Қарши, Шерабод, Жиззах чўлларида, Бухоро, Фарғона ва бошқа вилоятларнинг янги ўзлаштирилган ерларида кенг қўлланилмоқда.

Ёпиқ зовурларнинг аҳамияти шундаки, улар сизот сувлар сатҳини бутун дала бўйлаб ёки бутун сугориладиган массив бўйича бир хилда таъсир кўрсатиб, сугоришдан ёки шўр ювишдан кейин сизот сувлар сатҳини тезда пасайтиради ва шу туфайли сизот сувлар сатҳини мақбул чуқурликда сақлаш имкониятини беради. Тупроқнинг шўрланиш даражаси аста-секин камайиб боради. Бу зовур тури тупроқ - грунт ичида ёпиқ ҳолда бўлғанлиги учун катта ер майдонини эгалламайди ва ердан фойдаланиш коэффиценти очиқ зовурларга нисбатан юқори бўлади.

Коллектор ва ёпиқ зовурларнинг жойлаштириш тизими 8.7.3.1-расмда келтирилган.

8.7.3.1-расм.


Коллектор ва ёпиқ зовур тармогини жойлаштириш тизими: 1-очиқ коллектор; 2-очиқ зовур; 3-ёпиқ коллектор; 4-қудуқ; 5-тепаликдан ўрнашган канал; 6-ёпиқ зовур; 7-ростловчи сув омбо-ри; 8-йўл; 9-кўприк; 10-сув қабул қилгич; 11-сув қуйилиш жойи; 12-бош канал.



Ёпиқ зовурларнинг ўз таъсири доирасида тақсимланиши, сув оқими нинг йўналиши горизонтал очиқ зовурники сингаридир.

Ёпиқ зовурларни барпо қилишда дастлаб экскаватор ёрдамида тик қилиб тегишли чуқурчук узунасига

қазилади. Чуқурлик тубида махсус супача тайёрланиб, унга қувур ва фильтр ётқизиб чиқилади.



8.7.3.2-расм

8.7.3.2-расм. Зовур қувурларини ётқизиш: а-бевосита траншея тубига; б-шагал түшаб; в-ёғоч новлар устига.

8.7.3.3-расм. Зовур-қувур учларининг туташган жойи ва қувурга сув кириши: а - қувур учлари бир-бирига мустаҳкамланмаган; б - учлари гиль билан биректирилганд; г - учлари халқалар ёрдамида биректирилганд.

Қувурларниң таглиги грунтниң хоссасига боғлиқ. Агар грунт зич ва турғун бўлса, қувур тўғридан-тўғри траншея тубига, 10 см қалинликда шағал түшам устига ётқизиб борилади.

Енгил таркибли грунтларда траншеяниң тубига 30 см шағал тўкилади (қувур диаметрининг ярмигача шу шағал кўмилади. Оқма грунтларда қувур ёғоч новларига шағал тўкиб, устига ётқизилади 8.7.3.2.расм).

Зовур учун одатда қисқа (33-100 см) сопол ёки узун (3-4 м) асбоцемент қувурлар ишлатилади.

Хозирги вақтда ёпиқ зовур учун ковак деворли махсус фильтрли полиэтилен қувурлардан фойдаланилмоқда.

Зич грунтларда калта (33 см) сопол қувурлар учма-уч қўйиб ётқизилади. Қувурларда лойқа чўкиб қолмаслиги учун туташган учларининг сиртидан айланасининг $\frac{2}{3}$ қисмига толь ёпилади. Бундай зовурларга сизот сув қувурларниң остидан туташган учларининг 0,5-1 мм лик оралиғидан (босим остида) киради. (8.7.3.3. расм)


Калта ва бир-бирга маҳкам жипслаштирилмаган қувурлардан қурилган зовурлар тез ишдан чиқади. Бунинг асосий сабаби айрим қувурларнинг пастга ёки ён томонга сурилишидир. Қувурларнинг чокларига ёки қувурнинг ўзига ҳам ўсимлик илдизлари тиқилиб қолиши мумкин. 3-4 м. узунликдаги асбоцемент қувурлар ётқизилганды ҳам уларнинг учлари бир-бирига халқалар ёрдамида беркитилади. Бунда сув қувурларга остидаги майдада тешиклар орқали киради (тешик диаметри 4-6 мм ёриқ, эни 2-3 мм бўлади).

Зовурнинг ишлаш шароитига ва ундан оқадиган сувнинг миқдорига қараб қувур диаметри танланади. Бошлиғич ва гуруҳ зовурлари учун қувурларнинг ички диаметри 12-15 дан 20-25 см гача, ёпиқ коллекторлар учун 50 см гача қабул қилинади.

Зовур бўйлаб қувур диаметри ўзгариб боради. Зовур бошида диаметри кичик бўлиб, борган сари катталашиб боради. Бир диаметрдан иккинчи диаметрга ўтиш жойи назорат қудуғига тўғри келтирилади (8.7.3.4.расм).

Қувур ётқизиш учун траншея майдон нишабига тескари йўналишда қазилади; қувур ётқизиб бўлингач, траншея эҳтиёткорлик билан кўмилади ва зичланади.

Қувурларни лойқа босиб қолмаслиги учун сувнинг оқим тезлиги 0,5-1,0 м / сек бўлгани маъқул.



8.7.3.4-расм. Епик зовурнинг бўйлама қирқими:

1-очиқ коллектор; 2-зовурдан олиб келаётган сувни коллекторга оқизиш қувури; 3-зовур қувурлари; 4-қувурларнинг қум-шагал тўшамаси; 5-назорат қудуғи.


Оқиш тезлигига қараб маълум диаметрлаги қувур ётқизиш учун зарур нишаблик қабул қилинади. Сопол ва

асбоцемент қувурларини, 0,003-0,004 нишабликда ётқизиш тавсия қилинади.

Зовурларнинг иш фаолиятини кузатиш учун ҳар 250-400 м да бетон ёки асбоцемент қувурлардан назорат қудуқлари қилинади. Бу қудуқлар зовурдаги сувнинг оқишини назорат қилиш, шунингдек тўпланган оқизин-диларни тозалаш учун қурилади. Қудуқлар бетон плита устига қўйилади. Усти қопқоқ билан ёпилади. Қудуқнинг туби унга кириб турган зовур қувуридан 30-45 см пастда туриш керак. Шу чуқурликка аста-секин чўкиб қолган лойқа оқизинди вақти-вақти билан тозалаб чиқариб ташланади.

Ёпиқ зовурлар қуришлари ҳозирги пайтда механизациялаشتirилган. Бунда ЭТУ-353 маркали кўп ковшли, траншея қазийдиган экскаватордан фойдаланади. Экскаватор бир вақтда учта асосий ишни бажаради: кўндаланг кесими тўғри бурчакли траншея қазиди (чуқурлиги 2,5 м эни 0,6 м); шагал ёки қум фильтри тўшайди ва ниҳоят, зовур қувурларини ётқизади.

Зовур чуқурлиги, унинг конструкцияси, шунингдек, ётқизиладиган қувур диаметри бўйича фарқ қиласидиган бир неча хил машина типлари (Д-152, Д-301 ва бошқалар) ишлаб чиқарилган (8.7.3.5.расм).



8.7.3.5-расм. Механизация ёрдамида қувур ётқизиш тизими: 1-экскаватор рамаси; 2-экскаваторнинг ковш рамаси; 3-күтариш қурилмаси; 4-бункер очқичи; 5-қувур узатиш механизми; 6-трубопровод; 7-зовур қувири; 8-қувур ётқизиш сифатини текширувчи асбоб датчиги; 9-плёнка барабани; 10-плёнка; 11-тортиш ролиги; 12-траншеяга тупроқ түкиш қурилмаси; 13-тўкилган тупроқларни зичловчи галтак.


Д-251 маркали қувур ётқизгич ишни тўлиқ механизациялаштириб, 0,6 м кенгликда ва 2,5 м чуқурликда траншея қазиёди, шағал-фильтрни ва ташқи диаметри 150 дан 300 мм гача келадиган 700 мм узунликдаги қувурларни ётқизади.

Д-251 маркали қувур ётқизиш машинаси саккизта технологик жараённи бажаради: траншея қазиёди (а), 150 мм қалинликда фильтр қатлами ётқизади (б), зовур қувурини ётқизади (в), қувур атрофларини фильтр материаллари билан тўлдиради (г), қувур ётқизиш сифатини текширади (д), қувурни фильтр қатламга кўмади (е), зовурни 30-50 см қалинликда ҳимоя қатламига тўлдиради (ж), грунтнинг ҳимоя қатламини зичлайди (з).


Қувур ётқизгичнинг бир сменадаги иш унуми 350-400 м. Уни З киши бошқаради. Ёпиқ зовурларни ярим механизациялаштирилган усулда қуришга (зовур ков-шли экскаваторда қазилиб, бульдозерда кўмилиб ва бошқа ишлар қўлда бажарилганда) нисбатан комплекс механизациялаштирилган усулда қуриш иш унумини 5 мартадан ҳам зиёд оширади.

Ёпік зовурлар ишга туширилгандан бошлаб 2-3 йил давомида сүфориш вақтида зовурни лойқа босмаслиги, тупроқ ювилиб, ўпирелиб қувурга шикаст етказмаслик учун зовур устидан 10 м.лик сүфорилмайдиган полоса қолдирилиши лозим.

8.7.4. Тик зовурлар Сүфориладиган шүрланган ва ботқоқланган ерларда очиқ, ёпік зовурлар билан бирга тик зовурлардан ҳам фойдаланилиб келинмоқда. Тик зовурлар очиқ ва ёпік зовурларга қараганда тупроқни тезроқ ва чуқур шүрсизлантиради, сизот сувлар сатхини чуқурлаштиради ҳамда уларнинг минераллашганлик дарражаларини күпроқ камайтиради.



8.7.4.1-расм. Тик зовур.



8.7.4.2-расм.

8.7.4.2-расм. Тик зовурнинг тузилиши:

1-ер юзи; 2-майда тупроқ; 3-сув ўтказувчи қатлам; 4-тўйма шагал; 5-қувур; 6-фильтр қувур; 7-тик чуқурлик насоси; 8-насоснинг иш гидриаги; 9-бетон пробка; 10-электромотор; 11-чиқариш трубаси; 12-сизот сув депрессия эгрилиги.

Тик зовурлар очиқ ва ёпік зовурлар билан бирга ара-лаш ҳолда қўйилиши ёки ўзи алоҳида қурилган бўлиши мумкин. Тик зовурларни қурилиши учун олдин қудук-ларнинг самарали иш чуқурлиги, жойнинг рельефига

қараб жой танлаш, тупроқ қатламларининг геологик тузилиши, гидрогеологик шароитлар тадқиқот қилинади ҳамда шу тадқиқотлар асосида тик зовурларни қуриш ишларининг лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Тик зовурлар юқорида кўрсатилган омилларга боғлиқ ҳолда 30-70 м.дан 100-150 м.гача (баъзан бундан ҳам чуқур бўлиши мумкин) чуқурликда бўлади. Уларни қуриш учун дастлаб 40-90 см. диаметрда бурги қудуқлари ковланади. Бурги қудуқларга 30-50 см. диаметрли металл қувурлар жойлаштирилади, қудуқ деворлари билан металл қувур оралигидаги бўшлиқ шағал (5-15 мм.) фильтрлар билан тўлдирилади. Қувурларнинг ер юзасидан 10-15 м.дан кейинги қисмида тешиклар қилинади. Бу тешиклардан сувлар оқиб киради (8.7.-4.1., 8.7.4.2.расмлар). Қувурларда тўпланган сув маҳсус электр насослар ёрдамида ер юзасига чиқарилади. Тик зовурларда геологик ва гидрогеологик шароитларга қараб сизот сувларнинг сатҳи 1,5-2 м.дан 5-6 м.гача пасаяди.

Тик зовурлар маълум майдонларга ёки гидрогеологик шароитлари бўйича маҳсус йўналиш чизигида жойлаштирилади. Уларнинг орасидаги масофа 1,5-2 км., ҳатто бундан кўп ҳам бўлиши мумкин.

Қудуқлар майдонларга шахмат тартибида бир текис, тўғри чизиқ бўйлаб ўрнатишда эса ер ости сувларининг оқимиға кўндаланг қилиб 1-2 линияда жойлаштирилади. Қудуқларни ноинженерлик сугориш тармоқлари бўйлаб жойлаштириш мумкин эмас. Чунки қудуқлар каналдаги сувларни кўпроқ шимилиб кетишига сабабчи бўлади.

Тик зовурларнинг иш фаолияти, ер ости сувларининг оқими пъезометрик босим кўрсаткичларига боғлиқ бўлиб уларни йил давомида 6-12 ой ишлатиш мумкин. Тик зовурлар ишлатилганда атрофдаги сизот сувлар сатҳи дипрессион эгри чизиқ шаклида пасаяди. Дипрессион эгриликнинг узунлиги тик зовурларнинг таъсир радиусини кўрсатади. Тик зовурларнинг таъсир доираси тупроқ-грунтнинг тузилишига, гидрогеологик шароитларга қараб 200-1000 м. ва бундан ҳам кўп бўлади (8.7.4.3-

расм) ёки битта қудуқ 100-300 гектар майдондаги сизот сувига таъсир кўрсатиши мумкин.


Тик зовурлар шўр ерларда шўр ювиш ва вегетация даврида экинларин сугориш учун берилган сувларнинг фильтранган қисмларини ҳамда ер остидан келаётган сувларни тортиб олганлиги учун тупроқ - грунт таркибидаги тузлар сизот сувларининг сатҳи ҳамда уларнинг минераллашганик даражаси чуқур қатламларгача аста-секин камайиб боради.

Тик зовурлардан чиқарилган сувларни сифатига қараб тўрли эҳтиёжларда ишлатиш мумкин. Минераллашганик даражаси жуда кам ($0,5\text{-}1$ г/л.) бўлганда аҳоли ва чорвани сув билан таъминлашда ҳамда қишлоқ хўжалик экинларни сугоришда ишлатиш мумкин, чиқарилган сув кучсиз, ўртacha ($3\text{-}6$ г/л.) минераллашган бўлса бундай сувларни қишлоқ хўжалик экин ларини сугоришда қўллаш учун маҳсус сугориш технологияси талаб қилинади.

Тик зовурлардан чиқарилган сувлар кучли минераллашган бўлганда, улар маҳсус тармоқлар орқали очиқ зовурларга ёки коллекторларга оқизилади.

Зовур тармоқлари илмий асосланган талаблар бўйича қурилганда ва тўғри фойдаланилганда улар доимо фаолият кўрсатиб, тупроқнинг сув ва туз режимларини тартибга тушириб, тупроқ унумдорлигини ошириб боради.

Аксинча, зовур тармоқлари сифатсиз қурилганда ва нотўғри фойдаланилганда уларнинг иш фаолияти бузилади, тез ишдан чиқади, тупроқда шўрланиш ва ботқоқланиш жараёни бошланади, натижада ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашади, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги кескин камайиб бораверади.



8.7.4.3-расм. Тик зовурнинг таъсир тизими:
А-сув чиқариб олишдан олдин; Б-сув чиқариб олишдан кейин.

8.7.5. Коллектор - зовур тармоқларидан фойдаланиши.

Суғориладиган дедқончилик шароитида коллектор-зовур тармоқларининг фаолияти илмий асосда ло-

йиҳалаштирилганлигига ва қурилиш сифатига ҳамда улардан тўғри фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Коллектор-зовур тармоқлари кўрсатилган талаблар бўйича қурилганда ва тўғри фойдаланилганда, улар доимо фаолият кўрсатиб тупроқнинг сув ва туз режимларини тартибга келтириб, унинг унумдорлигини ошириб боради.

Натижада мелиорация қилинган ерларда қишлоқ хўжалик экинларидан узлуксиз юқори, сифатли кафолагланган ҳосил олинади.

Аксинча коллектор-зовур тармоқлари илмий асоссиз лойиҳаланиб, сифатсиз қурилганда ва нотўғри фойдаланилганда уларнинг иш фаолияти бузилади, тез ишдан чиқади, тупроқда шўрланиш ва ботқоқланиш жараёни бошланади, оқибатда ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашади.

Коллектор-зовур тармоқларининг ишдан чиқишига куйидагилар сабаб бўлади:

1. Гидрологик шароитлар;
2. Иқлим шароитнинг ўзгариши;
3. Биологик омиллар;
4. Қурилиш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар;
5. Фойдаланиш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар.

Гидрологик шароитлар таъсирида, яъни суғориладиган далаларга экинларни суғориш ва ернинг шўрини ювиш учун меъёридан ортиқча сув бериш, шу туфайли сизот сувларини зовурларга кўплаб оқиб чиқиши, зовурларнинг лойиҳада кўрсатилган тартибини бузилишидир. Шу билан бирга зовурларга ер устидан оқар сувларни оқизиб қўйиш, ёпиқ зовурларнинг назорат қудуқларига лойка тўпланиб қолиш кабилар юз беради.

Коллектор-зовурлар тармоқларини биологик омиллар таъсирида иш жараёнининг пасайишига ўзанларини бегона ўтлар босиши сабаб бўлади. Бегона ўтлар коллектор-зовур тармоқларини туб қияликларини босиб олиши натижасида уларнинг жанли кесими қисқаради, нотекислик коэффициенти ортади, сув оқимининг тезлиги камаяди ва оқибатда зовурларнинг иш самардорлиги пасаяди.



8.7.5.1-расм.



8.7.5.2-расм.

8.7.5.1-расм. Ёпиқ зовур устидан ўқариқ олиш натижасида тупроқни чўкиши.

8.7.5.2-расм. Даладан сувни коллекторга нотўғри оқизиш оқибатида юз берган жарлик.



8.7.5.3-расм. Оқова сувларини коллекторга тушириш иншоатларининг бузилиши.

Коллектор-зовур тармоқларини қуриш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларга қўйидагилар киради:

1. Шағал-фільтр сифатининг ёмон бўлиши, яъни фільтр гранулометрик таркибининг кўзда тутилган меъёрларда бўлмаслиги;
2. Зовур қувурларининг ўзаро туташтиришда меъёрий ўлчамларга амал қилмаслик, яъни катта тирқишилар қолдирилиши;
3. Зовур чуқурларини қайта кўмишда тупроқнинг зичланганлиги;
4. Қувур ётқизиш машинаси юриб ўтадиган йўлнинг нотўғри лойиҳаланиши;
5. Назорат қудуқларини қуришда оғиз четлари синган бетон қувурлардан фойдаланиш.

Коллектор-зовур тармоқларидан фойдаланиш жараёнида йўл қўйиладиган камчиликлар қўйидагилардан иборат бўлади:

1. Мавжуд коллектор-зовур тармоқларини назорат қилиб бормаслик;
2. Коллектор ва очиқ зовурларни иш чуқурликларини ўз вақтида бегона ўтлардан, лойқалардан ва қулаб тушган жинслардан тозалаб турмаслик.

3. Тозалаш пайтида зовурларнинг коллекторга туташтириш иншоотларини бузилиши;
4. Коллектор иш чуқурлигини камайиши туфайли иншоотларнинг ёпилиб қолиши;
5. Коллектор ва очиқ зовурларни тозалашда лойиҳавий нишабликларга амал қилмаслик ва сифатсиз тозалаш;
6. Ёпиқ зовур қувурлари ётқизилган профилнинг еркости қисми бўйича ўқариқлар олиш натижасида тупроқнинг чўкиши (8.7.5.1-расм);
7. Коллектор-зовур тармоқлари ҳимоя тупроқларини кўчириш ёки уларни текислаб юбориш оқибатида сугориладиган далалардан сувнинг оқиб тушиши (8.7.5.2-расм);
8. Оқова сувлари тушириладиган иншоотларни бузилиши (8.7.5.3-расмлар);
9. Коллектор-зовурларда оқаётган сувлар йўлини тўсиб қўйиш, (дамбалар қилиш, йўл ўтказиш);
10. Коллектор-зовурлар бўйларида мол боқиши:

8.7.6. Коллектор-зовур тармоқларини таъмирлаш

Коллектор-зовур тармоқларининг мунтазам равишда узоқ муддат самарали ишлаши учун уларнинг бузилган жойлари ёки ишдан чиқиши мумкин бўлган қисмлари ўз вақтида таъмирланиб борилиши керак.

Таъмирлаш ишлари икки турга бўлинади - асосий (капитал) ва жорий таъмирлаш.

Таъмирлаш учун харажатлар 20% дан (зовурларнинг қурилиш қийматига нисбатан) кўп бўлганда асосий, 20% дан кам бўлганда эса жорий таъмирлаш ўтказилади.

Асосий таъмирлашда коллектор ва очиқ зовурлар лойқадан ва бегона ўтлардан экскаватор ёрдамида тозалаш билан унинг иш чуқурлиги тикланади, бузилган кузатув қудуқлари, туташтириш иншоотлари, ишдан чиққан қувурлар, ҳимоя уватлари қайтадан тикланади.

Жорий таъмирлашда кичик ҳажмли ишлар бажарилб, уларда коллектор ва очиқ зовурлар қирғоқларининг айрим жойларида кўчиб тушган тупроқлардан тозалаш, бегона ўтларни ўриб ташлаш ёки кимёвий кураш чораларини қўллаш, коллектор - зовурларни туташтирувчи оқова сувларини зовурларга туширувчи иншотларни таъмирлаш, ёпиқ зовурларнинг бузилган ҳимоя уватларини тиклаш ва ҳоказо ишлар бажарилади.

9. ШЎРҲОК ВА ШЎРҲОКСИМОН, ШЎРТОБ ВА ШЎРТОБЛИ, МЕЛИОРАЦИЯ ЖИХАТИДАН ОФИР ТУПРОҚЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Шўрҳок ва шўрҳоксимон, шўртоб ва шўртобли, гипсли, карбонатли тупроқлар Ўзбекистон Республикасининг текислик минтақасида, яъни Мирзачўл, Жиззах, Шеробод, Қарши, Ёзёвон чўлларида, Бухоро, Хоразм вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида кенг тарқалган.

Бундай тупроқлар оч тусли бўз, тақир ва тақирли, ўтлоқи - ботқоқ тупроқларнинг таркибида бўлиб, шўрланиш даражалари шўрланиш типлари ва тупроқ таркибида тузли қатламларнинг жойлашиш чуқурлиги билан бир - биридан фарқланади.

Шўрҳоксимон тупроқларнинг таркибида 0,3 - 2,0% гача сувда эрийдиган тузлар бўлиб, тузли қатлам ер юзасидан 30-50 см дан 70-150 см гача чуқурликдан бошлилади.

Шўрҳок тупроқларнинг таркибида эса 2-3% дан кўп миқдорда тузлар бўлиб, улар ернинг юзасидан сизот сувларигача бўлган қатламларда тарқалган бўлади. Шунингдек, шўрҳоксимон ва шўрҳок тупроқлар таркибида мелиорация жихатидан оғир бўлган гипсли, карбонатли, тупроқнинг тузилиши турли механик таркибли оғир сувфизик хоссалари ўта ноқулай тупроқлар ҳам учрайди.

Булардан ташқари, алоҳида шўр тупроқлар гуруҳига кирадиган шўртоб ва шўртобли (тупроқнинг сингди-

рұвчи комплекси 5-20,5 мг/экв ва ундан ортиқ натрий бўлган тупроқлар) тупроқлар ҳам мавжуд.

Юқорида келтирилган шўр тупроқлар бир-биридан тупроқнинг тузилиши, механик таркиблари, сув-физик хоссалари, шўрланиш даражалари, тузларнинг таркиблари ва бошқа ҳусусиятлари билан фарқланади.

Шунинг учун ҳар бир шўр тупроқларни ўзлаштиришда уларнинг ўзига хос ҳусусиятларини хисобга олиш керак.

Бундай ҳусусиятларга шўр тупроқлар тарқалган жойнинг иқлими, рельефи, тупроқ шароитлари, сизот сувлар режими уларнинг минераллашганлиги, оқимийлиги, босимли, босимсизлиги киради.

Ҳар қандай шароитда ҳам тупроқларни ўзлаштириш учун бир қанча тадқиқот ишлари ўтказилади. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ерлар мелиоратив минтақа, мелиоратив минтақачалар ва гидромодуль ҳудудларга бўлиб чиқилади.

Ўзлаштириш тадбирлари гидромелиорация ва агромелиорация тадбирлар мажмуасидан иборат бўлади.

Ўзлаштириладиган ерларда дастлаб гидромелиорация тадбирлари, кейин эса агромелиорация тадбирлари ўтказилади.

Гидромелиорация тадбирлари ўзлаштирилаётган ерларни зовурлаштириш ва суғориш тармоқларини барпо этиш учун тадқиқот ишларини ўтказиш, гидротехник иншоатларни лойиҳалаштириш ва қуриш, ер тузиш ишларини амалга ошириш кабиларни ўз ичига олади.

Агромелиоратив тадбирлар эса ерга ишлов бериш, чуқур юмшатиш, шўр ювиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, дастлабки ўзлаштириш экинларини танлаш ва жойлаштириш, утарни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, маҳсус мелиоратив алмашлаб экиш тизимини қўллаш тадбирларидан иборат бўлади.

Маълумки, суғориладиган шўр ерларда зовурларнинг вазифаси тупроқ-грунт таркибидаги ортиқча тузларни ва

сизот сувларни тортиб олиш ҳамда уларни далалардан ташқарига чиқариб юборишdir.

Бунинг учун ернинг рельефи, геологик, гидрогеологик, литологик шароитлари ва тупроқ- грунтнинг механик таркиби, шўрланиш даражаси, типи, тузли қатламларнинг жойлашиш чуқурлиги ҳисобга олинган ҳолда зовурларнинг тури, чуқурлиги, зовурлар орасидаги ма-софа танлаб жойлаштирилади.

Сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган, кучли минераллашган, кучли шўрланган, шўрхок, механик таркиби оғир тупроқларда зовурлар миқдори кўп бўлади (55-85 п/м/га), аксинча, сизот сувлари чуқур жойлашган, кам минераллашган, ўртача ва кучсиз шўрланган механик таркиби енгил тупроқларда уларнинг миқдори кам (25-50 п/м/га) бўлади.

Шўр тупроқларни қисқа муддатда қишлоқ хўжалик оборотига киритиш учун зовурлаштирилган шароитда шўр ювишнинг аҳамияти жуда каттадир. Шўр ерларни ўзлаштиришда шўр ювишнинг З хил усулидан фойдаланиш мақсадта мувофиқдир.

1.Кучсиз ва ўртача шўрланган ерларни зовурлаштирилган шароитда кузги-қишиқи шўрини ювиш усули билан ўзлаштириш.

2.Зовурлаштирилган шароитда шоли экиб шўрини ювиш усули билан ўзлаштириш.

3.Жадал зовурлаштирилиб шўрини ювиш усули билан ўзлаштириш.

9.1. Кучсиз ва ўртача шўрланган ерларни зовурлаштирилган шароитда кузги - қишиқи шўр ювиш усули билин ўзлаштириш.

Зовурлаштирилган шароитда кузги-қишиқи шўр ювиш йўли билан шўр ерларни ўзлаштириш усули, асосан, сизот сувлари табиий яхши оқимга эга бўлган кучсиз ва ўрта минераллашган, кам ва ўртача шўрланган тузларнинг таркиби анионлар бўйича хлоридли, сульфат-хлоридли, катионлар бўйича натрийли, магний-натрийли тупроқнинг механик таркиби енгил ва ўрта, унинг тузи-

лиш чуқурлиги бўйича бир хил бўлган шароитларда қўлланилади.

Бундай ерларни ўзлаштиришда (9.1.1 жадвал) дастлаб маҳсус лойиҳа асосида ер асосий (капитал) текисланади, кейин лойиҳа асосида зовурлаштирилади, яъни зовурларнинг бирор типи (очиқ, ёпиқ ёки тик зовурлар) ёки уларнинг аралаш типлари қўлланилади.

Бунда очиқ ва ёпиқ зовурларнинг ўртача йиллик сув оқим модули 0,15-0,5 л/с га.дан кам бўлмаслиги керак.

Кузда ер 30 см. чуқурликда шудгорланади ва бороналанаб шўр ювиш эгатлар ёки чеклар ҳамда вақтинчалик суфориш тармоқлари олинади.

Кучсиз шўрланган ерларда шўр ювиш учун эгатлар ўртача шўрланган ерларда чеклар олинади. Бунда чекларнинг катталиги тупроқнинг механик таркиби ва даланинг нишаблигига қараб 0,05-0,25 гектар бўлиши керак.

Чеклар КЗУ 0,3В, ПР - 0,5 маркали чек олгичлар ёрдамида олинади.

Юқорида кўрсатилган меъёрларда ва муддатларда шўр ювилганда шўр ювишдан кейинги ерни экинга тайёрлаш тадбирларини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш имконияти бўлади ҳамда тупроқда тузларнинг қайта тўпланиш жараёни сусаяди.

Шўр ювилган ерларда эрта баҳорда тупроқ намлиги етилиши билан тупроқнинг чегаравий нам сифимига нисбатан (70% га етганда) экин экиш учун ерга ишлов бериш тадбирлари ўтказилади. (9.1.1. Жадвал.)

9.1.1 жадвал

Кучсиз ва ўртача шўрланган ерларни зовурлаштирилган шароитда кузги-қишиқи ювиш йўли билан ўзлаштириш тадбирлари

№	Тадбирлар	Ўтказиш муддати	Изоҳ
1.	Ер текислаш	Март - май	
2.	Суғориш ва коллектор-зовур тармоқларини қуриш	Март-октябр	
3.	Шудгор	Октябр-ноябр	
4.	Жорий текислаш	Октябр-ноябр	
5.	Чек ёки эгат олиш	Ноябр	
6.	Вақтинчалик суғориш тармоқларини силиш.	Ноябр	30-40 г/га. гўнг, фосфюрили ўғитлар нинг 70% (йиллик меъёрга нисбатан) солинади.
7.	Шўр ювиш.	ноябр-декабр	
8.	Жорий текислаш	март	
9.	Минерал ва органик ўғитлаш	март	
10.	Чизеллаш, бороналаш	1 - 10 апрел	Шўрланиш даражалари бўйича экин турлари танланади.
11.	Экиш	1 - 10 апрел	

9.1.2 жадвал

Кучсиз ва ўртача шўрланган ерларни ўзлаштиришда тавсия қилинадиган шўр ювиш меъёри, сони ва муддатлари

Тунроқ-нинг механик таркиби	100 см. қатламда хлор иони%	Умумий шўр ювиш меъёри м ³ /га	Шўр ювиш сони	Бир галги шўр ювиш меъёри	Шўр ювиш муддати
Енги	0,01-0,035	2000-3000	1 - 2	1500-2000	Феврал-март
Ўртача	0,01-0,035	3000-4000	2 - 3	1500-2000	Декабр-март
Оғир	0,01-0,035	4000-6000	3 - 4	1500-2000	Декабр-феврал
Енгил	0,035-0,070	3000-4000	2 - 3	1500-2000	Декабр-март
Ўртача	0,035-0,070	4000-6000	3 - 4	1500-2000	Ноябр-декабр-феврал
Оғир	0,035-0,070	6000-8000	4 - 5	1500-2000	Ноябр-декабр-март

Янги ўзлаштирилган кучсиз ва ўрта шўрланган ерларниң шўри ювилгандан кейин уларга дастлабки ўзлаштириш экинлари (9.1.3. жадвал) экиласди. Бунда экинлар туз таъсирига чидамли, тупроқ унумдорлигига камтирадиган ва туз тўпланишини олдини оладиган экинлар экилиши керак. Бундай экинларга ғўза, беда, дуккакли дон ва фалла - донли экинлар киради.

9.1.3-жадвал

Янги ўзлаштирилган кучсиз ва ўртача шўрланган ерларни шўри ювилганидан кейин тавсия қилинадиган дастлабки экин турлари ва кейинги алмашлаб экиш тизими

Шўрланниш дара-жаси	Тур-ла-ри	Дастлабки экинлар					Алмашлаб экиш тизим лари
		1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	
Кучсиз шўрланган	1	1-йилги беда	2-йилги беда	3-йилги беда	Ғўза	Ғўза	3 : 5
	2	Соя+ ёзги 1-йил беда	2-йилги беда	3-йилги беда	Ғўза	Ғўза	3 : 5
	3	Соя+соя кўкат ўғити учун+кузги фалла экинлари	Кузги фалла экинла-Ри+такрорий экинлар (дукак Ли дон)	Ғўза	Ғўза	Кузги фалла экинла-ри+так рорий экинлар	1 : 2
Ўртача шўрланган	1	Ғўза	1-йил беда	2-йил беда	3-йил беда	Ғўза	3 : 4
	2	Баҳорги фалла экинлари+ такрорий экинлар (макажӯфори) + Оралиқ экинлар (рапс, перко жавдар)	Оралиқ экин-Лари + такро-рий экинлар(д уккакли дон)	1-йил беда	2-йил беда	3-йил беда	3 : 4
	3	Баҳорги фалла + такрорий экин + оралиқ экинлари	Оралиқ экин-лари+ такро-рий экинлар (дуккакли дон)	Ғўза	Ғўза + Кузги фалла экинлар	Кузги фалла экинлар + такрорий экинлар (дуккакли дон)	1 : 2

Кучсиз шўрланган ерларга ўзлаштиришнинг биринчи йилидан бошлаб беда экиш ва уч йиллик бедадан кейин эса 4-5 йил давомида ғўза ва фалла донли экинларни экиш мумкин.

Иккинчи вариантда баҳорда дон учун соя экиш мумкин. Маълумки, соя дуккакли дон экинлар таркибига кириб серҳосил (30-40 ц/га дон, 350- 450 ц/га кўк масса) биологик азот тўпловчи экиндир. Соя қатор оралигига ишлов бериладиган экин бўлганлиги туфайли ёзда экиладиган беда учун яхши шароит вужудга келтиради ва бедадан тўлиқ кўчат олиниб З йил давомида мўл ҳосил беради.

Юқорида келтирилган биринчи ва иккинчи гурӯҳ экинларида алмашлаб экиш тизими 3:5, яъни 8 далали бўлиб, бир далада З йил беда ва 5 йил ғўза экилади.

Учинчи гурӯҳда эса ердан жадал фойдаланиб, бир йил давомида 2-марта ҳосил олиш ва тупроқ унумдорлигини такрорий бир йиллик дуккаклидон экинлар ҳисобига ошириш кўзда тутилади.

Бунда қисқа ротацияли 1:2 тизимли З далали, яъни бир далада бир йил давомида фалла экинлари ва дуккакли дон экинлари, қолган икки далада эса 2 йил ғўза экиш кўзда тутилади.

Ўртача шўрланган ерларда шўр ювиш меъёри катта бўлиши, бедага озиқа моддаларнинг кўпроқ ювилиши, ҳайдалма қатлам остининг кўпроқ зичланиши ҳамда табиий туз тўпланиш жараёнининг юқорилиги туфайли дастлабки ўзлаштириш экинлари ғўза ёки баҳорги фалла экинлар бўлгани маъқул. Чунки бу экинлар дуккакли экинларга нисбатан туз таъсирига анча чидамли. Шунинг учун ўзлаштиришнинг 1-, 2- йилларида шўрга чидамли экинлар З- ва ундан кейинги йилларда эса дуккакли экинларни экиш мумкин. Бундан ташқари тупроқ унумдорлигини узлуксиз ошириб бориш мақсадида қисқа ротацияли 3:4 беда: ғўза ва фалла-донли, дуккакли-донли экинлар иштирок этадиган 1:2 тизимли алмашлаб экишлар қўлланилади

Кучсиз ва ўртача шўрланган ерлардаги юқорида кўрсатилган алмашлаб экиш тизимларидағи экинларга қўшимча сабзавот полиз, ем - хашак экинларини ҳам киритиш мумкин. Лекин экинлар таркибининг 30-40 % ни дуккакли экинлар ташкил қилгани маъқул.

9.2 Кучли шўрланган ва шурҳок тупроқларни жадал зовурлаштирилган шароитда шоли экиб шўрини ювиш усули билан ўзлаштириш.

анионлар бўйича, хлорид сульфатли, сульфатли, карбонат-сульфатли, катионлар бўйига эса калций-натрийли, калций-магнийли, магний-кальцийли, тупроқнинг литологик тузилиши ва механик таркиби ҳар хил, унинг сув ўтказиш коиффиценти 0,05-0,1 м/сут дан кам бўлмаган жадал зовурлаштирилган (чуқур доимий ва муваққат зовурлар таъсирида фильтрация тезлиги 0,005 м/сут дан кўп бўлган) сизот сувлари табиий оқимили, 3-4 м чуқурликда жойлашган, шўр ювиш ёки шоли етиштириш давомида уларнинг кўтарилиши 0,20 - 0, 60 м ошмайдиган шароитда қўлланилади.

Бундай тупроқлар Мирзачўл, Қарши, Шеробод, Ёзёвон чўлларида, Бухоро, Навоий вилоятларининг чўл ҳудудларида ва Амударёнинг қуи оқимида кенг тарқалган.

Шоли экиб шўрини ювиш усулида жуда кўп (15-25 минг м³/га) сув ва узоқ муддат (шолининг вегетация даври) талаб қилинади.

Чунки тупроқ-грунт таркибида катта миқдорда (1,5 - 3 % қуруқ қолдиқ бўйича) тузлар бўлиб, улар асосан сувда кам эрувчандир.

Аммо тупроқ - грунт қатламларининг тузилиши, механик таркиби, сизот сувларнинг табиий оқимлилиги, жадал зовурларнинг таъсири ва вегетация давридаги юқори ҳаво, тупроқ, сув хароратлари тузларни жадал эришига сабабчи бўлади. Шунинг учун шоли экиб шўр ювиш усулида, биринчидан тупроқ-грунт қатламла-

Ёзда шоли экиб шўрини ювиш усули, асосан, кучли шўрланган ва шурҳок тупроқларда, тузларнинг таркиби


ридаги тузлар доимий зовур чуқурлилигача (3-3,5м) бўлган масофада тўлиқ ювилади, иккинчидан шу йилнинг ўзида маълум миқдорда (2-4 т/га) шоли ҳосили олиниб, мелиорация ва жорий ҳаражатларни маълум миқдорда қоплаш имкониятини беради.

Шоли экиб шўр ювишни икки тартибда амалга ошириш мумкин:

1.Оқова сувини чиқариш йўли билан


2.Оқова сувини чиқармасдан

Оқова сувини чиқариш йўли билан шоли экиб шўрини ювиш асосан механик таркиб оғир ва шўрхок тупроқларда (9.2.1, 9.2.2-расм).



9.2.1-расм. Шоли экиб шўр ювиш.

1,2- ўқариқлар; 3- чек марзалари; 4-чекларга ўқариқдан сув бериш жойи; 5-коллектор; 6- ёпиқ зовур.



9.2.2-расм. Жадал зовурлаштирил-ган шароитда шоли экиб шўр ювиш.

1-очик зовур; 2-коллектор; 3,4-шоли экиладиган майдон; 5-вақтингалик зовурлар; 6-чек билан вақтингалик зовур оралиғидаги ҳимоя майдони; 7-ўқариқ.

Оқова сувини чиқармасдан ҳар бир чекка алоҳида сув бериш йўли билан шоли экиб шўрини ювиш тупроқнинг механик таркиби ўрта ва кучли шўрланган тупроқларда (9.2.2. расм) ўтказилади.

Кучли шўрланган ва шўрҳок тупроқларда шоли етишириш технологияси шўрланмаган тупроқлардаги технологияга нисбатан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиласди. Кучли шўрланган ва шўрҳок тупроқларда дастлаб ер чуқур юмшатилади (50-80 см), шудгорланади (30 см), жорий текисланиб муваққат зовурлар, суғориш гармоқлари ва чеклар олинади.

Маълумки, шоли туз таъсирига ўртacha чидамли экинлар таркибига киради. Шунинг учун уни тўғридан-тўғри кучли шўрланган ва шўрҳок ерларга экиб бўлмайди. Чунки бундай ерларга сув кўйилиши билан чеклардаги сувнинг минералланиш даражаси 3-7 г/л дан ошиб кетади. Ваҳоланки, шоли экилган чеклардаги сувнинг

минераллашганлик даражаси 0,4-1,5 г/л бўлганда нормал ўсиб, ривожланади ва мўл ҳосил беради.

Кучли шўрланган ва шўрҳок түпроқларга шоли экиш учун олдин улар кузда ёки эрта баҳорда тупроқнинг 10-15 см қатламидаги тузларни ювиш учун 2500-3000 м³/га сув билан шўр ювилади.

9.2.1-жадвал.

Шоли экиб шўр ювишнинг самарадорлиги (ЎзПИТИ ва ВНИИГИМ маълумотлари).

Угуллари	сугориш- меъёри, м ³ /га	оқова м ³ /га	буғлани ш м ³ /га	Зовурлар оқими, м ³ /га	шўри ювилган қатлам,м	тўлик
1 Оқовасиз шоли экиб шўр ювиш	36000		12000	23700	0,9	
2 Оқова чиқариб шоли экиш билан шўр ювиш	25800	2000	12000	8000	1,5	
3. 2 сингари	36200	3600			1,5	

Ер етилиши билан катта далаларда бўйлама чеклар қолдирилиб, кўндаланг чеклар бузилиб ер такроран текисланади, чизель-борона қилинади ва сеелка ёрдамида экилади. Кичик майдонларда эса чекларни бузмасдан қўл билан экиш мумкин. Шоли экилган майдонларда чекларга сувни тўғри тақсимлаш ва чеклардаги сувнинг баландлигини бир меъёрда сақлаб туриш муҳимдир. Сувни чекдан-чекка ўтказиш учун сопол ёки пластмасса қувурлардан фойдаланиш яхши натижা беради.

Чеклардаги сувнинг баландлиги шолининг ўсув фазаларига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради.

Шолини экишдан найчалаш фазасигача чекдаги сувнинг қалинлиги 5 см, найчалашдан тики тўлик пишиш фазасигача эса 10-15 см бўлгани маъқул.

Шолини вегетация давомида 2-3 марта азот ва фосфорли ўғитлар билан озиқлантириш талаб қилинади.

Бунда ҳар галги озиқлантириш микдори 80-100 кг/га (соф ҳолда) дан кам бўлмаслиги керак.

Шоли экиб шўр ювиш усули ЎзПИТИ, САНИИРИ, ВНИИГиМ ва бошқа тадқиқот муассасалари томонидан

ўрганилган. Масалан, Мирзачўлнинг турли тупроқ шароитларида ўтказилган тажриба бу усулнинг самарали эканлигини кўрсатди (9.2.1 жадвал).

9.3. Мелиорация жиҳатидан оғир тупроқларни ўзлаштириши.

Мелиоратив жиҳатдан оғир тупроқлар таркибига шўрҳок тақир, тақир гипсли, карбонатли тупроқлар киради.

Бу тупроқларнинг умумий хусусиятлари шундан иборатки, уларда асосан, тупроқ - грунтининг литологик тузилиши турлича, механик таркиби оғир, жуда зичлашган (тупроқнинг ҳажмий массаси $1,60\text{-}1,85 \text{ т}/\text{м}^3$) сувфизик ҳоссалари ўта ноқулай (фильтрация коэффициенти $K_f=0,01 \text{ м}/\text{сут}$ дан кичик), сизот сувлари табиий оқимсиз, жуда кучли минераллашган ($20\text{-}50 \text{ г}/\text{л}$), гипсли ва карбонатли тупроқлар таркибида гипс, карбонат миқдори $10\text{-}40\%$, гипсли, карбонатли қатламнинг жойлашиш чуқурлиги $20\text{-}200 \text{ см}$, қатлам қалинлиги $20\text{-}100 \text{ см}$, гипс ва карбонат заррачаларининг катталиги $0,1\text{-}100 \text{ мм}$ дан иборат бўлади. Гипсли ва карбонатли қатламлар юмшоқ ёки жисплашган ўта зичлашгандир. Шунинг учун бундай қатламга эга бўлган тупроқларда сувнинг фильтрланиши жуда пастdir.

Мелиорация жиҳатидан оғир тупроқларни ўзлаштиришда ҳам юқорида кўрсатилган гидромелиоратив (ерни асосий текислаш, зовурлаштириш, суғориш тармоқларини барпо қилиш ва сув таъминоти ва агромелиоратив (ерни шудгорлаш, шўр ювиш, дастлабки экинлар экиш ва маҳсус алмашлаб экиш тизимларини жорий этиш) тадбирлари ўтказилади.

Лекин, бундай тупроқларнинг ўзига хос хусусияталари мавжуд.

Масалан, мелиорация жиҳатидан оғир тупроқларда доимий зовурларнинг ҳажми кўпайтирилади.


Ёлиқ доимий зовурлар орасидаги масофа $70\text{-}100 \text{ м}$, уларнинг чуқурлиги $3\text{-}3,5 \text{ м}$.ни ташкил қиласиди. Шунингдек, бундай ерларни ўзлаштиришда доимий чуқур зо-

вурларга қўшимча муваққат (вақтинчалик) саёз зовурлар ҳам барпо қилинади.

9.3.1. Тупроқни чуқур юмшатиши ва муваққат зовурлардан фойдаланиш


мидаги тузларни жадал тортиб олишдир. Муваққат зовурлар Д-267А, Д716, КМ-800 маркали агрегатлар ёрдамида чуқурлиги 1-1,2 м, зовурлар оралиғидаги масофа 30-40 м, зовурлар узунлиги эса 400-500 м да олинади. Муваққат зовурлар даланинг нишаблиги бўйига ёпиқ доимий зовурларга бўйлама ҳолда жойлаштирилади ва улар муваққат сув йиғиштиргич зовур орқали доимий очиқ зовурларга ёки коллекторларга туаштирилади. Муваққат зовурларни очиш натижасида пайдо бўлган марзалар (баландлиги 0,6-0,9 м, кенглиги 1,5-1,7м) шўр ювишда бўйлама чеклар вазифасини баражади. Ернинг нишаблиги ва тупроқнинг механик таркибиغا қараб бўйлама марзалар ҳар 10-25 м да булдозер ёрдамида чеклар ҳосил қилинади.

Агар муваққат зовурларнинг орасидаги масофа 40 м бўлса, шўр ювиш чеклари ўлчамини қисқартириш учун ўртасидан бўйлама марза олинади. (9.3.1-9.3.2-расм).



9.3.1-расм. Шўр ювиш давомида фильтранган сувнинг муваққат ва доимий зовурлар томон оқиши:

1-муваққат зовур; 2-доимий зовур; 3,4-зовурларга қараб сувнинг фильтрланиши.



9.3.2-расм. Муваққат зовурлар ва чекларни жойлаштириш:

1-коллектор; 2-муваққат зовурлардан чиқаётган сувни йиғишириб олиш тармоғи; 3-чуқур доимий зовур; 4-чек марказлари; 5-чекларга сув ўтказиши йўли; 6-зовурнинг ҳимоя майдони; 7-муваққат зовур; 8-сугориш тармоғидан сувни очиш йўли; 9-вактинчалик сугориш тармоғи; 10-муваққат зовурлардан чиқаётган сувни очиқ коллекторга оқизиши йўли.

Мелиорация жиҳатидан оғир тупроқларни ўзлаштиришда муваққат зовурларни олишдан олдин ерни чуқур юмшатиш (50-80 см) ва тилмалаш (щелования 1-1,2 м) тадбирлари ўтказилади. Бу тадбирлар РН-805, ГР-2,8, ГРН-1,2 маркали агрегатлар ёрдамида амалга оширилади. Бу тадбирлар сувни ўтказмайдиган қаттиқ гипсли ва карбонатли ёки зич гилли қатламларни бузиш учун қўлланилади. Қаттиқ зич қатламларнинг бузилиши эвазига сувнинг юқоридан пастга ва ён томонларга қараб ҳаракатланиши тезлашади. Натижада тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 2-2,5 баробарга ошади, унинг зичлиги эса 1,30 - 1,35 г/см³ гача камаяди. Тупроқдаги сувда эрийдиган тузлар ювилади (9.3.1 жадвал) ва ер қисқа муддатда қишлоқ хўжалик оборотига киритилади.

9.3.1-жадвал

Мелиорация жиҳатдан оғир тупроқни ўзлаширишда мувакқат зовурлар ва ерни чуқур юмшатишнинг мелиоратив аҳамияти
(Н.Ф. Беспалов ва У.Норқулов маълумотлари)

Минтақа	Вариант	Шўр ювиш меъёри	Шўр ювишнинг давомийлиги, кун	Шўр ювиш коэффициенти, кг.м ³ (қуруқ қолдиқ бўйича 0-100 см).
Мирзачўл	1	13456	76	1,40
	2	12974	50	3,37
Қаршичўл	1	13500	90	9,9
	2	12000	55	14,6

Эслатма: 1. Оддий шудгорланган шароитда шўр ювиш. 2. Мувакқат зовур ва чуқур юмшатилган шароитда шўр ювиш.

9.3.2 Кимёвий ва органик моддалардан фойдаланиши.

Мелиорация жиҳатидан оғир тупроқларни ўзлаширишда мувакқат зовур ва

ерни чуқур юмшатиш тадбирларидан ташқари тупроқнинг сув физик, кимёвий, биологик хоссаларини яхшиловчи кимёвий ва органик моддаларни қўллаш ҳам яхши натижа беради.

Кимёвий мелиорантлардан полиакриламид (П.А.А серия К, К-4, К-9) ва лигнин моддаларидан фойдаланилади.

Полиакриламид тупроқ донадорлигини вужудга келтирувчи (тупроқни 5см қатламида 50-70% гача) сунъий кимёвий моддадир. Лигнин эса гидролиз саноатининг чиқиндиси бўлиб, таркибида 0,18% азот 0,26% фосфор ва 0,02% калий 3% темир, 0,4 % марганец, 0,06% мис, 0,3% цинк ва 0,01% ванадий элементлар ҳамда 0,40-3,0% кислоталар мавжуд. Улар тупроқнинг сув физик, кимёвий ва биологик хоссаларини яхшилашда катта аҳамиятга эга.

9.3.2.1-жадвал

Мелиорация жиҳатдан оғир тупроқларни ўзлаштиришида кимёвий ва органик мелиорантларнинг самарадорлиги.(Н.Ф. Беспалов. А.В. Шуравилин маълумотлари)

Тадбирлар	Шўр ювиш нормаси, м ³ га	Шўр ювишнинг давомийлиги, кун	Шўр ювиш коэффициенти, м ³ /кг.
1. Шудгор	13456	76	1,40
2. Чуқур юмшатиш + меваққат зовурлар + 30т./га гўнг	12000	63	13,2
3. Чуқур юмшатиш+ меваққат зовурлар + 30т./га лигнин	12000	64	12,3
4. 3. Чуқур юмшатиш+ меваққат зовурлар + 30т./га К - 9	12000	66	11,6

Гўнг, лигнин ва полиакриламидлар таркибидаги моддалар гипс ва карбонатларни парчалайди, тузларни нейтраллаб, эриш жараёнини тезлаштиради, тупроқ таркибида карбонат гидрит газини кўпайтиради.

Натижада шўр ювиш давомийлиги қисқаради, шўр ювиш коэффициенти ошади, тупроқнинг чуқур қатламларигача шўрсизланади ва тузларнинг тўпланиш жараёни кескин пасаяди.

Мелиорация жиҳатидан оғир тупроқларни ўзлаштиришда, асосан, К-9 препарати кенг қўлланилади.

Бу препарат шўр ювишдан олдин шудгор қилиш ва чуқур юмшатиш тадбирларидан кейин ер юзасига 3% ли эритма сифатида гектарига 125-250 кг меъёрда агрегати ёрдамида солинади.

Лигнин ҳам шўр ювишдан олдин шудгор ва чуқур юмшатилган ер устига солинади.

Лигнинни солиши меъёрида қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$A=13 \alpha \bullet 3 \text{ ёки } A=10+0.375 H \cdot E \text{ тс}$$

Бунда: А-Лигнин меъёри т/га
 а-тузлари ажралиш кўрсаткичи
 (В.Р. Волобуевнинг формуласидаги “ α “ бўйича).
 Н-шўр ёки гипсли карбонатли қатламларнинг
 қалинлиги, см
 Ет.с- заарли тузларнинг миқдори. %

Тупроқнинг 1 м. қатламида тузларнинг ажралиш кўрсатгичи “ α “ га боғлиқ ҳолда лигнин солиш меъёри 9.3.-2.2 жадвалида келтирилган.

9.3.2.2-жадвал

Тузларнинг ажралиш кўрсатгичи “ α “ боғлиқ ҳолда лигнин солиш меъёри (О.Рамазанов маълумотлари)

" α " кўрсаткичи	.Лигнин меъёри т./га	" α " кўрсаткичи	.Лигнин меъёри
1,1	11,3	1,9	21,7
1,2	12,6	2,1	24,3
1,3	13,9	2,4	28,2
1,4	15,2	2,7	32,1
1,5	16,2	2,8	33,8
1,6	18,4	3,0	36,0
1,7	19,1	3,3	40,0
1,8	20,4		

Шўртоб ва шўртобли тупроқларни ўзлаштириш.

Шўртоб ва шўртобли тупроқлар, асосан, намгарчиллик кўп бўладиган минтақаларда тарқалган. Лекин Ўзбекистон худудида ҳам кам миқдорда учраб туради. Бундай тупроқлар Қарши, Шеробод чўлларида, Бухоро вилоятида ва Қорақалпоғистонда учрайди.

Маълумки, шўртоб ва шўртобли тупроқларнинг сингдирувчи комплексида жуда кўп миқдорда натрий бўлади (кам шўртобли 0-10%, шўртобли -10-20 %, шўртобли -

Шўртоб ва шўртобли тупроқлар, асосан, намгарчиллик кўп бўладиган минтақаларда тарқалган. Лекин Ўзбекистон худудида ҳам кам миқдорда учраб туради. Бундай тупроқлар Қарши, Шеробод чўлларида, Бухоро вилоятида ва Қорақалпоғистонда учрайди.

20% дан кўп). Шунинг учун бундай тупроқлар бир қанча ноқулай хоссаларга эга: тупроқ эритмаси ишқорий реакция беради, зичлиги жуда юқори сувни жуда кам ўтказади, таркибидаги сувда эрийдиган тузлар кўп, шудор қилинганда палахса хосил бўлади.

Шўртоб ва шўртобли тупроқларни ўзлаштиришда ҳам юқорида кўрсатилганидек гидротехник ва агромелиоратив тадбирлар мажмусидан фойдаланилади. Лекин шўртоб ва шўртобли тупроқларни ўзлаштиришда дастлаб тупроқнинг сингдирувчи комплексидаги ортиқча натрийни чиқаришга мўлжалланган **кимёвий** тадбирлар ўтказилади.

Кимёвий мелиорацияда ерга гипс ёки оҳак солинади. Бунда тупроқнинг сингдирувчи комплексидаги Na билан Ca ўзаро алмашиниш реакциясига киришади, натижада кальций карбонат ва натрий сульфат тузлари ҳосил бўлади. Бу тузлар шўр ювиш таъсирида осонгина тупроқдан ювилади.

Шўртобли тупроқларни ўз таркибидаги кальций заҳирлари ҳисобига ҳам ўзлаштириш мумкин.

Бунда шўртобли қатлам остида жойлашган кальций карбонат ёки калций сульфат (гипс) қатламлари маҳсус қуроллар билан (чуқур ағдарилиб) аралаштирилади. Натижада кальций натрий билан аралашиб уларнинг сув физик хоссалари яхшиланади.

9.3.3. Мелиоратив жиҳатдан оғир тупроқларни ўзлаштиришда экиладиган дастлабки экинлар ва алмашлаб экиш тизими.

Мелиорация жиҳатдан оғир тупроқларни жадал зовурлаштириш, (чуқур доимий ва саёз муваққат зовур) чуқур юмшатиш ва тилмалаш, кимёвий ҳамда органик моддалар солиши йўли билан биргаликда шўрини ювиш налижасида тупроқ таркибидаги тузлар қисқа вақт ичida (1-1,5 ой) шўрҳок ва кучли шўрланиш даражасидан (ўзлаштиришдан олдин) ўртача ва шўрланиш даражасигача камайиши (шўр ювилгандан кейин) мумкин. Уларни тўлиқ массив ёки айрим дала бўйича кучсиз шўрланиш даражагача камайтириш учун 3-4 ой даво-

юмшатиш ва тилмалаш, кимёвий ҳамда органик моддалар солиши йўли билан биргаликда шўрини ювиш налижасида тупроқ таркибидаги тузлар қисқа вақт ичida (1-1,5 ой) шўрҳок ва кучли шўрланиш даражасидан (ўзлаштиришдан олдин) ўртача ва шўрланиш даражасигача камайиши (шўр ювилгандан кейин) мумкин. Уларни тўлиқ массив ёки айрим дала бўйича кучсиз шўрланиш даражагача камайтириш учун 3-4 ой даво-

мида ювиш талаб қилинади. Чунки тупроқ таркибидаги $\text{Ca SO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ CaCO_3 , Na_2SO_4 , MgSO_4 тузларининг эриш хусусиятлари жуда пастдир, шунингдек бундай ерларда кучли минераллашган сизот сувларининг доимо ер юзасига яқин (1,5-2м) жойлашиши туфайли қайта шўрланишга ўта мойилдир.

Шунинг учун бундай ерлардан ўзлаштиришнинг биринчи йилидаёқ экин экиб фойдаланиш узоқ муддат шўрини ювишга нисбатан анча афзалликларга эга. Масалан, туз таъсирига чидамли бўлған жўхори, кунгабоқар экинлари ўртacha шўрланган табиий унумдорлиги кам бўлган ерларда талаб қилинган агротехник тадбирлар (нав ва уруғ танлаш, сугориш, минерал ва органик моддалар билан озиқлантириш, культивация каби) ўз вақтида сифатли қилиб ўtkазилганда мўл ҳосил олиш мумкин (кунгабоқар-236-370ц/га, жўхори-285-385 ц/га). Шунингдек, уларни сугориш натижасида тузларнинг ювилиши, илдиз массаси ва ер усти қисмларининг тупроқда қолиши туфайли тупроқ унумдорлигини ошиб бориши жуда кўп илмий тадқиқотлар билан исботланган (Ч.Рабочев, Н.Беспалов, О.Рамазанов, А.Морозов, Г.Решетов, И.Киселева, В.Кабаев, К.Абдуразаков, У.Норқулов). Н.Ф.Беспалов ва унинг шогирдлари Мирзачўлда ўтказилган тажрибаларга асосланиб (9.3.3.1.жадвал) мелиорация жиҳатидан оғир тупроқларни асосий шўри ювилгандан кейин биринчи йили баҳорда кунгабоқар, жўхори экинларини, кузда тритикале, перко, жавдар, иккинчи йил тритикале, перко, баҳорда эса такрорий экин сифатида макка жўхори, учинчи йилда эса ғўза экиш юқори самара беришини кўрсатди.

Бунда заарли тузларнинг З йил давомида 0,282-0,298% дан 0,216-0,223% гача камайганлиги, экинларнинг ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб бориши ва З йилда эса ушбу экинлардан кейин экилган ғўзанинг ҳосилдорлиги ғўза монокультурасига нисбатан 4,2-6.1 ц/га юқори бўлишини, шунингдек ғўза монокультурасида ҳар йилги жорий шўр ювиш тадбирини ўтка-

зилишига қарамасдан ($3000 \text{ м}^3/\text{га}$) кузда баҳорги ҳолатига нисбатан туз түпланиши кузатилган.

Жўхори, кунгабоқар, тритикале, перко, маккажўхори экинлари навбат билан экилганда тупроқ таркибидаги тузларнинг камайишига асосий сабаб, биринчидан, йил давомида ернинг ўсимлик қопламига эга бўлиши туфайли сувнинг физик буғланишини камайиши, иккинчидан, тупроққа ишлов бериш ва озиқлантириш натижасида донадор структурани вужудга келиши ҳамда чиринди миқдорини ошиб бориши, учинчидан вегетация ва новегетация даврларидаги суфоришларидир.

9.3.3.1-жадвал.

Мелиорация жиҳатдан оғир тупроқларни асосий шўри ювилгандан кейинги дастлабки экинларнинг самарадорлиги (Ўз ПИТИ маълумотлари)

Экин тuri	1-йил		Экин тuri	2-йил		Экин тuri	3-йил	
	Зарарли тузларнинг миқдори	Хосил ц/га		Зарарли тузлар миқдори (100см) %	Хосил ц/га		Зарарли тузлар миқдори (0-100см) %	Хосил ц/га
Кунга боқар+ тритикале	0,282 0,278	236	Тритикале+ макка жўхори	0,266 0,258	338,4 297	Ғўза	0,223 0,242	20,8
Жўхори + перко	0,298 0,277	285	Перко + макка жўхори	0,268 0,251	369	Ғўза	0,216 0,226	
Судан ўти+жавдар	0,289 0,280	224	Жавдар + макка жўхори	0,274 0,267	276 265	Ғўза	0,248 0,263	
Ғўза	0,293 0,325	12,3	Ғўза	0,272 0,305	15,4	Ғўза	0,164 0,282	16,6

**Эслатма: Баҳорги ҳолати
кузги ҳолати**

9.3.3.2-жадвал

Мелиорация жиҳатдан оғир тупроқларни шўри ювилгандан кейин тавсия қилинадиган дастлабки экинтурлари ва кейинги алмашлаб экиш тизимлари

№	Дастлабки экинлар					Кейинги алмашлаб экиш тизимлари.
	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	
1	Жўхори+ Перко (кузги экинлар)	Перко+ Макка-жўхори (такрорий экин)	Fўза	Fўза	Fўза	3:3 1:2
2	Кунгабоқар+Тритикале (кузги экин)	Тритикале+Макка-жўхори (такрорий экин)	Fўза	Fўза	Fўза	3:3 1:2
3	Жўхори+ Перко ёки (кузги)	Перко ёки + Жўхори (баҳорги) кузги Буғдой	Кузги буғдой+ Макка-жўхори (такрорий экин)	Fўза	Fўза	3:3 1:2
4	Жўхори ёки кунгабоқар+ Перко ёки	Қашқарбеда (1 йил)	Қашқарбеда (2 йил)+Кузги буғдой	Кузги буғдой+ Маккажўхори (такрорий экин)	Fўза	3:3 1:2

Эслатма: 1:2 тизимда кузги ғалла экинларида кейин такрорий экин сифатида дуккакли экинларни экиш мақъулдир. Баҳорги ҳолати
кузги ҳолати

10. ҚУМ ВА ҚУМЛОҚ ТУПРОҚЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Қум ва қумлоқ тупроқлар Ўрта Осиё ҳудудининг 38 млн. гектарини эгаллайди ёки умумий майдоннинг 38.2% қумликлардир. (Қорақум 26 млн/га, Қизилқум - 12.0 млн/га.)

Ўзбекистонда қум ва қумлоқ тупроқларнинг майдони 17.5 млн/га бўлиб улар Амударёниг ўрта ва қуий оқимида, Бухоро, Баҳористон, Қорақум, Тўрткўл, Элликқалъа массивларида ва Жиззах вилоятининг Арнасой, туманида кенг тарқалган.

Булардан ташқари, қумликлар кичик массивларда бошқа вилоят ҳудудларида ҳам учрайди. Масалан: Сандиқли қум (Амударё ва Қашқадарё ўртасида), Катта қум (Сурхондарё вилояти), Толиқудук, Ёзован қумликлари (Фарғона вил).

Н.А.Качинскийнинг тупроқнинг механик таркиби бўйича классификациясида 0,01 мм.дан кичик бўлган тупроқ заррачалари 0-5% гача бўлса бундай тупроқлар ғовак қум дейилади.

Бундай тупроқ заррачалари 5-20% бўлганда эса қумлоқ тупроқлар дейилади.

А.Г.Гаэльниг классификацияси бўйича қум ва қумлоқлар қуидаги гуруҳларга бўлинади.

1. Денгиз қумлари
 2. Кўл қумлари
 3. Сув ва музликлар таъсирида ҳосил бўлган қумлар (флювиогляциал)
 4. Дарё қумлари
 5. Делювиал қумлар
 6. Пролювиал қумлар
 7. Эллювиал қумлар
- Қум ва қумлоқлар қуидаги механик таркибга бўлинади.
- 1.2-1 мм заррачалар йирик қумлар
 - 2.1-0.5 мм ўрта қумлар
 - 3.0.5-0.25 мм майда қумлар
 - 4.0.25-0.05 мм чанг қумлар

Кум ва қумлоқ тупроқларнинг сув-физик хоссалари.

Тупроқ катламлари	Сув-физик хоссалар				
	Хажмий массаси, Г/см ³	Солиштирма массаси г/см ³	Фоваклиги %	Тўлиқ нам сифими %	Сув ўтказувчанилиги, см/минут
0-30	1.55-1.80	2.52-2.69	48.3-54.3	20-25	5-9
30-100	1.58-1.80	2.50-2.72	47.0-52.4		

Кум ва қумлоқ тупроқларнинг сув-физик хоссалари механик таркибига ва органик моддаларнинг миқдорига қараб ўзгаради. Қумнинг сув ўтказувчанилиги жуда катта бўлиб, унинг нам сифими жуда кичик бўлади (10-1-жадвал). Кум ва қумлоқ тупроқларнинг табиий унумдорлиги ниҳоятда пастдир. Уларнинг таркибидаги гумус миқдори (0,30см) 0,2-0,6%, умумий азот - 0,02-0,045%, умумий фосфор 0,03-0,06%, умумий калий 1,20-1,30% бўлади. Кум ва қумлоқ тупроқларнинг сув-физик хоссаларининг ўта ноқулайлиги ва таркибидаги озиқа моддаларининг жуда камлиги туфайли уларни ўзлаштиришда суғориш техникаси, суғориш режимлари ва экинларни минерал, органик озиқлантириш тадбирларини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Кум ва қумлоқларнинг мелиоратив ҳолати.

Кум ва қумлоқ тупроқлар Марказий Осиёning қурғоқчилик, саҳро минтақасида жойлашганлиги учун иқлими қуруқ, ёғингарчилик миқдори жуда кам, шу туфайли ўсимлик қоплами жуда сийракдир.

Шамол фаолияти жуда юқори 5-30 м\сек . Щунинг учун қум ва қумликларнинг мелиоратив ҳолатига шамол кучли таъсир кўрсатади ҳамда ернинг рельефи шамол таъсирида вужудга келади.

Шамол таъсирида қумлар З-хил ҳаракатланади.

1. Қум устидан йирик доначалар аста-секин думалаб күчади.

2. Үртача катталиқдаги құмлар кичик траекториялар ҳосил қилиб сакраб күчади.

3. Кичик құмлар ұавода муаллақ учыб күчади.


Шамол таъсирида құмликларнинг қўйидаги шакли вужудга келади (10.1-10.5 расмлар):

1. Үйма құмлар

2. Бархан құмлар

3. Бархан дўнг құмлар

4. Қатор тепа құмлар



Ярим сахро
құмлари




Жанубий сахро
құмлари




Шимолий сахро
құмлари

10.1-расм. Марказий Осиё құмликлари.



10.2-расм. Ўйма қамлар.



10.3-расм. Бархан қумлар.



10.4-расм. Бархан дүнг қумлар.



10.5-расм. Катор тепа қумлар.

Бундай рельефлар қум ва қумлоқ тупроқларни ўзлаштиришда катта аҳамиятта эга.

Күм ва қумлоқ тупроқлар тарқалған миңтақалардаға қатар шамолнинг таъсиридагина әмас балки иқлимининг бошқа элементлари (сутка давомида ҳарорат амплитудасининг катталиги - конденсация намлиги, ёғингарчиликнинг камлиги (-80-150 мм), ҳавонинг нисбий - намлигининг пастлиги (-10-20%), буғланишнинг жуда катталиги (-2500-3000 мм) таъсирида ҳам уларнинг мелиоратив ҳолати ўзгаради, яъни улар ўсимлик қоллами ва уларнинг ўсиш, ривожланишини белгилайдиган асосий омиллар ҳисобланади.

Бу тупроқлар III-гидрологик миңтақада (буғланиш миңтақаси) жойлашганлиги учун шўрланган ва ботқоқланишига мойилдир. Сизот сувлари ер юзасига яқин (3-10 м дан 15-20 м гача) жойлашган ва улар ҳар хил даражада минераллашган (1-30 г/л).

Күм ва қумлоқ тупроқлар З мақсадда ўзлаштирилади.

1. Яйловлар барпо қилиш учун;
2. Сугорилмайдиган (лалмикор) дәхқончилик қилиш учун;
3. Сугориладиган дәхқончилик мақсадида.

Яйловлар барпо қилиш Яйловлар барпо қилиш учун ұзлаштириши. Ҳаракатдаги құмларда қуйидап қум күчишини олдини олиш чоралари ўтказилади.

- Күм яйловларда чорва молларини тартибсиз бөкмаслик;
- яйловлардаги мавжуд бута ва саксовулларни кесмаслик ҳамда уларни ҳимоя қилиш;
- ўтлоқ ва чакалакзорларни ҳайдамаслик.

Құмларни мұстаҳкамлашда қўлланиладиган асосий қарши кураш чораларидан бири: механик ҳимоя воситаларидир. Улар тик ва түшама түсиқлардан иборат бўлади (10.6-10.7 расмлар).



10.6-расм.



10.7-расм.

10.6-расм. Тик ўрнатилган механик тўсиқлар

10.7-расм. Қия ўрнатилган механик тўсиқлар.

- Тик тўсиқлар қамиш, янтоқ, оқбош ва ҳ.к. дан тайёрланади, улар 2×2 м, 3×3 м ва баландлиги 60-80 см бўлган квадрат шаклида бўлиб, шамолга қарши қўйилади. Тўсиқлар орасидаги масофа 3-4 м бўлиш керак;

- Тўшама тўсиқлар - ҳам юқорида кўрсатилган ўсимликлардан иборат бўлиб, улар қум устига оралиғи 50 см ва 5 см қалинликда ташлаб чиқилади.

Қумликлар тўсиқлар билан мустаҳкамлангандан кейин тўсиқлар орасига қўйидаги қора саксовул, оқ саксовул, оқ қандим, юлғун, каррак, қум акацияси, епин, илок, қум қиёғи ўсимликларининг уруғи экиласди.

Саксовул ва бошқа қум тўсқич ўсимликларининг уруғи трактор, автомашина ва самолёт ёрдамида сепилади.

АН-2 самолёт кунига 1500-2000 га ерга, трактор автомашиналар эса 30-40 га ерга уруғ сепади.

Лалмикор дехқончилик қилиш учун ўзлаштириши.

Бунда қўйидаги тадбирлар ўтказилади:

дастлаб дехқончилик қилинадиган қум ва қумлоқларда текислаш ишлари олиб борилади. Текислаш жойнинг рельефи қум қатлами қалинлиги ҳисобига олиниб маҳсус текислаш лойиҳаси ишлаб чиқилади. Текислаш лойиҳасида даланинг нишаблиги, лойиҳавий юзаси, тупроқ тўкиладиган, қирқиладиган жойлар ва уларнинг масофаси, бажариладиган иш ҳажми кўрсатилади.

Текислашда бульдозер, скрепер, грейдер ва узун базалик текислаш қуролларидан фойдаланилади.

Текислаш ишлари тугатилгандан кейин қумликларни мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилади.

Бунинг учун ҳам механик ва түшама тўсиқлардан фойдаланилади.

Тўсиқларни жойлаштиришда қумликларни типлари ва шамол режими ҳисобга олинади ва ҳар 50-100 м дан 200-250 м масофада ўрнатилади. Шу тўсиқлар бўйича эса дараҳтлар экилиши тавсия қилинади.

Ихота дараҳтлари совуққа чидамли бўлиши зарур. Бунинг учун саксовул, юлғун, қум акацияси ва бошқа дараҳт турларидан фойдаланиш мумкин.

Ихота дараҳтлари 2-6 қатордан иборат бўлади.

Ихота дараҳтлари орасидаги масофалар шудгорланиб ёки чизелланиб эрта баҳорда лалмикор экинлар экилади. Бундай экинларга ғалла донли (буғдой, арпа жавдар), ем - хашак (қашқарбеда, масар), мойли экинлар (кунжут, зифир), полиз экинлар (тарвуз, қовун) киради.

Суғориладиган дехқончилик учун ўзлаштириш. Қуш ва қумлоқ тупроқ-ларни суғориладиган дехқончилик мақсадида ўзлаштириш учун бир қанча мелиоратив тадбирлар ўтказилади. Бундай тадбирларга гидротехник иншоатларни лойиҳалаштириш ва қуриш (суғориш ва коллектор - зовур тармоқлари), техник-механикавий (қумликларни мустаҳкамлаш, зичлаш), агромелиоратив (текислаш, ерга ишлов бериш, шўр ювиш, дастлабки ва асосий экинлар экиш ҳамда уларнинг агротехникаларини ишлаб чиқиш; алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш кабилар) ўрмон-мелиорация тадбирлари (ихотазорлар барпо қилиш) киради. Қум ва қумлоқларни суғориб дехқончилик қилиш учун ерлар юқорида кўрсатилгани сингари дастлаб асосий текисланади ва текисланган ер зовурлаштирилади. Зовурларни лойиҳалаштиришда тупроқнинг механик тузилиши, сув-физик хоссалари, сув

ўтказмайдиган қатлам чуқурлиги, сизот сувларининг режими (оқимли, оқимсиз, босимли, босимсиз) ва уларнинг минераллашганлик даражаси ҳисобга олинади ҳамда шу параметрлар бўйича зовурларнинг чуқурлиги, нишаблиги, қирғоқларининг қиялиги, зовурлар орасидаги масофа, белгиланган оқим модули ҳисобга олинади.

Текисланган ва зовурлаштирилган қумликларни шўрини ювиш учун чеклар ва сугориш тармоқлари олинади.

Шўр ювиш меъёри аниқланиб (А.Е. Нерозин формуласи бўйича) шўр ювишга киришилади. Шўр ювиш техникаси ва технологияси олдинги мавзуларда берилган.

Қумликларнинг шўрини ювишда уларга лойқа сув оқизилгани маъқул, чунки уларнинг сув сифими жуда кам, лойқа сув ёки сув билан лойқа оқизиш (колматаж) қумликларни сув-физик хоссаларини яхшилаб, тупроқ унумдорлигини оширади.

Тупроқнинг шўри ювилгандан кейин эрта баҳорда сугорладиган далалар ихота дараҳтлари билан бўлиб чиқилади.

Ихота дараҳтларини экишдан мақсад қум ва қумлоқ тупроқларни шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш ва далаларда микро иқлим вужудга келтиришdir.

Ихотазорлар барпо қилишда тупроқнинг механик таркиби ва шамолнинг кучи ҳисобга олиниб ихотазорлар орасидаги масофалар қўйидагича бўлиши керак:

1. Кучли шамол эсадиган ($>15\text{ м/сек}$) минтақаларда – 150-170 м;
2. Ўртacha шамол эсадиган минтақаларда ($5-15\text{ м/сек}$) – 200 м;
3. Кучсиз шамол эсадиган минтақаларда ($<5\text{ м/сек}$) – 400 м.

Тавсия қилинадиган ихота қаторлари сони:

- Кучли шамол минтақасида -3-4 қатор;
- Ўрта шамол минтақаларда -2-3 қатор;
- Кучсиз шамолли минтақаларда -2-қатор.

Иҳотазорлар барпо этишда суғориладиган даланинг узунлиги 1000 м ва ундан кўп бўлиши мумкин. Даражатлар қурғоқчилика, туз таъсирига ва гармселга чидамли бўлиши керак. Бундай дараҳтларга тут, жийда, оқ ақация, қайрағоч, саксовул киради.

Сизот сувлари яқин жойлашган ерларда эса тут, террак, тол, чинор, эман дараҳтларини экиш мумкин.

Иҳотазорларни жойлаштириш суғориш тармоқларини қуриш билан бирга олиб борилади.

Кум ва қумлоқларнинг сув-физик хоссалари сув-хўжалик жиҳатидан ўта ноқулай бўлганлиги учун бундай ерларда хўжаликлараро ва хўжалик суғориш тармоқлари инженерлик асосига эга бўлиш керак: барча тармоқларда сувни фильтрланиб кетишига қарши кураш чоралари қўлланилади (капитал, кимёвий ва оддий тадбирлар).

Хўжаликлараро тармоқларни қумдан ҳимоя қилиш учун унинг шамол эсадиган, яъни қарши томонидан 300 м, шамолнинг каналдан кейинги йўналиши бўйича эса 150 м ҳимоя майдони бўлади. Ҳар иккала томондаги ҳимоя майдонлари З қисмга бўлинниб суғориш тармоғини ҳимоя қилиш тадбирлари қўлланиилади.

Шамолга қарши томонидаги биринчи - 50 м масофага механик тўсиқлар (3×3) ўрнатилиб, улар орасига экинлар экилади. Иккинчи ҳимоя бўлаги - 100 м кенглиқда бўлиб, унга қисман механик-тўшама тўсиқлар ўрнатилиб экинларни ўсиши ва ривожланиши учун шароит яратилади. Учинчи ҳимоя бўлаги кенглиғи 150 м бўлиб, бу зонага механик ҳимоя воситаларсиз экинлар ва ихота дараҳтлари экилади.

Каналнинг иккинчи томонида ҳам шу тадбирлар ўтказилади, лекин ҳимоя бўлаклари кенглиғи 25, 50, 75 м бўлиши керак.

Кум ва қумлоқ тупроқларни ўзлаштиришнинг дастлабки йилларидан бошлаб кимёвий усуллар билан уларни мустаҳкамлаш мумкин. Бунда тупроқ структурасини ва ҳам сифимини яхшиловчи полимерлардан (К-4, К-9 солиши меъёри 150-200 кг/га) ва қумликларни

мустаҳкамлашда сульфат-спирт бардасидан кенг фойдаланиш мумкин (солиши меъёри 250-350 кг/га).

Юқорида кўрсатилган кимёвий бирималар Марказий Фарғонада ва Бухорода қўлланилганда қумликларнинг юза қисмида намлик миқдори 2-2,5% ошган, қум кўчиши эса юз бермаган (К.Мирзажонов маълумотлари).

Қум ва қумлоқларни ўзлаштиришда агромелиоратив тадбирларнинг аҳамияти ҳам жуда каттадир.

Қум ва қумликлар текисланиб, зовурлар ва сугориш тармоқлари қурилиб ҳамда ихота дараҳтлари барпо қилиниб бўлингандан кейин дастлабки ўзлаштириш экинларини экиш ва уларни етиштириш ишлари бошланади.

Кузда ва эрта баҳорда шўри ювилган ерларга шамол даври бошлангунга қадар гектарига 30-40 т. дан органик ўғитлар (гўнг, чириган сомон ва бошқа ўсимлик қолдиқлари) ва 250-300 кг фосфорли ҳамда 100-150 кг/га дан азотли ўғитлар солиб ер ҳайдалади ёки чизелланади. Тайёрланган ерга буғдой, арпа ёки ем-хашак (жўхори, судан ўти, беда, эспарцет, қашқарбеда ва бошқалар) экинларини экиш тавсия қилинади.

Бу экинларни экишда шамолнинг кучи ва йўналиши ҳисобга олинади. Кучсиз ва ўртача тезликда шамол бўладиган ерларда ғалладонли ёки ем-хашак экинлар ёппасига экиласди.

Кучли шамол бўладиган ерларда эса бу экинлар тахталарга (кулис) бўлиб экиласди. Бунда кўп йиллик ва бир йиллик экинлар тахталарда навбат билан жойлаштирилади. Масалан: беда, эспацет ёки қашқар-беда (кўп йилликлар), буғдой, арпа, маккажўхори, жавдар, судан ўти (бир йиллик) экинлар навбат билан жойлаштирилади.

Кўп йиллик экинлар кенглиги 8 м. бир йиллик экинлар экиласдиган тахталар кенглиги эса 25-30 м. бўлиши керак. Кўп йиллик экинлар - бир йиллик экинларни қўмдан ҳимоя қилиб тұради.

Барча экинлар юқори меъёрда-азот, фосфор ва калийли ўғитлар билан озиқлантирилиши зарур (азот ва фосфорнинг йиллик меъёри 250-300 кг соғ ҳолда).

Қум ва қумлоқларда етиштириладиган экинларни суюришда ўзига хос сугориш технологияси талаб қилинади. Бундай ерларда сугориш эгатлари узунлиги қисқа (50-100 м) бўлиши ва ҳар бир эгатга берилаётган сув миқдори 0,7-1,5 л/с гача оширилиши шу билан бирга бир галги сугориш меъёрини 2-3 га бўлиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Ғалла донли экинлардан бўшаган ерларни тезда ишлов бериб такрорий экинлар экиш маъқул бўлади. Такрорий экинларга кўпроқ бир йиллик дуккакли экинлар, яъни соя, мош, ловия экиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улардан икки мақсадда фойдаланиш мумкин. Биринчидан, кўкат ўғит сифатида экилганда улар тупроқни органик ва минерал моддалар билан бойитиб, сув-физик хоссаларини яхшилайди, унумдорлигини оширади, кейинги экиладиган барча экинлар учун яхши ўтмишдош бўла олади. Иккинчидан, барча дуккакли экинлар тўйимли чорва озуқасидир. Масалан, Қизилқумнинг сугориладиган ерларида буғдойдан кейин экилган соядан 30-35 ц/га дон олинган (К.К. Мирзажонов маълумоти).

Қум ва қумлоқ тупроқлар, асосан, Ўзбекистон Республикасини Марказий ва Жанубий иқлим минтақаларида жойлашган. Маълумки, бу минтақаларда экинларнинг вегетация даври 240-260 кунгacha бўлиб, фойдали ҳароратнинг йифиндиси $5200-5500^{\circ}\text{C}$ гача етади. Бундай ҳарорат йифиндиси ҳар қандай ердан 2-3 марта ҳосил олишни таъминлайди. Шунинг учун қум ва қумлоқларда кузда ер бўшагандан кейин оралиқ экинларни экиш мумкин.

Оралиқ экинлари таркибига рапс, перко, жавдар, вика экинлари кириб, улар алоҳида ёки аралаш ҳолда экилади. Бу экинларнинг мелиоратив аҳамияти шундаки, улар куз, қишиш ва эрта баҳорда бўладиган шамол таъсирдан қумликларни ҳимоя қиласиди. Оралиқ экинлар қишиш ва эрта баҳорда совуқларга чидамли -2°C гача бўл-

ганлиги учун улар тез ўсиб ривожланади ва апрель ойида етилиб чорва учун мўл, тўйимли кўк масса беради. Масалан, Бухоро вилоятининг қум ерларида экилган жавдар+вика аралашмасидан апрель ойининг бошида 290-350 ц./га кўк масса олинган.

Баҳорда оралиқ экинларидан бўшаган ерларга такрорий экинлар (маккажўхори, судан ўти, соя, жўхори, баҳорги галла - донли экинлар) экиш тавсия қилинади.

Шундай қилиб, қум ва қумлоқларни ўзлаштиришнинг дастлабки йилларида қумликни мустахкамлаш, сув-физик хоссаларини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш учун ерни бўш қолдирмасдан жадал фойдаланилганда 2-3 марта ҳосил олиш мумкин.

Масалан, Баҳорда галла - донли экинлар ёзда такрорий экинлар, кузда оралиқ экинлар экилиб уларни қуидагича жойлаштириш маъқул.

1. Буғдой (дон учун) + соя (дон учун) + перко ёки жавдар (кўк масса).

2. Буғдой (дон учун) + соя (кўкат ўғит)+ рапс, жавдар (кўк масса).

3. Маккажўхори (дон учун) + соя (кўк ўғит) + кузги буғдой (дон учун).

4. Соя (дон учун) + рапс (кўк масса) + жавдар (кўк масса).

Юқорида кўрсатилган экинлар қум ва қумлоқ тупроқларда дастлабки 3-4 йил давомида жадал экилиб борилади, кейинчалик асосий алмашлаб экиш тизимига, яъни:

буғдой ва фўза, (1:2:1:2), соя ва буғдой.

соя ва фўза (1:4:1:4) алмашлаб экиш тизимида ўтилиши кўзда тутилади.

11. ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИ, УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИ

Сув ёки шамол ҳаракати таъсирида тупроқ қатламиңинг емирилишига тупроқ эрозияси дейилади. Эрозия Зўрга бўлинади: сув, шамол ва ирригация эрозияси.

Сув эрозияси, асосан, тоғ ва тоғ олди ҳамда адир минтақаларида тарқалган бўлиб, у баҳор ойларида бўладиган қаттиқ жала ёки қор ва музликларни жадал эриши натижасида вужудга келади.

Шамол эрозияси текислик минтақасида тарқалган бўлиб, кучли шамол таъсирида юз беради. Ирригация эрозияси эса суфориладиган ерларда учрайди. У қишлоқ хўжалик экинларини нотўғри суфориш, яъни суфориш меъенини ошириш, суфориш техникаси ва техна-логиясига риоя қилмаслик оқибатида юз беради.

11.1. Сув эрозияси

Бу эрозия жойнинг нишаблиги-га, қияликнинг узунлигига, экспозициясига, тупроқнинг механик таркибига, сув-физик ҳоссаларига, унумдорлигига, ўсимликлар қопламига ва жойнинг иқлим шароитига боғлиқ бўлади.

Тупроқ эрозияси ернинг нишаблиги 0,01 дан катта бўлган ерларда, жанубий, жануби-ғарбий, жануби-шарқий экспозицияларда тез вужудга келади. Чунки бу ерлар қуёш таъсирида қизийди, нам тез буғланади ва шутуфайли ўсимликлар қоплами ҳам кам бўлади. Тупроқ эрозияси баҳор ойларида бўладиган ёмғирларнинг тезлигига ва давомийлигига, миқдорига боғлиқ бўлади, шунингдек тупроқнинг механик таркибиغا ҳам боғлиқдир. Қум ва қумлоқ енгил таркибли сувни яхши ўтказадиган тупроқларда эрозия суст кечади, аксинча механик таркиби оғир, структурасиз тупроқларда эрозия тезлашади.

Ўсимликлар қоплами чимли, турли бутазорлардан ва ўрмон дарахтлардан тузилган ерларда эрозия кузатilmайди.

Жала қуиши ёки қор ва музликларнинг жадал эриши натижасида пайдо бўлган сув тупроққа икки хилда таъсир кўрсатади:

1. Ялаб кетиш.
2. Ювиб кетиш.

Улар таъсирида тупроқда қуидаги эрозиялар юз беради:

1. Текис ювилиш
2. Чуқурчалар (ариқчалар) ҳосил қилиб ювилиш.
3. Жарлар ҳосил қилиб ювилиш.

Тупроқ текис ювилаётганда сув таъсирида қўзга ташланмасдан сезиларсиз ювилиб борилади.

Чуқурчалар ҳосил қилиб ювилаётганда ер устида кичик-кичик жилғачалар вужудга келади.

Жарлар ҳосил қилиб ювишда эса сув оқимининг кучайиб бориши натижасида чуқурлар (5- 10 м ва ундан ҳам чуқур), жарликлар пайдо бўлади.

Одатда текис ювилиш, чуқурчалар ҳосил қилиб ювилишни, бу эса ўз навбатида жарликлар ҳосил қилиб ювилишни келтириб чиқаради.

Ялаб ва оқизиб ювиб кетиш жараёнида тупроқ кучсиз, ўртacha ва кучли ювилади. Тупроқни оқизиб келиши бўйича ҳам З га бўлинади: кучсиз, ўртacha ва кучли ювиб оқизиб ётқизилган ерлар.

Эрозия натижасида 20-50 т/га тупроқ ювилади, шу билан бирга тупроқ таркибидаги чиринди, азот, фосфор, калий ва бошқа озиқ моддалари ҳам ювилиб, тупроқнинг сув-физик хоссалари бузилади ва у унумсиз холатга тушади.

Натижада қишлоқ хўжалиги экинлари ва яйловларнинг ҳосилдорлиги камайиб боради. Булардан ташқари, оқизиб келинган тупроқлар дарё, сув омборлари ва каналларни кўмиб қўяди.

Сув эрозиясининг олдини олиш ва қарши курашда қуидаги тадбирлар қўлланилади.

1. Агро-ўрмон мелиорация тадбирлари.
2. Агромелиорация тадбирлари.
3. Гидротехник тадбирлар.

Агро-ўрмон мелиорация тадбирларида иҳота ўрмонзорлари барпо этилади.

Иҳота дарахтлари шамол кучини пасайтиради, намни буғлантиришни, қор ва сув оқимини камайтиради, тупроқнинг сув ўтказувчанлигини оширади. Ер устида дарахт қолдиқлари 12-20 мм атмосфера ёғинларини, илдизлари эса 15-20% сувларни ўзида ушлаб қолади.

Иҳота ўрмонзорлар қияликларга кўндаланг ҳолда қаторлаб экилади, уларнинг кенглиги 15-20 м бўлиб, оралиғидаги масофа қирликларнинг катта-кичиклиги боғлиқ бўлади (11.1 жадвал).

Иҳота дарахтлари сифатида агар, ёнгоқ, олма, нок, хандон писта, ширин бодом, тоголча, ўрик, эман, оқ акация, қарағай, чинор, шумтол, қайраоч сассиқ дарахтларни ва буталардан эса жийда, бодом, сариқ акация, скүмпия, сумах, маржондаражт, малика, наъматак, зирк ва бошқаларни экиш мумкин.

11.1-жадвал

Иҳота - ўрмонзорлар оралиғидаги масофалар.


Қияликтарнинг ўзинами (градус)	Нишаблик	Оралиғидаги масофа, м
2-4	0,03-0,07	350-400
4-7	0,07-0,12	250-350
>7	>0,12	150-250

Агромелиоратив тадбирларнинг асосий вазифаси тупроқнинг сув-физик, кимёвий хоссаларини яхшилаш тадбирлари билан тупроқ эрозиясининг олдини олишdir. Бундай тадбирларга тупроқни чукур шудгорлаш, юмшатиш, ерни қияликка нисбатан кўндаланг шудгорлаш, экиш, ағдарилмасдан шудгор қилиш, қорни ушлаш тўсиқларини барпо қилиш, кўп йиллик ўтлар иштирокида алмашлаб экишни жорий қилиш, кўкат ўғитлари экиш, минерал ва органик ўғитлар солиш ва хоказолар киради.

Чотқол төғ мелиорация тажриба станциясининг маълумоти бўйича 21,7 мм ёғингарчилик тушганда 90%

ўсимлик қоплами бўлган ерларда 26кг/га 40% ўсимлик қоплами бўлганда 292 кг/га, 25% бўлганда 235 кг/га, 15% бўлганда эса 5980 кг/га тупроқ ювилган. (11.1.-11.2-расм.).

Гидротехника тадбирларга тоғқияликларини поғоналаш, лой ва тош тўсар иншоотлар ҳамда сув оқимини бартараф қилиш тармоқларини қуриш кабилар киради. Тоғ қияликларини поғоналашнинг жуда катта мелиоратив аҳамияти бор.



11.1-расм.



11.2-расм.

11.1-расм. Шудгор қилинган ерда ариқчалар ҳосил қилиб тупроқнинг ювилиши; 1-асосий ювилган сув йўли; 2-қўшимча ювилган сув йўли.

11.2-расм. Жар ҳосил қилиб ювилган ер майдони.


Қия ерлардаги поғоналарда қор яхши сақланади, эриши секинлашади жала сувлари қиялик бўйича тўпланиб оқмасдан поғоналарда ушланиб қолинади. Поғоналарда иҳота ўрмонзорлари барпо қилинади. (11.3 расм.).

Поғоналарнинг тури, оралиғидаги масофа ва кенгликлари, асосан, ернинг қияликлари боғлиқ бўлади.

Ернинг қиялиги 0,02 - 0,12 бўлган ерларда пуштали, 0,12-0,3 қияликларда зинапояли ва чуқурли поғона усуллари қўлланилади (11.3, 11.4-расм).



11.3-расм.





11.4-расм.

11.3-расм. Погонанинг кўриниши

11.4-расм. Погона турлари: а-пуштали; б-зинапояли; в-чуқур.

11.5-расм.

Жарликларни ҳимоялаш:
1-жарлик; 2-марказлар;
3-ариқлар; 4-сувни чиқариш йўли.



11.6-расм. Киялиги 15° бўлган ерларда ўрмон дараҳтлари, сув тусар ариқлар ва алмашлаб экиш далаларини жойлаштириш тартиби.

Поғоналарнинг кенглиги 2,5-3,5 м бўлиб, улар оралиғидаги масофалар қиялиги 20° бўлган ерлар 4,5-5,5 м,

30° бўлган ерларда 6,5-7,5 м, 40° бўлган ерларда эса 12,5-13,5 м. бўлади.

Жар ва жилгаларни ювилиб кетмаслиги учун жар олдидан 4-5 м, қирғоқлардан эса 5-10 м масофада яrim айланга шаклидаги ариқ ва марзалар билан ўраб олинади (11.5-расм). Марзалар ва ариқлар бўйлаб ўтлар, буталар ва дараҳтлар экилиб мустахкамланади, ариқлардан келаётган сувлар жилгаларга маҳсус иншоотлар орқали оқизилади.

11.2.Шамол эрозияси

Шамол эрозияси Ўзбекистоннинг текислик қисмида чўл ва саҳроларда яъни Фарғона водийсида, Мирзачўл, Қарши-Шеробод чўлларида ва Бухоро, Навоий вилоятларида тарқалган бўлиб, унинг умумий майдони 3 млн. гектардан ошади. Шамол таъсири кенг фронт бўйлаб намоён бўлади ва тупроқнинг устки чириндили ва озиқа моддаларга бой унумдор қатламни учириб кетади. Шу билан бирга шамол таъсирида экилган уруғлар ҳам учирилади ёки усти очилиб униб чиқишига яроқсиз бўлиб қолади, ўсув даврида эса барг ва пояларни шикастлайди, гуллаш жараёнига кучли таъсир кўрсатади.

Шамол эрозияси кўпроқ енгил таркибли тупроқларда кузатилади. Шамол эрозияси шамолнинг тезлигига боғлиқ бўлади. Агар шамол тезлиги 4-5 м бўлганда кучсиз 5-15 м/с бўлганда ўртacha, 15 м/с дан кўп бўлганда кучли эрозия юз беради.

Шамол эрозиясининг олдини олиш ва қарши курашиш учун қўйидаги тадбирлар мажмуаси қўлланилади.

1. Агро - ўрмон мелиорация тадбирлари (ихота дараҳтлари барпо қилиш)

2. Агромелиоратив тадбирлар (тупроқни шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш учун маҳсус алмашлаб экиш тизимларини жорий қилиш, турли экинлар иштироқида ҳимоя тўсиқларини вужудга келтириш, тупроқнинг унумдор қатлами учиб кетган ерларни чуқур шудгорлаш, ерни ағдармасдан фақат юмшатиш лойқа чўқтириш (колматаж).

3. Кимёвий тадбирлар (ССБ, К, ЕКС,-6,5ГПК моддаларидан фойдаланиш).

Агро-ўрмон мелиорация тадбирлари. Шамол эрозияси тарқалган ерларда ихотазорлар шамол кучини 30-80% гача камайтириб, тупроқнинг устки унумдор қатламини сақлашда жуда катта аҳамиятга эга. Иҳотазорлар шамолнинг тезлигига, тупроқнинг механик таркибиға бөлдік ҳолда 2-4 қатор ва орасидаги масофалар 100-500 м (11.2.1-жадвал К.Мирзажанов маълумотлари) узунлиги эса 1000 м ва ундан ошиқ бўлади. Иҳота ўрмонзорлар шамолнинг йўналишига кўндаланг қилиб жойлаштириллади.

Иҳота дарахтлари тупроқнинг шўрланиш ва ботқоқланиш даражалариға қараб танланади.

Шўр ерларда оқ акация, жийда, қайрағоч, тут, ботқоқланишга мойил ерларда эса тол, терак, эман, чинор, дарахтларини экиш мумкин.

Иҳота ўрмонзорлар 8-10 йилда вояга етиб тупроқ ва экинларни шамолдан сақлайди.

Дарахтлар вояга етгунча тупроқ ва экинларни шамол таъсиридан сақлаш учун ва ундан кейин тупроқ унумдорлигини ошириш ва эрозияга учраган ерлардан самарали фойдаланишчукчун агромелиоратив тадбирлар қўлланиллади.

11.2.1-жадвал

Шамол тезлиги ва тупроқнинг механик таркибиға кўра иҳота ўрмонларининг оралиқ масофаси, м

Шамолнинг тезлиги	Тупроқнинг механик таркиби			Қаторлар сони
	Қумоқ ва күмлөқ	енгил ва ўрта соз ва	оғир соз лой	
Кучни (< 5м/с)	450-500	450-500	450-500	2
Ўртача(5-15м/с)	200	250-300	350-400	3
Кучни (>15м/с)	100-150	200	250-300	4

Агромелиоратив тадбирлар. Тупроқни шамол эрозиясидан ҳимоя қилишда экинларни кулас усулида жойлаштириш катта аҳамиятга эга. Бунда шамолнинг тез-

лиги кучли ва ўртача бўлгани ерларда кузги буғдой, арпа ёки жавдар, рапс, перко экинлари тўза ва сабзавотлар билан махсус бўлакларга (11.1-расм) навбат билан экилади.

Бунинг учун кузда (10 октябрдан - 10 ноябргача) ҳар 2-2,5 м кенгликда (тупроқниг механик таркиби бўйича) бўлакларга кузги экинлар экилади, уларнинг оралиғидаги масофа 18-24 м, баҳорда эса тўза сабзавот, полиз, картошка ва ҳакозо экинлар жойлаштирилади.

11.1-расм

Тупроқни шамол эрозиясидан ҳимоя қилувчи экинлардан ҳосил қилинган тўсиқлар

***	ф ф ф ф ф ф ф ф	***	ф ф ф ф ф ф ф ф
***	ф ф ф ф ф ф ф ф	***	ф ф ф ф ф ф ф ф
***	ф ф ф ф ф ф ф ф	***	ф ф ф ф ф ф ф ф
***	ф ф ф ф ф ф ф ф	***	ф ф ф ф ф ф ф ф
***	ф ф ф ф ф ф ф ф	***	ф ф ф ф ф ф ф ф
***	ф ф ф ф ф ф ф ф	***	ф ф ф ф ф ф ф ф
***	ф ф ф ф ф ф ф ф	***	ф ф ф ф ф ф ф ф
***	ф ф ф ф ф ф ф ф	***	ф ф ф ф ф ф ф ф
***	ф ф ф ф ф ф ф ф	***	ф ф ф ф ф ф ф ф
***	ф ф ф ф ф ф ф ф	***	ф ф ф ф ф ф ф ф
***	ф ф ф ф ф ф ф ф	***	ф ф ф ф ф ф ф ф
***	ф ф ф ф ф ф ф ф	***	ф ф ф ф ф ф ф ф

* - кузги экинлар ф - баҳорги экинлар

Бунда кузги экинлар қисқа муддатда жадал ўсиб тупроқни кузги, қишки ва баҳорғи шамоллардан ҳимоя қилади ва экинларни униб чиқиши, ўсиш, ривожланиш учун яхши шароит вужудга келтиради (11.2.2.жадвал М.Н. Насриддинов маълумотлари).

Тупроқни шамол эрозиясидан ҳимоя қилишда алмашлаб экиш жуда катта аҳамиятга эга. Шамол эрозияси тарқалган минтақаларда, асосан, беда экини иштирокида қисқа ротацияли алмашлаб экиш, яъни 3:3, 3:4 тизимлар тавсия қилинади. Бунда 3 йил беда ва 3, 4 йил тўза, ғалла донли экинлар экилади. Биринчи йилги бедани бошоқ донли экинлар билан аралаш холда экиш яхши натижга беради.

Шамолнинг тезлиги ва ғўзанинг заарланишига экинли тўсиқнинг таъсири

Экинли тўсиқлар дан кейинги масофалар, м.	Ғўзанинг туб сони П\М да дона	Заар- ланмаган ўсим- ликлар, %	Заарланган даражаси,%			
			Кучиз	Ўртча	Кучли	Бутунлай йўқолган
Тўсиқ олди 5	288	100	-	-	-	-
10	275	98,25	1,75	-	-	-
15	272	97,2	2,8	-	-	-
Тўсиқсиз очиқ майдон	266	95,0	5,0	-	-	-
	140	50	5	15	10	20

Республиканинг кучли шамол эсадиган миңтақалари-нинг бир қисмида чириндига бой (1,5-3,0%), донадор (0,25-1,0 мм заррачалар миқдори 60-70%), механик таркиби оғир (физик лой миқдори 40-50%) тупроқлар қум остида кўмилиб қолган.

Бундай тупроқларни қум устига чиқариш учун маҳсус ағдарма плуглар билан 50-70 см чуқурликда ҳайдалади ва унумдор, эрозияга бардошли ҳайдалма қатlam вужудга келтирилади.

Агар тупроқларнинг остки қисмида бундай тупроқлар учрамайдиган бўлса шамол эрозиясига қарши зовурларни тозалаш натижасида чиқариб ташланган лойқа ва бошқа чиқиндилар (ўсимлик қслдиқлари, барглари, сомон, ва ҳ.) солинади. Бунда ҳар бир гектар майдонга 800-1000 т лойқа солиш ва бундай ерларни шудгор қилмасдан фақат юмшатиш керак. Профессор Қ. Мирзажонов ғўзани шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш учун чигитни 10-12 см чуқур эгатларга экишни, пушталарда эса 14-15 см узунликда ва ҳар метрда 170-200 дона эски оралиқ экинларнинг пояларини қолдириш усулини тавсия қилди.

Бу усулда кузда әгатлар олиниб пушталарга оралиқ әкинлари (кузги бүдой, арпа ёки жавдар) әкилади; баҳорда эса улар ўриб олиниб әгат чуқурликларига эса ғұза әкилади.

Кимёвий тадбирлар. Ихота ўрмонзорлари етарлича бўлмаган шамол эрозияси тарқалган миңтақаларда агромелиоратив тадбирлар билан бир қаторда кимёвий тадбирлар ҳам қўлланилади.

Шамол эрозиясига қарши ССБ, (спирт сульфатли қуйқа) ва латекс СКС - 65 ТП препаратлари қўлланилади. Бу препаратлар самолёт, вертолёт ёки ОВТ-1, ОВХ агрегатлари ёрдамида ер устига уруғ экиб бўлгандан кейин сепилади. Сепиш меъёри ССБ-250-350кг/га, СКС-65 ТП-200-250кг/га.

11.3. Ирригация эрозияси Нотўғри сугориш оқибатида тупроқнинг устки қатламини емирилишига ирригация эрозияси дейилади.

Ирригация эрозияси турли рельефли ерларда әкинларни әгатлаб сугориш техникаси (әгат узунлиги, чуқурлиги оралиғидаги масофа, әгатларга бериладиган сув миқдори)нинг нотўғри танланиши оқибатида юз беради.

Эрозия ҳажми сугориладиган далаларнинг нишаблигига, шаклига ва тупроқнинг хоссаларига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон шароитида 700 минг гектар ерда ирригация эрозияси учрайди. К.Мирзажоновнинг маълумотлари бўйича ирригация эрозияси натижасида 1 гектар ердан бир йил давомида 100-150 т. тупроқ, шу билан бирга 100-120 кг/га азот, 110-165 кг/га фосфор ва 0,8-1,0 т/га чиринди оқиб кетар экан. Ирригация эрозиясининг асосий олдини олиш тадбирларидан бири сугориш техникасини тўғри белгилашдир. Бундай эрозиянинг олдини олиш учун қуйидаги сугориш техника-ситавсия қилинади (11.3.1.жадвал Б.Қамбаров Қ. Мирзажонов маълумотлари).

Ирригация эрозиясини олдини олишда қўлланиладиган суғориш техникаси

Нишаблик	Эгат узунлиги, м	Эгат чуқурлигига см	Эгатларга сув бериш миқдори л/с	
			Суғоришнинг бошланинида	Сув эгат узунлигининг ярмидан ошганда.
2 ⁰ - 3 ⁰	150	10-12	0,07	0,10
3 ⁰ - 4 ⁰	150	10-12	0,06	0,08
4 ⁰ - 5 ⁰	100	10-12	0,10	0,15
5 ⁰ - 6 ⁰	100	10-12	0,05	0,10

Булардан ташқари, ирригация эрозиясининг олдини олиш учун асосий шудгор қияликка нисбатан кўндаланг ўтказилиши экинларни экиш ва эгатларни олиш умумий нишабликка нисбатан қиялатиб олиниши керак. Механик таркиби оғир сув ўтказувчанлиги кам бўлган тупроқларда эгат тубидан 18-20 см чуқурликда тилма-лаш (шель) ўтказилиши керак.

Шунингдек, барча нишабли ерларда экинларни оқовасиз суғориш, бир галги суғориш меъёрларини 2-3 марта-га бўлиб бериш, суғоришдан олдин эгат тубига ПГС ёки бошқа пуркагич аппаратлари ёрдамида К-4, К-9 полимерларини ўғитлаш билан бирга сепиши (ернинг нишаблиги 2⁰ гача бўлса 6кг/га, 2⁰-4⁰-бўлса 24 кг/га меъёрда) каби тадбирлар ҳам ижобий натижалар беради.

Умуман ирригация эрозиясига мойил ерларда замонавий суғориш усулларидан (ёмғирлатиб, томчилатиб) ва сувни тақсимлаш механизmlари билан жиҳозланган қаттиқ босимли ва эгилувчан қувурлардан фойдаланиш зарур.

Ирригация эрозиясига учраган ерларда қишлоқ хўяжалик экинларини юқори меъёрларда минерал ва органик ўғитлар билан озиқлантириш талаб қилинади. Бунда кучли даражада эрозияга учраган ерларда минерал ва органик ўғитларининг меъёрлари эрозияга учрамаган ерлардаги меъёрларга нисбатан 50%, ўртача даражада эрозияланган ерлардан эса 30%га оширилади.

Аксинча ювиб оқизиб келиб ётқизилган ерларда эса уларнинг меъёрлари 30-50% га камайтирилади.

Ирригация эрозиясига мойил ерларда гўза - беда алмашлаб экиш тизими ўта самаралидир. Бунда ювилмаган ерларда 3:6, ўртacha ювилган ерларда 3:4, кучли ювилган ерларда 3:3 ва ўртacha ювиб оқизиб ётқизилган ерларда эса 3:7 тизимли алмашлаб экиш жорий қилиниши керак.

12. СЕЛ ОҚИМИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИ

12.1. Ўзбекистонда сел оқими тарқалган худудлар ва селнинг қишлоқ хўжалигидаги зарапи.

Тоғ, тоғ олди ва адир миңтақаларида кучли жала қу-

йиши ёки қорларнинг жадал эриши натижасида қисқа муддатда катта тезлик билан лой, қум, шағал, тош аралаш ҳолда вужудга келган сув оқимига сел дейилади

Ўзбекистонда сел оқими Фарғона водийси, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Навоий ва Тошкент вилоятларининг тоғ худудларида кенг тарқалган. Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистон худудларида сел оқими деярлик кузатилмайди.

Юқорида келтирилган вилоятлар 4 та селдор худудга бўлинади:

1. Фарғона водийси;
2. Ўрта Сирдрё ҳавзаси;
3. Зарафшон ҳавзаси;
4. Жануби-Фарбий Ўзбекистон.

Ўрта Сирдарё ўлкаси Чирчик, Оҳангарон ҳавзаларида, Туркистон ва Нурота тоғларининг шимолий ён бағриларида ҳосил бўлган селларни ўз ичига олади.

Зарафшон ҳавзаси Нурота тоғларининг жанубий, Зарафшон тизмасининг шимолий ён бағриларидан ташкил топади.

Ўзбекистоннинг селдор ҳудудлари

Селдор Худудлари	Жильтга ва сойлар сони	1870-1990 йил ларда бўлган сел лар сони	Эти кўн селдор сойлар
Фарғона Водийси	270	1491	Понишоота, Ўвасой, Шоҳи- мардан, Чоргоқсой
Ўрта Сирдарё	-	660	Чирчиқ, Оҳангарон дарелари, Кагтасой, Сулуктасой, Томчисой, Зоминсой, Сангзор, Форашсой
Зарафшон	1200	966	Үргутсой, Омонқўйтонсой, Олтинсой, Майдонсой, Тосмачисой
Жанубий гар бий Ўзбекистон	5300	470	Гузордарё, Шерободдарё, Тўптаангдарё, Лангарсой, Бойсунсой

Фарғона водийсига Олой, Туркистон, Чотқол ва
Қурама тизмаларида пайдо бўлган селлар киради.

Жануби-Фарбий Ўзбекистон худудига Қашқадарё, Шерробод ва Сурхондарё ҳавзалари киради.

Селдор худудлардаги ҳавзаларни гидрографик тузилиши, сув режими ва сел ҳосил қилиш хусусиятларига қараб З групхга бўлинади (12.1.2-жадвал).

12.1.2-жадвал

Групхлар	Ҳавзанинш ўртacha дengиз сатҳидан баландлиги, м	Дарё нинг узун лиги, км.	Сув йигинш ҳав заси, кв/км.	Ўртacha Йиллик сув сағфи, м ³ /с.	Сел суви сағфи, м ³ /с.	Сел даври
1 Кичик дарёлар	2000-2500	75-220	5300	2-50	200-5000	Ап- рель- май
2 Тоғ сойлари	700-1500	10-100	30-1500	0,02-2,0	100-4000 —	Март июнь —
3 Канал тар	-	90-223	-	20-270	—	

Ушбу жадвал маълумотлари ўзни кўрсатадики, асосий сел манбалари кичик дарёлар ва тоғ сойлари ҳисобланниб, уларда сел оқими ўртacha йиллик сув сағфидан 100-2000 мартагача кўп бўлади.

Тоғ ён бағирлари ва дарёларнинг юқори террассалари бўйлаб ўтган магистрал каналларда ҳам сел оқими вужудга келиб туради.

Сел оқими қишлоқ хўжалигига жуда катта заар келтиради. Сел аҳоли яшайдиган жойларни, экин майдонларини, қишлоқ хўжалик биноларини, чорвачилик фермаларини, яйловларни, сув омборларини, сугориш иншооттарини, темир ва авто йўлларни, кўприкларни, дарё ўзанларини бузади, уларни лойқа, қум, шағал, тош ва бошқа турли аралашмалар билан кўмиб ташлайди. Сел оқими натижасида тупроқни ювиб кетилиши жуда кучли бўлади. Нишаблиги $2\text{-}4^0$ дан катта бўлган ерларда мавсумдаги сел оқими натижасида 20-50 т/га тупроқ ювилади.

Масалан, 1963 йил 7 июлда бўлиб ўтган сел натижасида Олмаота шаҳри яқинидаги 8000 йилдан буён мавжуд бўлган Иссиққўл кўмилиб қолди. Унинг узунлиги 2 км, кенглиги 600 м, чуқурлиги эса 57 м бўлган эди.

1964 йил Зарафшон ҳавзасидаги Олтинсойдан келган сел натижасида дарёда янги ўзанлар, жарликлар ҳосил бўлди, тепаликлар емирилди, каналлар ва бошқа жойлар лойқа билан тўлган.

1998 йил май ойида Шоҳимардонда бўлган сел ҳам жуда кўп талофат келтирди.

**12.2. Сел оқимининг Ўзбекистон Республикаси-
ҳосил бўлиш омиллари** нинг худуди жануби-шарқдан шимоли-ғарбга қараб чўзилган бўлиб, эни 925, узунлиги 1400 км, унинг умумий майдони $451,1 \text{ минг км}^2$. Республика из шимолда Қозогистон, жануби - ғарбда Туркманистон, жануби - шарқда Тожикистон, ғарбда Қирғизистон ва жанубда Афғонистон билан чегараланган.

Ўзбекистон майдонининг тўртдан уч қисми текислик ва паст текислик, тўртдан бир қисмини эса тоғ ва адирлар ташкил этади.

Ўзбекистон тоғлари Ўрта Осиёдаги Тяньшань ва Олой тизмаларининг давомидир.

Тяньшань тизмасига Коргинтоғ, Угам, Пском, Сандалаш, Чотқол ва Қурама тоғлари кириб, уларнинг ўртacha денгиз сатҳидан баландлиги 2500-3000 м. Олой тизмаларига Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғлари киради.

Туркистон тоғ тизмаси Фарғона водийсидаги Кўксув, Чумқор ва Моргузар тоғларини ва Нурота (Ғўбдинтоғ, Оқтоғ ва Қоратоғлар) тоғларини ўз ичига олади. Туркистон тоғ тизмаларининг баландлиги денгиз сатҳидан 3000-4000 м. баландdir.

Зарафшон тоғ тизмасига Чақилкалон, Қоратепа, Зира-булоқ, Зиёвуддин тоғлари кириб, уларнинг денгиз сатҳидан баландлиги 800-1200 м. ва айrim чўққилари 2000-3000 м. баландликка эга.

Ҳисор тоғ тизмаси жануби-ғарб томондаги Ҳазрати Сулаймон, Яккабоғ, Ғузор, Бойсун, Кузитанг, Сурхонтоғ ва Боботоғ тизмаларидан ташкил топган. Бу тоғларнинг денгиз сатҳидан баландлиги 2000-3700 м.

Юқорида келтирилган тоғ тизмалари Республика-мизнинг ғарбига борган сари пасайиб адирлар, текислик, паст текисликлар билан қўшилади. Буларга Қизилқум, Устюрт ва Амударё дельтаси киради.

Қизилқумда Қулжугтоғ, Букантоғ, Томдитоғ мавжуддир. Умуман Қизилқум денгиз сатҳидан 200-250 м. Баландликдадир (Қизилқумда денгиз сатҳидан 18 м. паст бўлган Мингбулоқ ботифи бор).

Амударё дельтаси Туюмўйиндан бошланиб шимоли-ғарбга йўналган. Бу текисликнинг денгиз сатҳидан баландлиги 50-150 м.

Устюрт паст - текислиги Республика-мизнинг шимоли-ғарбини ишғол қиласи ва унинг денгиз сатҳидан баландлиги 30-250 м. Фақат Сариқамиш чўкмаси денгиз сатҳидан 45 м. пастdir. Бу республикамиздаги энг пастлик жойдир.

Юқорида кўрсатилган ер сатҳининг тузилиши сел ҳодисаларињинг географик тарқалишига таъсир кўрса-

тади. Мураккаб төғ рельфи сув оқимининг тез-лигини оширишга, уларнинг водийларда тезроқ тўпла-нишига имкон беради.

Төғ рельфи сувнинг буғланиши, ер остига сингиши, транспирацияга сарф бўлишини камайтиради.

Селнинг вужудга келиши төғ жилғалари сойларининг геоморфологик тузилишига боғлиқдир. Ён - бағир ёки қояларнинг узунлиги, сув йиғилиш ҳавзаларининг кенглиги бу борада асосий ўринни эгаллайди. Ҳавзалардаги текисликнинг ошиши ва уларнинг узун дара ва зовурлардан ташкил топиши сув оқимини ва тупроқ емирилишини кучайтиради.

Нишаблик $2\text{-}3^0$ бўлса тупроқ кучсиз, $5\text{-}15^0$ бўлганда ўртача ва $15\text{-}25^0$ бўлганда эса кучли емирилиш юз беради. Агар нишаблик 25^0 дан катта бўлса төғ жинслари ер юзига чиқиб қолиши кузатилади.

Төғ ҳавзаларидаги ён бағирлар ва қояларнинг узунлиги ҳамда соҳилларнинг кенглиги ошиб бориши билан ҳам сел оқими ва тупроқ емирилиши кўпайиб боради. Масалан, А.Сайдовнинг маълумотлари бўйича ён бағирнинг узунлиги 2.5 марта ошганда емирилиш 34%, 4 марта ошганда 58% га кўпайган.

Сел оқимининг ривожланишига дарё водийларидаги турли чўқмалар, кенгайган, ботқоқланган жойлар ва кулларнинг бўлиши салбий таъсир кўрсатади.

Ҳавзаларнинг геологик тузилиши сел оқимини шаклланишида алоҳида ўрин эгаллайди. Агар ҳавзалар ғовак жинслардан (оҳак, долмит, мертел) ва механик таркиби енгил тупроқлардан ташкил топган бўлса, бундай жойларда гор, ўра, чўқма жойлар кўп бўлиб, улар сувни ер остига сингиб кетишини таъминлайди. Аксинча, ҳавзалар механик таркиби оғир жинслардан (гил) ташкил топган бўлса сел оқими кучли шаклланади.

Сел оқимининг содир бўлишида ўсимликлар қоплами ҳам катта роль ўйнайди. Улар ёғиннинг бир қисмини барг ва пояларда тутиб, унинг кучини пасайтиради, илдизлари орқали сувни ерга сингишини тезлаштиради,

ер юзасидаги ўсимлик қолдиқлари сувни ўзига ютиб олади. Кор эришини секин таштиради. Булардан ташқари дарахтлар ва буталар селнинг кучини ҳамда унинг тезлигини камайтиради.

Сел оқимини вужудга келишида атмосфера ёғинлари жуда катта аҳамиятга эга.

Ёғингарчилик миқдори Республикаиз ғарбидан шарққа қараб ўзгариб боради. Пасттекислик минтақаларида йиллик ёғингарчилик миқдори 80-200 мм, тоғ олди минтақаларида 300-500 мм, тоғларда эса 500-900 мм ни ташкил қиласи. Энг кўп ёғин баҳорда (30-50 %) ва қишда (25-40 %) бўлади. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики тоғ худудларда ёғингарчилик кўп бўлиб у сел оқимин вужудга келтиришда асосий омилдир.

12.3. Сел оқимининг олдини олиш ва қарши кураш тадбирлари

Сел оқимининг олдини олиш ва қарши курашиш учун агро-ўрмон агромелиорацияси ва гидротехник тадбирлар мажмуаси қўлланилади.

Агро-ўрмон ва агромелиорация тадбирлари, асосан, сел оқимини олдини олиш, гидротехника тадбирлари эса қарши курашда қўлланилади.

Агро-ўрмон тадбирлари тоғ ва тоғ ёнбағирларида супалар (террассалар) вужудга келтирилиб уларда кўп йиллик ўрмон дарахтларини барпо қилишни амалга оширади. Супалаштириш туфайли дарахтларга яхши шароит вужудга келади, улар тез ўсиб ривожланади, тупроқни мустаҳкамлайди, сув оқими ростланади, сел оқимини олди олинади.


Супалар кўтарма бўйлаб ўзанинг катталиги (умумий сув ўзанининг майдони) ва унинг нишаблигига боғлиқ ҳолда олинади. Бунда йиғилиб келинадиган сувнинг сатҳи супа кўтармасининг қиррасидан доимо 10-15 см пастда бўлиши ҳамда тўпланган сув ерга шимилиб ва супа узунлиги бўйича тақсимланиб кетиши керак.

Супалар орасидаги масофа ён бағирнинг қиялигига ва түпроқ-грунтнинг таркибиға қараб қуидагича бўлади (12.4.1-жадвал).

12.4.1-жадвал Погона-супалар орасидаги масофа, м

Жойнинг қиялиги	Түпроқ таркиби	
	қум	қумоқ
0,02	38	50
0,03	30	41
0,04	27	38
0,05	26	35
0,06	25	30
0,08	24	26
0,10	20	24
0,12	18	22

Қиялиги 0,02-0,12 бўлган ерларда погонали қия, қиялиги 0,12-0,25 гача бўлган ерларда погонали ётиқ ва қиялиги 0,25 дан катта бўлганда траншеяли, ариқли супалар олинади (12.3.1. ва 12.3.2-расмлар).



12.3.1-расм. Супаларга дарахт ўтказиш.

12.3.2-расм. Қиялиги катта ерлардаги погона-супаларда ариқ ва дарахтнинг жойланиши.

Супалар бульдозер ва рейдерлар ёрдамида олинади.

Агромелиоратив тадбирларда тоғ ва тоғ ёнбағирларида олинган супалардан дарахтлар остига ва ариқларига кўп йиллик ўтлар уруғини экиш, уларни парваришлаш, кенг

супаларда шудгорланган (5-10м) ва шудгорланмаган (1м) чуқур юмшатилган пояслар, нам түплаш әгатлари ҳосил қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, чорва моллари боқишини тартибга солиш каби ишларни ўз ичига олади.

Гидротехникавий тадбирлар сел оқими вужудга кела-диган ўзанларда ва ўзанларнинг олди қисмларида ҳамда тик нишабли ерларда, жарликларда маҳсус гидротехник иншоотлар қуришдир. Бундай иншоотларга жала сувларини оқизиб юборувчи ариқлар, дамбалар, тоштутгич иншоотлар (тош, бетон плиталар, дараҳт шохлари) киради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Атлас. Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари. Тошкент - 2001 й.
2. Ахмедов Х. А. Зах қочириш мелиорацияси, Т. Ўқитувчи. 1975 й.
3. Беспалов Н. Ф., Норқулов У др. "Пути интенцификации мелиорации засолёных земель Средней Азии" Т. Фан. 1986 г.
4. Лев Т. В, Граматович М. К. Дренаж на засолённых землях Узбекистана. Т. Мехнат. 1987 г.
5. Лев В. Т. Орошающее землиделие Ўқитувчи. 1981 г.
6. Нерозинн А. Е. Сельскохозяйственные мелиорации. Ўқитувчи. 1974 г.
7. Ерхов Н. С. и др. Мелиорация земель М. 1991 г.
8. Панков М. А. Мелиоративное почвоведение. Т. Ўқитувчи. 1974 г.
9. Пахтакорлар справочники; Т. 1989 й.
10. Пахтакорлар учун маълумотнома; Т. 1993 й.
11. Рахимбоев Ф.М, Хамидов М.-Қишлоқ хўжалик мелиорацияси. Т. Ўзбекистон 1996 й.
12. Рахимбоев Ф.М. Гидротехникадан русча-ўзбекча қисқача изоҳли лугат. Т. Ўқитувчи. 1996 й.
13. Толипов F. A. ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси ер кадастри. Т. 1994 й.
14. Қишлоқ хўжалигига ислоҳатларни чуқурлаширишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т. 1998 й.
15. Энциклонедия хлопководства. I-II Т. 1985 г.
16. Эрматов А. Суғориладиган дехқончилик Т. 1983 й.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Кириш	5
Ўзбекистон Республикаси ерларининг мелиоратив ҳолати	7
Мелиорация фани	16
Мелиорациянинг мақсади ва вазифаси	17
Мелиорациянинг ривожланиши ва истиқболи	20
Шўрланган ва ботқоқланган ерлар	23
Тузларнинг асосий манбалари ва шўр тупроқ- ларнинг вужудга келиши	23
Тупроқнинг мелиоратив ҳолатига табиий шароитларнинг таъсири	27
Ернинг мелиоратив ҳолатига ирригация- хўжалик шароитининг таъсири	33
Шўрланган тупроқларнинг турлари ва хоссалари	37
Тузларнинг қишлоқ хўжалик әкинларига таъсири	45
Экинларнинг туз таъсирига чидамлилиги ва тупроқ таркибида тузларнинг йўл қўйилади-ган миқдори	53
Сизот сувлар тартиби, баланси ва сатҳининг мақбул чуқурлиги	56
Сизот сувларнинг минераллашганлиги	63
Сизот сув сатҳининг мақбул чуқурлиги	65
Сизот сувнинг мувозанати	68
Шўрланган ва ботқоқланган ерлар мелиорация	70
Сугориладиган ерларни мелиоратив, иқлим- тупроқ ва гидромодуль жиҳатдан худудларга бўлиниш тартиби.....	70
Сугориладиган ерларни мелиоратив жиҳатдан назорат қилиш	75
Тупроқни мелиоратив ҳолатини туз мувозанати	

Бўйича аниқлаш	78
Шўрланиш картограммаларини тузиш	80
тартиби.....	
Тупроқнинг шўрланиш ва ботқоқланишини	83
олдини олиш тадбирлари	85
Сув-хўжалик тадбирлари	107
Агромелиоратив тадбирлар	
Тупроқнинг шўрланиши ва ботқоқланишига	136
қарши кураш тадбирлар	136
Шўр ювишнинг мақсади, вазифаси ва тури	
Шўр ювиш самарадорлигига таъсир қиладиган	141
омиллар.....	
Шўр ювиш меъёрлари ва муддатлари	145
Тупроқни ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш	
усуллари	152
Гидромелиорация тадбирлари. Сугориладиган	
ерларни зовурлаштириш	156
Очиқ зовурлар	157
Муваққат саёз зовурлар.	170
Ёпиқ зовурлар	172
Тик зовурлар	177
Коллектор-зовур тармоқларидан фойдаланиш	180
Коллектор-зовур тармоқларини таъмирлаш	183
Шўрҳок ва шўрҳоксимон, шўртоб ва шўртобли,	
мелиорация жиҳатидан оғир тупроқларни	
ўзлаштириш	184
Кучсиз ва ўртача шўрланган ерларни	
зовурлаштирилган шароитда қузги-қишки шўр	
ювиш усули билан ўзлаштириш	186
Кучли шўрланган ва шўрхок тупроқларни	
жадал зовурлаштирилган шароитда шоли экиб	
шўрини ювиш усули билан ўзлаштириш	191
Мелиорация жиҳатдан оғир тупроқларни	
ўзлаштириш	195
Тупроқни чуқур юмшатиш ва муваққат	
зовурлардан фойдаланиш	196
Кимёвий ва органик моддалардан фойдаланиш	
	198

Мелиорация жиҳатдан оғир тупроқларни ўзлаштиришда экиладиган дастлабки экинлар ва алмашлаб экиш тизими	201
Қум ва қумоқ тупроқларни ўзлаштириш	205
Тупроқ эрозияси, уни олдини олиш ва қарши кураш тадбирлари	217
Сув эрозияси	217
Шамол эрозияси	222
Ирригация эрозияси	226
Сел оқими ва унинг олдини олиш ҳамда қарши кураш тадбирлари	228
Ўзбекистонда сел оқими тарқалган худудлар ва селнинг қишлоқ хўжалигидаги зарари	228
Сел оқимининг ҳосил бўлиш омиллари	230
Сел оқимини олдини олиш ва қарши кураш тадбирлари	233

Усмон Норкулов, Ҳамидулла Шералиев

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
МЕЛИОРАЦИЯСИ**

Дарслик

Ўзбек тилида

Муҳаррир: Ортиқбой Ҳудойбердиев

Мусаҳҳих: Фазлиддин Коракулов

Босишига рухсат этилди 10. 04. 2003 йил.

Бичими(60x84)1/32. Шартли босма табоги 18, 0. Нашр

босма табоги 18,25. Адади 1000 нусха. Буюртма№ 5.

Баҳоси шартнома асосида.

**@"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат
илмий нашриёти, 2003 йил.**

**Ўзбекистон Республикаси матбуот қўмитасининг рухсатнома-
сига асосан Тошкент Давлат аграр университетининг нашр
таҳририяти бўлимининг РИЗОГРАФ аппаратида чоп этилди.**

Тошкент - 140, Университет кўчаси, 1 - уй, ТошДАУ.

2000

